

Абдурраҳмон ал-Моликий

ЖАЗОЛАР НИЗОМИ

Абдурраҳмон ал-Моликий. Ҷазолар низоми
Ўзбек тилидаги биринчи наشري
1426ҳ - 2005м

Мундарижа

Кириш ояти	6
Жазолар низоми	7
Жазолар	7
Жазога лойиқ ишлар	12
Жазонинг турлари	14
Биринчи боб	20
Ҳадлар	20
Зинонинг ҳади	28
Зинонинг исботи	37
Баччавозлик ҳади	46
Аёлнинг орқасига жинсий муносабат қилишнинг ҳукми	50
Тухмат ҳади	55
Ароқхўрнинг ҳади	58
Ароқхўр жазосининг миқдори	61
Ўғирлик ҳади	72
Қўл кесилмайдиган ўринлар	81
Кесилиш миқдори	83
Ўғирлик ҳади Оллоҳнинг ҳаққидир	85
Қароқчилар ҳади	90
Богий (тажовузкор)ларнинг ҳади	95
Богий (тажовузкор)ларнинг кофирлардан ёрдам сўраши	98
Муртаднинг ҳади	100
Муртаднинг моллари	104
Иккинчи боб	105
Жиноятлар	105
Қотилликнинг турлари	107
Қасдан қилинган қотиллик	107
Қасдан қилинган қотилликнинг жазоси	108
Қасос	110

Яримқасддан қилинган қотиллик	120
Яримқасддан қилинган қотилликнинг жазоси...	120
Бехосдан қилинган қотиллик	122
Бехосдансимон қилинган қотиллик.....	124
Қотилликнинг ҳужжати	125
Қотилликнинг шериги ва ёрдамчиси	131
Қотилни ўлдириш тарзи	133
Хун ҳақи	135
Хун ҳақини тўлаш кимларга вожиб.....	143
Ҳомиланинг хун ҳақи	148
Жондан бошқа жойга шикаст етказиш жинояти	150
Инсон аъзолари ва суяқларининг товони	163
Бошдаги аъзолар	164
Бошдан бошқа аъзолар.....	171
Бош ёриш жазоси	176
Жароҳат жазоси	177
Учинчи боб	180
Таъзир.....	180
Таъзирга оид жазо турлари.....	186
Таъзир воқеалари ва у учун табанний қилинган жазолар	206
Таъзир воқеаларининг турлари.....	210
Шаънга тажовуз қилиш	211
Ҳаёга зид бўлган ишлар	211
Олиб қочиш	212
Одобга хилоф ишлар	212
Уйланишга алоқадор ишлар.....	213
Қадр-қимматга тажовуз қилиш: қораламоқ, обрўсини тўкмоқ, ҳақорат қилмоқ.....	214
Ақлга озор берадиган ишни қилиш	216
Мол-мулкларга тажовуз қилиш. Кўчма моллар.....	217
Қаллоблик ва товламачилик.....	218
Омонат молга хиёнат қилиш	219
Муомалалардаги товламачилик	219
Банкротлик (синиш, хонавайронлик)	219
Босқинчилик.....	220

Молга тажовуз қилишнинг бошқа турлари	220
Тинчликка раҳна солиш	221
Зуравонликлар	221
Давлат хавфсизлигига ёзма ва оғзаки халақит қилиш	221
Уюшмалар	221
Жосуслик.....	222
Агентлар	222
Фитна уюштириш	222
Динни таҳқирлайдиган ишни қилиш	223
Таъзирнинг бошқа турлари	224
Таъзирнинг қолган турлари	224
Тўртинчи боб	225
Қонунбузарликлар	225
Қонунбузарлик турлари	225
Кечириш	226

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ
يَا أُولِي الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

«Сизлар учун қасосда ҳаёт
бор, эй аҳли донишлар!
Шояд (жиноятлардан)
сақлансангизлар».

صدق الله العظيم

ЖАЗОЛАР НИЗОМИ

ЖАЗОЛАР

Одамларни жиноятлардан тийиш учун жазолар қонунлаштирилган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар!“ [2:179]
Яъни, сизлар учун қасоснинг қонунлаштирилишида, бошқачароқ қилиб айтганда, қотилнинг ўлдирилишида катта ҳикмат бор. У ҳам бўлса жонларнинг сақланиб қолишидир. Чунки агар қотил ўзининг ҳам ўлдирилишини билганида, бу ишдан тийилган бўларди, бир жон увол бўлмасди. Ақлли одам бировни ўлдириш ўзининг ҳам ўлдирилишига олиб келишини билгач, кўпинча бу ишга қадам босмайди. Бошқа ишларда ҳам шундай бўлади. Хуллас, жазо жиноятнинг олдини олувчи омилдир.

Жиноят жирканч ишдир. Жирканчлиликни шариат белгилайди. Қайси бир ишнинг жирканч эканига шариатдан ҳужжат келтирилгандагина у жиноят, деб эътибор қилинади. Жирканчлиликнинг даражаси, катта ё кичиклиги инобатга олинмайди. Шариат жирканч ишни жазога лойиқ бўлган гуноҳ, деб белгилади. Демак, гуноҳ жиноятнинг айнан ўзидир.

Жиноят инсоннинг табиатида мавжуд бўлган нарса ҳам, меҳнат билан эришиладиган касб ҳам, касаллик ҳам эмас. У инсоннинг Парвардигори билан, ўзи билан ва одамларнинг бир-бирлари билан бўладиган муносабатларидаги ишларни тартибга солиб турувчи низомни бузишдир. Тафсилотга ўтадиган бўлсак, инсонни яратган Оллоҳ Таоло унда ғаризаларни ва узвий эҳтиёжларни ҳам яратган. Бу нарсалар инсондаги жонли тоқатлар бўлиб, ўзларини қондириши учун уни ҳаракат қилишга ундайдилар. Натижада инсон уларни қондириш учун ишга киришади. Агар бу қондириш низомсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бебошлик, изтиробга, хато ёки ғайри табиий қондирилишга олиб боради. Оллоҳ шаръий ҳукмлар билан инсоннинг амалларини тартибга солганидек, бу ғаризалар ва узвий эҳтиёжларни қондиришни ҳам тартибга солган. Исломий

шариат инсонда рўй берадиган ҳар бир ҳодисага нисбатан ўз ҳукмини айтиб ўтган, ҳалол ва ҳаромни белгилаган. Шунинг учун шариат буйруқлар ва тақиқларни чиқариб, инсонга буйруқларни бажариш ва тақиқлардан тийилишни юклаган. Юкни кўтармаган киши жирканч иш қилган, яъни жиноят содир этган ҳисобланади. Одамлар Оллоҳнинг буйруқларини бажаришлари ва тақиқларидан тийилишлари учун жиноятнинг жазоси бўлиши лозим. Усиз буйруқ ва тақиқнинг маъноси қолмайди. Исломий шариат жиноятларнинг ухровий ва дунёвий жазолари бўлишини баён қилган. Ухровий жазо Оллоҳ Таолонинг қиёмат кунда жиноятчини жазолаб, унга азоб беришидир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يُعْرِفُ الْمَجْرِمُونَ بِسِيمَاهُمْ فَيُؤْخَذُ بِالتَّوَاصِي وَالْأَقْدَامِ﴾

– „*Чунки у Кунда* жиноятчи-осий кимсалар сиймо-белгиларидан танилиб, пешона ва оёқларидан олинурлар (ва жаҳаннамга отилурлар)!“.

[55:41]

Яна айтади:

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ﴾

– „*Кофир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки...*“.

[35:36]

Буюк Оллоҳ яна айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿١٠﴾ يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وَظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنْزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْنِزُونَ﴾

– „*Олтин-кумушни босиб уни Оллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг! У кунда (Қиёматда) ўша (олтин-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: «Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мевасини тотиб кўринглар» (дейилур)*“.

[9:34,35]

Улуғ Оллоҳ яна айтади:

﴿وَإِنَّ لِلطَّاعِينَ لَشَرًّا مَّابٍ ﴿١١﴾ جَهَنَّمَ يَصَلُّونَهَا فَبِسِّ الْمِهَادُ﴾

– „(Энди) ҳеч шак-шубҳасиз ҳаддан ошгувчи-туғёнга тушгувчи кимсалар учун энг ёмон оқибат - улар кирадиган жаҳаннам бордир. Бас, нақадар ёмон жой у!“ [38:55,56]

Оллоҳ гуноҳкорларга азоб ваъда қилиш билан бирга хоҳлаган одамани кечириб юбориши мумкинлигини ҳам уқтиради. Улуғ зот айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ﴾

– „Албатта Оллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур“. [4:48]

Далиллар умумийликни ифодалагани боис уларнинг тавбаси қабул қилинади.

Дунёвий жазони эса Оллоҳнинг ҳадларини адо этиш, жиноят, таъзир ва қонунбузарлик ҳукмларини бажариш билан имом (халифа) ёки унинг ноиби, яъни давлат беради. Дунёвий жазо ухровий жазони соқит қилади. Демак, жазо посбон ва халоскордир. Посбонлиги шундаки, у инсонни гуноҳ қилишдан, жиноят содир этишдан тияди, қўриқлайди. Халоскорлиги шундаки, дунёвий жазо ухровий жазодан халос этади. Бунга далил Бухорийнинг Убода ибн Сомит رضي الله عنه дан қилган мана бу ривояти: Пайғамбар ﷺнинг олдиларида ўтирган эдик. У киши:

«كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَجْلِسٍ فَقَالَ بَايَعُونِي عَلَى أَنْ لَا تُشْرِكُوا بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا تَسْرِقُوا وَلَا تَزْنُوا وَقَرَأَ هَذِهِ آيَةَ كَلَّمَهَا فَمَنْ وَفَى مِنْكُمْ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَعُوقِبَ بِهِ فَهُوَ كَفَّارَتُهُ وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَسَتَرَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ»

«Менга Оллоҳга ҳеч нарсани шерик этмаслик, ўғирлик ва зино қилмасликка байъат беринглар» деб, ушбу оятнинг ҳаммасини ўқидилар-да: «Қайси бирингиз тула адо этсангиз, унинг савобини Оллоҳ беради, кимки улардан бирини қилиб қўйса ва жазоланса, олган жазоси гуноҳининг каффоратидир, кимки улардан бирини қилиб қўйса ва унинг айбини Оллоҳ беркитса, (унинг иши Оллоҳга ҳавола) - хоҳласа мағфират қилади, хоҳласа азоблайди», дедилар. Бу ҳадис дунёвий жазонинг ухровий жазони соқит қилишига очиқ

далолат қилиб турибди. Шунга кўра, Моиз ҳам, Гомидия ҳам, Жуҳайна қабиласидан бўлган аёл ҳам зино қилганларини эътироф этиб, ўлгунларига қадар тошбўрон қилиндилар. Пайғамбар ﷺ жуҳайналик аёл хусусида шундай деган эдилар:

«لَقَدْ تَابَتْ تَوْبَةً لَوْ قَسِمَتْ بَيْنَ سَبْعِينَ مِنْ أَهْلِ الْمَدِينَةِ لَوَسِعَتْهُمْ»

«У шундай тавба қилдики, агар Мадина аҳлидан етмиштасига тақсимланганида ҳам етган бўларди». Улар ухровий жазодан қутулиш учун давлат тарафидан бериладиган дунёвий жазога рози бўлиб, ўз жинойтларини эътироф этганлар. Шунинг учун ҳам Гомидия Пайғамбар ﷺга:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ طَهَّرْنِي»

«Эй Расулаллоҳ, мени покланг», деган. Кўпчилик мусулмонлар Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, дунёвий ҳад-жазо белгилашларини сўраб, қилган жинойтларини тан олганлар. Улар ухровий азобдан халос бўлиш учун дунёдаги ҳад, қасос азобларини кўтарганлар. Зеро, дунёвий азоб ухровий азобдан енгилроқдир. Шунга асосан жазо посбон ва халоскордир.

Гуноҳлар ва жинойтларга давлат тарафидан жазо тайинланиши Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларини ижро этишнинг ягона йўлидир. Оллоҳ Таоло муайян ҳукмларни ижро этилиши учун чиқарган. Улар жазолаш ҳукмларидир. Масалан, бировнинг молига кўз олайтиришдан сақланишни буюрган. Пайғамбар ﷺ бир ҳадисларида:

«لَا يَحِلُّ مَالٌ أَمْرِيٍّ مُسْلِمٍ إِلَّا بِطَيْبِ نَفْسِهِ»

«Мусулмон кишининг моли ўзининг розилигисиз ҳалол бўлмайди», деган бўлсалар, яна бир ҳадисларида:

«إِنَّ دِمَائَكُمْ وَأَمْوَالَكُمْ عَلَيْكُمْ حَرَامٌ»

«Қонинглар ва молинглар сизларга ҳаромдир», деганлар. Оллоҳнинг мана шу буйруғини ижро этиш учун қўлни кесиш ҳукми қонунлаштирилган. Яна бир мисол: Оллоҳ Таоло зинодан қайтариб:

«وَلَا تَقْرُبُوا الزِّنَىٰ»

– „Зинога яқинлашманглар!“

[17:32]

деган. Оллоҳнинг мана шу тақиқини ижро этиш учун дарра уриш ва тошбўрон қилиш ҳукмлари қонунлаштирилган. Шундай қилиб, барча буйруқлар ва тақиқларни ижро этиш йўли уларга амал қилмаган одамга давлат тарафидан жазо тайинланишидир.

ЖАЗОГА ЛОЙИҚ ИШЛАР

Жазога лойиқ ишлар - фарзни бажармаслик, ҳаром ишни қилиш ҳамда давлат чиқарган буйруқ ва тақиқларга риоя этмаслик. Шу уч ишдан бошқа иш жазога лойиқ эмас. Негаки бандаларнинг ишларига алоқадор шаръий ҳукмлар беш хил бўлиб, улар: фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром ва макруҳдир. Қатъий буюрилган иш фарздир. Буюрилиши қатъий бўлмаган иш мандубдир. Қилиш ва қилмаслик ихтиёрли бўлган иш мубоҳдир. Қатъий тақиқланган иш ҳаромдир. Тақиқланиши қатъий бўлмаган иш макруҳдир. Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло қатъий буюрилган ва қатъий тақиқланган ишга риоя этмаган одамни жазолайди. Ундан бошқасини жазоламайди. Масалан, мандуб амални қилмаган ёки макруҳ амални қилган кишига жазо йўқ. Мубоҳ амални қилган кишига ҳам, қилмаган кишига ҳам жазо йўқлиги-ку кундек равшан. Зеро, Оллоҳ Ўзининг буйруқ ва тақиқларига риоя этмаган одамларга, бир сўз билан айтганда гуноҳкорларга таҳдид қилади. Оллоҳ айтади:

﴿وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَإِنَّ لَهُ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدًا فِيهَا أَبَدًا﴾

– „Кимки Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас, албатта унинг учун жаҳаннам олови бордир. (Ундай кимсалар) ўша жойда мангу қолурлар“.

[72:23]

Яна айтади:

﴿وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ

﴿مُهِينٌ﴾

– „Ким Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилиб Оллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир“.

[4:14]

Демак, таҳдид гуноҳкорларга қаратилади. Мандуб ишни қилмаган ва макруҳ ишни қилган киши гуноҳкор эмас. Чунки бу ишлардаги буйруқ ва тақиқ қатъий эмас. Модомики у гуноҳкор эмас экан, жазоланмаслиги табиий. Мубоҳ, мандуб ва макруҳ ишни қилган кишини ҳам Оллоҳ жазоламайди. Оллоҳ жазолаганидан кейин қандай қилиб давлат жазоласин?! Давлатнинг жазолари Оллоҳ тарафидан белгиланган бўлади, бошқачароқ қилиб айтганда, давлат ҳам ҳаром амални қилган

ёки фарз амални бажармаган кишинигина жазолайди, холос. Унинг Худо томонидан белгиланмаган жазолари таъзир билан чеклангандир. Таъзир ҳади ва каффорати бўлмаган гуноҳга белгиланган жазодир. У ҳам фақат гуноҳларгагина алоқадордир. Мандуб, макруҳ ва мубоҳ амаллар унга кирмайди. Чунки улар гуноҳ ҳисобланмайди. Қонунбузарлик эса гуноҳдир. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَمَنْ يَعِصِ الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي»

«Ким амирга осийлик қилса, демак, менга осийлик қилибди», деганлар. Шунга асосан, қонунбузарликка жазо тайинланиши гуноҳга жазо тайинланишидир. Хуллас, фақат гуноҳларгагина жазо тайинланади. Гуноҳ бўлмаган ишга жазо йўқ. Шунга кўра, мандуб амални бажармаган ёки макруҳ ишни қилган киши, ҳатто мўминлар амири буюрган тақдирда ҳам жазоланмайди. Чунки унинг буйруғи бир ишни фарз ёки ҳаромга айлантиролмайди. Унинг вазифаси бор-йўғи бир неча шаръий фикрлар тўғри келиб қолганида улардан бирини қабул қилиб олиб, одамларни унга бўйсундиришдир, холос. Бу унинг эмас, шариатнинг буйруғи ҳисобланади. Буйруқ Оллоҳнинг буйруғи бўлиб, ҳукм шариатнинг ҳукми бўлиб қолаверади. Шунга кўра, жазога лойиқ бўлган ишлар икки амал билан чеклангандир. Улар фарз амалини бажармаслик ва ҳаром ишни қилишдир.

ЖАЗОНИНГ ТУРЛАРИ

Жазолар тўрт хил бўлади: ҳадлар, жиноятлар, таъзир ва қонунбузарликлар. Оллоҳнинг ҳаққи туфайли белгиланган жазолар ҳадлардир. Унинг ҳад (чек, чегара) деб номланишига сабаб шуки, у одамни чегарадан - ўша гуноҳ тарафга ўтишдан қайтаради. Ҳад сўзи гуноҳ маъносида ҳам қўлланади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا﴾

– „Булар (юқорида мазкур бўлган ҳукмлар) Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашманглар“. [2:187]

Айни пайтда шу гуноҳнинг жазоси маъносида ҳам ишлатилади. У фақат Оллоҳнинг ҳаққи бўлган ишлардаги гуноҳларгагина хосдир. Унинг борасида ҳатто ҳоким тарафидан ҳам кечириш деган нарса бўлмайди. Чунки у Оллоҳнинг ҳаққидир. Биронта ҳам одам биронта ҳам ҳолатда уни соқит қилолмайди.

Жиноят сўзи қасос ёки тўловни келтириб чиқарадиган баданга қилинадиган тажовуздир. У жонга қилинган тажовузни ҳам, бошқа аъзога қилинган тажовузни ҳам ўз ичига олади. Бу ерда ундан мурод шу тажовузга тайинланган жазодир. Бу жазода банданинг ҳаққи бор. Шундай бўлгач, унинг кечиришга ҳам ҳаққи бор. Оллоҳ Таоло:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى﴾

– „... сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди“, [2:178]
деб туриб, орқасидан:

﴿فَمَنْ عَفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ﴾

– „Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса)“, [2:178]

дейди. Яъни кимники, хун эгаларидан бўлган диндош биродари кечирса. Бу оят жиноятларда ҳақдорнинг ўз ҳаққидан воз кечиши, кечириши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ҳақдорнинг кечириши жоизлигини баён қилувчи кўпгина ҳадислар ҳам ворид бўлган. Абу Шурайх Ҳузойининг ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أُصِيبَ بَدَمٍ أَوْ خَبَلٍ وَالْخَبْلُ الْجُرْحُ فَهُوَ بِالْخِيَارِ بَيْنَ إِحْدَى ثَلَاثٍ: إِمَّا أَنْ يَقْتَصَّ وَإِمَّا أَنْ يَعْفُوَ وَإِمَّا أَنْ يَأْخُذَ الدِّيَةَ فَإِنْ أَرَادَ الرَّابِعَةَ فَخُذُوا عَلَيَّ يَدِيهِ»

«Кимки қон тукилиши ёки жароҳатланиш мусибатига учраса, уч ишда ихтиёрлидир: ё қасос олсин, ё товон олсин ёки кечирсин. Агар тўртинчисини хоҳлайдиган бўлса, қўлидан тутиб қолинглар». Абу Ҳурайранинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَا عَفَا رَجُلٌ عَنْ مَظْلَمَةٍ إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهِ عِزًّا»

«Қайси бир киши бир зулмни кечирса, шу иши туфайли Оллоҳ унинг азизлигини зиёда қилиши аниқ», деганлар. Анадан ривоят қилинади:

«مَا رُفِعَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمْرٌ فِيهِ الْقِصَاصُ إِلَّا أَمَرَ فِيهِ بِالْعَفْوِ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига қасосга алоқадор иш кутариб келинса, доим кечиришга буюрардилар» (кечиришни маслаҳат берардилар). Шуларнинг ҳаммаси кечиришнинг жоизлигига далиллардир. Модомики бу ишларда Оллоҳнинг ҳаққи йўқ экан, ҳақдорнинг кечириши билан ҳоким ҳам батамом кечиришга мажбур. Бу жиноятларда фуқаролар оммасининг ҳам хавфсизлик деган ҳақлари бор, дейилмайди. Бундай дейиш учун ҳужжат керак. Ҳужжат эса йўқ. Саҳобалар ﷺ даврида ҳақдор жиноятчини кечирса, жазо бекор қилинган. Табаронийдан:

«أَنَّ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَتَى بِرَجُلٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ قَتَلَ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الذِّمَّةِ فَقَامَتْ عَلَيْهِ الْبَيْتَةُ فَأَمَرَ بِقَتْلِهِ، فَجَاءَ أَخُوهُ فَقَالَ: إِنِّي قَدْ عَفَوْتُ، قَالَ: فَلَعَلَّهُمْ هَدَدُوكَ وَفَرَقُوكَ وَقَرَعُوكَ؟ قَالَ: لَا وَلَكِنَّ قَتَلَهُ لَا يَرُدُّ عَلَيَّ أَخِي وَعَرَضُوا لِي وَرَضَيْتُ، قَالَ: أَنْتَ أَعْلَمُ، مَنْ كَانَ لَهُ ذِمَّتُنَا فَدَمُهُ كَدِمْنَا وَدِيَتُهُ كَدَيْتَنَا»

«Алий ﷺнинг олдига бир аҳли зиммани ўлдирган бир мусулмон олиб келинди. Қилмиши исботлангач, уни ўлимга буюрди. Майитнинг акаси келиб, мен кечирдим, деди. Алий ﷺ: «Сени қўрқитишмадими, сенга таҳдид солишмадими, дағдаға қилишмадими?» деб сўради. У:

«Йўқ, лекин бунинг ўлими менга укамни қайтариб бермайди-ку, мендан илтимос қилишган эди, мен рози бўлдим», деб жавоб берди. Шунда Алий رضي الله عنه: «Ўзинг биласан, ким бизнинг зиммамизда бўлса, унинг қони бизнинг қонимиз, унинг товони бизнинг товонимиздир», деди». Бу воқеа ҳақдорнинг жиноятчини кечирishi жазони бекор қилишига далолат қилади.

Ҳад ҳам, каффорат ҳам бўлмаган гуноҳга жазо тайинлаш таъзир, дейилади. Қилинган гуноҳга қаралади. Агар Оллоҳ унга муайян жазо - ҳад ёки каффорат тайинлаган бўлса, ўша жазо қўлланади. Ундай бўлмаса, таъзир жазоси берилади. Масалан, баданга тажовуз қилинганда таъзир жазоси қўлланмайди. Чунки унинг жазоларини Шорей (Қонун Чиқарувчи, яъни Оллоҳ Таоло) баён қилган.

Таъзир ҳадлар ва жиноятлардан фарқ қилади. Ҳад ва жиноят Қонун Чиқарувчи тарафидан белгиланган, тайинланган жазодир. Уни ўзгартирмасдан, оширмасдан, камайтирмасдан, худди ўзидек ижро этиш лозим. Таъзир эса аниқ белгиланмаган жазодир. Уни ўзидек ижро этиш лозим эмас. Бундан ташқари, ҳад ва жиноятда ҳокимнинг кечирishiга, жазони бекор қилишга ҳаққи йўқ. Жиноятда фақат ҳақдор кечирishi мумкин. Таъзирда эса кечирishi ҳам, жазони бекор қилиш ҳам жоиз. Пайғамбар صلى الله عليه وسلم бу тақсимот Оллоҳнинг юзи учун бўлмади, деган одамга таъзир бермадилар, уни кечирдилар. Ҳолбуки, у жазога лойиқ бўлган гуноҳни содир этганди. Яна бир фарқ шундаки, ҳад ва жиноят одамларга қараб фарқланмайди. Улар ҳамма учун баробар. Таъзир эса одамларга қараб фарқланиши мумкин. Унда муқаддам гуноҳ қилмаганлик, ўзини яхши тутиб юрган бўлишлик каби сифатлар инobatга олинади. Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«أَقْبِلُوا ذَوِي الْهَيْئَاتِ عَثْرَاتِهِمْ إِلَّا الْحُدُودَ»

«Ўзини яхши тутиб юрганларнинг тойилишларини кечиринглар, лекин ҳадларни эмас», деганлар. Тойилишлардан мурод Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларига риоя этмаслик. Чунки унинг давомида

«إِلَّا الْحُدُودَ»

«Лекин ҳадларни эмас», дейиляпти. Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«الْأَنْصَارُ كَرِشِي وَعَيْتِي وَالنَّاسُ سَيِّكْثُرُونَ وَيَقْلُونَ فَأَقْبِلُوا مِنْ مُحْسِنِهِمْ
وَتَجَاوَزُوا عَنْ مُسِيئِهِمْ»

«Ансорлар менинг жамоатим ва васийларимдир. Одамлар (гоҳида) кўп, (гоҳида эса) оз (риоя) қиладилар. Уларнинг яхшиларини қабул қилиб, ёмонларидан кўз юминглар». Кўз юмишдан мақсад афв этишдир. Ёмон гуноҳкор деганидир. Шу далиллар таъзирнинг одамларнинг ҳолатлари ва шароитларига қараб ҳар хил бўлиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Демак, бир шахс бир гуноҳ туфайли қамалиши, иккинчи бир шахс эса худди шу гуноҳ туфайли огоҳлантирилиши, танбеҳ ёки ҳайфсан олиши мумкин экан.

Қонунбузарлик ҳокимият қонунларига риоя қилмаган кишига ҳокимнинг берадиган жазосидир. Бунда халифанинг ўзи бўладими, муовинлари бўладими, волийлар бўладими ёки ҳокимият ишида ишлайдиган, буйруқ бериш ваколатига эга бўлган амалдор шахслар бўладими, фарқи йўқ. Бу жазо қонунбузарликнинг жазосидир. Бу сўз қилинган жиноятнинг ўзига ҳам қўлланади. Демак, қонунбузарлик сўзи қонунбузарлик қилиш маъносида ҳам, унга бериладиган жазо маъносида ҳам ишлатилаверади. Бу ишнинг Қонун Чиқарувчи буюрган жазолардан бири бўлишига сабаб шуки, бошлиққа итоат этмаслик гуноҳдир. Оллоҳ бошлиқларга итоат этишни буюрган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

— *„... Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!“* [4:59]

Ҳадисларда ҳам шунга буюрилган. Умму Ҳасин Ахмасийя ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَإِنِ أَمْرٌ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ مَا أَقَامَ فِيكُمْ كِتَابَ اللَّهِ﴾

«Модомики Оллоҳнинг Китоби билан иш юритар экан, сизларга бир ҳабаш қул амир бўлса ҳам унга қулоқ солиб, итоат этинглар». Анас ﷺ ривоятида Пайғамбар ﷺ:

﴿اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَإِنِ اسْتَعْمَلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ كَانَ رَأْسَهُ زَبِيئَةً﴾

«Боши худди қора майиздек кўринадиган бир ҳабаш қул сизларга бошлиқ бўлса ҳам унга қулоқ солиб, итоат

этинглар», деганлар. Бу оят ва ҳадислар хоҳ волий бўлсин, хоҳ ҳоким бўлсин, бошлиққа итоат этиш вожиблигига далилдир. Абу Салама ибн Абдурахмоннинг Абу Ҳурайрадан эшитишича, Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар:

«مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ أَطَاعَ أَمِيرِي فَقَدْ أَطَاعَنِي وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَمَنْ أَطَاعَ أَمِيرِي فَقَدْ أَطَاعَنِي وَمَنْ عَصَى أَمِيرِي فَقَدْ عَصَانِي»

«Ким менга итоат қилса, Оллоҳга итоат қилибди. Ким менга осийлик қилса, Оллоҳга осийлик қилибди. Ким менинг амиримга итоат қилса, менга итоат қилибди. Ким менинг амиримга осийлик қилса, менга осийлик қилибди.» Яна бир ривоятда:

«وَمَنْ يُطِعِ الْأَمِيرَ فَقَدْ أَطَاعَنِي وَمَنْ يَعْصِ الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي»

«Ким амирга итоат этса, менга итоат этибди, ким амирга осийлик қилса, менга осийлик қилибди», деганлар. Бу ҳадис ҳокимга итоат этмасликнинг гуноҳлигига яққол далилдир. Шунинг учун ҳам унга жазо берилади. Қонун Чиқарувчи унга муайян бир жазо белгиламагани боис, жазо тайинлаш ҳоким ва қозининг ҳаққидир. Шунга кўра, айрим фикҳ олимлари қонунбузарлик ҳам Қонун Чиқарувчи тарафидан жазоси аниқ белгиланмаган гуноҳ бўлгани туфайли уни таъзир бобига киритадилар. Аслида эса у таъзир бобидан эмас. Чунки таъзир бевосита Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларига итоат этмасликка хос бўлса, қонунбузарлик ҳокимнинг буйруқларига итоат этмасликка хосдир, бошқачароқ айтганда, у Оллоҳнинг ҳокимга итоат этиш борасидаги буйруғига итоат этмасликдир. Шунга кўра, унинг жазосини жиноятига қараб ҳокимнинг ўзи белгилайди. Демак, қонунбузарлик ҳоким чиқарган буйруқларга итоат этмасликка хосдир. Зеро ҳоким Қонун Чиқарувчи тарафидан берилган ваколатларга эгадир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳоким чиқарадиган қонунлар хоҳ буйруқ, хоҳ тақиқ бўлсин, байтулмолни идора қилиш, шаҳарлар қуриш ва лашкарни ташкиллаштириш каби - у ўз фикри ва ижтиҳоди билан юритадиган ишлар чегарасидан нарига ўтмаслиги керак. Зеро, унинг шу доирадагина ўз фикри ва ижтиҳоди билан буйруқ ва тақиқлар чиқаришга ҳаққи бор. Айнан шуларга итоат этмаслик қонунбузарлик ҳисобланади. Ҳадисдаги:

«وَمَنْ يَعْصِ الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي»

«**Ким амирга осийлик қилса, менга осийлик қилибди**», деган гап мана шунга қаратилгандир. Бошқа ишлар эса мўминлар амири буюрган тақдирда ҳам қонунбузарликка кирмайди. Негаки Халифанинг ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилишга, мандуб ёки мубоҳни вожибга, макруҳни эса ҳаромга айлантиришга ҳаққи йўқ. Агар шундай қилса, унга итоат этиш вожиб ҳам бўлмайди, итоат этмаслик қонунбузарлик ҳам ҳисобланмайди. Агар у одамларни мубоҳга ёки мандубга мажбурламоқчи бўлса, уларни вожибга айлантирган бўлади. Макруҳдан қайтарса, уни ҳаром қилган бўлади. Шунингдек, ҳаромга рухсат бериб, мубоҳни тақиқлашга ҳам унинг ҳаққи йўқ. Шундай қилса, ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилган бўлади. Қуръон бундай ишдан аниқ қайтарган. Ундаги маъно умумий бўлиб, халифани ҳам ўз ичига олади. Халифанинг ўз фикри ва ижтиҳоди билан юритадиган ишлари доирасидагина буюриб, тақиқлашга ҳаққи бўлади. Демак, қонунбузарлик ҳам шу доирадан нарига ўтолмайди.

Жазо турлари мана шулардир. Улардан бошқаси жазо турига кирмайди. Инсон содир этган жазога лойиқ жиноят шу тўрт турдан бирига алоқадордир. Чунки у ё шариат жазосини тайин қилган гуноҳни, ё шариат тарафидан жазоси белгиланмаган гуноҳни содир этган ёки баданга тажовуз қилган бўлади. Уч тур мана шулар. Тўртинчиси - ҳокимга осийлик қилишдир. Уларнинг тафсилоти билан тўрт бобда танишасиз.

БИРИНЧИ БОБ

ҲАДЛАР

Ҳад сўзи, аслида, икки нарсани аралашиб кетишдан қайтариб, ўртасини тўсиб турадиган чегара маъносини англатади. Ҳовлининг ҳади - уни атрофдан ажратиб турган жойи. Зино ва бошқа жиноятларнинг жазоси ҳад деб номланишига сабаб шариат тарафидан шундай белгиланганлигидир. Ҳад сўзидан гоҳида гуноҳнинг ўзи ҳам тушунилади. Масалан, Оллоҳ Таоло:

﴿تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا﴾

- „Булар (юқорида мазкур бўлган ҳукмлар) Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашманглар“, [2:187] дейди. Гоҳида Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқлари маъносида ҳам келади. Масалан, Оллоҳ Таоло:

﴿وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ﴾

- „Бу Оллоҳнинг қонун-чегараларидир. Кимки Оллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, аниқки у ўзига зулм қилибди“, [65:1]

дейди. Оллоҳнинг ҳадлари Унинг тақиқларидир. Истилоҳда ҳад сўзи бир гуноҳ учун шариат тарафидан белгиланган жазо маъносидадир. Мақсад - кишини шу каби яна бир гуноҳдан тийиш. Жазоси ҳад бўлиши вожиблигига иттифоқ қилинган гуноҳлар олтитадир. Улар: зино ва баччавозлик, тухмат, ўғирлик, ароқ ичиш, диндан қайтиш, босқинчилик. Бу ҳадлардан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар ворид бўлган. Зинодан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَقْرُبُوا الزَّوْجِيَّ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا﴾

- „Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир“. [17:32]

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿لَا يَزْنِي الزَّانِي حِينَ يَزْنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَشْرَبُ الْخَمْرَ حِينَ يَشْرَبُ وَهُوَ

مُؤْمِنٌ، وَلَا يَسْرِقُ حِينَ يَسْرِقُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَنْتَهَبُ نَهْبَةً يَرْفَعُ النَّاسُ إِلَيْهِ

فِيهَا أَبْصَارُهُمْ حِينَ يَنْتَهَبُهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ﴾

«Зино қилаётган киши мўмин ҳолида қилмайди, ароқ ичаётган киши мўмин ҳолида ичмайди, ўғирлик қилаётган киши мўмин ҳолида қилмайди, одамларнинг кўз ўнгида талон-тороғ қилаётган киши мўмин ҳолида қилмайди». Баччавозликдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло баччавозликни бузуқчилик, деб номлайди:

﴿وَلَوْ طَآ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ أَتَأْتُونَ الْفَآحِشَةَ مَا سَبَقَكُمْ بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِنَ الْعَالَمِينَ ﴿٧٨﴾ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ الرِّجَالَ شَهْوَةً مِنْ دُونِ النِّسَاءِ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ﴾

– „Лут (пайғамбар) ўз қавмига: «Шундай бузуқлик қиласизларми? Ахир сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди-ку?! (Наҳотки) сизлар хотинларингизни қўйиб, нафсингизни қондириш учун эркакларга борсангиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз», деганини эсланг!“ [7:80,81]

Лут қавмини ерга тиқиш билан жазолаганини айтади:

﴿فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَالِيَهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَارَةً مِنْ سِجِّيلٍ مِّنْضُودٍ﴾

– „Энди қачонки Бизнинг фармонимиз (яъни азобимиз) келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг (кофирларнинг) устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик“. [11:82]

Ундан насиҳатланишимиз учун Оллоҳ уни бизга ҳикоя қилиб берган. Муҳаммад ибн Исҳоқ Амр ибн Амрдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿مَلْعُونٌ مِّنْ عَمَلٍ عَمَلٍ قَوْمٍ لُّوطٍ﴾

«Лут қавмининг ишини қилган одам малъундир». Ибн Аббос ﷺ дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

﴿مَنْ وَجَدْتُمُوهُ يَعْمَلْ عَمَلٍ قَوْمٍ لُّوطٍ فَاقْتُلُوا الْفَاعِلَ وَالْمَفْعُولَ بِهِ﴾

«Лут қавмининг ишини қилаётганларни кўрсангизлар, қилганни ҳам, қилинганни ҳам ўлдириңглар», деганлар. Тўхматдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لُعْنُوا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

– „Албатта (бузуқ ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатга дучор бўдилар. Улар учун улуг азоб бордир“. [24:23]
Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилади, Пайғамбар ﷺ:

«اجْتَنِبُوا السَّيِّئَاتِ الْمُؤَبَّاتِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ؟ قَالَ: الشَّرْكَ بِاللَّهِ، وَالسَّحَرُ، وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ، وَأَكْلُ الرِّبَا، وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ، وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّحْفِ، وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ»

«Ҳалок этувчи етти ишдан нари юринглар», дедилар. «Улар қайсилар, эй Оллоҳнинг Пайғамбари?» дейилди. Айтдиларки: «Оллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Оллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, судхўрлик қилиш, етимнинг молини ейиш, бостириб бораётган пайтда орқага чекиниш, сақланган, (лекин) бепарво мўминаларга туҳмат қилиш». Ароқдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾ ﴿۱﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنتَهُونَ﴾

– „Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичимлик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган харом ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзуадоват солишни ҳамда сизларни Оллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!“.
[5:90,91]

Қуръон бу оятда ароқ ва қиморнинг ҳаромлигини бир неча тарзда таъкидлаб келяпти: Жумланинг бошида «албатта» сўзини келтиряпти; уларни санамларга ибодат қилиш билан ёнма-ён қўйяпти; уларни нажас, деб баҳоляпти:

﴿فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ﴾

– „... бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлингиз“; [22:30]

уларни фақат ёмонлик келтирадиган шайтон амалидан ҳисобляпти; улардан нари юришга буюряпти ва нари бўлишни нажот, деб атаяпти (бу нарса нари юришга буюриш қатъий талаблигига далолат қилади); улардан келиб чиқадиган фалокатни - ўзаро адоват, хусумат туғилишини эслатяпти, Оллоҳнинг зикридан ва намоз вақтларига риоя этишдан тўсилишга олиб бориб қўйишларини уқтиряпти; буларнинг ҳаммасини инкор этувчи сўроқ гап орқали, яъни,

﴿فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

– „Энди тўхтарсизлар“,

[4:91]

дейиш орқали қатъий тақиқ билан яқунляпти. Бу тақиқнинг энг балоғатли шаклидир. Гўёки ароқ ва қиморнинг ўзида мавжуд бўлган улардан нафратлантирувчи иллатларни қатор тизиб келтиряпти-да, ортидан ҳеч бўлмаса энди қайтарсизлар, дейиляпти. Ибн Аббос ривоят қилади:

«كَانَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَدِيقٌ مِنْ تَقِيفٍ وَدَوْسٍ، فَلَقِيَهُ يَوْمَ الْفَتْحِ بِرَاحِلَةٍ أَوْ رَاوِيَةٍ مِنْ حَجَرٍ يَهْدِيهَا إِلَيْهِ، فَقَالَ: يَا فُلَانُ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ اللَّهَ حَرَمَهَا؟ فَأَقْبَلَ الرَّجُلُ عَلَى غُلَامِهِ فَقَالَ أَذْهَبَ فَبِعَهَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الَّذِي حَرَّمَ شَرْبَهَا حَرَّمَ بَيْعَهَا، فَأَمَرَ بِهَا فَأَفْرَعَتْ فِي الْبَطْحَاءِ»

«Пайғамбар ﷺнинг Сақиф ва давслик бир дўстлари бор эди. Фатҳ куни уни учратиб қолдилар. У тошдан ясалган идишдаги ароқни Пайғамбар ﷺга совға қилмоқчи бўлиб турганди, у киши: «Оллоҳ уни ҳаром қилганини билмадингми?» дедилар. Ҳалиги одам гуломига юзланиб: Буни олиб бориб, сотиб юбор», деди. Шунда Расул ﷺ: «Унинг ичилишини ҳаром қилган зот сотилишини ҳам ҳаром қилган», дедилар. (Бу гапни эшитган дўстлари гуломига) буюриб, уни ерга тўкдириб юборди». Уғирликдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَى أَنْ لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا

يَسْرِفْنَ﴾

– „Эй пайғамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминалар келишиб, сизга ўзларининг Оллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғирлик қилмасликларига...“.

[60:12]

Пайғамбар ﷺ га ўғирлик қилмасликка байъат бериш ўғирликнинг ҳаромлигига очиқ далилдир. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَعَنَ اللَّهُ السَّارِقَ يَسْرِقُ الْبَيْضَةَ فَتَقَطَّعُ يَدُهُ وَيَسْرِقُ الْحَبْلَ فَتَقَطَّعُ يَدُهُ»

«Дубулга ўғирлаб қўли кесилган, арқон ўғирлаб қўли кесилган ўғрини Оллоҳ лаънатласин», дедилар. Бу ерда дубулгадан мурод темир қалпоқдир. Муртадликдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَٰئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажақлар“.
[2:217]

Муознинг ҳадисиди келади, Пайғамбар ﷺ уни Яманга юбораётди:
«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا أَرْسَلَهُ إِلَى الْيَمَنِ قَالَ لَهُ: أَيُّمَا رَجُلٍ ارْتَدَّ مِنَ الْإِسْلَامِ فَادْعُهُ، فَإِنْ عَادَ وَإِلَّا فَاضْرِبْ عُنُقَهُ، وَأَيُّمَا امْرَأَةٍ ارْتَدَّتْ مِنَ الْإِسْلَامِ فَادْعُهَا، فَإِنْ عَادَتْ وَإِلَّا فَاضْرِبْ عُنُقَهَا»

«Қайси бир киши Исломдан қайтса, уни даъват эт, қайтса қайтди, қайтмаса ўлдир. Қайси бир хотин Исломдан қайтса, уни даъват эт, қайтса қайтди, қайтмаса ўлдир», дедилар. Йўлтўсарликдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِنْ خِلَافٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ﴾

– „Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси - ўлдирилиш ё дорга осилиш, ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл ёки ўнг оёқ) кесилиши, ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир“.
[5:33]
Анас ﷺ айтади:

«أَنَّ نَاسًا مِنْ عَكْلٍ وَعَرَبِيَّةٍ قَدِمُوا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَكَلَّمُوا بِالْإِسْلَامِ فَاسْتَوْحَمُوا الْمَدِينَةَ فَأَمَرَ لَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذُودٍ وَرَاعٍ وَأَمَرَهُمْ أَنْ يَخْرُجُوا فَلْيَشْرَبُوا مِنْ أَبْوَالِهَا وَأَلْبَانِهَا، فَانْطَلَقُوا حَتَّى إِذَا كَانُوا بِنَاحِيَةِ الْحَرَّةِ كَفَرُوا بَعْدَ إِسْلَامِهِمْ، وَقَتَلُوا رَاعِي النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاسْتَأْفُوا الذُّودَ، فَبَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَبَعَثَ الطَّلَبَ فِي أَثَرِهِمْ، فَأَمَرَ بِمَسَامِيرٍ فَأَحْمَيْتْ فَكَلَّهْمُ، وَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَأَرْجُلَهُمْ وَمَاحَسَمَهُمْ، ثُمَّ أَلْقُوا فِي الْحَرَّةِ، يَسْتَسْقُونَ وَ مَا سَقُوا حَتَّى مَاتُوا»

«Икл ва Урайнадан бир неча киши Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, муслмон булганликларини айтишди. Мадинани соғлиқлари учун зарарли эканини билдиришган эди, Пайгамбар ﷺ уларга туя подаси ва подачи тайин қилиб, шаҳардан чиқиб, туяларнинг сийдиги ва сутларидан ичишни буюрдилар. Улар кетишди. Ҳарра ноҳиясига етишгач, Исломдан қайтиб, кофир булишди. Пайгамбар ﷺнинг чўпонларини ўлдириб, подани ҳайдаб кетишди. Бу хабар Расул ﷺга етиб келгач, орқаларидан одам юбордилар. Михларни қиздиртириб, уларнинг кўзларига бостирдилар. Қўл ва оёқларини кестириб, қонни тўхтатиш учун кесилган жойларни куйдиртириб ҳам қўймадилар. Кейин улар ҳаррага улоқтирилди. Сув сўрашган эди, берилмади. Шу алфозда улиб кетишди». Боғийлик ва халифага қарши қилич яланғочлашдан огоҳлантирувчи оят ва ҳадислар: Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبْغِي حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ﴾

– „(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглр! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Оллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган тоифа билан урушинглр“.

[49:9]

Мўминлар амири Алий ибн Абу Толиб ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«سَيَخْرُجُ قَوْمٌ فِي آخِرِ الزَّمَانِ حَدَاثُ الْأَسْنَانِ، سُفَهَاءُ الْأَحْلَامِ، يَقُولُونَ مِنْ قَوْلِ خَيْرِ الْبَرِيَّةِ، لَا يُجَاوِزُ إِيْمَانَهُمْ حَنَاجِرَهُمْ، فَأَيْنَمَا لَقِيْتُمُوهُمْ فَاقْتُلُوهُمْ فَإِنَّ قَتْلَهُمْ أَجْرٌ لِمَنْ قَتَلَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Охирзамонда аҳмоқона донолик қиладиган ўсмирлардан ташкил топган бир тоифа чиқади. Энг яхши одамларнинг гапларидан (олиб) гапирадилар. Иймонлари бугизларидан нарига ўтмайди. Улар диндан худди ўқ камондан отилганидек отилиб чиқадилар. Уларни қаерда учратсанглар, ўлдириглар. Уларни ўлдиригanning савоби қийматгача туради». Пайғамбар ﷺ яна бир ҳадисларида:

«مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا»

«Ким бизга қарши қурол кўтарса, у биздан эмас», деганлар. Китоб ва суннатдан олинган бу далиллар барча ҳадлардан огоҳлантириш ворид бўлганлигини кўрсатиб турибди. Демак, уларни қилиш - гуноҳ. Модомики, Қонун Чиқарувчининг ўзи бу гуноҳларга ҳадлар белгилаб қўйган экан, уларга амал қилиш - вожиб.

Ҳад балоғатга етган, ақлли, мусулмон ёки зиммий бўлишидан қатъий назар, Ислом ҳукмларига риоя этувчи одамга қўлланади. Эркак кишига тик ҳолида янги ҳам, эски ҳам бўлмаган ўртача дарра билан урилади. Жазоланувчи яланғоч қилиб ечинтирилмайди, ёғқизиб қўйилмайди ҳам. Ибн Масъуд رضي الله عنه:

«لَيْسَ فِي دِينِنَا مُدٌّ، وَ لَا قَيْدٌ وَ لَا تَجْرِيْدٌ»

«Бизнинг динимизда ётқизиб қўйиш ҳам, боғлаб қўйиш ҳам, яланғоч қилиш ҳам йўқдир», деган. Терини ёриб юборадиган даражада қаттиқ урилмайди. Чунки мақсад уни ўлдириш эмас, жиноятдан тийиш. Урувчи қўлини қўлтиғи кўринадиган даражада кўтармайди. Баданнинг ҳар хил жойларига уриш суннат. Бош, юз, жинс аъзоси ҳамда юрак ва мойк каби ўлим жойларидан албатта эҳтиёт бўлинади. Чунки бу аъзолардан бирига уриш уни ўлдириб қўйиши ёки уришдан кўзланган мақсадни чиппакка чиқариши мумкин. Аёл киши ҳам худди шундай урилади. Фақат у ўтиргизиб қўйилади. Алий رضي الله عنه:

«تُضْرَبُ الْمَرْأَةُ جَالِسَةً وَ الرَّجُلُ قَائِمًا»

«Аёл кишига ўтиргани ҳолда, эркак кишига эса тик тургани ҳолида урилади», деган. Дарралашнинг энг оғири зино учун, кейин туҳмат, кейин ароқ ичиш, кейин таъзир учундир. Чунки Оллоҳ Таоло зинони алоҳида таъкидлаб:

﴿وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ﴾

– „... Оллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!“, [24:2]

деган. Бошқалари ундан сонда оз бўлади, сифатда кўпайтириш жоиз эмас.

ЗИНОНИНГ ҲАДИ

Айримлар, зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳади - турмуш қурган ёки бўйдоқ бўлишидан қатъий назар, юз даррадир, дейишади. Бу гапларига Оллоҳ Таолонинг:

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчи бўлсангизлар Оллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!“, [24:2]

деган оятини далил қилиб, қатъий ва ишончли йўл билан келган оятни ёлғонлигининг эҳтимоли бўлган оҳод йўли билан келган хабар учун тарк қилиш жоиз эмас, чунки бу иш Қуръонни суннат билан насх қилишга олиб боради, ҳолбуки бундай қилиш мумкин эмас, дейишади. Саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги барча асрлардаги уламолардан ташкил топган илм аҳлининг оммаси эса бўйдоқ зинокорга юз дарра урилади, сақланган (турмуш қурган) зинокор эса то ўлгунига қадар тошбўрон қилинади, дейдилар. Бунга Пайғамбар ﷺ

﴿رَجَمَ مَاعِزًا﴾

«Моизни тошбўрон қилдирдилар», деган хабарни ва Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган:

﴿أَنَّ رَجُلًا زَنَى بِامْرَأَةٍ فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجُلِدَ ثُمَّ أُخْبِرَ أَنَّهُ مُحْصَنٌ فَأَمَرَ بِهِ فُرْجِمَ﴾

«Бир киши бир аёл билан зино қилди. Пайғамбар ﷺ унга дарра уришни буюрдилар. Кейин унинг турмуш қурганлиги хабари келган эди, уни тошбўрон қилишга буюрдилар», деган хабарни далил қиладилар.

Далилларга назар ташлаган одам кўрадики, Оллоҳ Таолонинг:

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар“, [24:2]

деган ояти умумий маънода келяпти. Чунки зинокор аёл ва зинокор эркак сўзлари умумийликни ифодаловчи сўзлар бўлиб, турмуш қурганга ҳам, бўйдоққа ҳам тааллуқлидир. Пайғамбар ﷺнинг:

«وَيَا أَيُّسُّ اغْدُ عَلَى امْرَأَةٍ هَذَا فَسَلِّهَا، فَإِنِ اعْتَرَفَتْ فَارْجُمِهَا، فَاعْتَرَفَتْ فَارْجُمِهَا»

«Эй Унайс, анавини аёлининг олдига бор, агар эътироф этса, уни тошбўрон қил», деган ҳадислари, Моизнинг уйланган одамлигини сўраб билганларидан кейин уни тошбўрон қилдирганлари, Ғомидияни тошбўрон қилдирганлари ва бошқа саҳиҳ ҳадислар мазкур оятни хослаб келяпти. Яъни, ундан сақланганни истисно қиляпти. Демак, ҳадислар Қуръонни насх қилиб эмас, хослаб келяпти. Қуръонни суннат билан хослаш эса жоиз. Кўпгина умумий маънода келган оятларни ҳадислар хослаб келган.

Шаръий далиллар, яъни Китоб ва суннат далолат қилаётган шаръий ҳукм бўйдоқ зинокорни Оллоҳнинг Китобига амал қилиб юз дарра уриш, Пайғамбар ﷺнинг суннатларига амал қилиб, бир йилга сургун қилишдир. Лекин сургун қилиш вожиб эмас, жоиздир. Уни қилиш ёки қилмаслик бошлиққа ҳавола. Хоҳласа - ҳам дарралайди, ҳам сургун қилади. Хоҳласа - сургун қилмасдан фақат дарралайди, холос. Аммо дарраламасдан фақат сургун қилиши мумкин эмас. Чунки унинг жазоси дарраланишдир. Турмуш қурганнинг жазоси эса Оллоҳнинг Китобини хослаб келган Пайғамбар ﷺнинг суннатларига биноан то ўлгунига қадар тошбўрон қилишдир. Турмуш қурганни ҳам дарралаш ва ҳам тошбўрон қилиш ҳам жоиз. Аввал дарраланади, кейин тошбўрон қилинади. Дарраламасдан фақат тошбўрон қилиниши ҳам мумкин. Лекин тошбўрон қилинмасдан, фақат дарраланиши дуруст эмас. Чунки унга вожиб бўлган жазо тошбўрон қилинишидир.

Бўйдоқ зинокорнинг жазоси дарраланиш эканига Оллоҳ Таолонинг:

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар“, [24:2]

деган ояти далилдир. Сургун қилишнинг далиллари эса кўпгина ҳадислардир. Улардан айримларини айтиб ўтамыз. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَضَى فِيمَنْ زَنَى وَلَمْ يُحْصَنَ بِنَفْسِي عَامٍ،
بِإِقَامَةِ الْحَدِّ عَلَيْهِ»

«Пайғамбар ﷺ бўйдоқ зинокорни бир йил сургунга ва ҳад урилишига ҳукм қилдилар». Убода ибн Сомитдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«خُذُوا عَنِّي، خُذُوا عَنِّي قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَهُنَّ سَبِيلًا، الْبِكْرُ بِالْبِكْرِ جَلْدٌ مِائَةٌ
وَنَفْيٌ سَنَةً»

«Мендан олинглар, мендан олинглар, Оллоҳ улар учун бир йўлни тайинлаб қўйган. Бокира бокира билан бўлса, юз дарра ва бир йил сургундир». Саҳобалар ҳам шу йўлдан бориб, бўйдоқ зинокорга дарра урганлар ва уни бир йилга сургун қилганлар. Лекин Пайғамбар ﷺнинг фақат дарра уриб, сургун қилмаган пайтлари ҳам бўлган. Абу Довуд Саҳл ибн Саъддан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا مِنْ بَكْرِ بْنِ لَيْثٍ أَقْرَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ زَنَى بِامْرَأَةٍ
وَكَانَ بَكْرًا فَجَلَدَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِائَةً، وَسَأَلَهُ الْبَيْتَةَ عَلَى الْمَرْأَةِ
إِذْ كَذَبْتَهُ وَ لَمْ يَأْتِ بِشَيْءٍ، فَجَلَدَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّ الْفَرِيَةِ
ثَمَانِينَ جَلْدَةً»

«Бакар ибн Лайсдан бўлган бир киши Пайғамбар ﷺга ўзининг бир аёл билан зино қилганига иқрор бўлди. Ўзи уйланмаган эди. Пайғамбар ﷺ унга юз дарра урдирдилар. Аёл уни ёлгон гапиряпти, дегач, ундан аёлга қарши ҳужжат сўрадилар. Ҳеч нарса келтиролмагач, Пайғамбар ﷺ унга бўҳтон ҳадини ҳам қўлладилар, яъни саксон дарра урдирдилар». Бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ зинокорни дарраляаптилар, аммо сургун қилмаяптилар. Яна бир ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«إِذَا زَنَتْ أُمَّةٌ أَحَدَكُمْ فَلْيَجْلِدْهَا»

«Бирортангизнинг чўриси зино қилса, уни дарраласин», деганлар. Шулардан кўриниб турибдики, сургун қилиш вожиб эмас, жоиздир. Демак, ҳам дарралаш, ҳам сургун қилиш ёки сургун қилмасдан фақат дарралаш имом (халифа)га ҳавола. Чунки Пайғамбар ﷺнинг ҳам дарралаб, ҳам сургун қилган пайтлари ҳам, сургун қилмасдан фақат дарралаган пайтлари ҳам бўлган.

Бўйдоқ зинокорга дарралаш билан бирга бир йил сургун ҳади белгиланди. Ҳадислар эса турличадир. Пайғамбар ﷺнинг дарралаш билан бирга сургун қилган пайтлари ҳам, сургун қилмасдан фақат дарралаган пайтлари ҳам бўлган.

«إِذَا زَنَتْ أُمَّةٌ أَحَدَكُمْ»

«Бирортангизнинг чўриси зино қилса» ҳадиси билан Саҳл ибн Убоданинг ҳадисини сургун қилиш қонунлаштирилишидан аввал бўлган, дейилмайди. Чунки сургун қилиш ҳадислари сургун қилмаслик ҳадисларидан аввал бўлгани исботланмаган. Тарих номаълумлигича қолаверади. Қайси ҳадисни аввал бўлгани исботланмагач, демак, насх йўқ. Бирини иккинчисидан оғирлаштирадиган қарина ҳам йўқ. Шундай бўлгач, иккаласига ҳам амал қилинаверади. Лекин Пайғамбар ﷺнинг сургун қилиш ҳадини бир марта қўллаб, яна бир марта қўлламаганликлари унинг вожиб эмас, жоизлигига далолат қилади. Қўшимча билан келган ҳадиснинг ўша қўшимчаси вожиб эмас, жоиз бўлади. Ҳамма ҳадисларда бир хил келгани эса вожиб бўлади. Демак, қўшимчали ва қўшимчасиз - ҳамма ҳадисда келган дарралаш вожибдир. Фақат қўшимчали ҳадисларда қўшимча бўлиб келгани сургун қилиш жоиздир. Шариатнинг мақсадларини энг кўп биладиган саҳобалар ҳам дарралаш билан бирга сургун ҳам қилганлар. Масалан, Умар Мадинадан Шомга, Усмон Мисрга, ибн Умар чўрисини Фадакка сургун қилишган. Ҳадисларда кўзда тутилган сургун зинокорни яшаш жойидан мусофир саналадиган даражадаги узоқ жойга кетказиб юборишдир. Саҳобалар сургунни шундай таърифлаганлар.

Турмуш қурганнинг жазосини баён қилувчи ҳадислар, далиллар кўп. Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холиддан ривоят қилинади:

«إِنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْشُدْكَ اللَّهَ إِلَّا قَضَيْتَ لِي بِكِتَابِ اللَّهِ، فَقَالَ: الْخَصْمُ الْآخِرُ وَهُوَ أَفْقَهُ»

مِنْهُ، نَعَمْ، فَاقْضِ بَيْنَنَا بِكِتَابِ اللَّهِ وَأُذِّنْ لِي، فَقَالَ: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُلْ، قَالَ: إِنَّ ابْنِي كَانَ عَسِيفًا عَلَى هَذَا فَرَزَنِي بِأَمْرَاتِهِ، وَإِنِّي أُخْبِرْتُ أَنَّ عَلَى ابْنِي الرَّجْمَ، فَافْتَدَيْتُ مِنْهُ بِمِائَةِ شَاةٍ وَوَلِيدَةٍ، فَسَأَلْتُ أَهْلَ الْعِلْمِ فَأَخْبَرُونِي أَنَّ مَا عَلَى ابْنِي جَلْدُ مِائَةٍ وَتَعْرِيبُ عَامٍ، وَأَنَّ عَلَى امْرَأَةِ هَذَا الرَّجْمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَأَقْضِيَنَّ بَيْنَكُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ، الْوَلِيدَةَ وَالْعَنَمَ رَدًّا وَعَلَى ابْنِكَ جَلْدُ مِائَةٍ وَتَعْرِيبُ عَامٍ، وَأَعْدُ يَا أُنَيْسُ إِلَى امْرَأَةِ هَذَا فَإِنِ اعْتَرَفَتْ فَارْجُمْهَا، قَالَ: فَعَدَا عَلَيْهَا فَاعْتَرَفَتْ فَأَمَرَ بِهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرُجِمَتْ»

«Бир аъробий Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, сиздан Оллоҳнинг номига қасам ичиб сўрайман, менга Оллоҳнинг Китоби билан ҳукм қилинг», деди. Ундан кўра билимдонроқ бўлган нариги рақиб ҳам: «Ҳа, бизнинг ўртамизда Оллоҳнинг Китоби билан ҳукм чиқариб беринг ва менга (гапиришга) рухсат беринг», деди. Пайгамбар ﷺ: «Гапир», дедилар. У: «Ўғлим мана бунинг ижарачиси эди, хотини билан зино қилибди, ўғлимни тошбўрон қилишармиш деб эшитиб, унга юзта қўй ва бир чўри товон тўладим, кейин аҳли илмдан сўрасам, ўғлимга юз дарра урилиб, бир йилга сургун қилинар экан, мана бунинг хотини эса тошбўрон қилинар экан», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, сизларнинг ўртангизда Оллоҳнинг Китоби билан ҳукм чиқараман - чўри ва қўйлар қайтарилур, ўғлингга юз дарра ва бир йил сургун белгиланади», дедилар. Кейин асламлик бир кишига: «Эй Унайс, бунинг аёлининг олдига бор, эътироф этса, уни тошбўрон қил», дедилар. Унайс аёлнинг олдига борганди, у эътироф этди. Пайгамбар ﷺ уни тошбўрон қилишга буюрдилар». Ҳадисда Пайгамбар ﷺ турмуш қурганни дарра урмасдан тошбўрон қилишга буюрдилар. Шаъбийдан ривоят қилинади:

«أَنَّ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حِينَ رَجِمَ الْمَرْأَةُ ضَرْبَهَا يَوْمَ الْحَمِيسِ، وَرَجَمَهَا يَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَقَالَ: جَلَدْتُهَا بِكِتَابِ اللَّهِ وَرَجَمْتُهَا بِسُنَّةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ»

«Алий رضي الله عنه бир аёлни тошбўрон қилганида пайшанба куни дарралаб, жума куни тошбўрон қилди ва: «Оллоҳнинг Китоби билан дарраладим ҳамда Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг суннатлари билан тошбўрон қилдим», деди». Убода ибн Сомитдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«خُذُوا عَنِّي، خُذُوا عَنِّي، قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَهِنَّ سَبِيلًا الْبِكْرُ بِالْبِكْرِ جَلْدٌ مِائَةٌ وَنَفْيٌ سَنَةً، وَالثَّيْبُ بِالثَّيْبِ جَلْدٌ مِائَةٌ وَالرَّجْمُ»

«Мендан олинглар, мендан олинглар, Оллоҳ улар учун бир йўл тайинлаган. Бўйдоқ бўйдоқ билан бўлса, юз дарра ва бир йил сургун, жувон уйланган билан бўлса, юз дарра ва тошбўрон», дедилар. Пайғамбар صلى الله عليه وسلم турмуш қурганнинг жазоси дарралаш ва тошбўрон, дедилар. Алий رضي الله عنه турмуш қурганни ҳам дарралади ва ҳам тошбўрон қилди. Жобир ибн Сумрадан қилинган ривоятда Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг Моиз ибн Моликни тошбўрон қилдирганлари айтилгану, дарралаганлари айтилмаган. Бухорийдаги Сулаймон ибн Бурайданинг ривоятида ҳам Паайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг Фомидияни тошбўрон қилдирганлари айтилгану, дарралаганлари айтилмаган. Муслимда келишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг буйруқлари билан жуҳайналик бир аёл ўз кўйлагига боғланиб, кейин тошбўрон қилинган. Дарралангани хусусида ҳеч нарса айтилмаган. Бу далиллар турмуш қурганни тошбўрон қилганлари ва дарраламаганларини кўрсатиб турибди. Шунга кўра:

«وَالثَّيْبُ بِالثَّيْبِ جَلْدٌ مِائَةٌ وَالرَّجْمُ»

«Жувон уйланган билан бўлса, юз дарра ва тошбўрон», ҳадиси тошбўрон қилишнинг вожиблиги, дарра уришнинг эса жоизлигига далолат қилади. Дарралаш халифанинг раъйига ҳавола қилинади. Ҳадисларни бирлаштириб, турмуш қурганнинг ҳади дарралаш ва тошбўрон қилиб белгиланди. Пайғамбар صلى الله عليه وسلم Моизни дарраламаганлари хусусидаги Сумранинг ҳадиси Убода ибн Сомит ривоят қилган:

«وَالثَّيْبُ بِالثَّيْبِ جِلْدٌ مِائَةٌ وَالرَّجْمُ»

«Жувон уйланган билан бўлса, юз дарра ва тошбўрон» ҳадисини насх қилади, дейилмайди. Чунки Сумранинг ҳадиси Убоданинг ҳадисидан кейин келгани исботланмаган. Шундай бўлгач, ундаги дарралашнинг айтилгани уни бекор этолмайди, ҳукмини насх қилолмайди. Қайси бир ҳадиснинг аввал ё кейинлиги исботланмаса, насх бўлмайди. Уларнинг бирини иккинчисидан оғирлаштирувчи қарина ҳам йўқ. Қайси бир ҳадисда қўшимча келган бўлса, ўша қўшимча вожиб эмас, жоиз, деб эътибор қилинади. Демак, тошбўрон қилиш вожиб. Қўшимча, яъни дарралаш эса жоиз бўлиб, имомнинг ҳукмига ҳавола қилинади. Ҳақиқий никоҳланиб, жинсий алоқада бўлган киши ҳур, болиғ ва оқил бўлса, турмуш қурган (сақланган) одам ҳисобланади. Зино бобида «сақланганнинг, турмуш қурган»нинг таърифи мана шу. Бошқалари турмуш қурган ҳисобланмайди. Дарра уриш ва тошбўрон қилишда шубҳага ўрин қолмаслиги шарт қилинади. Ишнинг ғирт ҳаром бўлиши, уни содир этган шахс ўз ихтиёри билан қилган бўлиши, қаттиқ мажбур қилинмаган бўлиши, болиғ ва оқил бўлиши шарт. Гўдакка, жиннига ва ўз ихтиёрисиз маст бўлган одамга ҳад белгиланмайди. Зино шаръий далилларда келтирилган зино ҳужжати билан исботланган бўлиши ҳам шарт. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«ادْفَعُوا الْحُدُودَ مَا وَجَدْتُمْ لَهُ مَدْفَعًا»

«Ҳадни бекор қиладиган бир омилни топсангизлар, уни бекор қилинглар», деганлар. Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ادْرءُوا الْحُدُودَ عَنِ الْمُسْلِمِينَ مَا اسْتَطَعْتُمْ فَإِنْ كَانَ لَهُ مَخْرَجٌ فَخَلُّوا سَبِيلَهُ فَإِنَّ الْإِمَامَ أَنْ يَخْطِي فِي الْعُقُوبِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يَخْطِي فِي الْعُقُوبَةِ»

«Қўлинглардан келганича мусулмонлардан ҳадларни олиб ташланглар. Агар унинг чиқадиган жойи бўлса, тек қўйинглар. Чунки имомнинг нотўғри кечириб қўйгани нотўғри жазолаб қўйганидан кўра яхшироқдир». Алийдан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда:

«ادْرءُوا الْحُدُودَ بِالشُّبُهَاتِ»

«Шубҳалар (туғилиши) билан ҳадларни олиб ташланглар», дейилган. Қаттиқ мажбур қилинган одам қилмиши учун жазоланмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«رَفِعَ عَنِ أُمَّتِي الْخَطَأَ وَالتَّسْيَانَ وَمَا اسْتَكْرِهُوا عَلَيْهِ»

«Умматимдан билмасдан қилинган, унутиб қўйилган ва мажбур этилган иш (масъулияти) олиб ташлангандир», деганлар. Пайғамбар ﷺ зино тўла ўз исботини топганидан кейингина зинокорни жазолаганлар.

Зино исботлангач, ҳадни тезлаштириш вожиб, бекор қилиш ёки кафилликка олиш мумкин эмас. Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«حَدٌّ يُعْمَلُ بِهِ فِي الْأَرْضِ خَيْرٌ لِأَهْلِ الْأَرْضِ مِنْ أَنْ يُمَطَّرُوا أَرْبَعِينَ صَبَاحًا»

«Ер юзида бир ҳаднинг ижро этилиши ер аҳли учун қирқ кунги тонг ёмғиридан яхшироқдир», деганлар. Ибн Умар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ حَالَتْ شَفَاعَتُهُ دُونَ حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ فَهُوَ مُضَادُّ اللَّهِ فِي أَمْرِهِ»

«Қимнинг кафиллиги Оллоҳнинг ҳадларидан бирини тўсиб қўйса, демак, у Оллоҳнинг ишига қарши чиқибди». Лекин жиноятчи касал бўлса, соғайгунига қадар ҳад кечиктирилади. Касалнинг тузалишидан умид бўлса, у кўтара оладиган даражада енгил урилади. Абу Умома инб Саҳл Саъид ибн Саъд ибн Убодадан ривоят қилади:

«كَانَ بَيْنَ آيَاتِنَا رُوَيْجِلٌ ضَعِيفٌ مُخَدَّجٌ فَلَمْ يُرْعَ الْحَيَّ إِلَّا وَهُوَ عَلَى أَمَةٍ مِنْ إِمَائِهِمْ يَخْبُثُ بِهَا، فَذَكَرَ ذَلِكَ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ ذَلِكَ الرَّجُلُ مُسْلِمًا، فَقَالَ: اضْرِبُوهُ حَدَّهُ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ أضعفُ مما تحسبُ، لو ضربناه مائة قتلتناه، فقال: خذوا له عشكالا فيه مائة شمراخ، ثم اضربوه به ضربة واحدة، قال: ففعلوا»

«Маҳалламизда бир нимжон, ногирон одамча бўларди. Маҳалла эътибор қилмай қолибди, у чўрилардан бири билан ўйнашиб, бузуқлик қилиб қўйибди. Буни Саъд ибн Убода Пайғамбар ﷺга келиб айтди. У одам мусулмон эди. Расул ﷺ унга ҳад уринглар, дедилар. «Эй Оллоҳнинг Пайғамбари, у сиз ўйлагандан кўра анча нимжон, юз дарра

урадиган булсак, улдириб қўямиз», дейишди. Пайгамбар ﷺ: «Юзта новдали хипчин (хивич)ни олинглар-да, у билан бир марта уринглар, дедилар. Улар шундай қилишди». Бу ҳадис ҳадни кўтара олмайдиган тузалмас касалга ёки нимжонга энгил урилишига далилдир. Шу ҳадиснинг яна бир ривоятида:

«وَلَوْ حَمَلْنَاهُ إِلَيْكَ لَتَفْسَحَتْ عِظَامُهُ مَا هُوَ إِلَّا جِلْدٌ عَلَى عِظْمٍ»

«Агар уни сизга кўтариб келадиган бўлсак, суяклари бурдаланиб кетади, у суякка ёпишган теридан бошқа нарса эмас», дейилган. Демак, мутлақ нимжонлик ҳадни энгил уришга асос бўлади. Касаллик ҳам бир нимжонлик. Ҳадиснинг мафҳуми эса нимжонликдан кейин кучга кирадиган бўлса ёки касалликдан кейин тузаладиган бўлса, ўшангача кутилиб, кейин ҳад урилишидир.

Шунингдек, ҳомиладор аёл туққунига қадар, эмизикли аёл гўдакни сутдан чиқаргунига қадар кутилади. Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади:

«فَجَاءَتِ الْعَامِدِيَّةُ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي قَدْ زَيْتٌ فَطَهَّرْنِي، وَإِنَّ رَدَّهَا، فَلَمَّا كَانَ الْعَدُّ قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ لِمَ تَرُدُّنِي، لَعَلَّكَ أَنْ تَرُدَّنِي كَمَا رَدَدْتَ مَا عَزَا، فَوَاللَّهِ إِنِّي لِحَبْلِي، قَالَ، إِمَّا لَا فَاذْهَبِي حَتَّى تَلِدِي، فَلَمَّا وَلَدَتْ أَتَتْهُ بِالصَّبِيِّ فِي خَرْقَةٍ، قَالَتْ: هَذَا قَدْ وَلَدْتُهُ، قَالَ: اذْهَبِي فَأَرْضِعِيهِ حَتَّى تَفْطَمِيهِ، فَلَمَّا فَطَمْتَهُ أَتَتْهُ بِالصَّبِيِّ فِي يَدِهِ كَسْرَةٌ خَبِيزٍ، فَقَالَتْ: هَذَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ قَدْ فَطَمْتُهُ، وَقَدْ أَكَلَ الطَّعَامَ، فَدَفَعَ الصَّبِيَّ إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ، ثُمَّ أَمَرَ بِهَا فَخَفَرَهَا إِلَى صَدْرِهَا، وَأَمَرَ النَّاسَ فَرَجَمُوهَا»

«Ғомидия келиб: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, мен зино қилдим, мени покланг, деди. Расулуллоҳ уни қайтардилар. Эртаси куни яна келиб: «Эй Расулуллоҳ, нега мени қайтарасиз, эҳтимол мени ҳам Моизни қайтарганингиздек қайтараётгандирсиз? Оллоҳга қасамки, мен ҳомиладорман», деди. Пайгамбар ﷺ: «Ёки... Йўқ, бор, туққунингга қадар (юравер)», дедилар. Туққанидан кейин латтага ўралган чақалоқни кўтариб келиб: «Мана, тугдим», деди. Пайгамбар ﷺ: «Боравер, уни эмиз, сутдан чиқаргунингча (юравер)», дедилар. Сутдан чиқаргач,

чақалоқнинг қўлида бир булак нони билан олиб келиб: «Мана, эй Оллоҳнинг Пайғамбари, сутдан чиқардим, овқат ейдиган бўлди», деди. Шундан кейин Пайғамбар ﷺ гўдакни бир мусулмон кишига бериб, (тошбўронга) буюрдилар. Уни одамлар кўкрагига қадар чуқурга кўмиб, тошбўрон қилдилар». Бу ҳадис ҳомиладорнинг туққунига қадар, эмизикли аёлнинг гўдакни сутдан чиқаргунига қадар қутилишига очиқ далолат қилиб турибди.

Зинонинг исботи

Зино уч ишнинг бири билан ўз исботини топади:

Биринчиси: Иқрор. Зинокорнинг тўрт марта очиқ иқрор бўлиши ва то ҳад ижро этилгунига қадар иқроридан қайтмаслиги. Агар иқроридан қайтса ёки қочиб кетса, унга тегилмайди. Бунга далил Абу Ҳурайранинг мана бу ривояти:

«أَتَى رَجُلٌ مِنَ الْأَسْلَمِيِّينَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ فِي الْمَسْجِدِ فَنَادَاهُ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي زَنَيْتُ، فَأَعْرَضَ عَنْهُ، حَتَّى رَدَدَ عَلَيْهِ أَرْبَعَ مَرَّاتٍ، فَلَمَّا شَهِدَ عَلَيَّ نَفْسَهُ أَرْبَعَ شَهَادَاتٍ، دَعَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَبُوكَ جُنُونٌ؟ قَالَ: لَا، قَالَ: فَهَلْ أَحْصَيْتَ؟ قَالَ: نَعَمْ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اذْهَبُوا بِهِ فَرَجْمُوهُ»

«Пайғамбар ﷺ масжидда эдилар. Асламийлардан бир киши келиб, у кишини чақириб: «Эй Оллоҳнинг Пайғамбари, мен зино қилдим», деди. Расулulloҳ ундан юз ўгирдилар. У гапини тўрт марта такрорлади. Ўзига қарши тўрт марта гувоҳлик бергач, Пайғамбар ﷺ уни чақириб: «Жиннимисан?», дедилар. У: «Йўқ», деди. «Уйланганмисан?», дедилар. У: «Ҳа», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Уни олиб бориб, тошбўрон қилинглар», дедилар». Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي زَنَيْتُ وَإِنِّي أُرِيدُ أَنْ تُطَهِّرَنِي، فَرَدَّهُ فَلَمَّا كَانَ مِنَ الْغَدِ أَتَاهُ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي قَدْ زَنَيْتُ، فَرَدَّهُ الثَّانِيَةَ، فَأَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى قَوْمِهِ، فَقَالَ: أَتَعْلَمُونَ بِعَقْلِهِ بَأْسًا تُنْكِرُونَ مِنْهُ شَيْئًا؟ فَقَالُوا مَا نَعْلَمُهُ إِلَّا وَفِي الْعَقْلِ مِنْ صَالِحِينَ فِيمَا نُرَى، فَاتَاهُ الثَّلَاثَةَ، فَأَرْسَلَ إِلَيْهِمْ أَيْضًا

فَسَأَلَ عَنْهُ، فَأَخْبَرُوهُ أَنَّهُ لَا بَأْسَ بِهِ وَلَا بَعْفَ لَهُ، فَلَمَّا كَانَ الرَّابِعَةَ حَفَرَ لَهُ حُفْرَةً
ثُمَّ أَمَرَ بِهِ فَرُجِمَ»

«Моиз ибн Молик Асламий Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Оллоҳнинг пайгамбари, мен зино қилиб қўйдим, мени поклашингизни хоҳлайман», деди. Уни рад этдилар. Эртаси куни яна келиб: «Эй Расулulloҳ ﷺ, мен зино қилдим», деди. Иккинчи марта яна қайтардилар. Кейин Пайгамбар ﷺ унинг қавмига одам юбориб, унинг ақлидан сизлар ёқтирмайдиган бирон камчилик борлигини биласизларми, деб сўрагандилар. Улар: «Бизнингча, у ақли расолашимиздан бири, бошқа нарсани билмаймиз», дейишди. У учинчи марта келди. Пайгамбар ﷺ яна одам юбориб, сураб-суришгандилар. Унинг ўзида ҳам, ақлида ҳам ҳеч қандай нуқсон йўқлиги маълум бўлди. Тўртинчи марта бўлгач, унга бир чуқур ковланиб, уни тошбўрон қилишга буюрдилар». Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади:

«فَجَاءَتِ الْعَامِدِيَّةُ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي قَدْ زَنَيْتُ فَطَهَّرْنِي، وَإِنَّهُ رَدَّهَا،
فَلَمَّا كَانَ الْعَدُّ قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ لِمَ تَرُدُّنِي، لَعَلَّكَ أَنْ تَرُدَّنِي كَمَا رَدَدْتَ
مَاعِزًا، فَوَاللَّهِ إِنِّي لِحَبْلِي، قَالَ، إِمَّا لَا فَاذْهَبِي حَتَّى تَلِدِي، فَلَمَّا وَلَدَتْ أَتَتْهُ
بِالصَّبِيِّ فِي خَرْقَةٍ، قَالَتْ: هَذَا قَدْ وَلَدْتُهُ، قَالَ: اذْهَبِي فَأَرْضِعِيهِ حَتَّى تَفْطَمِيهِ،
فَلَمَّا فَطَمْتَهُ أَتَتْهُ بِالصَّبِيِّ فِي يَدِهِ كِسْرَةَ خُبْزٍ، فَقَالَتْ: هَذَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ قَدْ
فَطَمْتُهُ، وَقَدْ أَكَلَ الطَّعَامَ، فَدَفَعَ الصَّبِيَّ إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ، ثُمَّ أَمَرَ بِهَا
فَحَفَرَ لَهَا إِلَى صَدْرِهَا، وَأَمَرَ النَّاسَ فَرَجَمُوهَا»

«Ғомидия келиб: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, мен зино қилдим, мени покланг», деди. Расулulloҳ ﷺ уни қайтардилар. Эртаси куни яна келиб: «Эй Расулulloҳ ﷺ, нега мени қайтарасиз, эҳтимол, мени ҳам Моизни қайтарганингиздек қайтараётгандирсиз? Оллоҳга қасамки, мен ҳомиладорман», деди. Пайгамбар ﷺ: «Ёки... йўқ, бор туққунингга қадар (юравер)», дедилар. Туққанидан кейин латтага ўралган чақалоқни кўтариб келиб: «Мана туғдим»,

деди. Пайгамбар ﷺ: «Боравер, уни эмиз, сутдан чиқаргунингча (юравер)», дедилар. Сутдан чиқаргач, чақалоқнинг қўлида бир бўлак нон билан олиб келиб: «Мана, эй Оллоҳнинг Пайгамбари, сутдан чиқардим, овқат ейдиган бўлди», деди. Шундан кейин Пайгамбар ﷺ гудакни бир мусулмон кишига бериб, (тошбўронга) буюрдилар. Уни одамлар кўкрагига қадар чуқурга қўмиб, тошбўрон қилдилар». Бу ҳадисдаги:

«إِمَّا لَا فَاذْهَبِي»

«**Ёки... йўқ, боравер**» сўзининг маъноси ўзингни қутқаришдан, гапингдан қайтишдан бош тортсанг, боравер туққанингдан кейин келарсан, ўшанда тошбўрон қилинарсан, деганидир. Мана шу тошбўроннинг тўрт марта иқрор билан ўз исботини топишига далилдир. Лекин иқрор бўлган одам иқроридан қайтиб, тошбўрон пайтида қочса, унга тегилмайди. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилишича, Моиз тошнинг зарбасини егач, қаттиқ қочиб, туянинг терисини кўтариб кетаётган одамнинг ёнидан ўтаётганда ҳалиги одам қўлидаги тери билан уни урди, одамлар ҳам уришди ва у ўлди. Бу воқеа Пайгамбар ﷺга айтилиб, тошнинг зарбасини еб, ўлимини билгач, қочди, дейишганида:

«هَلَّا تَرَ كَتْمُوهُ»

«**Уни қўйиб юбормабсизлар-да**», дедилар. Шунингдек, дарра уриш ҳам иқрор билан ўз исботини топади. Саҳл ибн Саъд ривоят қилишича, бир киши Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб:

«إِنَّهُ قَدْ زَنَى بِامْرَأَةٍ سَمَّاهَا، فَأَرْسَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمَرْأَةِ
فَسَأَلَهَا عَمَّا قَالَتْ: فَأَنْكَرَتْ، فَحَدَّثَهُ وَتَرَكَهَا»

«**Бир аёл билан зино қилганини гапирди ва аёлнинг номини ҳам айтди. Пайгамбар ﷺ аёлга одам юбориб, чақиртириб келдилар ва шу ҳақда сўрадилар. Аёл инкор қилган эди, уни тек қўйиб, ҳалиги одамга ҳад урдилар**». Бу ҳадис дарра уришнинг иқрор билан ўз исботини топишига далолат қилади.

Зинога бир марта иқрор бўлиш ҳам кифоя қилади. Тўрт марта бўлишининг ҳожати йўқ. Бунга далил ўша Абдуллоҳ ибн Бурайданинг ҳадиси. Унда Пайгамбар ﷺ аёлни тўрт марта иқрор бўлмай туриб тошбўрон қилдирганлар. Жобирнинг ҳадисида келади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَقْرَّ عِنْدَهُ رَجُلٌ أَنَّهُ زَنَى بِامْرَأَةٍ، فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجُلِدَ الْحَدَّ، ثُمَّ أُخْبِرَ أَنَّهُ مُحْصَنٌ فَأَمَرَ بِهِ فَرَجِمَ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларида бир киши бир аёл билан зино қилганига иқрор бўлди. Пайғамбар ﷺ уни дарралашни буюрдилар. Кейин унинг уйланганлиги билинганча, тошбўрон қилинди». Саҳл ибн Саъднинг ҳадисида ҳам бир киши бир марта иқрор бўлган эди, Пайғамбар ﷺ унга ҳад белгиладилар. Бу ҳадислар зинонинг исботланиши учун бир марта иқрор бўлиш кифоялигига далилдир. Пайғамбар ﷺнинг:

«شَهِدْتُ عَلَى نَفْسِكَ أَرْبَعَ شَهَادَاتٍ»

«Ўзингга қарши тўрт марта гувоҳлик бердинг», дейишлари ва бошқа шу маънодаги ҳадислар иқрорнинг тўрт марта бўлиши шартлигига эмас, иқрорнинг ҳақиқийлигини яхшилаб текшириб кўришга, иқрордан кейин ҳам ҳадни кечиктириш мумкинлигига далолат қилади. Чунки Пайғамбар ﷺ бир марта иқрор бўлиш билан ҳам ҳадни тайинлаганлар. Фомидия ҳадисидаги:

«لَمْ تَرُدَّنِي لَعَلَّكَ أَنْ تَرُدَّنِي كَمَا رَدَدْتَ مَاعِزًا»

«Эй Расулulloҳ, нега мени қайтарасиз, мени ҳам Моизни қайтарганга ўхшаб қайтаряпсиз, шекилли», деган гапни Пайғамбар ﷺ инкор этмадилар. Агар иқрор тўрт марта бўлиши керак бўлганида, уни тўрт марта иқрор бўлмагани учун қайтарганман, дейишлари керак эди. Мана шулар иқрорнинг тўрт марта бўлиши шарт эмаслигига, бир мартаси ҳам кифоя қилишига далилдир.

Иккинчиси: Бир ўтиришда битта зинога тўртта хур, ростгўй, мусулмон кишиларнинг зинони аниқ-тиниқ тавсифлаб, гувоҳлик беришларидир. Гувоҳлар тўртта бўлишининг шартлигида ихтилоф йўқ. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّاتِي يَأْتِينَ الْفَاحِشَةَ مِنْ نِسَائِكُمْ فَاسْتَشْهِدُوا عَلَيْهِنَّ أَرْبَعَةً مِنْكُمْ﴾

– „Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устида ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг“.

[4:15]

﴿وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً﴾

– „Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар...“ [24:4]

﴿لَوْلَا جَاءُوا عَلَيْهِ بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَإِذْ لَمْ يَأْتُوا بِالشُّهَدَاءِ فَأُوْتِكَ عِنْدَ اللَّهِ هُمْ الْكَاذِبُونَ﴾

– „Улар (яъни Оишани бадном қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Энди агар гувоҳ келтира олмасалар, у ҳолда Оллоҳ наздида улар ёлгончидирлар“ [24:13]

Саъд ибн Убода Пайғамбар ﷺ га:

﴿أَرَأَيْتَ لَوْ وَجَدْتُ مَعَ امْرَأَتِي رَجُلًا أُمِهْلُهُ حَتَّى آتِيَ بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَعَمْ﴾

«Хотинимни бир эркак билан ушлаб олсам ҳам тўртта гувоҳ топгунимга қадар ўтираманми?» деганида, у киши: «Ҳа», деб жавоб берганлар». Мана бу далиллар зинони исботлаш учун гувоҳлар тўрт киши бўлиб, зинони аниқ-тиниқ тавсифлаб, очиқ-ойдин гувоҳлик беришлари шартлигига қатъий далолат қилиб турибди. Агар гувоҳлар тўрттага етмаса ёки улардан бири аниқ-тиниқ тавсифлай олмаса, зино исботланмайди. Чунки унинг далили аниқ насс билан келяпти. Унга амал қилиш шарт.

Учинчиси: Ҳомиладорлик, яъни ҳомиланинг кўриниб, билиниб қолиши. Агар эри йўқ аёл ҳомиладор бўлса, унга ҳад белгиланади. Умар ﷺ:

﴿وَالرَّجْمُ وَاجِبٌ عَلَيَّ كُلِّ مَنْ زَنَى مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ إِذَا كَانَ مُحْصَنًا، إِذَا قَامَتْ بَيِّنَةٌ أَوْ كَانَ الْحَمْلُ أَوْ الْاِعْتِرَافُ﴾

«Ҳар бир зино қилган эркак ва аёлни, агар у турмуш қурган бўлса, (уч ҳолатда) - далиллар етарли бўлганида ёки ҳомиласи билиниб қолганида ё ўзи эътироф этганида тошбўрон қилиш вожиб», деган. Алий ﷺ шундай деган:

«يا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ الزَّنا زِناتان: زِنا سِرٌّ، وَ زِنا عَلائيَّة، فَزِنا السِّرُّ أَنْ يَشْهَدَ الشُّهُودُ، فَيَكُونُ الشُّهُودُ أَوَّلَ مَنْ يَرْمِي، وَ زِنا العَلائيَّة أَنْ يَظْهَرَ الحَمْلُ، أَوْ الاعْتِرافُ، فَيَكُونُ الإِمامُ أَوَّلَ مَنْ يَرْمِي»

«Эй одамлар, зино икки хил бўлади: яширин зино, ошкора зино. Гувоҳларнинг гувоҳлиги билан исботланган зино яширин зино ҳисобланиб, унда тош отишни гувоҳлар бошлаб берадилар. Ошкора зино эса ҳомиладорлик ёки иқрор булиш бўлиб, унда тош отишни имом бошлаб беради». Етакчи саҳобаларнинг гаплари - мана шу. Ўша пайтда ҳеч ким эътироз билдирмаган. Эътироз билдириш мумкин бўла туриб жим турганлари унинг ижмоълигини кўрсатади.

Лекин агар аёл ҳомиладорлигига сабаб кўрсатса, ҳад бекор қилинади. Чунки у пайтда шубҳа туғилади. Шубҳа туғилганда эса ҳад белгиланмайди. Агар аёл зино қилмасдан, эркаклик сувини қуйганман деса, хоҳ ўзи қилган бўлсин, хоҳ бошқаси ёки мен зинога қаттиқ мажбурланганман деса, ё шуларга ўхшаш бир сабаб кўрсатса, ундан ҳад олиб ташланади. Саъид Халаф ибн Халифадан, у эса Ҳошимдан ривоят қилади:

«أَنَّ امْرَأَةً رُفِعَتْ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ لَيْسَ لَهَا زَوْجٌ وَقَدْ حَمَلَتْ، فَسَأَلَهَا عُمَرُ فَقَالَتْ: إِنِّي امْرَأَةٌ ثَقِيلَةَ الرَّأْسِ، وَقَعَ عَلَيَّ رَجُلٌ وَأَنَا نَائِمَةٌ، فَمَا اسْتَيْقَظْتُ حَتَّى فَرَغَ، فَدَرَأَ عَلَيْهَا الْحَدَّ»

«Умар ибн Хаттобнинг олдига эри йўқ бўла туриб, ҳомиладор бўлиб қолган хотин олиб келинди. Умар (сабабини) сўраган эди, у: «Мен бир боши оғир хотинман, ухлаб ётганимда бир киши устимга ётди, уйғонгунимча, ишини қилиб бўлди», деб жавоб берди. Шунда Умар ундан ҳадни олиб ташлади». Барро ибн Собра Умардан ривоят қилади:

«أَنَّهُ أُتِيَ بِامْرَأَةٍ حَامِلٍ، فَادَّعَتْ أَنَّهَا أُكْرِهَتْ، فَقَالَ: خَلِّ سَبِيلَهَا، وَكَتَبَ إِلَيَّ امْرَأَ الْأَجْنَادِ (أَنْ لَا يُقْتَلَ أَحَدٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ)»

«Унинг олдига бир ҳомиладор аёл келтирилди ва у мажбур қилинганман, деб даъво қилди. Шунда Умар: «Қўйиб юборинглар», деди ва лашкарбошиларга ҳеч бир одам

унинг рухсатисиз ўлдирилмаслигини буюриб, нома юборди». Умарнинг иши шаръий далил бўлмаса ҳам шаръий ҳукмдир. Унга тақлид қилиш жоиз, яъни ҳукмнинг сабаблари тўла бўлганидан кейин ҳам менинг рухсатимсиз ўлимга ҳукм этманглар дейишга Халифанинг ҳаққи бор.

Зинонинг исботи - мана шулар. Уларсиз зино мутлақо исботланмайди. Зино гувоҳликлар ҳужжатлари жумласига ҳам, кўрсатмалар ҳужжатлари жумласига ҳам кирмайди. Зино алоҳида исбот талаб қиладиган алоҳида бир ишдир. У зинокорга белгиланган ҳад ҳукмларининг ажралмас қисмидир. Бу бир ҳужжатдир, унга амал қилиш вожиб. Шунга кўра, у бир қизнинг жувонга айланганига ёки зино қилганига ё жинсий алоқада бўлганига бир табибнинг гувоҳлиги билан исботланмайди. Қабул қилинган гувоҳлик билан ҳам ўз исботини топмайди. Ҳатто қози зинони аниқ билган тақдирда ҳам, шу уч ишдан бири бўлмагунча, зино ҳисобланмайди. Чунки қозига зино бўлганини исботловчи ишлар ва белгиларни кўрсатиб бериш - зино бўлганига қозидан қаноат ҳосил қилдириш, бир сўз билан айтганда, зинони исботлашдан эмас, балки уни шарият белгилаб берганидек, махсус тарзда ўз исботини топдиришдан иборатдир. Шунинг учун Пайгамбаримиз ﷺ зинокорликда машҳур бўлган аёлнинг зино қилганига қаноат ҳосил қилган бўлсалар ҳам иш ўз исботини топмагани учун унга ҳад белгиламадилар. Ибн Аббос ривоят қилишича, ўшанда Пайгамбаримиз ﷺ:

«لَوْ كُنْتُ رَاجِمًا أَحَدًا بَعِيرٍ بَيْنَهُ لَرَجَمْتُ فَلَانَةً فَقَدْ ظَهَرَ مِنْهَا الرِّيْبَةُ فِي مَنَاطِقِهَا وَهَيْتِهَا وَمَنْ يَدْخُلُ عَلَيْهَا»

«Агар бировни исботсиз тошбўрон қиладиган бўлганимда фалончини қилардим. Гапининг ҳам, туришининг ҳам, уникага кирган одамнинг ҳам шубҳалилиги очиқ кўриниб туради», дегандилар. Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَاعْنَبَيْنَ الْعَجْلَانِيَّ وَأَمْرَأَتَهُ، فَقَالَ شَدَّادُ بْنُ الْهَادِ هِيَ الْمَرْأَةُ الَّتِي قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَوْ كُنْتُ رَاجِمًا بَعِيرٍ بَيْنَهُ لَرَجَمْتُهَا؟ قَالَ: لَا تِلْكَ أَمْرَأَةٌ قَدْ أَعْلَنْتَ فِي الْإِسْلَامِ»

«Пайгамбаримиз ﷺ Ажалоний билан хотинини мулоана (бир-бирини лаънатлаш) қилдирдилар. Шаддод ибн Ҳодий, Пайгамбар бу аёл ҳақида ﷺ: «Агар бировни исботсиз

тошбўрон қилганимда фалончини қилардим», деганларми?, деб сўраганида ровий: «Йўқ, у Исломда ошкора қиладиган бир аёл эди», деб жавоб берди». Бухорийнинг ривоятида

«كَانَتْ تَظْهَرُ فِي الْإِسْلَامِ السُّوءَ»

«Исломда ёмонликни ошкора қиладиган» тарзида келган. Яъни унинг бузуқлигини ҳамма билар эди-ю, лекин зино исботи билан ҳам, эътироф билан ҳам ўз исботини топмаганди. Яна Ибн Аббоснинг ҳадисиди келишича, Ҳилол ибн Умайя ўзининг хотинини Шурайк ибн Самҳо билан бўлган деб «туҳмат» қилади ва мулоана ояти нозил бўлади. Пайғамбар ﷺ уларга одам юборадилар. У кишининг:

«إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ أَنَّ أَحَدَكُمْ كَاذِبٌ، فَهَلْ مِنْكُمْ تَائِبٌ»

«Иккалангдан биринг ёлгончи эканингни Оллоҳ билади. Тавба қиладиганингни борми?»», деганларига одамлар гувоҳ бўлишади. Аёл туриб гувоҳлик берди. Бешинчисига келганда уни тўхтатишди ва у тан олади дейишди. У дудуқланди ва тисарилди. Энди қайтса керак деб ўйладик. Кейин қавмимни минбаъд шарманда қилмайман, деб қайтиб кетди. Пайғамбар ﷺ:

«أَنْظُرُوهَا، فَإِنْ جَاءَتْ بِهٍ أَكْحَلَ الْعَيْنَيْنِ سَابِغِ الْإِيتِينَ، خَدْلِحِ السَّاقِينَ، فَهُوَ لَشَرِيكَ بْنِ سَمْحَاءَ»

«Унга қараб турунглар, агар у қоракўз, думбаси тўла, сонлари йўгон бола туғса, у Шарийк ибн Самҳоникни бўлади», дедилар. Худди шундай бола туғди ҳам. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«لَوْلَا مَا مَضَى مِنْ كِتَابِ اللَّهِ لَكَانَ لِي وَلَهَا شَأْنٌ»

«Оллоҳнинг Китобидан (бу иш хусусидаги оят) келиб бўлмаганида у билан бошқача гаплашган бўлардим». Бухорийнинг ривоятида

«مِنْ حُكْمِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг ҳукмидан», дейилган. Мана бу ҳодисада аёлнинг зино қилгани белгилари аниқ кўриниб турарди. Пайғамбар ﷺ ҳам унинг зино қилганига қаноат ҳосил қилгандилар. Шундай бўлса ҳам унга ҳад тайинламадилар. Чунки иш Қуръонда келган шаръий исбот билан ўз исботини топмаган эди. Бу нарса шуни таъкидлайдики, зино зинога хос исбот билан, яъни иқрор ёки

тўрт гувоҳ ё ҳомиладорлик билан исботланмагунча, кишига ҳад белгиланмайди.

БАЧЧАВОЗЛИК ҲАДИ

Баччавозлик жазоси зино жазосидан бошқачароқ бўлади. Чунки зино ва баччавозлик бошқа-бошқа нарсалардир. Бир-биридан тубдан фарқ қилади. Баччавозлик зинонинг бир тури эмаски, зино борасидаги ворид бўлган далиллар унга ҳам тўғри келса. Зино - эркакнинг аёл билан жинсий муносабатда бўлиши. Баччавозлик эса эркакнинг эркак билан жинсий муносабатда бўлишидир. Баччавозликни зинога қиёслаб ҳам бўлмайди. Чунки зино ҳақида ворид бўлган ҳужжатда илллати (сабаби) айтилмаган. Бирлаштирувчи иллат (сабаб) бўлмаганидан кейин қиёслаш дуруст эмас. Бундан ташқари, аёлнинг орқасига жинсий муносабат қилиш ҳам баччавозлик ҳисобланмайди. Чунки баччавозлик орқага жинсий муносабат қилиш эмас, эркакнинг эркак билан жинсий муносабатда бўлишидир. Шунга кўра, баччавозлик зинодан бошқа нарсадир. Уни зинога қиёслаб ҳам бўлмайди.

«إِذَا أَتَى الرَّجُلُ الرَّجُلَ فَهُمَا زَانِيَانِ, وَإِذَا أَتَى الْمَرْأَةَ الْمَرْأَةَ فَهُمَا زَانِيَاتَانِ»

«Эркак эркак билан жинсий муносабатда бўлса, иккиси ҳам зинокорлардир. Аёл аёл билан жинсий муносабатда бўлса, иккиси ҳам зинокорлардир», деган ҳадиснинг иснодида Муҳаммад ибн Абдурахмон бўлиб, уни Абу Ҳотам ёлғончи деган, Байҳақий эса танимайман, деган. Ҳадиснинг ўзи мункара ҳадисдир. Уни саҳиҳ, деб эътибор қилган тақдирда ҳам ундан мақсад ўхшатиш, холос. Яъни зинокорларга ўхшайдилар, деганидир. Пайғамбар ﷺнинг баччавозлик учун тошбўрон қилмаганлари бунинг далилидир. У киши бор-йўғи:

«أَفْتَلُوا الْفَاعِلَ وَالْمَفْعُولَ»

«қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдиришлар», деганлар, холос. Агар ҳақиқатдан ҳам **«зинокор»**, деб эътибор қилинганда, баччавознинг ҳади зинокорниқига ўхшаш бўларди. Ҳатто баччавозни тошбўрон қилиш хусусида ривоят қилинган ҳадисда ҳам бўйдоқни тошбўрон қилиш, яъни бўйдоқ ҳам, турмуш қурган ҳам фарқ қилмаслиги айтилган. Бу ҳам баччавозликнинг ҳукми зинокорнинг ҳукмидан бошқача эканлигини кўрсатиб турибди. Шулардан келиб чиқиб, баччавозликнинг жазоси зинонинг жазосидан бошқачадир, дея оламиз.

Баччавозликни жазолаш борасидаги шаръий ҳукм хоҳ бўйдоқ бўлсин, хоҳ турмуш қурган бўлсин, ўлдиришдир. Кимнинг баччавозлик қилгани ўз исботини топса, хоҳ қилувчи, хоҳ қилинувчи бўлсин, ўлдирилади. Ҳад шудир. Бунинг далили суннат ва саҳобалар ижмоъсидир. Икрима ибн Аббосдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ وَجَدْتُمُوهُ يَعْمَلُ عَمَلِ قَوْمِ لُوطٍ فَأَقْتُلُوا الْفَاعِلَ وَالْمَفْعُولَ بِهِ»

«**Кимнинг Лут қаъмининг ишени қилаётганини кўрсангизлар, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдиришлар**». Бу ҳадисни Нисойдан бошқа беш муҳаддис ривоят қилган. Ҳофиз, унинг кишилари ишончли кишилардир, деган. Бу ҳадис борасида ихтилоф бор. Ибн Тилоъ ўзининг «Аҳком»ида «Пайғамбар ﷺнинг баччавозни тошбўрон қилдирганлари ва шундай ҳукм чиқарганлари собит бўлган эмас. У кишининг фақат:

«أَقْتُلُوا الْفَاعِلَ وَالْمَفْعُولَ بِهِ»

«**Қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдиришлар**», деганлари собит бўлган, холос. Буни ибн Аббос ва Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган», дейди. Баччавозликнинг ҳукми ўлдириш эканлигига суннатдан далил - мана шу. Саид ибн Жубайр ва Мужоҳиднинг ибн Аббосдан қилган ривоятидаги

«فِي الْبَكْرِ يُوجَدُ عَلَى اللَّوْطِيَّةِ يُرْجَمُ»

«**Баччавозлик қилгани аниқланган бўйдоқ тошбўрон қилинади**», деган ҳадисдан мурод, унинг ҳади тошбўрон эканлиги эмас, тошбўрон билан ўлдиришдир. Қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдириш хусусида ворид бўлган далиллар бўйдоқ билан бўйдоқмасни ажратмасдан, шунга далолат қилади. Тошбўрон қилиниш фақат жувоннинг ҳадидир. Ҳадиснинг тошбўронни бўйдоққа ҳам боғлаши унинг ҳади тошбўрон эмаслигини кўрсатади. Шунга кўра, ибн Аббоснинг Саид ибн Жубайр ва Мужоҳид йўлидан келган ҳадиси унинг Икрима йўлидан келган ҳадиси билан қарама-қарши эмас. Чунки ҳар икки ҳадис ҳам ўлдиришга далолат қияпти. Тошбўрон қилиш хусусидаги ҳадис муайян услуб билан ўлдиришга далолат қилаётган бўлса, ўлдириш хусусидаги ҳадис умуман ўлдиришга далолат қияпти. Демак, ҳукм ўлдиришдир. Тошбўрон қилибми, осибми, отибми, бошқа бир восита биланми, фарқи йўқ. Хуллас,

услуг ва восита қандай бўлишидан қатъий назар, ҳукм ўлдиришдир.

Энди саҳобаларнинг ижмоъси хусусида. Улар баччавозни ўлдиришга ижмоъ қилган бўлсалар-да, ўлдириш услуги хусусида ихтилоф қилганлар. Байҳақий келтиришича, Алий رضي الله عنه баччавозни тошбўрон қилдирган. Яна Байҳақийнинг келтиришича, Абу Бакр саҳобаларни йиғиб, худди аёллар каби никоҳланадиган эркак хусусида фикрларини сўраган. Ушанда энг кескин гапирган Алий ибн Абу Толиб бўлганди. У киши шундай деган эди:

«هَذَا ذَنْبٌ لَمْ تَعْصِ بِهِ أُمَّةٌ مِنَ الْأُمَّةِ إِلَّا أُمَّةٌ وَاحِدَةٌ صَنَعَ اللَّهُ بِهَا مَا قَدْ عَلِمْتُمْ، نَرَى أَنْ نَحْرَقَهُ بِالنَّارِ»

«Бу шундай гуноҳдирки, уни фақат биргина уммат содир этган. Уларни Оллоҳ нима қилганини ўзларингиз яхши биласизлар. Виз уларни ўтда ёқиш керак, деб ўйлаймиз». Бошқа бир қиссада Жаъфар ибн Муҳаммад отасидан ривоят қилишича, Алий رضي الله عنه:

«يُرْجَمُ وَ يُحْرَقُ بِالنَّارِ»

«Тошбўрон қилинади ва ўтда ёқилади», деган. Байҳақийнинг ибн Аббосдан ривоят қилишича, ундан баччавозликнинг ҳади хусусида сўраганида шундай жавоб берган:

«يُنْظَرُ أَعْلَى بِنَاءٍ فِي الْقَرْيَةِ فَيُرْمَى بِهِ مِنْكَسًّا، ثُمَّ يَتَّبَعُ الْحِجَارَةَ»

«Қишлоқдаги энг баланд бинодан юзтубан отиб юборилади. Кейин тош отилади». Ривоят қилинишича, Алий رضي الله عنه:

«أَنَّهُ يَقْتُلُ بِالسَّيْفِ، ثُمَّ يَحْرَقُ بِالنَّارِ لِعَظْمِ الْمَعْصِيَةِ»

«Қилич билан ўлдириб, гуноҳи огир бўлганлиги учун ёқиб ҳам юборар экан». Умар билан Усмоннинг мазҳабида: «Деворнинг остига бостирилган». Бу фикрларнинг ҳаммаси услубда ихтилофли бўлса-да, ўлдиришга далолат қилади. «Шифо» китобининг муаллифи:

«إِجْمَاعُ الصَّحَابَةِ عَلَى الْقَتْلِ»

«Саҳобалар ижмоъси ўлдиришгадир», дейди. Шунга кўра, саҳобалар ижмоъсида баччавознинг ҳукми қилувчи ёки қилинувчи, бўйдоқ ёки турмуш қурган бўлишидан қатъий назар ўлдирилишдир. Саҳобалар ижмоъсининг ўзи шаръий далил бўла олади. Шундай бўлгач, агар у суннат билан ҳам қувватланса,

нима бўлиши ўзингизга маълум. Шунга асосан, шаръан баччавозга белгиланган ҳад зино ҳади эмас, қандай восита билан бўлишидан қатъий назар ўлдиришдир.

Баччавозликнинг исботи зино исботи каби эмас. У зинодан бошқа ҳадларнинг исботи кабидир. Зеро, модомики баччавозликка зинокорлик тўғри келмас экан, унга зинони исботловчи далил ҳам тўғри келмайди. Шунга кўра, у бошқа ҳадларнинг далиллари жумласига киради. Шунга биноан, баччавозлик ўғирлик ва бошқа ҳадларнинг исботи каби иқроп бўлиш билан ҳам, икки эркакнинг ёки бир эркак, икки аёлнинг гувоҳлиги билан ҳам ўз исботини топади. Баччавозлик ҳадида баччавознинг қилувчи ёки қилинувчи бўлишидан қатъий назар болиғ, оқил ва ўз ихтиёри билан қилган бўлиши ҳамда жиноят шаръий ҳужжат билан, яъни икки эркакнинг ёки бир эркак, икки аёлнинг гувоҳлиги билан исботланган бўлиши шарт. Агар гўдак ёки ақли ноқис ё қаттиқ мажбурланган бўлса, унга ҳад белгиланмайди.

АЁЛНИНГ ОРҚАСИГА ЖИНСИЙ МУНОСАБАТ ҚИЛИШНИНГ ҲУКМИ

Аёлнинг орқасига жинсий алоқа қилиш ҳаром. Демак, эркак киши бундай алоқадан қайтарилгандир. Айрим олимлар уни зинодан, деб эътибор қилишган. У баччавозлик деб аталмаса ҳам, баччавозликка ўхшаш ишдир. Аёл билан баччавозлик қилиш ҳам дейилади. Лекин баччавозликнинг эркакнинг эркак билан жинсий алоқада бўлишидан бошқа маъноси йўқ. Аёл кишининг орқасига жинсий алоқа қилиш баччавозлик дейилмайди. Шунга кўра, бу ишнинг ҳаромлиги зинолиги ёки баччавозлиги жиҳатидан эмас, шунга далолат қилувчи шаръий далиллар жиҳатидандир. Чунки у зино ҳам, баччавозлик ҳам эмас. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ﴾

– „Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз“. [2:222]

Бу оятда аёл киши билан Оллоҳ буюрган тарафдан, яъни олди томонидан жинсий алоқада бўлиш таъкидланяпти. Ундан Оллоҳ буюргандан бошқа томонга жинсий алоқа қилмаслик тушунилади. Оллоҳ Таоло никоҳга буюриб, шундай дейди:

﴿فَانكحُوا مَا طَابَ لَكُمْ﴾

– „... сизлар учун никоҳ ҳалол бўлган аёлларга... уйланаверинглар“. [4:3]

﴿وَأَنكحُوا الْأَيَامَىٰ مِنكُمْ﴾

– „Ўз ораларингиздаги тул-беваларни... уйлантиринглар“. [24:32]

﴿فَانكحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ﴾

– „... хожаларининг изни билан уйланаверинглар...“. [4:25]

Бу оятларда турмуш қуриш назарда тутиляпти. Юқоридаги оят шулар билан боғлиқдир. Демак, эркакларга аёллар билан Оллоҳ буюрган тарафдан жинсий алоқада бўлиш буюриляпти. Алий ибн Абу Талҳа Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ﴾

– „... уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз“. [2:222]

оятида олд томон назарда тутиляпти. Ундан бошқасига ўтилмайди. Ким шундай қилса, тажовуз қилган бўлади». Мужоҳид ҳам «Оллоҳ Таолонинг:

﴿مَنْ حَيْثُ أَمَرَكَ اللَّهُ﴾

– „...Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз“. [2:222]
ояти олд томон маъносидадир», деган. Уни Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَاعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ﴾

– „Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз“. [2:222]
оятига боғлаб бўлмайди. Чунки

﴿وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكَ اللَّهُ﴾

– „Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айттинг: «у кўнгилсиз нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз...»“. [2:222]

оятидаги ҳайз кўриш маконни эмас, замонни англатаётир. Агар макон назарда тутиляётган бўлганида, ҳайздан бошқа вақтда жимов қилинглари, дейилган бўларди. Юқоридаги оят эса маконга далолат қилувчи ибора билан келяпти. Демак, уни ҳайзга буриш мумкин эмас. Чунки ҳайз замонни англатаётган бўлса, мазкур оят маконни англатяпти. Бу гапни оятнинг давомидаги аёл насл қолдириш ўрни эканини баён қилувчи маъно ҳам қувватлайди. Шунга кўра,

﴿فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكَ اللَّهُ إِنْ اللَّهُ يُحِبُّ التَّوَابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ﴾
﴿نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَكُمْ فَأْتُوا حَرْثَكُمْ أَنَّى شِئْتُمْ﴾

– „... уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Оллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади. Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатгизда яқинлашаверинг...“. [2:222,223]

оятини шарҳлайдиган бўлсак, ундаги

﴿نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَكُمْ﴾

– „Хотинларингиз зироатгоҳингиздир“. [2:223]
оятини ўзидан аввалги

﴿فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ﴾

– „... уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз“. [2:222]
оятининг баёнидир. Демак, у Оллоҳ буюрган маконни, яъни олди томонини англатяпти.

﴿حَرِّكُمْ﴾

– „...зираотгоҳингиздир...“. [2:223]
сўзи «экиладиган ер»дан киноядир.

﴿أَنَّى شِئْتُمْ﴾

– „...хоҳлаган ҳолатгизда...“. [2:223]
сўзи эса «қандай хоҳласанглар» маъносидадир. Чунки

﴿أَنَّى﴾

– „хоҳлаган“. [2:223]
нинг маъноси «қайси томондан» эмас, «қандай» маъносидадир. Негаки, бу сўз асосан «қандай» маъносида ишлатилиб, камдан-кам ҳоллардагина «қаерда» маъносида ишлатилади. Ҳатто уни ҳар иккала маънода ҳам ишлатилади деб фараз қилган тақдирда ҳам оятдаги:

﴿حَرِّكُمْ﴾

– „...зираотгоҳингиздир...“. [2:223]
сўзи унинг «қаердан» эмас, „қандай“ маъносида ишлатилаётганини кўрсатиб турибди. Яна бу ҳужжат бир эмас, икки ўринда таъкидланиб келяпти.

﴿نَسَاؤُكُمْ حَرَّتْ لَكُمْ﴾

– „Хотинларингиз зироатгоҳингиздир“. [2:223]
жумласининг ўзи аёлларнинг экинзор маъносидалигини, демак, уларга экиладиган тарафдан яқинлик қилиш кераклигини етарли даражада англатяпти. Лекин бу сўз

﴿فَأْتُوا حَرِّكُمْ أَنَّى شِئْتُمْ﴾

– „Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатгизда яқинлашаверинг“. [2:223]
жумласида яна такроран таъкидланяпти. Шу билан ҳар қандай бошқача эҳтимоллар барбод бўляпти. Гўё Оллоҳ Таоло аёлларга қандай яқинлашсангизлар ҳам асосий экинзор тарафидан келсангизлар бўлди, деяётгандек. Демак,

﴿فَأْتُوا حُرَّتَكُمْ﴾

– „... зироатгоҳингизга яқинлашаверинг...“ [2:223]
жумласи жинсий муносабат олд томондан бўлишига ҳужжатдир. Оятнинг сабаби нузули ҳам жинсий муносабатнинг ўрни эмас, кайфияти хусусидаги савол бўлиб, фикримизни янада қувватлайди. Суфён ибн Саид Саврий ривоят қилишича, Муҳаммад ибн Мункадир уларга Жобир ибн Абдуллоҳни шундай деганини айтиб берган экан:

«أَنَّ الْيَهُودَ قَالُوا لِلْمُسْلِمِينَ مَنْ أَتَى امْرَأَةً وَهِيَ مُدْبِرَةٌ جَاءَ الْوَلَدَ أَحْوَلُ»

«Яҳудийлар мусулмонларга ким аёлига орқа томондан яқинлик қилса, боласи ғилай туғилади, дейишганида, Оллоҳ Таоло:

﴿نَسَاؤُكُمْ حَرَتْ لَكُمْ فَأْتُوا حُرَّتَكُمْ أَتَى شِئْتُمْ﴾

– „Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатгизда яқинлашаверинг...“ [2:223]

оятини нозил қилди». Ибн Жарих шу ҳадисда айтишича, Пайғамбар ﷺ:

«مُقْبَلَةٌ وَ مُدْبِرَةٌ إِذَا كَانَ فِي الْفَرْجِ»

«Орқа тарафдан бўлсин, олд тарафдан бўлсин, асосийси фаржга яқинлик қилинса булди», деганлар. Шунга кўра Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ﴾

– „... уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз!“ [2:222]
ояти аёл кишига Оллоҳ буюрганидан бошқа томонга яқинлик қилишнинг ҳаромлигига далолат қилади.

﴿نَسَاؤُكُمْ حَرَتْ لَكُمْ﴾

– „Хотинларингиз зироатгоҳингиздир“ [2:223]
оятини никоҳ, уйланиш оятларига илова тарзида яқинлик қилиш жойи фарж эканлигини кўрсатади. Аёлнинг орқасига яқинлик қилиш ҳаром эканлигига далил - мана шу. Унинг ҳаромлигини аниқ қилиб айтувчи ҳадислар ҳам ворид бўлган. Ҳузайма ибн Сомитнинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ эркакни аёлининг орқасига яқинлик қилишдан қайтарганлар. Ибн Аббос ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَى رَجُلٍ أَتَى رَجُلًا أَوْ امْرَأَةً فِي الدُّبُرِ»

«Эркак билан ёки аёлнинг орқасига яқинлик қилган кишига Оллоҳ назар қилмайди», деганлар. Амр ибн Шуайб ўз отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الَّذِي يَأْتِي امْرَأَتَهُ فِي دُبْرِهَا هِيَ اللُّوْطِيَّةُ الصُّغْرَى»

«Аёлининг орқасига яқинлик қилган киши кичик баччавоздир», деганлар. Алий ибн Талха айтади:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تُؤْتَى النِّسَاءُ فِي أَدْبَارِهِنَّ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ»

«Пайғамбар ﷺ аёлларнинг орқасига яқинлик қилишдан қайтарганлар. Чунки Оллоҳ ҳақиқатдан уялмайди». Буни ҳам Аҳмад Абу Муовиядан ривоят қилган. Имом Аҳмад Абдурраззоқдан, у Муаммардан, у Суҳайл ибн Абу Солиҳдан, у Ҳорисдан, у Мухолиддан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ الَّذِي يَأْتِي امْرَأَتَهُ فِي دُبْرِهَا لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِ»

«Аёлининг орқасига яқинлик қилган кишига Оллоҳ назар қилмайди», деганлар. Яна Аҳмад Аффондан, у Вухайбдан, у Суҳайлдан, у Ҳорис ибн Мухолиддан, у Абу Ҳурайрадан мана бу марфуъ ҳадисни ривоят қилган:

«لَا يَنْظُرُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِلَى رَجُلٍ جَامَعَ امْرَأَتَهُ فِي دُبْرِهَا»

«Аёлининг орқасига жимоъ қилган кишига Оллоҳ назар қилмайди». Мана бу ҳадислар аёл кишининг орқасига яқинлик қилишнинг ҳаромлигига далолат қилади. Демак, эр аёлнинг орқасига яқинлик қилишдан қайтарилган. Лекин шариат унга муайян жазо чораси, ҳад белгиламаган. Шунга кўра, у ҳадлар жумласига эмас, таъзир бобига киради. Имом ёки қози унга нисбатан одамни шу ишдан қайтарадиган даражада оғриқли жазо чораси қўллаши лозим бўлади. Чунки жазо оғриқли бўлмаса, жиноятдан қайтара олмайди. Бу ишни қозига қўйиб бериш маъқулроқ.

ТУҲМАТ ҲАДИ

Унинг маъноси бировни зино қилди, деб туҳмат қилишдир. Иффатли, бепарво мўминаларга туҳмат қилиш ҳаромдир. Зинокорнинг зинокорлигига гувоҳ келтириш бундан мустасно. Унинг ҳаромлигига Қуръонда ҳам, суннатда ҳам ҳужжатлар ворид бўлган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

– „Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир“. [24:4] Яна айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لُعْنُوا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

– „Албатта (бузуқ ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охирада ҳам лаънатга дучор бўлдилар. Улар учун улуғ азоб бордир“. [24:23] Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ؟ قَالَ: الشَّرْكَ بِاللَّهِ، وَالسَّخَرُ، وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ، وَأَكْلُ الرِّبَا، وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ، وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّحْفِ، وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ»

«Пайгамбар ﷺ: «Еттита ҳалок қилувчи нарсалардан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, улар қайсилар?», деб сўрашди. Дедиларки: «Оллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Оллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, суджўрлик қилиш, етим молини ейиш, душман билан туқнаш келганда орқага қочиб ва иффатли, бепарво аёлларга туҳмат қилиш». Бу икки оят ва бир ҳадисдаги «муҳсанот» сўзи «иффатли» маъносида келяпти. Аслида бу сўз Қуръонда тўрт маънода келган. Биринчиси - шу икки оятдаги «иффатли» маъносида. Иккинчиси - «турмуш қурган» маъносида. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ﴾

– „Яна эрлик аёллар (ҳам ҳаром қилинди). Магар (уруш-жангларда) эга бўлган чўриларингиз ҳалолдир.“ [4:24]

Яна айтади:

﴿مُحْصَنَاتٍ غَيْرَ مُسَافِحَاتٍ﴾

– „... улардан ўзларини сақлаган, фоҳишалик қилмаган...“ [4:25]

Учинчиси - чўри эмас, «хур» маъносида. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ مِنْكُمْ طَوْلًا أَنْ يَنْكِحَ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ﴾

– „Сизлардан кимда-ким озод мўмина аёлларга уйланиш имкониятига эга бўлмаса...“ [4:25]

Яна айтади:

﴿وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ﴾

– „... Сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар... ва сизлардан илгари Китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир.“ [5:5]

Тўртинчиси - «мусулмон» маъносида. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَعَلَيْهِنَّ نِصْفُ مَا عَلَى الْمُحْصَنَاتِ مِنَ الْعَذَابِ﴾

– „Энди эрга теккач, агар бузуқлик қилсалар, уларга озод аёлларга бериладиган азобнинг ярми берилур.“ [4:25]

﴿فَإِذَا أَحْصَنَ﴾

– „Бас, улардан ўзларини сақлаган...“ [4:25]

Ибн Масъуд бу сўзни, унинг мусулмон бўлиши, деб тафсир қилган. Демак, бу сўз омоним сўз бўлиб, бир неча маъноларни англатади. Мазкур икки оятда «иффатли» маъносида келяпти.

Бир иффатли муслимага тухмат қилган одамга саксон дарра ҳад урилади. Бунинг учун тухматчи мукаллаф ва ўз эркида бўлиши, иффатли аёлда эса иффатлилик шартлари тўла бўлиши лозим. Бу шартлар бештадир: оқилалик, ҳурлик, мусулмонлик, зинодан иффатлилик, жимоъга ярайдиган даражада катта ёшлилик.

Шу беш шарт орқали тухмат аниқлангач, ҳадни ижро этиш учун яна бир асосий шарт қолади. У ҳам бўлса, тухматчининг айтган гапига ҳужжат келтирмаслиги. Чунки Оллоҳ Таоло:

﴿وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ﴾

– „Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар...“ [24:4]

деган. Демак, дарра уришнинг шарти ҳужжатнинг йўқлигидир. Шунингдек, туҳмат қилинаётган одамдан иқрор бўлмаслик ҳам шарт қилинади. Чунки ҳужжат маъносининг ичида шу мазмун ҳам бор. Агар туҳматчи эр бўлса, ўзини лаънатлашдан бош тортиши шарт қилинади. Лекин агар аёл ўзини лаънатлашдан бош тортса, тошбўрон қилинади.

АРОҚХЎРНИНГ ҲАДИ

«Моида» сурасидаги бир оят билан ароқ ҳаром қилинган. Унда Оллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿بِأَيِّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩١﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنتَهُونَ﴾

– „Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилишлик) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Оллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!“

[5:91]

Шу оят нозил бўлгач, Пайғамбар ﷺ:

«حُرِّمَتِ الْخَمْرُ»

«Ароқ ҳаром қилинди», деганлар. Абу Саиднинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى حَرَّمَ الْخَمْرَ، فَمَنْ أَدْرَكَتْهُ هَذِهِ الْآيَةُ وَعِنْدَهُ مِنْهَا شَيْءٌ فَلَا يَشْرَبُ وَلَا يَبِيعُ، قَالَ: فَاسْتَقْبَلَ النَّاسُ بِمَا كَانَ عِنْدَهُ مِنْهَا فِي طَرِيقِ الْمَدِينَةِ فَسَفَكُوهَا﴾

«Оллоҳ ароқни ҳаром қилди. Ароғи бор одамга бу оят етиб борса, ичмасин ҳам, сотмасин ҳам». Ровийнинг айтишича, одамлар ароқларини олиб чиқишиб, Мадинанинг йўлларига тўкиб юборишган.

Оятда ворид бўлган ароқдан мурод узумдан қилинган хамрнинг ўзигина эмас, қайси маҳсулотдан тайёрланганлигидан қатъий назар, ҳар бир маст қилувчи ичимликдир. Ибн Умар ﷺнинг ривоят қилишича, Умар ﷺ Пайғамбар ﷺнинг минбарларида туриб шундай хутба қилганлар:

«إِنَّهُ قَدْ نَزَلَ تَحْرِيمُ الْخَمْرِ، وَهِيَ مِنْ خَمْسَةِ أَشْيَاءَ: الْعِنْبِ وَالتَّمْرِ وَالْحِنْطَةِ وَالشَّعِيرِ وَالْعَسَلِ وَالْخَمْرُ مَا خَامَرَ الْعَقْلَ»

«Ароқни ҳаром қилувчи оят нозил бўлган. У беш нарсадир: узум, хурмо, бугдой, арпа ва асал. Ақлни ўраб олган нарса ароқдир». Умар رضي الله عنه бу гапи билан «Моида» сурасидаги оятда келган ароқдан мақсад узумдан олинган хамрнинг ўзигина бўлмай, бошқа нарсалардан олинганларига ҳам тааллуқдир, деб огоҳлантиряптилар. Анас رضي الله عنهнинг ҳадиси ҳам шунга тўғри келади. Бухорий Мусаддадан, у Муътамардан, у отасидан, у Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади:

«قَالَ: كُنْتُ قَائِمًا عَلَى الْحَيِّ أَسْقِيهِمْ عُمُومِي - وَأَنَا أَصْغَرُهُمْ - الْفَضِيحَ فَقِيلَ حُرِّمَتِ الْخَمْرُ، فَقَالُوا أَكْفَيْتَهَا فَكَفَّاتَهَا قُلْتُ لَأَنْسَ مَا شَرَابُهُمْ؟ قَالَ: رُطْبٌ وَبُسْرٌ، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَنَسٍ، وَكَانَتْ خَمْرُهُمْ فَلَمْ يُنْكِرْ أَنَسٌ»

«Маҳаллада туриб ўзим кичиги бўлганим учун амакиларимга хурмо шарбатидан қуйиб бераётган эдим. Ароқ ҳаром қилинган, деган гап бўлиб қолди. Менга, шаробни ағдариб ташла, дейишган эди, мен уни ағдариб ташладим». Ровий Анас رضي الله عنهдан, у қандай шароб эди, деб сўраганида, ҳўл ва қуруқ хурмо шароби эди, деб жавоб берди. Абу Бакр ибн Анас, ўша уларнинг ароғи бўлган, шунинг учун ҳам Анас инкор қилмаган, дейди. Шундан кўриниб турибдики, саҳобалар ҳар бир маст қиладиган ичимликни ароқ деб тушунганлар. Абу Салама ибн Абдурахмоннинг хабар беришича, Оиша رضي الله عنها айтадиларки, Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан асалдан тайёрланган шароб хусусида сўраганларида, (у Яман аҳлининг ичимлиги эди) у киши:

«كُلُّ شَرَابٍ أَسْكَرَ فَهُوَ حَرَامٌ»

«Ҳар бир маст қилувчи ичимлик ҳаромдир», деб жавоб берганлар. Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилинишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ مِنَ الْحِنْطَةِ خَمْرًا وَمِنَ الشَّعِيرِ خَمْرًا وَمِنَ التَّمْرِ خَمْرًا وَمِنَ الزَّيْبِ خَمْرًا وَمِنَ الْعَسَلِ خَمْرًا»

«Бугдойдан тайёрлангани ҳам ароқ дейилади, арпадан тайёрлангани ҳам ароқ дейилади, кишмишдан тайёрлангани ҳам ароқ дейилади, хурмодан тайёрлангани ҳам ароқ дейилади, асалдан тайёрлангани ҳам ароқ дейилади». Ибн Умардан ривоят қилинишича, Пайгамбар ﷺ:

«كُلُّ مُسْكِرٍ خَمْرٌ وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ»

«Ҳар бир маст қилувчи ароқдир ва ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир», деганлар. Демак, узумданми, бугдойданми, арпаданми, хурмоданми, қаҳваданми - нимадан тайёрланганлигидан қатъий назар, ҳар бир маст қилувчи ичимлик ароқ дейилади. Масалан, Ҳабашистонда қаҳвадан ароқ тайёрлайдилар. У Ҳабашистон императорларига хос ароқдир. Шунга кўра спирт ҳам, одеколон ҳам, вино ҳам ҳаромдир. Чунки Пайгамбар ﷺ:

«كُلُّ مُسْكِرٍ خَمْرٌ»

«Ҳар бир маст қилувчи ароқдир», деганлар. Демак, ароқнинг луғавий маъносидан ташқари шаръий маъноси ҳам бор. У Пайгамбар ﷺнинг ароқ хусусида айтган гапларидир. Шунга биноан, оятда ворид бўлган ароқ узум ёки бошқа нарсдан тайёрланганлигидан қатъий назар, ҳар бир маст қилувчи ичимликдир.

Ароқнинг ҳаром қилиниши маълум бир сабабга боғланмайди. Чунки худди ўлимтик каби бевосита унинг ўзи ҳаром қилинган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ﴾

– „Сизларга ўлимтик ҳаром қилинди“ [5:3]

Бу оятда ўлимтик маълум бир сабабга кўра эмас, бевосита ўлимтик бўлгани учун ҳаром қилиняпти. Худди шу сингари Оллоҳ Таолонинг:

﴿إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ﴾

– „... ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилишлик)... ҳаром ишдир“ [5:91]

﴿فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ﴾

– „Энди тўхтарсизлар!“ [5:91]

оятида ҳам ароқнинг ҳаром қилинишига сабаб кўрсатилмаяпти. Шунга кўра, у маълум бир сабаб туфайли эмас, бевосита ароқ бўлгани учун ҳаром бўляпти. Айниқса, унинг ароқ бўлганлиги учун ҳам ҳаром қилинганлигига далолат қилувчи ҳадис ворид бўлган. Ибн Аббоснинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«حُرِّمَتِ الْخَمْرُ لَعَيْنِهَا وَ الْمُسْكِرُ مِنْ كُلِّ شَرَابٍ»

«Ароқ ароқ бўлгани учун ҳаром қилинди ва ҳар бир маст қилувчи ичимлик ҳам», деганлар. Яъни ҳеч бир сабаби кўрсатилмай, ароқ ароқ бўлгани учун, маст қилувчи ичимлик маст қилувчи бўлгани учун ҳаром қилинган.

Ароқхўр жазосининг миқдори

Ароқхўрнинг жазоси ҳадлар жумласига киради. Ароқ ичган одамга ҳад уриш вожиб. Негаки Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ شَرِبَ الْخَمْرَ فَاجْلِدُوهُ»

«Қимки ароқ ичса, унга дарра уринглар», деганлар. Ҳар бир маст қилувчининг ароқ эканлиги исбот қилинганидан кейин бу ҳадис унинг озига ҳам, кўпига ҳам алоқадор бўлаверади. Саҳобалар ароқхўрнинг жазоси ҳад-дарра уриш эканига ва унинг қирқтадан кам бўлмаслигига ижмоъ қилганлар.

Пайғамбар ﷺдан ворид бўлган ароқхўрга дарра уриш хусусидаги ҳадисларга назар ташлаган одам уриладиган дарранинг миқдори қирқта эканини, ундан кўпроқ бўлиши ҳам мумкинлигини англайди. Энди Пайғамбар ﷺнинг қирқ дарра урганликлари хусусидаги ҳадисларни айтиб ўтамиз. Муслим Ҳузойн ибн Мунзирнинг Валидга дарра уриш борасидаги ҳадисида Алий ибн Абу Толиб ﷺнинг:

«جَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ, وَجَلَدَ أَبُو بَكْرٍ أَرْبَعِينَ, وَعُمَرُ ثَمَانِينَ, وَكُلُّ سَنَةٍ»

«Пайғамбар ﷺ қирқ дарра, Абу Бакр ﷺ қирқ дарра, Умар ﷺ саксон дарра урган, ҳаммаси ҳам суннатдир», деганларини ривоят қилган. Термизий Абу Саиддан ривоят қилади:

«جَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْخَمْرِ بِنَعْلَيْنِ أَرْبَعِينَ»

«Пайғамбар ﷺ ароқ учун икки оёқ кийим билан қирқ дарра урганлар». Абу Саид айтади:

«جَلَدَ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْخَمْرِ بِنَعْلَيْنِ أَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺнинг замонларида ароқ учун икки оёқ кийим билан қирқ дарра урилган».

Абу Саид яна шундай дейди:

«جُلِدَ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْخَمْرِ بِتَعْلِينَ أَرْبَعِينَ فَلَمَّا كَانَ زَمَنُ عُمَرَ جُلِدَ بَدَلِ كُلِّ نَعْلٍ سَوَاطًا»

«Пайгамбар ﷺнинг замонларида ароқ учун икки пойабзал билан қирқ дарра урилган. Умар ﷺнинг даврига келиб, ҳар бир пойабзал бир қамчига алмаштирилган». Бу ҳадислар ароқхўрга қирқ дарра урилишини очиқ айтиб турибди. Бу фикрни

«جُلِدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺ қирқ дарра урганлар» ҳадиси ҳам қувватлайди. Пайгамбар ﷺнинг қирқ дарра атрофида урганларига далолат қилувчи ҳадислар ҳам шу фикрни янада ойдинлаштиради. Муслим Анас ﷺдан шундай ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِرَجُلٍ قَدْ شَرِبَ الْخَمْرَ فَجُلِدَ بِجَرِيدَتَيْنِ نَحْوَ الْأَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺнинг олдиларига бир ароқ ичган киши олиб келинди. Унга хурмонинг икки шохи билан қирқ дарра атрофида урилди». Насоий ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَرَبَهُ (أَي شَارِبَ الْخَمْرِ) بِالنَّعَالِ نَحْوًا مِنْ أَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺ уни (яъни ароқхўрни) оёқ кийимлар билан қирқ дарра атрофида урдилар». Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилади:

«فَأَمَرَ نَحْوًا مِنْ عِشْرِينَ رَجُلًا فَجُلِدَهُ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ جَلْدَتَيْنِ بِالْحَرِيدِ وَ النَّعَالِ»

«Пайгамбар ﷺ йигирматача кишига ароқ ичган одамни уришга буюрдилар, уларнинг ҳар бири хурмо шохи ва оёқ кийимлари билан икки мартадан уришди». Бу ҳадисларда аниқ қирқта дейилмасдан, қирқта атрофида дейиляпти. Шунга кўра, у қирқтадан кўпроқ ёки озроқ бўлиши ҳам мумкин. Лекин

қирқталигини аниқ белгиловчи ҳадислар унинг қирқтадан кам бўлишини ман этади. Қирқтадан кам бўлишига эса ҳужжат бўлувчи ҳадислар ворид бўлмаган. Шунга асосан қирқтадан кўп бўлиши эҳтимоли қолиб, кам бўлиш эҳтимоли йўқ бўлади. Алалхусус, бу ҳадислар ҳаднинг қирқ дарралигини қувватлаш билан бир қаторда унинг қирқтадан зиёда бўлиши жоизлигини ҳам англатиб турибди. Ҳадга муайян бир миқдорни белгиламаган ҳадислар ҳам бор. Масалан, Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَلَدَ فِي الْخَمْرِ بِالْجَرِيدِ وَ النَّعَالِ، وَ جَلَدَ أَبُو بَكْرٍ أَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺ ароқ учун хурмо шохи ва оёқ кийимлар билан дарра урганлар, Абу Бакр رضي الله عنه эса қирқ дарра урганлар». Уқба ибн Хорис ривоят қилади:

«جِيءَ بِالنَّعِيمَانَ أَوْ ابْنِ النَّعِيمَانَ شَارِبًا فَأَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ كَانَ فِي الْبَيْتِ أَنْ يَضْرِبُوا قَالَ فَكُنْتُ أَنَا فِيمَنْ ضَرَبَهُ، فَضَرَبْنَاهُ بِالنَّعَالِ وَالْجَرِيدِ»

«Ароқ ичиб олган Нуъмон ёки Нуъмоннинг угли олиб келинди. Пайгамбар ﷺ уйдагиларга уни уришни буюрдилар. Урадиганлар орасида мен ҳам бор эдим. Уни оёқ кийим ва хурмо шохи билан урдик». Соиб ибн Язид ривоят қилади:

«كُنَّا نُؤْتَى بِالشَّارِبِ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي إِمْرَةٍ أَبِي بَكْرٍ وَصَدْرًا مِنْ إِمْرَةٍ عُمَرَ فَتَقَوْمُ إِلَيْهِ فَنَضْرِبُهُ بِأَيْدِينَا وَنَعَالِنَا وَأَرْدَبَتِنَا، حَتَّى كَانَ صَدْرًا مِنْ إِمْرَةٍ عُمَرَ فَجَلَدَ فِيهَا أَرْبَعِينَ، حَتَّى إِذَا عَتَوْا فِيهَا وَفَسَقُوا جَلَدَ ثَمَانِينَ»

«Пайгамбар ﷺнинг замонларида, Абу Бакр رضي الله عنهнинг амирлик даврларида, Умар رضي الله عنهнинг амирлигининг дастлабки пайтларида ароқхўрни олиб келиб, уни қўлимиз билан ҳам, оёқ кийимлар билан ҳам, ридоларимиз билан ҳам урар эдик. Умар رضي الله عنه амирлигининг дастлабки даврига келиб қирқ дарра уриладиган бўлди. Ҳадларидан ошиб, фисқу фужур қилишгач, саксон дарра урилди». Зухрий ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَفْرُضْ فِي الْخَمْرِ حَدًّا، وَإِنَّمَا كَانَ يَأْمُرُ مَنْ حَضَرَهُ أَنْ يَضْرِبُوهُ بِأَيْدِيهِمْ وَنَعَالِهِمْ حَتَّى يَقُولَ ارْفَعُوا»

«Пайғамбар ﷺ ароқ учун ҳад белгиламаганлар. Ёнида турганларга қўллари ва оёқ кийимлари билан уришни буюрардилар-да, яна ўзлари: «Бас қилинглр», дердилар». Абу Довуд кучли санад билан ибн Аббосдан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يُوقِتْ فِي الْخَمْرِ حَدًّا»

«Пайғамбар ﷺ ароқ учун ҳад белгиламаганлар». Нисой ибн Аббосдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَقْتِ فِي الْخَمْرِ حَدًّا»

«Пайғамбар ﷺ ароқ учун ҳад белгиламаганлар». Бу ҳадисларда ароқхўрга муайян ҳад айтилмаяпти. Улардан бирида Пайғамбар ﷺнинг ароқ учун умуман ҳад белгиламаганлари айтиляпти. Бундан Пайғамбар ﷺнинг замонларида дарра уриш муайян сон билан, яъни қирқта билан белгиланмаган, деган маъно чиқади. Ўз-ўзидан бу гап қирқта билан белгиланган, деган ҳадисга қарама-қарши эмасми, деган савол туғилади. Бунга жавоб шуки, муайян миқдор айтилмаган ҳадислар мутлақ ҳадисдир. Анас رضي الله عنهнинг:

«جُلِدَ فِي الْخَمْرِ بِالْجَرِيدِ وَالتَّعَالِ»

«Ароқ учун хурмо шохи ва оёқ кийим билан урилган», ҳадиси ҳам, Уқба رضي الله عنهнинг:

«فَأَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ كَانَ فِي الْبَيْتِ أَنْ يَضْرِبُوهُ»

«Пайғамбар ﷺ уйдагиларга уни урушни буюрдилар», ҳадиси ҳам мутлақ ҳадислар қабилидандир. Агар ҳеч қандай сон ёки сифат билан қайдланмаган мутлақ ҳужжат ва айни пайтда сон ёки сифат билан қайдланган (муқаййад) ҳужжат ворид бўлса, мутлақ муқаййадга ҳамл қилинади. Шу билан қайд ҳаммасига алоқадор бўлиб кетаверади. Бу ерда ҳам худди шундай бўлади. Сон айтилмаган сон айтилган ҳадисларга ҳамл қилинади. Соибнинг муайян миқдор билан қайдланмаган ҳолда урганлари хусусидаги ҳадисда мутлақ эмас, ароқ ҳади учун муайян миқдор йўқдир, деб хабар бериши жумласидандир. У ҳам Зухрий ва ибн Аббоснинг ҳадиси кабидир. Пайғамбар ﷺнинг ароқ учун муайян ҳад белгиламаганларини кўрсатувчи бу ҳадислар исбот (яъни ҳад

белгилаган деган маънода) эмас, нафий (ҳад белгиламаган деган маънода) дир. Шунга биноан бу ҳадисларнинг ровийлари муайян ҳад белгиланганлигини баён қилувчи ҳадислардан беҳабар бўлганлар, деб эътибор қилинади. Бунга далил шуки, бошқа ровийлар Пайғамбар ﷺнинг муайян ҳад белгилаганларини ривоят қилганлар. Масалан, Абу Саиднинг ҳадисиди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَرَبَ فِي الْخَمْرِ بِنَعْلَيْنِ أَرْبَعِينَ»

«Пайғамбар ﷺ ароқ учун икки поябзал билан қирқ дарра урганлар», дейилган бўлса, Абу Довуд ривоят қилган Абдурахмон ибн Азҳарнинг ҳадисиди:

«أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِجَلْدِ الشَّارِبِ أَرْبَعِينَ»

«Пайғамбар ﷺ ароқхўрга қирқ дарра уришни буюрганлар», дейилган. Шунга кўра, ровий ўз билгани бўйича ҳад белгиланганлигини нафий этса, миқдорни исботловчи саҳиҳ ҳадисларга зид бўлолмайди. Чунки бу ҳадислар нафий ҳадислар бўлиб, қирқталиқ ҳадислар исбот ҳадислардир. Нафий билан исбот қарама-қарши келиб қолса, исбот нафийдан олдинга қўйилади, деган усулий қоида бор. Шунга асосланиб, муайян ҳадни исботловчи ҳадислар уни нафий этувчи ҳадислардан олдинга қўйилади. Ҳар икки далилга амал қилиш яна ҳам яхшироқ.

Шулардан кўриниб турибдики, дарранинг қирқталигини англатувчи ҳадисларга амал қилинганда ҳам, қирқта атрофида, дейилган ҳадисларга амал қилинганида ҳам ароқхўрнинг жазоси қирқ дарра бўлади. Унинг қирқтадан кам эмас, қирқтадан кўп бўлишига далил қирқта атрофида дейилган ҳадисдир. Анас ﷺнинг:

«فَجَلِدَ بِحَرِيدَتَيْنِ نَحْوَ أَرْبَعِينَ»

«Хурмонинг икки шохи билан қирқта атрофида дарра урилди», деган ҳадиси, Нисойининг:

«ضَرَبَهُ بِالتَّعَالِ نَحْوًا مِنْ أَرْبَعِينَ»

«Уни оёқ кийимлар билан қирқта атрофида урдилар», деган ҳадиси, Байҳақийнинг:

«فَأَمَرَ نَحْوًا مِنْ عِشْرِينَ رَجُلًا فَجَلَدَهُ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ جَلْدَتَيْنِ»

«Йигирмата одамга ароқ ичган одамни уришга буюрдилар, уларнинг ҳар бири икки даррадан уришди» ҳадиси

қирқтадан озроқ ёки қирқтадан кўпроқликка далолат қилади. Лекин унинг қирқталигини исботловчи бир неча ҳадислар ворид бўлгани туфайли қирқтадан камроқ эҳтимоли йўқ бўлиб, қирқта ёки қирқтадан кўпроқ эҳтимоли қолади. Бу нарса қирқтадан кўпроқ бўлиши ҳам мумкинлигига ишорадир. Бу фикрни Зухрийнинг ҳадисидаги:

«وَأَمَّا كَانَ يَأْمُرُ مَنْ حَضَرَهُ أَنْ يَضْرِبُوهُ بِأَيْدِيهِمْ وَنَعَالِهِمْ حَتَّى يَقُولَ ارْفَعُوا»

«Олдида турганларга (ароқхўрни) қўллари ва оёқ кийимлари билан то ўзлари, бас қилинглр, дегунларича уришни буюрардилар», деган гап ҳам қувватлайди. Бу ҳадисни дарранинг қирқталигига далолат қилувчи ҳадисларга солиштирганда Пайғамбар ﷺнинг қирқтадан аввал эмас, қирқтадан кейин бас қилинглр деган бўлишлари мумкинлиги аён бўлади. Шунга кўра, қирқтадан кўпроқ уриш жоиз. Эҳтимолки, саҳобалар ҳам қирқтадан кўпроқ миқдор устида ихтилоф қилгандирлар. Масалан, Умар رضي الله عنه ароқхўрнинг ҳади хусусида маслаҳатлашганлар. Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِرَجُلٍ قَدْ شَرِبَ الْخَمْرَ فَجُلِدَ بِجَرِيدَتَيْنِ نَحْوِ الْأَرْبَعِينَ، قَالَ: وَفَعَلَهُ أَبُو بَكْرٍ، فَلَمَّا كَانَ عَهْدُ عُمَرَ اسْتَشَارَ النَّاسَ، فَقَالَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ أَخْفُ الْخُدُودِ ثَمَانِينَ فَأَمَرَ بِهِ عُمَرُ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига ароқ ичган бир одам келтирилганида, унга хурмонинг икки шохи билан қирқ дарра атрофида урганлар. Абу Бакр ҳам шундай қилганлар. Умарнинг даврлари келгач, у киши одамлар билан маслаҳатлашганлар. Абдурраҳмон ҳадларнинг энг энгили саксонга деган. Умар шунга буюрганлар». Ибн Аби Шайба Абу Абдурраҳмон Саламийдан, у Алийдан ривоят қилади:

«شَرِبَ نَفْرٌ مِنْ أَهْلِ الشَّامِ الْخَمْرَ وَتَأَوَّلُوا الْآيَةَ الْكُرِيمَةَ، فَاسْتَشَارَ فِيهِمْ (يَعْنِي عُمَرَ) فَقُلْتُ: أَرَى أَنْ تَسْتَبِيَهُمْ، فَإِنْ تَابُوا ضَرَبْتَهُمْ ثَمَانِينَ، وَإِلَّا ضَرَبْتَ أَعْنَاقَهُمْ لِأَنَّهُمْ اسْتَحَلُّوا مَا حُرِّمَ، فَاسْتَبَاهُمْ فَتَابُوا، فَضَرَبْتَهُمْ ثَمَانِينَ»

«Шомлик бир неча киши ароқ ичиб олиб, ояти каримани таъвил қилишибди. Улар хусусида Умар маслаҳат сўраган

эдилар, мен: «Уларни тавба қилишларини сўранг. Тавба қилишса, саксон дарра уринг, тавба қилишмаса каллаларини олинг. Чунки улар ҳаром қилинган нарсани ҳалолга айлантирдилар», дедим. Умар уларни тавба қилишларини сўрадилар. Тавба қилишгач, ҳар-бирини саксон даррадан урдилар». Бу икки ҳадис Умарнинг саҳобалар билан ароқ ҳадининг миқдори тўғрисида маслаҳатлашганларига далолат қилади. Агар Умар шомлик ароқ ичганларга ароқ ҳади уриш хусусида эмас, уларнинг ароқ ичиб олиб, ояти каримани тафсир қилганлари хусусида маслаҳатлашганлар, шунинг учун ҳам Алий ҳаромни ҳалол қилиб олганлари туфайли уларни тавба қилдиртиришни, тавба қилмасалар ўлдиришни, тавба қилсалар, ҳар бирини саксонтадан уришни маслаҳат бердилар, дейиладиган бўлса, бунга жавобан, шундай бўлган тақдирда ҳам, юқоридаги Анаснинг ҳадисида маслаҳат сўраш ароқ ҳадининг миқдори ҳақидалиги очиқ айтилган, бунга Абдуллаҳнинг:

«أَخْفُ الْخُدُودِ ثَمَانِينَ»

«Ҳадларнинг энг энгили саксонтадир», деган гапи далилдир, дея оламиз. Ароқхўрнинг жазоси қирқта, ёки қирқта атрофида дарралигини англатувчи ҳадисларнинг ворид бўлгани ва улардан Умар رضي الله عنهнинг ҳам хабардорлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ердаги маслаҳат сўраш, умуман ароқ ҳади миқдори хусусида эмас, қирқтадан ортиқ миқдори хусусида кетаётгани аниқ бўлади. Шу билан икки иш ойдинлашади. Бири - саҳобаларнинг ҳаднинг қирқтадан ортиқ ҳам бўлиши жоиз, деб тушунишлари, иккинчиси - саҳобалардаги ихтилоф қирқта эмас, қирқтадан юқори миқдор хусусида бўлгани.

Амирул мўминин Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنه ривоят қиладилар:

«مَا كُنْتُ لِأَقِيمَ حَدًّا عَلَى أَحَدٍ فَيَمُوتَ، فَأَجِدَ فِي نَفْسِي إِلَّا صَاحِبَ الْخَمْرِ، فَإِنَّهُ لَوْ مَاتَ وَدَيْتُهُ، وَذَلِكَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَسْنَهُ»

«Ҳад тайинлаганим боис ўлиб қолган бирор кимсага ачинмасдим. Фақатгина ароқхўрга ачинардим. Агар у ўлиб қолса, товонини тўлаган бўлардим. Чунки Пайгамбар ﷺ бу ишни қонунийлаштирмаган эдилар». Абу Довуд билан ибн Можа уни қонунийлаштирмаганлар, деган сўзни биз айтганмиз, дейишади. Унинг маъноси ўз оғизлари билан унинг миқдорини белгиламаган эдилар, деганидир. Бу ҳадисда Алий رضي الله عنه Пайгамбар

ﷺ ароқ ҳадининг миқдорини аниқ белгиламаганлар, деяётган бўлсалар, худди шу Алий رضي الله عنه:

«جَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ, وَجَلَدَ أَبُو بَكْرٍ أَرْبَعِينَ, وَعَمْرُ ثَمَانِينَ, وَكُلُّ سَنَةٍ»

«Пайгамбар ﷺ қирқ дарра урдилар, Абу Бакр رضي الله عنه қирқ дарра урдилар, Умар رضي الله عنه эса саксон дарра. Ҳаммаси ҳам суннатдир», деган гаплари ҳам айтганлар. Шунга биноан Алий

«وَذَلِكَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَسْتَهْ»

«уни қонунийлаштирмаган эдилар», деган гапи билан қирқтадан юқори миқдордаги ҳадни назарда тутаётган бўлсалар керак, дейиш мумкин. Гўё баҳс қирқтадан юқорилик устида боряпти. Чунки қирқталиқ масаласи очиқ ҳужжат бўлиб келган ҳадислар билан узил-кесил ўз исботини топиб бўлган.

Саҳобаларнинг қирқталиқ борасида эмас, қирқтадан юқори миқдор борасида ихтилоф қилишганлиги мана шундан кўриниб турибди. Алий رضي الله عنهнинг:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَفْرُضْ فِي الْخَمْرِ حَدًّا,»

«Пайгамбар ﷺ ароқ хусусида муайян ҳад белгиламаганлар», деган сўзлари ҳамда Пайгамбар ﷺ ароқ ҳақида ҳад белгиламаганлар, деган ҳадис қирқтадан юқори миқдор тўғрисида айтилган гаплардир. Бунга далил шуки, худди шу Алий رضي الله عنهнинг ўзлари Пайгамбар ﷺ қирқ дарра урганларини ҳам айтганлар. Қирқталиқка далолат қилувчи ҳадислар яна бир далилдир. Қирқталиқ борасидаги ҳужжат Пайгамбар ﷺнинг ҳад белгиламаганлари ҳамда қирқта атрофида деганлари хусусидаги ҳадисларга қўшилганда қирқтадан ортиқ ҳам уриш жоизлиги аён бўлади. Лекин мана шу ортиқлик хусусида Пайгамбар ﷺдан аниқ бир миқдор айтилмаган. Унинг саксонтами, ундан оз ёки кўп экани ноаниқ қолган. Умумий қилиб, қирқтадан ортиқлик айтилган, холос.

Саҳобаларнинг رضي الله عنه ижтиҳодлари шаръий далил, деб эътибор қилинмаса-да, ҳар қалай саҳиҳ ижтиҳод билан эришилган шаръий ҳукмдир. У мужтаҳид чиқарган шаръий ҳукм сифатида олинишидан ташқари, саҳобаларнинг гаплари ва фикрларини олиш одат тусига кириб қолган. Шунга кўра, қирқтадан юқори миқдор саксон дарра, деб белгиланади. Демак, ҳаднинг миқдори қирқтадир, саксонта бўлиши ҳам мумкин. Чунки Пайгамбар ﷺ

қирқ дарра урганлар, саҳобалар эса қирқ дарра ҳам, саксон дарра ҳам урганлар. Шунга кўра, ҳад қирқта ва саксонта бўлади. Саҳобаларнинг қирқта урганларига ҳам, саксонта урганларига ҳам далолат қилувчи ҳадислар кўп. Аҳмад ва Муслим Анас رضي الله عنهдан ривоят қиладилар:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِرَجُلٍ قَدْ شَرِبَ الْخَمْرَ فَجَلَدَ بِجَرِيدَتَيْنِ نَحْوَ الْأَرْبَعِينَ، قَالَ: وَفَعَلَهُ أَبُو بَكْرٍ، فَلَمَّا كَانَ عَهْدُ عُمَرَ اسْتَشَارَ النَّاسَ، فَقَالَ عَبْدُ الرَّحْمَانَ أَخْفُ الْخُدُودِ ثَمَانِينَ فَأَمَرَ بِهِ عُمَرُ»

«Пайгамбар ﷺнинг олдиларига ароқ ичган бир киши олиб келинди. Унга иккита хурмо шохи билан қирқ дарра атрофида урилди. (Ровий сўзида давом этади) Абу Бакр رضي الله عنه ҳам шундай қилдилар. Умар رضي الله عنهнинг замонлари келгач, у киши одамлар билан маслаҳатлашдилар. Шунда Абдурраҳмон ҳадларнинг энг енгили саксонта деган эди, Умар رضي الله عنه ушанга буюрдилар». Ибн Абу Шайба Абу Абдурраҳмон Саламийдан, у эса Алий رضي الله عنهдан ривоят қилади:

«شَرِبَ نَفْرٌ مِنْ أَهْلِ الشَّامِ الْخَمْرَ وَتَأَوَّلُوا الْآيَةَ الْكَرِيمَةَ، فَاسْتَشَارَ فِيهِمْ (يَعْنِي عُمَرَ) فَقُلْتُ: أَرَى أَنْ تَسْتَبِيَهُمْ، فَإِنْ تَأَبَوْا ضَرْبَتَهُمْ ثَمَانِينَ، وَإِلَّا ضَرْبَتْ أَعْنَاقَهُمْ لِأَنَّهُمْ اسْتَحَلُّوا مَا حُرِّمَ، فَاسْتَأْبَهُمْ فَتَأَبَوْا، فَضَرْبَهُمْ ثَمَانِينَ ثَمَانِينَ»

«Шомлик бир неча киши ароқ ичиб олиб, ояти каримани тафсир қилишибди. Улар ҳақида Умар رضي الله عنه маслаҳат сўрадилар, шунда мен: «Уларни тавба қилдиртиринг, тавба қилишса саксон дарра уринг, тавба қилишмаса, каллаларини олинг, чунки улар ҳаром қилинган нарсани ҳалол қилиб олдилар», деб маслаҳат бердим». Умар رضي الله عنه уларни тавба қилдиртирдилар. Тавба қилишгач, ҳар бирига саксонта-саксонтадан дарра урдилар. Ҳузайн ибн Мунзир ривоят қилади:

«قَالَ شَهِدْتُ عُثْمَانَ بْنَ عَفَّانَ وَأْتَى بِالْوَلِيدِ قَدْ صَلَّى الصُّبْحَ رَكَعَتَيْنِ، ثُمَّ قَالَ: أَرِيدُكُمْ، فَشَهِدَ عَلَيْهِ رَجُلَانِ: أَحَدُهُمَا حُمْرَانُ أَنَّهُ شَرِبَ الْخَمْرَ، وَشَهِدَ آخَرُ أَنَّهُ رَأَهُ يَتَقَيُّ، فَقَالَ عُثْمَانُ: إِنَّهُ لَمْ يَتَقَيَّ حَتَّى شَرِبَهَا، فَقَالَ: يَا عَلِيُّ قُمْ»

فَجَلَدَهُ، فَقَالَ: عَلِيٌّ قُمْ يَا حَسَنُ فَاجْلِدْهُ، فَقَالَ الْحَسَنُ: وَلَّ حَارَهَا مَنْ تَوَلَّى قَارَهَا، فَكَأَنَّهُ وَجَدَ عَلَيْهِ، فَقَالَ: يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنَ جَعْفَرٍ قُمْ فَاجْلِدْهُ، فَجَلَدَهُ وَعَلِيٌّ يَعُدُّ حَتَّى بَلَغَ أَرْبَعِينَ، فَقَالَ: أَمْسِكْ، ثُمَّ قَالَ: جَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ، وَجَلَدَ أَبُو بَكْرٍ أَرْبَعِينَ، وَعُمَرُ ثَمَانِينَ، وَكُلُّ سُنَّةٍ، وَهَذَا أَحَبُّ إِلَيَّ»

«Бомдоднинг эндигина икки ракаатини ўқиб турган Усмон ﷺнинг олдиларига Валид олиб келинди. Унга қарши икки киши гувоҳлик берди. Улардан бири қизариб кетган бўлиб, унинг ароқ ичганига, бошқа бир киши эса ароқ қусганига гувоҳ бўлишди. Шунда Усмон ﷺ: «Ичмаганида қусмаган бўлар эди», деб: «Тур, эй Алий, уни даррала», дедилар. Алий ﷺ эса: «Тур, эй Ҳасан, сен уни даррала», дедилар. Шунда Ҳасан ижиргангандек бўлиб: «Совуғини татиган одам иссиғини ҳам тотисин», деди. (Кейин Усмон ﷺ): «Эй Абдуллоҳ ибн Жаъфар, тур, сен даррала», дедилар. У дарра урди, Алий ﷺ эса санаб турдилар. Қирқтага етганида «Тўхта», дедилар. Кейин: «Пайгамбар ﷺ қирқ дарра урганлар, Абу Бакр ﷺ ҳам қирқ дарра урганлар, Умар ﷺ эса саксон дарра. Ҳаммаси ҳам суннат. Менга шуниси маъқулроқ», деб қўшиб қўйдилар». Амирул мўминин Алий ﷺ ароқ ичиш хусусида яна шундай деганлар:

«فَإِنَّهُ إِذَا شَرِبَ سَكْرًا، وَإِذَا سَكِرَ هَذَى، وَإِذَا هَذَى افْتَرَى، وَ عَلَى الْمُفْتَرِي ثَمَانُونَ جَلْدَةً»

«Ичган маст бўлади, маст бўлган валдирайди, валдираган туҳмат қилади, туҳматчининг жазоси саксон даррадир». Саҳобаларнинг ароқхўрни қирқ дарра урганлари ҳам, саксон дарра урганлари ҳам мана шу ҳадислар ва асарлардан очиқ кўриниб турибди. Қирқ даррани:

«جَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعِينَ»

«Пайгамбар ﷺ қирқ дарра урганлар», деган ҳадисга биноан урган бўлсалар, саксон даррани қирқтадан ортиқ ҳам уриш мумкин, деб тушунганлари, ҳадларнинг энгилини саксонга, деб

билганлари ёки ичган одам маст бўлганда валдираб, туҳмат қилиши, туҳматчининг жазоси эса саксон дарралиги каби ўз ижтиҳодлари билан урганлар. Пайғамбар ﷺ дан содир бўлгани ва саҳобаларнинг тутган йўллари мана шу. Ароқхўрнинг ҳади қирқта ва саксонта даррадир.

Ароқхўр учун шу икки ҳаддан бошқа ҳад йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки Пайғамбар ﷺ дан ҳам, саҳобалардан ҳам қирқта ва саксонта дарра уришдан бошқа ҳужжат ворид бўлган эмас. Элликта, тўқсонта ва яна қанчадир бўлиши нодуруст. Чунки у таъзир эмас, ҳаддир. Лекин улардан бирини танлашга Халифанинг ҳаққи бор. Яъни улардан бирига буюриб, уни вожибга айлантириш ҳуқуқига эга. Агар саксонтани вожибга айлантирса, суннатда собит бўлган қирқтани ҳам, саҳобалар иттифоқ қилган ундан ортиқликни ҳам, яъни саксонталиқни ҳам олган бўлади. Қирқталиқни вожибга айлантирса, унинг ҳукми суннат билан собитдир. Ундан ортиқчаси имомга вожиб эмас, жоиздир. Шунга кўра қирқта билан кифояланилса ҳам ҳечқиси йўқ.

Одам кўпроқ ичса маст бўлишини билгани ҳолда ароқ ичсагина унга ҳад урилади. Ҳаромлигини билмасдан ичиб қўйган одамга ҳад йўқ. Икки ишдан бири, яъни иқрор ёки далил шаръан исботланмагунига қадар ҳад урилмайди. Гувоҳлардан бири ароқнинг ичилганига, иккинчиси эса қусганига гувоҳлик беришлари ҳам мумкин. Чунки Ҳузайннинг ҳадисиди:

«فَشَهِدَ عَلَيْهِ رَجُلَانِ: أَحَدُهُمَا حُمْرَانُ أَنَّهُ شَرِبَ الْخَمْرَ وَشَهِدَ آخَرُ أَنَّهُ رَأَاهُ
يَتَقِيًّا»

«Икки киши гувоҳлик берди, улардан бири қизариб кетган булиб, уларнинг бири унинг ароқ ичганига, иккинчиси эса унинг қусганини кўрдим, деб гувоҳлик берди», дейилган.

ЎҒИРЛИК ҲАДИ

Ўғирлик ҳади қўлни кесишдир. Чунки Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا﴾

– „Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам... қўлларини кесинглар“.
[5:38]

Бухорий Оиша онамиз ﷺ дан ривоят қилишича, Пайғамбаримиз ﷺ:

«تُقَطَّعُ الْيَدُ فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«Чорак динар ва ундан юқориси учун қўл кесилади», деганлар. Пайғамбар ﷺ яна шундай деганлар:

«إِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بِأَنَّهُمْ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَكَوهُ، وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الضَّعِيفُ قَطَعُوهُ»

«Сизлардан аввалгилар шунинг учун ҳам ҳалок бўлганларки, улуғлари ўғирлик қилса, тек қўйганлар, заифлари ўғирлик қилса қўлини кесганлар». Оиша онамиз ﷺ ривоят қиладилар:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَطَعَ يَدَ امْرَأَةٍ، قَالَتْ عَائِشَةُ وَكَأَنَّتْ تَأْتِي بَعْدَ ذَلِكَ فَأَرْفَعُ حَاجَتَهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَابَتْ وَحَسَنَتْ تَوْبَتَهَا»

«Пайғамбар ﷺ бир аёлнинг қўлини кесдилар. Уша аёл ундан кейин ҳам келиб турарди. Мен унинг ҳожатини Пайғамбар ﷺ га етказар эдим. У тавба қилди. Тавба қилганда ҳам гўзал қилди».

Ўғирлик дегани молни эгасидан ёки эгасининг ноибдан яширинча олиб қўйишдир. Шарти шуки, мол қўл кесилишига асос бўладиган миқдорда бўлсин, қўриқланаётган жойдан олинсин, унда ҳеч қандай шубҳа бўлмасин. Кечаси ё кундузи олишнинг, ўғирлик жойига бузиб ё бузмай киришнинг, ўғирликни яшаш жойи ёки жамоат жойида қилишнинг, яшириниб ёки очиқчасига, қуролли ёки қуролсиз боришнинг аҳамияти йўқ. Хуллас, молни яширинча олиб қўйиш ўғирлик ҳисобланади. Лекин саҳиҳ ҳужжатлар билан исботланган шаръий шартлар тўла бўлмагунича қўл кесилмайди. Шартлар еттигадир. **Биринчиси:** Молни олиш ўғирлик таърифига тўғри келиши керак. Ўғирликнинг маъноси молни яширин тарзда

билдирмасдан олишдир. Босқинчилик қилган, тортиб олган, зўрлаб олган, ўзлаштириб олган, хиёнат йўли билан олган одам ўғри ҳисобланмайди, унинг қўли кесилмайди. Абу Довуд Жобирдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«وَلَيْسَ عَلَى خَائِنٍ وَلَا مُنْتَهَبٍ وَلَا مُخْتَلِسٍ قَطْعٌ»

«**Хоиннинг, босқинчининг, ўзлаштириб олувчи(нинг қўли) кесилмайди**», деганлар. Омонатга хиёнат қилганнинг ҳам қўли кесилмайди. Чунки у ўғри эмас, хоиндир. Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَ عَلَى الْخَائِنِ وَلَا الْمُخْتَلِسِ قَطْعٌ»

«**Хоиннинг ҳам, ўзлаштириб олувчининг ҳам (қўли) кесилмайди**», деганлар. Ўзлаштириб олиш зўрлаб босиб олишнинг бир туридир. Бировга қўйилган омонат омонат дейилади. Вақтинча ишлатиб туришга олинган нарса эса орият дейилади. Омонатга хиёнат қилган билан ориятга хиёнат қилган фарқланади. Ориятга хиёнат қилганнинг қўли кесилади. Чунки бу хусусида ҳужжат ворид бўлган. Киссакурлик учун ҳам қўл кесилади, чунки у ҳам ўғирлик таърифига тўғри келади.

Иккинчи шарт: Ўғирланган нарса белгиланган миқдорда, яъни нисобга етган бўлиши керак. Айримлар оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам кесилаверади, дейишади. Бунга оятнинг умумийликни ифодалашини ҳамда Абу Ҳурайра ривоят қилган Пайғамбар ﷺнинг:

«لَعَنَ اللَّهُ السَّارِقَ, يَسْرِقُ الْبَيْضَةَ فَتَقَطَعُ يَدُهُ, وَيَسْرِقُ الْحَبْلَ فَتَقَطَعُ يَدُهُ»

«**Оллоҳ ўғрини лаънатласин. Арқон ўғирлайди - қўли кесилади, тухум ўғирлайди - қўли кесилади**», деган ҳадисларини далил қиладилар. Тухум чорак динорга тўғри келмайди. Бу ерда тухумнинг ўзига эмас, унинг озгина эканига, яъни ўғирлик ҳар қанча оз бўлса ҳам қўл кесилаверишига далолат қилинапти, дейишади. Лекин нисоб шарт қилинган ҳужжатлар ҳам ворид бўлган. Масалан, Оиша ﷺ:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقَطَعُ السَّارِقَ فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«**Пайғамбар ﷺ ўғрининг қўлини чорак динор ва ундан юқориси учун кесардилар**», деганлар. Яна бир ривоятда Пайғамбар ﷺ:

«لَا تَقَطَعُ يَدُ السَّارِقِ إِلَّا فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«Ўғрининг қўли чорак динор ва ундан юқориси учунгина кесилади», деганлар. Пайғамбар ﷺнинг:

«أَقْطَعُوا فِي رُبْعِ الدِّينَارِ، وَلَا تَقْطَعُوا فِيمَا هُوَ أَذْنَى مِنْ ذَلِكَ»

«Чорак динор учун кесинглар, ундан қуйиси учун кесманглар», деган ҳадислари ҳам ривоят қилинган. Бу ривоятлар нисобга аниқ ҳужжатдир. Шунга кўра, улар оятнинг умумийлигини хослаб келади. Зино оятининг умумийлигини тошбўрон қилиш хусусидаги ҳадислар хослаб келгани каби. Энди Абу Ҳурайранинг ҳадисига келсак, тухумдан мурод қурол тухуми, яъни дубулға назарда тутилгандир. Аъмаш тухум ҳадиси ривояти хусусида шундай дейди:

«كَانُوا يَرُونَ أَنَّهُ يَبِضُّ الْحَدِيدَ وَالْحَبْلُ كَانُوا يَرُونَ أَنَّهُ مِنْهَا مَا يَسْوَى دَرَاهِمٍ»

«Тухумдан чўндан ясалган темир назарда тутилган, арқоннинг эса бир неча дирҳамлар турадиганини эътибор қилишган». Амирул мўминин Алий ﷺ айтади: «Ўғрининг қўли баҳоси чорак динор бўлган темир тухум (дубулға) учун кесилади». Қолаверса, бу сўз озликка эмас, белгиланган миқдорнинг озлигига далолат қилади. Бу миқдор арқон ва тухум мисолида кўриняпти. Шунга кўра, кесишда нисоб бўлиши шарт, нисоб бўлмаса кесилмайди.

Кесишнинг нисоби чорак динор олтин билан белгиланган. У 1,0625 грамм олтинга тенг, чунки шаръий олтин динор 4,25 грамм олтинга тенг.

Ўғирликнинг нисоби шу эканига далиллар: Оиша ﷺ ривоят қилади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْطَعُ السَّارِقَ فِي رُبْعِ دِينَارٍ فَصَاعِدًا»

«Пайғамбар ﷺ ўғрининг қўлини чорак динор ва ундан юқориси учун кесардилар». Бухорий Ҳишомдан, у отасидан ривоят қилади:

«أَخْبَرْتَنِي عَائِشَةُ أَنَّ يَدَ السَّارِقِ لَمْ تُقْطَعْ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا فِي ثَمَنٍ مَجْنٍ حَجْفَةٍ أَوْ تُرْسٍ»

«Менга Оиша ﷺ хабар беришича, Пайғамбар ﷺнинг замонларида ўғрининг қўли қалқоннинг баҳосичалик нарса учун кесилар экан». Бухорий Нофеъдан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Умар шундай дейди:

«قَطَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مِجَنٍّ ثَمَنُهُ ثَلَاثَةُ دَرَاهِمٍ»

«Пайгамбар ﷺ нархи уч дирҳам турадиган қалқон учун кесганлар».

Ўғирликнинг нисоби фақат тилла билан ўлчанади. Чунки Пайгамбар ﷺ:

«لَا تُقْطَعُ يَدُ السَّارِقِ فِيمَا دُونَ ثَمَنِ الْمِجَنِّ قِيلَ لِعَائِشَةَ مَا ثَمَنُ الْمِجَنِّ قَالَتْ رُبْعُ دِينَارٍ»

«Ўғрининг қўли қалқон баҳосидан озроқ нарса учун кесилмайди, деганлар. Оиша ﷺдан: «Қалқоннинг баҳоси қанча?» - деб сўрашганида: «Чорак динар», деб жавоб берган. Бу ҳадисда нисоб олтин билан ўлчанапти. Шу ҳужжатга амал қилиб, уни олтин билан ўлчаш вожиб бўлади. Уни кумуш билан ўлчанган тақдирда ҳам олтин асос қилиб олинади. Бугунги кунда қоғоз пуллар олтин билан ўлчанганидек, Пайгамбар ﷺнинг даврларида ҳам у билан ўлчанган. Чорак динарнинг уч дирҳамга тенглиги хусусида ҳадислар ворид бўлган. Чунки дирҳам ўша пайтда 2,975 грамм кумуш бўлиб, бир олтин динар тахминан 12 кумуш дирҳамга тўғри келган. Бугунги кунга келиб, бир олтин динар 60 кумуш дирҳамдан ҳам ортиқдир. Шунга кўра, ҳозирда чорак олтин динар тахминан ўн беш кумуш дирҳамга тенгдир. Бир ривоятда:

«وَوَكَانَ رُبْعُ الدِّينَارِ يَوْمَئِذٍ ثَلَاثَةَ دَرَاهِمٍ»

«Ўша пайтда чорак динар уч дирҳам бўлган», дейилган бўлса, Аҳмад ﷺнинг ривоятида ҳам:

«أَنَّهُ أَتَى عُمَانَ بِسَارِقٍ سَرَقَ أُتْرُجَةً فَقَوْمَتْ بِثَلَاثَةِ دَرَاهِمٍ»

«Ўша пайтда чорак динар уч дирҳам бўлган», дейилган. Ибн Мунзир ривоят қилади:

«أَنَّهُ أَتَى عُمَانَ بِسَارِقٍ سَرَقَ أُتْرُجَةً فَقَوْمَتْ بِثَلَاثَةِ دَرَاهِمٍ مِنْ حِسَابِ الدِّينَارِ بِأَنِّي عَشَرَ فَقَطَعَ»

«Усмон ﷺнинг олдига ширин лимон ўғирлаган ўғри олиб келинди. У ўн икки дирҳамлик динар ҳисоби билан уч дирҳам, деб баҳоланди ва ўғрининг қўли кесилди». Шулардан кўриниб турибдики, ўғирликнинг нисоби чорак

динордир. Кумуш ва қоғоз пуллар билан ўлчанган тақдирда ҳам олтин асос қилиб олинади.

Учинчи шарт: Ўғирланган нарса Қонун Чиқарувчи тарафидан эгалик қилишга рухсат этилган эътиборга молик мол бўлиши керак. Агар эътиборсиз молни ўғирласа, қўли кесилмайди. Масалан, қушнинг (қаптар, бургут) жўжасини ўғирлаган одамнинг қўли кесилмайди. Чунки бу нарсалар мол деб эътибор қилинмайди. Мусулмон одамдан ароқ ва чўчқани ўғирлаган одамнинг ҳам қўли кесилмайди. Бу нарсалар мусулмонмас одамдан ўғирланса қўл кесилади. Чунки улар мусулмон учун эътиборсиз, бошқалар учун эса эътиборли моллардир. Негаки Қонун Чиқарувчи мусулмондан бошқаларга уларга эгалик қилишга рухсат берган. Ароқ идишни ўғирлаганнинг қўли ҳам баҳоси нисобга етган бўлса кесилади. Қуръон ва илмий китоблар ўғирисининг ҳам баҳоси нисобга етган бўлса, қўли кесилади.

Тургинчи шарт: Қўриқланаётган жойдан ўғирлаб олиб чиқиши керак. Очиқ эшик ёки қўриқланмаётган жой бўлса, қўл кесилмайди. Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«سَمِعْتُ وَرَجُلًا مِنْ مُزَيْنَةَ يَسْأَلُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْحَرِيَسَةِ الَّتِي تُوجَدُ فِي مَرَاتِعِهَا، قَالَ: فِيهَا ثَمْنُهَا مَرَّتَيْنِ، وَضَرْبُ نَكَالٍ، وَمَا أَخَذَ مِنْ عَطْنَةٍ فِيهِ الْقَطْعُ إِذَا بَلَغَ مَا يُؤْخَذُ مِنْ ذَلِكَ ثَمَنَ الْمَجْنِّ»

«Эшитишимча, музайналик бир киши Пайғамбар ﷺдан яйловлардаги қўриқчиси бор қўйлар(ни ўғирлаш) тўғрисида сўраганида, у киши баҳосини икки баробар қилиб тўлаб олинади ҳамда ибрат учун урилади, агар қўйхонадан олинса, олинган нарсанинг баҳоси қалқон нархига етса, (қўл) кесилади, деганлар». Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, музайналик бир киши Пайғамбар ﷺдан мевалар(нинг ўғирланиши) хусусида сўраганида, у киши шундай жавоб берганлар:

«مَا أَخَذَ فِي أَكْمَامِهِ فَاحْتَمَلَ فَثَمْنُهُ وَمِثْلُهُ مَعَهُ، وَمَا كَانَ فِي الْخَزَائِنِ فِيهِ الْقَطْعُ إِذَا بَلَغَ ثَمَنَ الْمَجْنِّ»

«Пишиб турган жойидан олиб, кўтариб кетса, олган миқдорича ва яна ўшанчалик тўлайди. Омборлардаги мевалардан ўғирласа, ўғирланган меванинг миқдори

қалқон баҳосига етса, (қўл) кесилади». Нисоий Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ дан дарахтдаги муаллақ мева(нинг ўғирланиши) тўғрисида сўрашганида, у киши шундай жавоб берганлар:

«سُئِلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الثَّمَرِ الْمُعْلَقِ فَقَالَ: مَنْ أَصَابَ فِيهِ مِنْ ذِي حَاجَةٍ، غَيْرَ مُتَّخِذٍ خُبْنَةً فَلَا شَيْءَ عَلَيْهِ، وَمَنْ خَرَجَ بِشَيْءٍ مِنْهُ فَعَلَيْهِ غَرَامَةٌ مِثْلِيهِ وَالْعُقُوبَةُ، وَمَنْ سَرَقَ مِنْهُ شَيْئًا بَعْدَ أَنْ يُؤْوِيَهُ الْجَرِينُ فَبَلَغَ ثَمَنَ الْمَجْنِّ فَعَلَيْهِ الْقَطْعُ»

«Ким ундан муҳтож бўлиб, оғзи билан еса, қўйнига солиб олмаса, ҳечқиси йўқ. Маълум миқдорда олиб чиқса, икки баробар тўлайди ва жазоланади. Омборга келтириб қўйилгандан кейин ўғирласа ва ўғирланган меванинг миқдори қалқон баҳосига етса, (қўли) кесилади». Шулардан кўриниб турибдики, қўлнинг кесилиши учун нарса қўриқланаётган бўлиши шарт. Масалан, яйловда юрган ҳайвон олиб кетилса, (қўл) кесилмайди. Чунки у қўриқланаётган жойдан олингани йўқ. Агар у қўра, қўйхона ёки шунга ўхшаш қўриқхоналардан олинса, қўл кесилади. Мева ҳам дарахтдан олинса, қўл кесилмайди. Қўриқланаётган жой, яъни омбордан олинса, қўл кесилади. Бошқа нарсаларда ҳам шундай. Агар қўриқланмаётган жойдан олинса, қўл кесилмайди. Қўриқланаётган жойдан олиниб, баҳоси қалқон нархига етса, қўл кесилади.

Қўриқланиш сўзи борасида луғат ёки шариат ҳужжатларига эмас, одамларнинг истилоҳига мурожаат қилинади. Чунки у воқеий сифат бўлиб, шу воқенинг номини билдирувчи истилоҳдир. Шундай бўлгач, бу сўз хусусида далилга эмас, одамларнинг истилоҳига қаралади. Қўриқхона одамларнинг истилоҳида моллар ва шаҳарларга қараб ҳар хил бўлади. Масалан, пулларнинг қўриқхонаси ҳайвонларнинг, кийимларнинг қўриқхонасидан бошқача бўлади ва ҳоказо. Қўл кесилиши учун ана шундай қўриқхоналардан биридан олиниши лозим. Қўриқхонадан олинмаса, қўл кесилмайди. Ишлатиб туришга (ориятга) олиниш бундан мустасно. Чунки ишлатиб туриш учун нарса олиб, кейин олмадим, деб тонган одамнинг қўли кесилади. Бунга далил Оиша ﷺ ривоят қилган мана бу ҳадисдир:

«كَانَتْ امْرَأَةً مَخْزُومِيَّةً تَسْتَعِيرُ الْمَتَاعَ وَتَجْحَدُهُ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقَطْعِ يَدِهَا، فَأَتَى أَهْلَهَا أُسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ فَكَلَّمُوهُ، فَكَلَّمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهَا، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أُسَامَةُ لَا أَرَاكَ تَشْفَعُ فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، ثُمَّ قَامَ خَطِيْبًا فَقَالَ: إِنْمَا أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بَأَنَّهُ إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَكُوهُ، وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الضَّعِيفُ قَطَعُوهُ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ كَانَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ لَقَطَعْتُ يَدَهَا، فَقَطَعَ يَدَ الْمَخْزُومِيَّةِ»

«Махзумлик бир аёл нарсаларни ориятга олиб, кейин тонарди. Пайгамбар ﷺ унинг қўлини кесишга буюрдилар. Аёлнинг аҳли Усома ибн Зайднинг олдига келиб гаплашишди. У Пайгамбар ﷺ билан гаплашди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Эй Усома, сени Оллоҳ Азза ва Жалланинг бир ҳади борасида ўртага тушасан, деб ўйламаган эдим», дедилар-да, уринларидан туриб шундай хитоб қилдилар: «Сизлардан аввалгилар шунинг учун ҳам ҳалокатга учраганларки, обрўлилари ўғирлик қилса, тек қўйганлар, заифлари ўғирлик қилса, қўлини кесганлар. Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилганида ҳам албатта, унинг қўлини кесган бўлардим». Шундан сўнг махзумлик аёлнинг қўлини кесдилар».

Бешинчи шарт: Ўғирланган молда ўғрининг ҳаққи бордир, деган шубҳа бўлмаслиги керак. Шунга кўра, отасининг, ўғлининг, шеригининг молидан олган одамнинг қўли кесилмайди. Чунки Пайгамбар ﷺ:

«أَنْتَ وَمَالِكَ لِأَيِّكَ»

«Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир», деганлар. Яна бир ҳадисларида:

«إِنَّ أَطْيَبَ مَا أَكَلَ الرَّجُلُ مِنْ كَسْبِهِ، وَإِنَّ وَكَدَ الرَّجُلِ مِنْ كَسْبِهِ»

«Кишининг энг ҳалол емиши касбидан топганидир. Унинг ўғли ҳам касбидан топганига киради», деганлар. Шунингдек,

байтулмолдан ўғирлаган одамнинг ҳам қўли кесилмайди. Ибн Можа ибн Аббосдан ривоят қилишича, беш киши шерик бўлиб олинган қуллардан бири шу беш кишидан бирининг нарсасини ўғирлабди. Бу нарса Пайғамбар ﷺ га кўтарилган экан, унинг қўлини кесмасдан:

«مَالِ اللَّهِ سَرَقَ بَعْضُهُ بَعْضًا»

«**Оллоҳнинг моллари бири-бирини ўғирлабди**», дебдилар. Ибн Масъуд Умар ﷺ дан байтулмолдан ўғирлаган одам ҳақида сўраганида, у киши:

«أَرْسَلَهُ فَمَا مِنْ أَحَدٍ إِلَّا وَ لَهُ فِي هَذَا الْمَالِ حَقٌّ»

«**Уни қўйиб юбор, чунки бу молда ҳамманинг ҳам ҳаққи бор**», деганлар. Шаъбий Алий ﷺ дан ривоят қилишича, у киши шундай деганлар:

«لَيْسَ عَلَيَّ مِنْ سَرَقٍ مِنْ بَيْتِ الْمَالِ قَطْعٌ»

«**Байтулмолдан ўғирлаган одамнинг қўли кесилмайди**». Умумий мулкка алоқадор нарсалар байтулмол жумласидандир. Чунки унда ҳам ўғрининг ҳаққи бўлиши мумкин. Хоҳ бу нефт каби молнинг ўзи умумий мулк бўлсин, хоҳ электр ва сув каби умумий мулкка айланган нарса бўлсин, шубҳа борлиги туфайли улардан ўғирлаганнинг қўли кесилмайди, лекин таъзири бериб қўйилади. Эр-хотин бир-биридан ўғирласа ҳам қўл кесилмайди. Чунки уларнинг бири йўқлигида иккинчиси ундан ишлатиши мумкин. Шу шубҳага биноан қўл кесилмайди. Хуллас, қайси бир молда олиниши мумкин, деган шубҳа бўлса, қўл кесилмайди. Чунки шубҳали ҳадлар бекор қилинади.

Олтинчи шарт: Ўғри балоғатга етган ақлли, мусулмон ёки зиммий бўлишидан қатъий назар исломий ҳукмларга риоя қиладиган бўлиши керак. Агар ёш бола ёки жинни бўлса, унинг қўли кесилмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثٍ: النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ، وَعَنِ الْمُبْتَلَى حَتَّى يَعْقِلَ»

«**Уч кишидан қалам кўтарилгандир: уйқудаги одамдан - уйғонгунига қадар; гўдақдан - балоғатга етгунига қадар; ақлини йўқотгандан - ақлини топгунига қадар**». Қалам кўтарилди дегани, шаръан мукаллаф эмас, деган маънодадир.

Ўттинчи шарт: Ўғирлик иқрор ёки ҳақиқий ҳужжат билан ўз ишботини топиши керак. Иқрорда ўғри ўғирлаган нарсасини сифатлаб бериши лозим. Чунки у қўл кесиладиган нарсани ўғирладим, деб ўйлаб, аслида қўл кесилмайдиган нарсани ўғирлаган бўлиши мумкин. Аҳмад Абу Умайя Махзумийдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيَ بِلِصٍّ فَاعْتَرَفَ اغْتِرَافًا، وَلَمْ يُوجَدْ مَعَهُ مَتَاعٌ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَخَالَكَ سَرَقْتَ؟ قَالَ: بَلَى، مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، قَالَ: فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اقْطَعُوهُ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бир ўғрини олиб келишди. У тан олди, лекин унда ҳеч нарса йўқ эди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Сени ўғирлик қилгансан, деб ўйламайман», дедилар. У эса икки ё уч марта: «Қилганман», деди. Шундан сўнг Пайғамбар ﷺ: «Унинг қўлини кесинглар», дедилар». Бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ ўғирланган молнинг кесиладиган ўғирлик жумласиданлигини аниқлаш учун шундай савол бердилар. У бир неча марта жавоб бергач, кесишга буюрдилар. Қозининг иқрор бўлаётган ўғрига ҳадни бекор қиладиган омилларни айтиб қўйиши ва ишни аниқлашда муболаға қилиши мандуб. Иқрор эса ҳамма иқрорлар каби бир марта бўлса, кифоя қилади. Ҳадисдаги иқрорнинг такрорланишидан мақсад унинг шартлиги эмас, аниқлик киритишдир, холос. Ҳужжат эса бошқа жазо чоралари каби икки ростгўй эркак ёки бир эркак ва икки аёл билан бўлади. Улар агар ўғирланган нарса йўқ бўлса, унинг белгиларини айтиб беришлари, бор бўлса, уни кўрсатиб беришлари шарт. Бераётган гувоҳликлари ҳар хил бўлиб қолмаслиги керак. Бири пайшанба куни ўғирлик содир бўлди деб, иккинчиси жума куни, деб турса ёки бири автомобил ўғирланди деб, иккинчиси мотоцикл, деб турса, гувоҳлик етарли бўлмагани учун қўл кесилмайди.

Ўғирликда қўл кесилишининг шартлари мана шулар. Улар тўла топилгандагина қўл кесилади. Қўл кесишнинг ўзи билангина кифояланмайди, ўғирланган нарса эгасига қайтарилади ҳам. Абу Довуд Ҳасан ибн Сумрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ وَجَدَ عَيْنَ مَالِهِ عِنْدَ رَجُلٍ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ، وَيَتَّبِعُ الْبَيْعَ مَنْ بَاعَهُ»

«Кимки айнан ўзининг молини бировда кўриб қолса, унга ўзи ҳақлироқдир. Уни сотиб олган одамга пули қайтарилади». Бу ҳадис умумий бўлиб, ўғрини ҳам, босқинчини ҳам, ўзлаштириб олувчини ҳам, хиёнаткорни ҳам ўз ичига олади. Аҳмад Ҳасандан, у эса Сумрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا سُرِقَ مِنَ الرَّجُلِ مَتَاعٌ أَوْ ضَاعَ لَهُ مَتَاعٌ، فَوَجَدَهُ بِيَدِ رَجُلٍ بَعَيْنَهُ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ، وَيَرْجِعُ الْمُشْتَرِي عَلَى الْبَائِعِ بِالثَّمَنِ»

«Агар бир кишининг моли ўғирланса ёки йўқолса ва у айнан ўзининг молини бировнинг қўлида кўриб қолса, унга ўзи ҳақлироқдир. Харидор пулни олиб, молни сотувчига қайтаради». Бу ҳадис ўғирланган молнинг эгасига қайтарилишига ҳужжатдир. Агар молга бирон талафот етса ёки ишлатилса, эгасига ҳаққи берилади. Агар ишлатилмасдан шикаст етса (кийимни куя егани ва автомобил қисмларининг ишдан чиққани каби), товон тўлатилади. Ишлатиб шикаст етса ҳам шундай қилинади. Агар мол самолёт ёки туя каби фойда келтирадиган нарса бўлса, ўғри ундан фойдалангани ёки фойдаланмаганидан қатъий назар, унинг қўлида қанча муддат турган бўлса, ўшанча муддатнинг фойдасини талаб қилишга эгасининг ҳаққи бор.

Қўл кесилмайдиган ўринлар

Айрим ҳолатларда ва айрим моллар ўғирланганда қўл кесилмайди. Бу хусусда ҳадислар ворид бўлган. Рофиъ ибн Худайж ﷺнинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا قَطْعَ فِي ثَمَرٍ وَلَا كَثْرٍ»

«Мевада ҳам, новдада ҳам кесип йўқ», деганлар. Мевадан мурод - дарахтдаги хурмо, новда эса - хурмо кўчати. Хурмонинг энг устки шохи ва гулчанги ҳам новда дейилади. Ҳасан ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا قَطْعَ فِي الطَّعَامِ الْمُهَيَّأِ لِلْأَكْلِ»

«Ейиш учун тайёрланган овқатда кесип йўқ», дедилар. Бунда уйдагиларнинг ўзлари ейиши учун тайёрланган овқат бўладими, ошхона эгасининг сотиш учун тайёрланган овқати бўладими, фарқи йўқ. Чунки ҳадис одамлар ейдиган ҳамма овқатга тўғри келаверади. Ҳали пиширилмаган буғдой каби хом овқат эса экинзордан олинса, ўриб олинган ё ўриб олинмаган

булишидан қатъий назар қўл кесилмайди. Агар хирмондан олинса, қўл кесилади. Чунки Пайғамбар ﷺ дан тоғдаги қўриқчиси бор ҳайвон ёки мева хусусида сўралганида шундай деганлар:

«هِيَ وَ مِثْلَهَا جَمَعَهَا الْمُرَاحُ فَفِيهَا غَرْمٌ مِثْلُهُ وَ جَلْدَاتُ نَكَالٍ»

«У ва у кабилар омборга тўпланадиган бўлса, нарсанинг ўзичалик товон тўланади ва ибрат учун урилади». Амр ибн Шуайб ҳадисида шундай дейилади:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ فَالْتَّمَارُ وَمَا أَخَذَ مِنْهَا فِي أَكْمَامِهَا, قَالَ: مَنْ أَخَذَ بِفَمِهِ وَكَمْ يَتَّخِذُ خُبْنَةً فَلَيْسَ عَلَيْهِ شَيْءٌ, وَمَنْ احْتَمَلَ فَعَلَيْهِ ثَمَنُهُ مَرَّتَيْنِ, وَضَرْبًا وَنَكَالًا وَمَا أَخَذَ مِنْ أَجْرَانِهِ فِيهِ الْقَطْعُ إِذَا بَلَغَ مَا يُؤْخَذُ مِنْ ذَلِكَ ثَمَنَ الْمَجْنُونِ»

«Эй Расулulloҳ ﷺ, мевалар ва уларни пишиб турган жойидан олиш нима бўлади? дейишган эди, у киши: «Оғзи билан еб, қўйнига солмаганга ҳечқиси йўқ. Кўтариб кетган икки баробар қилиб тўлайди ва ибрат учун урилади, агар хирмондан олса ва олинган нарсанинг баҳоси қалқон нархичалик бўлса, қўли кесилади», дедилар Булар боғлар, далалар, ҳайвонларнинг ўтлаб юрган жойлари каби қўл кесилмайдиган нарсалар хусусидаги ҳадислардир.

Очарчилик замонида ҳам қўл кесилмайди. Макхул ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا قَطْعَ فِي مَجَاعَةٍ مُضْطَرٌّ»

«Очликдан ноилож бўлиб қолинганда қўл кесилмайди», деганлар. Ҳасан ﷺ бир кишидан ривоят қилади:

«رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ مَكْتُوفَيْنِ وَ لَحْمًا فَذَهَبَتْ مَعَهُمْ إِلَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ, فَقَالَ صَاحِبُ اللَّحْمِ: كَانَتْ لَنَا نَاقَةٌ عَشْرَاءُ, نَنْتَظِرُهَا كَمَا نَنْتَظِرُ الرَّبِيعَ, فَوَجَدْتُ هَذَيْنِ قَدْ اجْتَنَزَرَاهَا, فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: هَلْ يُرْضِيكَ مِنْ نَاقَتِكَ نَاقَتَانِ عَشْرَاوَانِ مَرَبَعَتَانِ, فَإِنَّا لَا نَقْطَعُ فِي الْعَدْقِ, وَلَا فِي عَامِ السَّنَةِ»

«Икки боғланган киши билан бир гўштни кўриб, улар билан Умар ﷺ нинг олдига бордим. Гўштнинг эгаси: «Бизнинг ашро туямиз бор эди, худди баҳорни кутаётгандек уни кутаётгандик. Мана булар уни сўйиб юборишибди», деди. Шунда Умар ﷺ: «Туяннинг эвазига

иккита баҳорда тугадиган ашро туяси берилса, рози буласанми? Чунки биз шохдаги нарса учун ҳам, очарчилик йилида ҳам қўл кесмаймиз», деди». Ашро ҳомиладор бўлганига ўн ой ўтиб, туғиш муддати яқинлашиб қолган туядир. У эгасининг энг азиз нарсасидир. Унинг сути орқали келадиган мўл-қўлликни, бойликни баҳорни кутгандек кутадилар. Очарчилик йилида қўл кесилмаганидек, егани нарсаси йўқ оч одамнинг ҳам ўғирлик қилганда қўли кесилмайди. Чунки у қорнини тўйғазиш учун ўғирлик қилади. Унга Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا قَطَعَ فِي مَجَاعَةٍ مُضْطَرٌّ»

«Очликдан ноилож бўлиб қолганда қўл кесилмайди», деган ҳадислари тўғри келади.

Шунга кўра, бошқа ерга экиш учун олинган хурмонинг майда новдалари, бошқа дарахтларнинг шохлари, гулчанглари учун қўл кесилмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«لَا قَطَعَ فِي ثَمَرٍ وَلَا كَثْرٍ»

«Мевада ҳам, новдада ҳам кесиб йўқ», деганлар. Новдани бирор нарса билан қайдлаб қўймаганлар. Шунга кўра, у хирмондан олинса ҳам, бошқа жойдан олинса ҳам қўл кесилмайди. Шунингдек, ейиш учун тайёрлаб қўйилган овқат ҳам ҳеч нарса билан қайдланмаган. У ошхонадан олинса ҳам, бошқа жойдан олинса ҳам қўл кесилмайди. Чунки:

«لَا قَطَعَ فِي الطَّعَامِ الْمُهَيَّأِ لِلْأَكْلِ»

«Ейиш учун тайёрланган овқатда кесиб йўқ» ҳадиси умумий маънода келяпти. Мева, буғдой каби нарсалар хирмондан бошқа жойдан олинса, қўл кесилмайди, хирмондан олинса, кесилади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَمَا أَخَذَ مِنْ أَجْرَانِهِ فَنَفِيهِ الْقَطْعُ»

«Хирмондан олингани учун кесиб бор», деганлар.

Кесилиш миқдори

Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا﴾

– „Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам... қўлларини кесинглар“,
[5:38]

оятти қўлни кесибга ҳужжатдир. Ундаги «қўл» сўзининг тафсирида «қўл» луғатда бармоқларнинг тугаш қисмигача,

кафтгача, билаккача бўлган аъзодир. Бундан бошқа маънода ишлатиш учун қарина керак бўлади. Шунинг учун ҳам таҳорат оятида:

﴿وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ﴾

– „... ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз“, [5:6] деб, чиғаноққача ювишлик кўрсатилган. Чиғаноққача дейилмаганда, билаккача ювилар эди. Чунки «қўл» луғатда билаккача бўлган қисмни англатади. Шунга кўра, ўғрининг қўли билакнинг панжага бирлашадиган жойидан, яъни билакдан кесилади. Ривоят қилинишича, Абу Бакр ва Умар ﷺлар: «Ўғри ўғирлик қилса, ўнг қўлининг билагидан кесинглар», дейишган. Саҳобалардан ҳеч ким уларга қарши чиқмаган. Оятдаги „қўлларини“ сўзи умумий маънода келяпти. Шунга кўра, уни ўнг қўлга ҳам, чап қўлга ҳам қўлласа бўлаверади. Лекин ибн Масъуднинг қироатида:

﴿فَأَقْطَعُوا أَيْمَانَهُمَا﴾

«Уларнинг ўнг қўлларини кесинглар», дейилган. Абу Бакр билан Умар ﷺлар ҳам:

﴿فَأَقْطَعُوا يَمِينَهُ﴾

«Ўнг қўлини кесинглар», дейишган. Демак, ўнг қўл билакнинг панжага бирлашадиган жойи - билакдан, яъни кафт чеккасидаги бармоқларнинг охиридан кесилади. У билак билан кафт ўртасидаги суякдир. «Қўл» сўзи луғатда айнан мана шу жойни англатади.

Ўғрининг қўли кесилгач, қонни тўхтатиш учун қизиб турган ёққа ботирилади. Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилади:

﴿أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِسَارِقٍ قَدْ سَرَقَ شِمْلَةً، فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ هَذَا قَدْ سَرَقَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَحَالُهُ سَرَقَ؟ فَقَالَ السَّارِقُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: أَذْهَبُوا فَأَقْطَعُوهُ ثُمَّ احْسِمُوهُ﴾

«Пайгамбар ﷺнинг олдиларига чопон ўғирлаган ўғрини олиб келишиб: «Мана бу ўғирлик қилди, эй Расулуллоҳ», дейишди. Пайгамбар ﷺ: «Уни ўғирлик қилган, деб уйламайман», дедилар. Ўғри: «Ҳа, эй Расулуллоҳ, қилдим», деди. Шунда у киши: «Олиб бориб қўлини кесинглар, кейин ёққа ботиринглар», дедилар». Ёққа

ботириш томирларнинг оғзини тўсиш учун, яъни кўп қон йўқотиб, ўлиб қолмаслиги учун қилинади. Бунда айнан ёққа ботиришнинг ўзи эмас, ҳалокатнинг олдини олиб қолиш вожибдир. Шунга кўра, қонни тўхтатиш учун бошқа тиббий воситаларни ишлатиш ҳам мумкин.

Ўғрининг қўли мумкин қадар осон қилиб кесилади. Чунки мақсад уни азоблаш ва ўлдириш эмас, унга жазо бериш, холос. Бирон-бир фалокат туфайли ёки бирор тажовузкорнинг тажовузидан қўли кесилган бўлса, ҳад бекор қилинади. Чунки Оллоҳ қўлни кесишга буюрган. Кесиладиган нарсанинг ўзи бўлмаганидан кейин ҳад бекор қилинади. Бошқа тарафга ўтилмайди, чунки бунга ҳужжат йўқ. Ҳомиладор аёл туғиб, нифоси тугагунига қадар ўзига ёки боласига зиён бўлмаслиги учун унинг қўли кесилмайди. Касал одамнинг ҳам қўли тузалгунига қадар ўлиб қолмаслиги учун кесилмайди. Қўли кесилмасидан аввал бир неча бор ўғирлик қилган бўлса, бир марта кесиш кифоя қилади. Қўли кесилганидан кейин яна ўғирлик қилса, такрор кесилмайди, ҳибсга олинади. Чунки кесиладиган жойи кесилиб бўлган, яна бошқа жойини кесишга ҳужжат йўқ. Ҳибсга олинишига сабаб унга ҳад белгиланмаганидан кейин таъзир бобига кириб қолади.

Ўғирлик ҳади Оллоҳнинг ҳаққидир

Ўғирлик ҳади - гарчи унда одамнинг ҳам ҳаққи бўлса-да, бошқа ҳадлар каби Оллоҳ Таолонинг ҳаққидир. Шунинг учун унда кўрганларнинг гувоҳлиги қабул қилинади. Молини ўғирлатган одамнинг арз қилиши шарт эмас. Айни пайтда унинг воз кечиши билан ҳад бекор қилинмайди. Бу хусусдаги оят зино ҳади ояти каби умумий маънода келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا﴾

– „Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам... кесинглар“. [5:38]

Худди зино каби арз қилинмаса ҳам, кесиш шартлари топилса, кесилаверади. Бунга махзумлик аёл ҳақидаги ҳадис далилдир. Ўшанда Пайғамбар ﷺ Усоманинг ўғирлик ҳади борасида ўртага тушганидан ғазабланиб, шундай деган эдилар:

﴿إِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بَأَنَّهُ إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَكَوهُ، وَإِذَا سَرَقَ

فِيهِمُ الضَّعِيفُ قَطَعُوهُ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ كَانَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ

لَقَطَعْتُ يَدَهَا﴾

«Сизлардан аввалгилар шунинг учун ҳам ҳалокатга учраганки, обрўлилари ўғирлик қилса, тек қўйганлар, заифлари ўғирлик қилса, қўлини кесганлар. Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи ўғирлик қилганида ҳам унинг қўлини албатта кесган бўлардим». Яъни аввалгиларнинг ҳалокати ҳадларни бекор қилиш туфайли бўлган. Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«حَدَّثُ يَعْمَلُ بِهِ فِي الْأَرْضِ خَيْرٌ لِلْهَلِ الْأَرْضِ مِنْ أَنْ يُمَطَّرُوا أَرْبَعِينَ صَبَاحًا»

«Ер юзида ижро этилган биргина ҳад ер аҳолиси учун қирқ кунлик тонгги ёмғирдан яхшироқдир». Ибн Умар ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ حَالَتْ شَفَاعَتُهُ دُونَ حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ فَهُوَ مُضَادُّ اللَّهِ فِي أَمْرِهِ»

«Кимки уртага тушиб, Оллоҳнинг ҳадларидан бирини тўсиб қоладиган бўлса, у Оллоҳнинг ишига қарши чиқибди». Бу далиллар ҳад Оллоҳнинг ҳуқуқи эканини ва уни бекор қилиш мумкинмаслигини очиқ кўрсатиб турибди. Шунга кўра, бу ишда даъвогарнинг бўлиши шарт эмас. кўрганлар гувоҳлигининг ўзи кифоя қилади.

Ҳақдорнинг ҳоқимга даъво қилишдан олдин ҳаққидан воз кечиши ҳадни бекор қиладими, йўқми, деган савол туғилади. Айримлар бундай пайтда ҳад бекор қилинади, дейдилар ва бу фикрларига Сафвон ибн Умайянинг мана бу ҳадисини далил қиладилар:

«كُنْتُ نَائِمًا فِي الْمَسْجِدِ عَلَى خَمِيصَةٍ لِي فَسُرِقَتْ، فَأَخَذْنَا السَّارِقَ فَرَفَعْنَاهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَ بِقَطْعِهِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفِي خَمِيصَةٍ ثَمَنُ ثَلَاثِينَ دِرْهَمًا، أَنَا أَهْبِهَا لَهُ أَوْ أُبَيْعُهَا لَهُ، قَالَ: فَهَلَّا كَانَ قَبْلَ أَنْ تَأْتِنِي بِهِ»

«Масжидда ухлаётган эдим. Устимдаги кийимни ўғирлаб кетишибди. Ўғрини ушлаб Пайғамбар ﷺнинг олдиларига олиб борган эдик, қўлини кесишга буюрдилар. Мен: «Эй Расулulloҳ, ўттиз дирҳамлик кийим учун шундай қилинадими, мен уни унга совға қиламан ёки сотаман», дедим. У киши: «Шу ишни менинг олдимга олиб келишдан

олдин қилмабсан-да», дедилар». Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбар ﷺ:

«تَعَاَفُوا الْحُدُودَ فِيمَا بَيْنَكُمْ، فَمَا بَلَغَنِي مِنْ حَدٍّ فَقَدْ وَجِبَ»

«Ҳадлар борасида бир-бирларингни кечириб юборинглар, менинг олдимга олиб келинса, ҳад белгилаш вожиб бўлиб қолади», деганлар. Дорақутний Зубайрдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«اشْفَعُوا مَا لَمْ يَصِلْ إِلَى الْوَالِي، فَإِذَا وَصَلَ إِلَى الْوَالِي فَعَفَا فَلَا عَفَاَ اللَّهُ عَنْهُ»

«Волийга етиб боргунига қадар ўртага тушиб, ҳимоя қилиб олинглар. Ҳокимга етиб борганидан кейин - у кечирса ҳам, Оллоҳ уни кечирмайди», деганлар. Бу ҳадисларни ҳам мазкур фикрларига далил қилишган. Лекин матнларни диққат билан текширган киши даъво қилишдан олдин ҳам, кейин ҳам кечириш билан ҳад мутлақо бекор бўлмаслигини англайди. Бунга далил ўғирлик ҳақидаги оятнинг умумийликни ифодалашидир. Зеро, кесиш шартлари тўла топилса, даъвосиз ҳам кесиш вожиб бўлади. Ибн Абдулбарр айтади: **Ҳад (жазосига лойиқ жиноятчи) олиб келинганда, уни ижро этиш султонга вожиб бўлишига ижмоъ қилинган.** Шунингдек, **«Баҳр»да ҳам шунга ижмоъ қилинганини ҳикоя қилади.** Ўртага тушишдан қайтарувчи ҳадислар ҳам умумийликни ифодалаб, даъво қилишдан олдинга ҳам, кейинга ҳам тааллуқлидир. Чунки ўғирлик ҳади беихтилоф Оллоҳнинг ҳаққидир, гарчи унда одамнинг ҳам ҳаққи бўлса-да. Одамнинг ўз ҳаққидан воз кечиши билан у бекор қилинмайди. Шу айтганларимиз ўғирлик ҳадининг бекор бўлмаслигини исботловчи ҳужжатлардир. Энди юқорида ўтган Сафвон ибн Умайянинг, Амр ибн Шуайб ва Зубайрнинг ҳадисларига келсак, улар ҳаднинг бекор қилинишига ҳам, ҳокимнинг кечиришига ҳам далолат қилмайди. Улар бор-йўғи ҳақдорнинг кечириши жоизлигини кўрсатади, холос. Лекин унинг кечириши ҳаднинг бекор бўлиши, ҳокимнинг ҳам кечириши, деган гап эмас. Сафвоннинг ҳадисида у:

«أَنَا أَهْبَهَا لَهُ أَوْ أبيعُهَا»

«Мен уни унга совға қиламан ёки сотаман», деганида Пайғамбар ﷺнинг:

«فَهَلَّا كَانَ قَبْلَ أَنْ تَأْتِنِي بِهِ»

«Менинг олдимга олиб келишдан олдин шундай қилмабсанда», дейишлари менинг олдимга олиб келишдан олдин кечирмабсанда, деганларидир. Бундан бир тарафдан ҳақдор ҳокимга даъво қилмай туриб, кечириб юборса, иккинчи тарафдан кўрган гувоҳ келиб, ўғрилик қилди, деб даъво қилса, унинг даъвоси қабул қилинмайди, ўғри кечирилиб юборилади, деган маъно чиқмайди. Чунки ҳадисда кийим эгасининг шу кийими туфайли ўғрининг қўли кесилишини кўриб, яхшиси унга совға қиламан ёки сотаман дейиши ўғрининг кечирилишини сўрашидан киноядир. Бунга жавобан Пайғамбар ﷺнинг менинг олдимга олиб келишдан олдин совға қилишинг ёки сотишинг керак эди, дейишлари ҳокимга даъво қилишдан олдин кечиришга ҳаққинг бўларди, энди эса ҳаққинг йўқ, деганларидир. Бундан ҳақдор ҳокимга даъво қилишдан олдин кечириб юборса, ўғридан ҳад бекор қилинади, ҳақдордан бошқаси тарафидан қилинган даъвога ҳоким қарамайди, ҳақдорнинг кечирганига асосланиб туриб кечираверади, деган маъно чиқмайди. У бор-йўғи даъво қилингандан кейин ҳақдорнинг кечириш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини англатади, холос. Амр ибн Шуайбнинг ҳадиси эса ўзаро бир-бирларини кечириш мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар ﷺ:

«فَمَا بَلَّغَنِي مِنْ حَدٍّ فَقَدْ وَجَبَ»

«Менга етиб келса, ҳад белгилаш вожиб бўлиб қолади», деганлар. Бу гап ҳам умумийликни ифодалайди. Ҳақдор даъво қилиб етказадими, бошқасими, фарқи йўқ. Зубайрнинг ҳадисидаги:

«اشْفَعُوا مَا لَمْ يَصِلْ إِلَى الْوَالِي، فَإِذَا وَصَلَ إِلَى الْوَالِيِ فَعَفَا فَلَا عَفَاَ اللَّهُ عَنْهُ»

«Модомики, волийга етиб бормаган экан, ўртага тушиб, ҳимоя қилиб қолинглар», деган гап «бир-бирларингни ҳимоя қилинглар», деган маънодадир. Шунинг учун ҳам унинг давомида:

«فَإِذَا وَصَلَ إِلَى الْوَالِيِ فَعَفَا فَلَا عَفَاَ اللَّهُ عَنْهُ»

«Волийга етиб боргач, у кечиргани билан Оллоҳ уни кечирмайди», дейилган. Бу гап ҳам умумийликни ифодалайди. Ҳокимга ҳақдор тарафидан етиб борадими, бошқаси тарафиданми, фарқи йўқ. Амр ибн Шуайб ва Зубайр ҳадисларининг умумийликни ифодалаши ҳақдорнинг ҳокимга етказмай туриб кечириши бошқа тарафдан ҳокимга етиб қолса,

ҳадни бекор қилолмаслигини қувватлайди. Бор гап шуки, ҳақдорлар ҳокимга етказишдан аввал кечириш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунга биноан, ўғирлик ҳади Оллоҳ Таолонинг ҳаққидир. Ҳақдорнинг ҳокимга етиб боришидан аввал бўлсин, кейин бўлсин, кечириши уни мутлақо бекор қилолмайди. Ҳокимга ҳақдор тарафиданми, кўрган гувоҳлар тарафиданми, полиция тарафиданми - қайси тарафдан бўлишидан қатъий назар, ўғирлик содир этилгани етиб борса, даъвога қулоқ солиши вожибдир. Чунки бу ишда даъвогарнинг бўлиши шарт эмас. Ҳокимнинг даъвони қабул қилмасликка ҳаққи ҳам йўқ. Ўғирлик исботланса, ҳад ижро этилиши вожиб. Уни ҳақдорнинг ҳаққидан воз кечиши ҳам, ўртага тушувчининг ҳимояси ҳам, кечириш ҳам бекор қилолмайди.

«فَمَا بَلَّغَنِي مِنْ حَدٍّ فَقَدْ وَجَبَ»

«Менга етиб келса, ҳад белгилаш вожиб бўлиб қолади»;

«فَإِذَا وَصَلَ إِلَى الْوَالِيِ فَعَفَا فَلَا عَفَاَ اللَّهُ عَنْهُ»

«Волийга етиб бориб қолса, у кечиргани билан Оллоҳ уни кечирмайди».

ҚАРОҚЧИЛАР ҲАДИ

Мусулмонларнинг ўзаро урушлари икки турли бўлади: Боғийлар (тажовузкорлар) билан уруш; қароқчилар билан уруш. Боғийлар (тажовузкорлар) яна икки қисмга бўлинадилар: Бир қисми диндаги бир таъвилга қарши чиқиб, хато қилади. Исломиё давлатга қарши чиққанлар ва уларнинг ортидан бориб, ноҳақлик билан ҳавоий нафсга берилганлар шулар жумласидандир. Яна бир қисми дунё излаб, ҳақиқий имомга (халифага) ёки ўзларига ўхшаган одамга қарши чиқади. Диндаги таъвилга қарши чиқувчиларнинг ўзига хос ҳукми бор. Улар боғийлардир (тажовузкорлардир). Дунё талабида қарши чиқувчилар эса йўлтўсарлик қилмасалар, молларини талаб олмасалар, ноҳақ қон тўкмасалар, уларга ҳам тажовузкорлар ҳукми берилади. Лекин агар ҳаддан ошиб, йўлтўсарлик қилсалар, тўғри келган одамнинг молини босиб олсалар, ноҳақ қонлар тўксалар, уларга қароқчилар ҳукми берилади.

Аслида қароқчиларнинг ҳукми Оллоҳ Таолонинг мана бу оятида кўрсатилган.

﴿إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا

أَوْ يُسَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِنْ خِلَافٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ﴾

– „Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси - ўлдирилиш ё дорса осилиш, ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ) кесилиши, ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир“. [5:33]

Бу оят мусулмонлар ёки бошқалар бўлишидан қатъий назар қароқчилар хусусида нозил бўлган. Чунки у умумий маънода келиб, мусулмонларгагина хосланадиган ҳеч қандай қаринага эга эмас. Шундан кейинги Оллоҳ Таолонинг:

﴿إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ قَبْلِ أَنْ تَقْدِرُوا عَلَيْهِمْ﴾

– „Магар сизлар қодир бўлишингиздан (қўлга тушишларидан) илгари тавба қилган кишилар бўлса...“, [5:34]

оят мусулмонларга хос эканлигини билдирмайди. Чунки бу ердаги тавба қароқчиликдан тавба қилишдир. У мусулмонларда ҳам, бошқаларда ҳам бўлиши мумкин. Бу оятнинг сабаби нузули Исломдан қайтиб, чўпонларни ўлдириб, садақа туяларни ҳайдаб

кетган урайналиклар қиссаси экани ҳам фикримизни қувватлайди. Ушанда Пайғамбар ﷺ уларнинг изидан одам юбортириб, ушлаб олиб келтириб, қўл ва оёқларини кестириб, кўзларини ўйдириб, Ҳаррага (тошлоқ жойга) улоқтириб юборган эдилар. Улар шу алфозда ўлиб кетишганди. Анас ﷺнинг айтишича, шу хусусда Оллоҳ Таоло:

﴿إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ﴾

– „Албатта, Оллоҳга... қарши урушадиган... кимсаларнинг жазоси...“; [5:33]

оятини нозил қилган. Абу Довуд ва Нисойй ибн Аббосдан ривоят қилади:

«أَنَّ نَاسًا أَغَارُوا عَلَى إِبِلِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَارْتَدُّوا عَنِ الْإِسْلَامِ، وَقَتَلُوا رَاعِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُؤْمِنًا، فَبَعَثَ فِي آثَارِهِمْ فَأَخَذُوا، فَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَأَرْجُلَهُمْ، وَسَمَلَ أَعْيُنَهُمْ، قَالَ: وَنَزَلَتْ فِيهِمْ آيَةُ الْمُحَارَبَةِ»

«Бир қанча одамлар Пайғамбар ﷺнинг туяларига ҳужум қилишиб, Исломдан муртад бўлишиб, Пайғамбар ﷺнинг мумин чўпонини ўлдирдилар. Шунда у киши уларнинг изидан одам юбориб, ушлаб келтиртириб, қўл-оёқларини кесдилар, кўзларини ўйдилар. Кейин ушалар хусусида муҳораба ояти нозил бўлди». Шулардан кўриниб турибдики, қароқчилар хусусидаги оят умумий маънода келиб, муслмонларга ҳам, кофирларга ҳам тааллуқлидир. Энди оятда ҳадни қандай белгилаш хусусида гапирадиган бўлсак, бу ҳақда ибн Аббосдан шундай ривоят бор:

«وَأَدَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبَا بَرَزَةَ الْأَسْلَمِيَّ فَجَاءَ نَاسٌ يُرِيدُونَ الْإِسْلَامَ، فَقَطَعَ عَلَيْهِمْ أَصْحَابُهُ، فَنَزَلَ جَبْرِيلُ بِالْحَدِّ فِيهِمْ، أَنَّ مَنْ قَتَلَ وَ أَخَذَ الْمَالَ قَتَلَ وَ صَلَبَ، وَ مَنْ قَتَلَ وَ لَمْ يَأْخُذِ الْمَالَ قُتِلَ، وَ مَنْ أَخَذَ الْمَالَ وَ لَمْ يَقْتُلْ قُطِعَتْ يَدُهُ وَ رِجْلُهُ مِنْ خِلَافٍ»

«Пайгамбар ﷺ Абу Барза Асламий билан ярашдилар. Бир қанча одамлар мусулмон бўлишни хоҳлаб келишди. У кишининг асҳоблари қароқчилик қилишди. Шунда Жаброил ﷺ улар хусусида ҳад оятини олиб тушди. Кимки ўлдирса ва талон-торож қилса, у ўлдирилади ва осилади. Кимки ўлдирсаю, талон-торож қилмаса, у ўлдирилади. Кимки талон-торож қилсаю ўлдирмаса, қўли ва оёғи қарама-қаршичасига кесилади». Шофеъий ўзининг «Муснад»ида ибн Аббосдан қароқчилар хусусида шундай ривоят қилади:

«إِذَا قَتَلُوا وَ أَخَذُوا الْمَالَ قَتَلُوا وَ صَلَّبُوا, وَ إِذَا قَتَلُوا وَ لَمْ يَأْخُذُوا الْمَالَ قَتَلُوا وَ لَمْ يُصَلَّبُوا وَ إِذَا أَخَذُوا الْمَالَ وَ لَمْ يَقْتُلُوا قَطَعَتْ أَيْدِيهِمْ وَ أَرْجُلُهُمْ مِنْ خِلَافٍ, وَ إِذَا أَخَافُوا السَّبِيلَ وَ لَمْ يَأْخُذُوا مَالًا نَفُوا مِنَ الْأَرْضِ»

«Ўлдирсалар ва талон-торож қилсалар, ўлдириладилар ва осиладилар. Ўлдирсалару, талон-торож қилмасалар, ўлдириладилару осилмайдилар. Талон-торож қилсалару ўлдирмасалар, қўл-оёқлари қарама-қаршичасига кесилади. Йўлтўсарлик қилсалару, талон-торож қилмасалар, сургун қилинадилар». Шунга кўра, уларга бериладиган жазо қилган ишларига қараб бўлади. Агар фақат талон-торож қилсалар, ўнг қўллари билан чап оёқлари кесилади. Қўллари билакдан, оёқлари тўпикдан. Агар фақат йўлтўсарлик қилсалар, сургун қилинадилар. Сургун қамаш эмас, яшаётган диёрларидан қувиб юборишдир. Фақат ўлдирсалар, ўлдириладилар. Ҳам ўлдириб, ҳам талон-торож қилсалар, ҳам ўлдириладилар ва ҳам осиладилар. Осиш ўлдиришдан кейин бўлади. Чунки оят осини ўлдиришдан кейин айтяпти. Оятдаги тартибга риоя қилиш яхшироқ. Яна бир сабаби, ўлдиришдан олдин осини азоблашдир. Мақсад эса азоблаш эмас, жазолаш. Яна бир сабаби, осиндан мақсад бошқаларни қайтариш. Ўлдирилгандан кейин одамлар кўз ўнгида осилса, бу мақсад ҳосил бўлади. Осиладиган вақтни тайинлаш имомнинг ишидир. Ҳар ҳолда майитнинг айниб, сасиб кетишига йўл қўйилмайди.

Қароқчиларнинг жазоси мана шудир. Жазо қилинган жиноятга қараб бўлади. Жиноятлар эса шу уч турлидир. Ўлдириш, талон-торож қилиш ва йўлтўсарлик. Бошқа бир ишни қилсалар,

масалан, қўл, оёқ, бурун каби бирон аъзони синдирсалар, уларга ҳад белгиланмайди. Чунки ҳад муайян жиноятнинг муайян жазосидир. У фақат ҳужжатга қараб бўлади. Ҳужжат эса шу уч жиноятгагина жазо белгилаган, қолганларига эса йўқ. Бу дегани, қолганлари жазосиз қоларкан-да, дегани эмас. Уларга фақат ҳад белгиланмаган, холос. Шунинг учун улар жиноятлар қабилидан ҳисобланиб, уларга жиноятга алоқадор ҳукмлар, яъни ўлдиришдан бошқа баданга жароҳат етказиш ҳукмлари татбиқ этилади.

Ҳад белгилаш учун қароқчиликнинг шартлари тўла топилиши шарт. Акс ҳолда ҳад белгиланмайди. Қароқчиликнинг шартлари учтадир:

1. Жиноят шаҳардан ташқарида, яъни қишлоқларда, тоғларда, саҳроларда, пана-пастқам жойларда, шунингдек, шаҳар ташқарисидаги поездлар, самолётлар, автомобилларда содир этилиши керак. Чунки қароқчилик тез ёрдамга келинмайдиган жойларда қилинади. Шаҳарда шундай ишни қилган киши қароқчи эмас, ўзлаштириб олувчи дейилади. Ўзлаштириб олувчи қароқчи эмас, унга ҳад белгиланмайди. Бироқ улар ҳам шаҳарни эгаллаб олиб ўлдириш, талон-торож қилиш, йўлтўсарлик каби жиноятларни содир этишса, қароқчилар ҳисобланиб, уларга ҳам қароқчилик ҳади белгиланади;

2. Уларда қилич, милтиқ, ханжар, пичоқ, пулемёт каби ўлдирадиган қурол бўлиши керак. Агар уларда умуман қурол бўлмаса ёки таёқ, қамчи каби ўлдирмайдиган қуроллар бўлса, улар қароқчилар, деб эътибор қилинмайди ва ҳад ҳам белгиланмайди;

3. Очиқчасига иш қилишлари, молни талон-торож йўли билан олишлари ва ўз жойларида тураверишлари керак. Яшириниб олсалар ўғри бўладилар. Тортиб олиб, қочиб кетсалар, босқинчи бўладилар. Бир ёки икки одам карвонга келиб, ундан бирон нарсани олиб қўйса, ҳимоясиз ва қувватсиз бўлганлари учун қароқчилар ҳисобланмайди. Чунки қароқчилар ўзларини ҳимоя қила оладиган кучга эга бўладилар.

Шу уч шарт тўла топилса, қароқчилар ҳисобланиб, уларга ҳад белгиланади. Улардан биттаси топилмай қолса ҳам қароқчилар ҳисобланмайдилар, ҳад ҳам белгиланмайди.

Агар қароқчилар давлат уларни енгмай туриб тавба қилсалар, улардан Оллоҳнинг ҳадлари бекор қилинади. Фақат жонлар,

жароҳатлар ва молларнинг ҳақларини тўлайдилар. Ҳақдорлар кечириб юборишса, улардан ҳам озод бўладилар. Чунки Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ قَبْلِ أَنْ تَقْدِرُوا عَلَيْهِمْ فَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

– „Магар сизлар қодир бўлишингиздан (қўлга тушишларидан) илгари тавба қилган кишилар бўлса, билингизки, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон зотдир.“ [5:34]

Агар давлат уларни енгиб бўлганидан кейин тавба қилсалар, ҳадлар бекор қилинмайди. Чунки Оллоҳ Таолонинг:

﴿مَنْ قَبْلِ أَنْ تَقْدِرُوا عَلَيْهِمْ﴾

– „... сизлар қодир бўлишингиздан (қўлга тушишларидан) илгари...“, [5:34]

деган оятдан шундай мазмун англашилади.

БОГИЙ (ТАЖОВУЗКОР)ЛАРНИНГ ҲАДИ

Тажовузкорлар Ислом давлатига қарши чиққан кимсалардир. Уларнинг ўз марказлари ва куч-қувватлари бўлади. Улар давлатга итоат этмай, унга қарши қурол билан чиқиб, уруш эълон қиладилар. Бу ишда одил халифага қарши чиқадиларми, золим халифагами, диндаги бир таъвилга қарши чиқадиларми ёки дунё умидида шундай қиладиларми, фарқи йўқ. Модомики, Ислом ҳокимиятига қарши қилич яланғочлар эканлар, ҳаммалари ҳам боғийлар (тажовузкорлар)дир. Халифа ёки унинг ноиб уларга хат юбориб, ҳокимиятнинг нимасидан норози эканликларини сўраши, агар бирор ноҳақликни айтишса, уни баратарф этиши, бирор шубҳани даъво қилишса, уни очиб бериши, бирор нарсани ноҳақ, деб билсалару, аслида у ундай бўлмаса, унинг далилини кўрсатиб, ҳақлигини ойдинлаштириши лозим бўлади. Чунки Ислом мусулмонларга ҳокимда Худо тарафидан бир ҳужжат билан тасдиқланувчи очиқ куфрни ёки унинг Ислом ҳукмларини татбиқ қилмаётганини кўрганларидагина унга қарши қилич яланғочлашни буюрган. Агар улар шариатнинг талабини бажариш учун чиқаётган бўлсалар, уларга қилаётган ишларининг нотўғрилигини тушунтириш лозим. Қайтсалар - улар тек қўйилади, қайтмасалар - уларга қарши курашиш вожиб бўлади. Курашиш уруш тарзида эмас, одоб бериш тарзида бўлади. Шунга кўра, зарурат туғилмаса, самолётлар, бомбалар, оғир артиллерия билан оммавий қирғинлар қилиш ҳаромдир. Ҳарбий услублар эмас, одоб бериш услублари муқтазоси билан иш юритилади. Уларнинг зурриётлари ёки қочганларини ўлдириш ҳаром. Урушдан тийилганларига тегилмайди. Биронтасини ўлдирган бўлсалар, унинг учун ўлдирилмайдилар. Улардан бирови асир олинса, унга нисбатан асир сифатида эмас, жиноятчи сифатида муомала қилинади. Чунки у асир эмас. Мол-дунёлари ҳам ўзлариники ҳисобланади. Улардан олиш дуруст бўлмайди. Чунки улар ҳам фуқаро ҳисобланиб, уларга одоб бериш тақозоси билан уруш услуги қўлланган бўлади. Шунинг учун улар билан курашиш уруш ҳам, жиҳод ҳам дейилмайди.

Боғий (тажовузкор)ларга ҳад белгилашда Оллоҳ Таолонинг ушбу оятига асосланилади:

﴿وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتُلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبْغِي حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ﴾

– „(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Оллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом) адолат қилингллар! Зеро Оллоҳ адолат қилгувчиларни суюр“.

[49:9]

Бу оят боғий (тажовузкор)ларни мўминлар, деб эътибор қиляпти. Демак, тажовузкорлик туфайли улар иймондан чиқиб кетаётганлари йўқ. Оятда улар билан курашишнинг, Оллоҳнинг буйруғига қайтсалар, курашишни тўхтатишнинг ҳамда уруш пайтида мол ёки жонга берган талафотларига жавоб беришдан озод бўлишларининг вожиблиги очиқ кўриниб турибди. Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا﴾

– „дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар“, [49:9] деган гапи урушдан аввал улар билан музокаралар олиб бориш вожиблигига далолат қилади. Тажовузкорларга белгиланган ҳад ҳам, қайтмасангиз, сизлар билан курашамиз, деган огоҳлантириш ҳам, курашишнинг музокаралар олиб борилиб, уларни қарши чиқишга ундаган ноҳақлик, шубҳа, нотўғри тушуниш каби ишларни бартараф этишга ҳаракат қилиб кўрилгандан кейин бўлиши ҳам оятда ўз исботини топган.

Агар тажовузкорлар Исломиё давлатнинг бир қисмига ўрнашиб олиб, одамлар ўртасини ажрим қиладиган қозиларни, Ислом ҳукмларини татбиқ этувчи ҳокимларни тайинласалар, модомики шариат ҳукмларига қараб юрар эканлар, қозиларининг ҳукмлари ҳам, ҳокимларининг бошқарувлари ҳам тажовуз қилмаганларники каби қабул қилинади. Халифа уларни енгса ёки ўзлари давлат қарамоғига қайтсалар, уларнинг ҳамма ҳукмлари

нуфузга эга бўлади. Чунки улар қарши чиқиш шубҳасига биноан тайинланган ҳокимлар тарафидан чиқарилган исломий ҳукмлардир. Модомики Қуръон уларни мўмин, деб эътибор қилар экан, модомики уларга нисбатан одоб беришдан бошқа эътироз йўқ экан, уларнинг барча ишлари халифа итоатидаги, давлат ҳокимияти остидаги бошқа мусулмонларнинг ишларидан фарқ қилмайди. Улар билан курашиш эса худди ўғирлик ҳади каби Оллоҳнинг ҳадларидан бирини ижро этишдан бошқа нарса эмас. Модомики улар мусулмон бўлиб, Исломни татбиқ қилаётган эканлар, бу нарса уларни мусулмонмас, деб эътибор қилишга асос бўлмайди.

БОГИЙ (ТАЖОВУЗКОР)ЛАРНИНГ КОФИРЛАРДАН ЁРДАМ СЎРАШИ

Мусулмонларга қарши курашиш учун кофирлардан ёрдам олиш тажовузкорларга ҳам, бошқа мусулмонларга ҳам ҳаромдир. Давлат бўладими, шахслар бўладими, фарқи йўқ. Мусулмоннинг мусулмон билан урушиши ҳаром бўлганидан кейин, мусулмонга қарши урушиш учун кофирдан ёрдам олиши бадтар ҳаромдир. Оллоҳ Таоло мусулмоннинг мусулмон билан урушишини катта гуноҳликда куфрга ўхшаш, деб эътибор қилган. Пайғамбар ﷺ эса:

«سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَ قِتَالُهُ كُفْرٌ»

«Мусулмон билан сўкишиш фосиқликдир, урушиш эса кофирликдир», деганлар. Шундай бўлгач, мусулмонга қарши кофирдан ёрдам олиш бундан ҳам бадтарроқдир. Бу иш ҳаром бўлишига қарамасдан, уни қилган тажовузкорлар мўминликдан чиқиб кетмайдилар. Улар ҳақидаги Оллоҳнинг ҳукми ўзгармайди. Боягидек, тажовузкор бўлиб қолаверадилар ва улар билан тажовузкор сифатида муомала қилинади. Улар ёрдам сўраган кофирлар эса ҳолатларига қараб ҳар хил бўладилар. Тажовузкорлар аҳли ҳарб кофирлардан ёрдам олиб, уларга омонлик берганлари ва улар билан зиммийлик битимини тузганлари билан улар Ислом назарида аҳли ҳарб кофирлари бўлиб қолаверадилар. Тажовузкорларнинг омонлик бергани ва зиммийлик битимини тузганлари эътиборга олинмайди. Чунки бундай қилиш шаръий байъат қилинган халифага хос ишдир. Тажовузкорлар эса бундай ваколатга эга эмаслар. Шунинг учун мусулмонлар тажовузкорларга қарши одоб бериш тарзида урушганлари билан аҳли ҳарб кофирларига қарши шаръий жиҳод тарзида урушаверадилар. Уларнинг ҳуқуқлари борасида уруш ҳолати татбиқ қилинади. Асирларига нисбатан асир сифатида муносабатда бўлиниб, мол-дунёлари ўлжа қилиб олинади. Хуллас, уларга жиҳод ҳукмлари ва аҳли ҳарбга тўғри келадиган барча ҳукмлар татбиқ қилинади. Омонлик олган кофирлар ҳам тажовузкорларга ёрдам беришлари билан аҳдни бузган ҳисобланиб, аҳли ҳарбга айланадилар. Фақат бу иш улар ўз ихтиёрлари билан шундай қилганларидагина бўлади. Мажбуран, қўрққанларидан тажовузкорларга ёрдам беришса, уларга ҳам аҳли ҳарбларга эмас, тажовузкорларга қилинган муомала

қилинади. Зиммий кофирлар эса тажовузкорларга ёрдам беришлари билан зиммийликдан чиқиб кетмайдилар. Бу ишни ихтиёрий ёки мажбурий қилишларининг фарқи йўқ. Чунки улар исломий давлатнинг фуқаролари ҳисобланадилар. Уларга тажовузкорларнинг ҳукми татбиқ этилиб, улар билан уруш тарзида эмас, одоб бериш тарзида курашилади. Улар ҳақида, Ислом давлатига қарши ёрдам беришлари билан аҳдларини буздилар, дейилмайди. Чунки улар кофирларга ёки кофир давлатга эмас, (тажовузкор бўлса ҳам) мусулмонларга ёрдам беришлари. Тажовузкорлар ҳам улар билан битим тузган мусулмонлар жумласига кирадилар. Шунга кўра, уларнинг Ислом давлатига қарши мусулмонларга ёрдам бериши аҳдни бузиш ҳисобланмайди. Зеро, уларнинг аҳдлари омонлик олганлар каби муваққат аҳд эмас, доимий аҳддир. Хиёнат қилиб қўйишларидан қўрқиб ҳам, мусулмонларга қарши мусулмонларга ёрдам берганлари учун ҳам уни бузиш мумкин эмас.

Агар зиммийларнинг ўзлари давлатга қарши чиқиб урушсалар, доимий аҳдларини бузган ҳисобланиб, аҳли ҳарбга айланадилар. Кейин улар билан уруш тарзида курашилади. Уларга аҳли ҳарбларга оид ҳукмлар татбиқ этилади. Улар устидан ғалаба қозонилгач, уларга аҳли ҳарб кофирларидек муомала қилиниб, моллари ўлжа қилиб олинади, асирлари асир бўлади, имом аҳли ҳарбга нисбатан нима иш қилиш керак бўлса, уларга нисбатан ҳам ўша ишни қилади.

Зиммийларга нисбатан ҳукм уларнинг воқеига қараб ҳар хил бўлади. Чунки Ислом олиб келган ҳолатларда ҳар бир воқеа учун кофирларга тўғри келадиган алоҳида бир ҳукм бордир.

МУРТАДНИНГ ҲАДИ

Ислом динидан қайтган одам муртаддир. Исломдан қайтган эркак ва аёл агар балоғатга етган ва ақли жойида бўлса, уч марта Исломга чақирилади ва унга тазйиқ ўтказилади. Қайтса қайтди қайтмаса, ўлдирилади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فِيمْتَهُ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охирада беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абдий қолажақлар“. [2:217]

Бухорий Икримадан ривоят қилади: «Амирул мўминин Алий رضي الله عنهнинг олдига диндан қайтганлар олиб келинган эди, уларни ёқиб юборди. Бу хабар ибн Аббосга етгач, у: «Мен бўлганимда ёқмаган бўлардим. Чунки Пайғамбар ﷺ»:

«لَا تُعَذِّبُوا بَعْدَابِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг азоби билан азобламанглар», деганлар. Уларни ўлдирган бўлардим. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ بَدَّلَ دِينَهُ فَاقْتُلُوهُ»

«Ким динини ўзгартирса, уни ўлдиришлар», деганлар», деди». Эркакларни ўлдириш ҳадисда очиқ кўриниб турибди. Аёлларни ўлдириш эса ҳадиснинг умумий маъносидан олинади. Чунки «ким ўзгартирса...», деган гапдаги «ким» сўзи умумий маънодадир. Бунга яна бир далил Доруқутний ва Байҳақийнинг Жобирдан қилган мана бу ривоятларидир:

«إِنَّ أُمَّ مَرْوَانَ ارْتَدَّتْ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَنْ يُعْرَضَ عَلَيْهَا الْإِسْلَامُ، فَإِنْ تَابَتْ وَإِلَّا قُتِلَتْ»

«Марвоннинг онаси муртад бўлди. Шунда Пайғамбар ﷺ унга Исломни таклиф қилишни, агар тавба қилса, уни тек қўйилишини, агар тавба қилмаса, ўлдирилишини буюрдилар». Гўдак ва жиннининг муртад бўлмаслиги уларнинг мукаллаф эмаслигидандир. Шунга кўра, уларга муртад ҳади белгиланмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثٍ: النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ، وَعَنِ
الْمَجْنُونِ حَتَّى يَفِيْقَ»

«Қалам уч кишидан кўтарилгандир: Гудакдан то вояга етгунига қадар; ухлаётган одамдан то уйгонгунига қадар; жиннидан то ақлини топгунига қадар». Уч марта тавба қилдиртиришнинг далили шуки, юқоридаги ҳадисда Пайғамбар ﷺ Марвоннинг онасини тавба қилдиртиришга буюрганлар. Умар ﷺ ҳам шу йўлдан борган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдул Қориъ ﷺ ривоят қилади:

«قَدِمَ عَلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَجُلٌ مِنْ قَبْلِ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ فَسَأَلَهُ عَنِ النَّاسِ فَأَخْبَرَهُ ثُمَّ قَالَ لَهُ عُمَرُ هَلْ كَانَ فِيكُمْ مِنْ مَغْرِبِيَّةٍ خَيْرٍ، فَقَالَ: نَعَمْ، رَجُلٌ كَفَرَ بَعْدَ إِسْلَامِهِ، قَالَ فَمَا فَعَلْتُمْ بِهِ، قَالَ: قَرَّبْنَاهُ فَضْرَبْنَا عُنُقَهُ، فَقَالَ: عُمَرُ أَفَلَا حَبَسْتُمُوهُ ثَلَاثًا وَأَطَعْتُمُوهُ كُلَّ يَوْمٍ رَغِيْفًا وَاسْتَبْتُمُوهُ لَعَلَّهُ يَتُوبُ وَيُرَاجِعُ أَمْرَ اللَّهِ؟ ثُمَّ قَالَ: عُمَرُ اللَّهُمَّ إِنِّي لَمْ أَحْضُرْ وَلَمْ أَمُرْ وَلَمْ أَرْضَ إِذْ بَلَّغَنِي»

«Умар ибн Хаттобнинг олдига Абу Мусо тарафидан бир киши келди. Ундан: «Мағриб томонлардан бирор хабар борми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа, бир киши Исломга кирганидан кейин кофир бўлди», деди. «Уни нима қилдинглар?» деб сўрадилар. «Уни олиб келиб, калласини олдик», деди. Шунда Умар: «Уч кунга қамаб, кунда бир нон бериб, тавба қилдиртирмабсизларда. Эҳтимол, ушанда тавба қилиб, Оллоҳнинг динига қайтиб қолармиди? Эй Оллоҳ, мен бу ишга қатнашмадим, хабарини эшитиб, рози ҳам бўлмадим», дедилар». Умардан аввал Абу Бақр ﷺ ҳам шу йўлдан борган. Доруқутний ва Байҳақий ривоят қилади:

«أَنَّ أَبَا بَكْرٍ اسْتَبَابَ امْرَأَةً يُقَالُ لَهَا أُمُّ قُرْفَةَ كَفَرَتْ بَعْدَ إِسْلَامِهَا فَلَمْ تَسُبْ فَفَتَلَهَا»

«Абу Бақр ﷺ Исломга кирганидан кейин кофир бўлган Умму Қурфа исмли бир аёлни тавба қилишини сўради. У тавба қилмагач, уни ўлдирди». Мана шулардан Пайғамбар ﷺнинг, у кишидан кейин Абу Бақр ва Умар ﷺларнинг муртадни тавба қилдиртирганлари кўриниб турибди. Шунга асосан муртад ўлдирилишдан олдин тавба қилдиртирилади. Энди уч марта тавба қилдиртиришга келсак, бу ишнинг уч марта бўлиши ҳеч жойда

қайдланмаган. Фақат одатда бировни оқлаш учун энг камида уч марта ҳаракат қилинади. Умуман, кўп марта тавба қилдиртириш мумкин. Чунки мақсад - уни қайтариш учун унга Исломни таклиф қилиш. Қайтиши учун етарли муддат берилади. Ривоят қилинишича, Абу Мусо Муоз қайта-қайта ўлдиришни талаб қилган муртадни Муоз келгунига қадар - икки ой тавба қилдиртирган. Ривоят қилинишича, Умар رضي الله عنه: «Тавба қилдиртиришнинг муддати уч кундир. Тавба қилса, тавбаси қабул қилиниб, ўлдирилмайди», деганлар.

Фақат бир марта муртад бўлган одамнинггина тавбаси қабул қилинади. Такроран муртад бўлган одамнинг тавбаси эса қабул қилинмайди. У тавба қилса ҳам, қилмаса ҳам ўлдирилади. Чунки Оллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ آمَنُوا ثُمَّ كَفَرُوا ثُمَّ أَرَادُوا كُفْرًا لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيُغْفِرْ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ سَبِيلًا﴾

– „Албатта иймон келтириб, сўнг куфрга қайтган, кейин яна иймон келтириб, сўнгра яна кофир бўлган, кейин эса куфрлари янада зиёда бўлган кимсаларни Оллоҳ ҳаргиз мағфират қилмайди уларни зинҳор ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди“.

[4:137]

Оллоҳ Таолонинг:

﴿لَمْ يَكُنِ اللَّهُ لِيُغْفِرَ لَهُمْ﴾

– „... кимсаларни Оллоҳ ҳаргиз мағфират қилмайди“, [4:137] деган гапи, Оллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилмайди, деган маънодадир. Давлат ҳам уларнинг тавбасини қабул қилмайди. Ашрам Зубён ибн Аммордан ривоят қилади:

﴿أَنَّ رَجُلًا مِنْ بَنِي سَعْدِ مَرَّ عَلَى مَسْجِدِ بَنِي حَنِيفَةَ فَإِذَا هُمْ يَقْرَأُونَ بِرَجْرِ مُسَيْلِمَةَ، فَرَجَعَ إِلَى ابْنِ مَسْعُودٍ فَذَكَرَ ذَلِكَ لَهُ، فَبَعَثَ إِلَيْهِمْ فَأَتَى بِهِمْ، فَاسْتَتَابَهُمْ فَتَابُوا، فَخَلَّى سَبِيلَهُمْ إِلَّا رَجُلًا مِنْهُمْ يُقَالُ لَهُ ابْنُ التَّوَّاحَةِ قَالَ: قَدْ أَتَيْتُ بِكَ مَرَّةً، فَزَعَمْتُ أَنَّكَ قَدْ تُبْتُ، وَ أَرَاكَ قَدْ عُدْتَ فَقَتَلَهُ﴾

«Бану саъдлик бир киши Бану Ҳанифа масжидининг ёнидан ўтаётса, у ердагилар Мусайламанинг шеърларини ўқиётган эканлар. Дарров ибн Масъуднинг олдиларига қайтиб бориб, бўлган воқеани айтибди. Ибн Масъуд уларга одам юбориб, уларни олдириб келибди. Улардан тавба

қилишларини талаб қилди, улар тавба қилишди. Шундан кейин уларни қўйиб юборди. Фақат улардан ибн Наввоҳа исмли бир кишини қўйиб юбормади. Унга: «Сен аввал ҳам олиб келинган эдинг, сени тавба қилгансан, деб уйловдим. Қарасам, яна уша ишпингга қайтибсан», деб уни ўлдирди». Муртадни давлат ҳокимнинг ҳукми билан ўлдиради. Агар уни бирор мусулмон қасдан ўлдирса, ундан давлатнинг бир кофир фуқаросини ўлдиргани сифатида қасос олинади.

Исломга киргандан кейин кофир бўлган одам муртаддир. Мусулмон тўрт нарсада кофир бўлади: Эътиқодда, шак келтиришда, сўзда ва амалда. Эътиқодда кофир бўлишнинг икки жиҳати бор. Биринчиси - қатъий тақиқланган ёки қатъий буюрилган нарсанинг тескарисини қатъий тасдиқлаш. Масалан, Оллоҳнинг шериги бор, деб ёки Қуръон Оллоҳнинг каломи эмас, деб эътиқод қилиш. Иккинчиси - динданлиги аниқ бўлган ишни инкор қилиш. Жиҳодни, ароқ ичишнинг ҳаромлигини, ўғрининг қўли кесилишини инкор қилиш каби. Шак келтиришда кофир бўлиш ақидаларга, далили қатъий бўлган ҳукмларга шак келтиришдир. Оллоҳнинг ягоналигига ёки Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарликларига ёхуд зинокорнинг дарраланишига шак келтирган одам кофир бўлади. Сўзда кофир бўлишдан мурод мутлақо таъвил қилиб бўлмайдиган сўзни айтишдир. Кимки Ийсо - Оллоҳнинг ўғли, деса ёки Ислом динини Муҳаммаднинг ўзи ўйлаб чиқарган, деса, аниқ кофир бўлади. Таъвил қилиш мумкин бўлган сўзни айтган одам кофир бўлмайди, агарчи айтилган сўзнинг тўқсон тўққиз фоизи куфрга, бир фоизигина иймонга эҳтимоли бўлса ҳам. Бу ерда шу бир фоиз тўқсон тўққиз фоиздан оғир келади. Чунки у иймон тарафидадир. У туфайли таъвил қилиш мумкин бўлиб, одам кофир бўлмайди. Зеро, инсон куфр калимасини қатъий айтмагунига қадар кофир бўлмайди. Амалда кофир бўлишдан мақсад ҳам ҳеч қандай таъвилни кўтармайдиган амалдир. Масалан, бутга сажда қилган одам, черковга кириб насоролар каби ибодат қилган одам кофир бўлади. Чунки бу иш таъвилни кўтармайдиган куфрдир. Таъвил қилиш мумкин бўлган ишни қилган одам кофир бўлмайди. Масалан, черковга кирган одам. Чунки у шунчаки томоша қилгани кирган бўлиши мумкин. Инжилни ўқиган одам ҳам кофир бўлмайди. Чунки у раддия билдириш мақсадида ўрганаётган бўлиши мумкин. Унга эътиқод қилиб ўқиётган бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, таъвил қилиш мумкин бўлган ишни қилган одам муртад бўлмайди. Муртадлик зинодан бошқа

ҳадлар нима билан исботланса, ўша нарса билан, яъни икки адолатли эркакнинг ёки бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги билан, бир сўз билан айтганда, шаръий ҳужжат билан исботланади. Чунки унинг ўзига хос ҳужжат ворид бўлмаган.

Муртаднинг моллари

Муртадни тавба қилдиртиришдан аввал у ўзининг мол-мулкига эга бўлади. Исломга қилинган таклифни рад этиб, ўлдирилса ёки муртад бўлганидан кейин ўзи ўлса, аввало қарзига берилади, жиноятининг товони тўланади, аёли ва бошқа қарамоғидагиларнинг нафақаси берилади. Чунки бу ҳуқуқларни бекор қилиш мумкин эмас. Шу билан унинг мол-мулкидан ҳеч нарса қолмаса, иш якунланади. Ортиб қолса, қолгани ўлжа ҳисобланиб, байтулмолга ўтказилади. Бирор кофир давлатга қочиб кетса ҳам шундай қилинади. Кофир давлатга қочиб кетган пайтда мол-мулки омонатга қўйилган бўлса, давлат қарори билан музлатиб қўйилади. Уни тавба қилдиртиришга уриниб кўрилади. Уринишлар фойда бермасдан, муртадлигида қаттиқ туриб олса, ўлимга маҳкум, деб эътибор қилиниб, мол-мулки худди ўлдирилганидек ўлжага айланади. Бунга далил - Абу Бакр رضي الله عنهнинг муртадларга нисбатан қилган ишидир. У муртадлар билан жанг қилди, уларни ўлдирди, муртад бўлганларига асосланиб, жонларини ҳам, молларини ҳам ҳалолга айлантирди. Мол-мулкларини ўлжа қилди. Бошқа саҳобалар бунга эътироз билдирмадилар. Шунга кўра, қайси бир шаҳар аҳолиси кофир бўлиб, ўз ҳукмларини татбиқ этса, у ер уруш диёрига айланиб, мол-мулкларини ўлжа олиш, ўзларини асир қилиш, аёллари ва зурриётини қул қилиш мумкин бўлиб қолади. Абу Бакр رضي الله عنهнинг қилган ишига амал қилиб, улар билан жанг қилиш ҳокимнинг бурчидир. Чунки бу иш саҳобаларнинг ижмоъсидир.

ИККИНЧИ БОБ ЖИНОЯТЛАР

Жиноят сўзи луғатда баданга, мол-мулкка ёки обрўга тажовуз қилиш, истилоҳда эса баданга қасос ёки товон келтириб чиқарадиган даражада тажовуз қилиш маъносини англатади. Шу тажовуз учун белгиланган жазо чораси маъносида ҳам қўлланади. Хуллас, бу сўз жиноят маъносида ҳам, жазо маъносида ҳам ишлатилади. Тиш синдиришу қасддан одам ўлдиришга ҳам, жароҳат етказишу яримқасддан қотиллик қилишга ҳам, уларга бериладиган жазога ҳам шу сўз қўлланади.

Энг катта жиноят қотилликдир. Энг катта жиноят (жазо) қотилликнинг жазосидир. Ноҳақ одам ўлдиришнинг ҳаромлиги динда аниқ қилиб айтилган. Бу иш Куръон билан ҳам, суннат билан ҳам ўз исботини топган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَمَنْ قَتَلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيهِ سُلْطٰنًا﴾

– „Оллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни (яъни, қатл этилишга мустаҳиқ бўлмаган жонни ноҳақ ўлдирмангиз, магар ҳақ шаръий қонун) билангина ўлдиришингиз мумкиндир. Кимки мазлум бўлган ҳолида (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, биз унинг эгаси - вориси учун (қасос олишга) салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз“.
[17:33]

Яна айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَاً﴾

– „Мўмин мўминни фақат билмаган ҳоладиган ўлдириб қўйиши мумкин“.
[4:92]

Яна айтади:

﴿وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا﴾

– „Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Оллоҳнинг газаби ва лаънатига дучор бўлган, Оллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир“.
[4:93]

Қотилликнинг ҳаромлигини билдирувчи бу оятларнинг субути ҳам, далолати ҳам қатъийдир. Демак, ҳукми ҳам қатъий. Ибн Масъуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا يَحِلُّ دَمُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا
يَأْخُذِي ثَلَاثٌ: الثَّيْبُ الزَّانِي، وَالتَّنْفُسُ بِالتَّنْفِسِ، وَالتَّارِكُ لِدِينِهِ الْمَفَارِقُ
لِلْجَمَاعَةِ»

«Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиги ва менинг пайғамбарлигимга гувоҳлик берган мусулмон кишининг қони ҳалол бўлмайди, фақат шу уч сабабдан бири билангина қони ҳалол бўлади: Зинокор жувон бўлса, жонга жон қабилида, жамоатдан ажралиб, динидан қайтган бўлса». Оиша رضي الله عنها Пайғамбар ﷺдан ривоят қилади:

«قَالَ لَا يَحِلُّ قَتْلُ مُسْلِمٍ إِلَّا بِأَخْدَى ثَلَاثِ خِصَالٍ: زَانٍ مُخْصَنٌ فَيُرْجَمُ، وَ
رَجُلٌ يَقْتُلُ مُسْلِمًا مُتَعَمِّدًا، وَ رَجُلٌ يَخْرُجُ مِنَ الْإِسْلَامِ يُحَارِبُ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ
وَرَسُولَهُ»

«Мусулмонни шу уч ишдан бири туфайлигина ўлдириш мумкин: никоҳланган бўла туриб зино қилса (тошбурон қилинади); қасддан мусулмонни ўлдирган бўлса; Ислом динидан қайтиб, Улуғ ва Буюк Оллоҳ ҳамда Унинг пайғамбарига қарши урушса».

«لَا يَحِلُّ دَمُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ»

«Мусулмоннинг қони ҳалол бўлмайди»,

«لَا يَحِلُّ قَتْلُ مُسْلِمٍ»

«Мусулмонни ўлдириш мумкин эмас», деган гаплар қотилликнинг ҳаромлигига далилдир. Бу нарса динданлиги аниқ бўлган ишлардандир.

ҚОТИЛЛИКНИНГ ТУРЛАРИ

Қотиллик тўрт хил бўлади: Қасддан, яримқасддан, бехосдан ва бехосдансимон. Қасддан ўлдириш Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا﴾

– „*Ким қасддан бир мўминни ўлдирса...*“, [4:93] деган оятида очиқ айтилган. Ярмқасддан ўлдириш хусусида эса Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ривоят қилган ҳадисда гапирилган. Унда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿أَلَا إِنَّ دِيَةَ الْخَطَايَا شِبْهُ الْعَمْدِ مَا كَانَ بِالسَّوْطِ وَالْعَصَا مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ مِنْهَا أَرْبَعُونَ فِي بُطُونِهَا أَوْلَادُهَا﴾

«**Бехосдан, яримқасддан ўлдирилганнинг хуни, қамчи ёки асо билан ўлдирилган бўлса, юзта туя бўлиб, улардан қирқтасининг қорнида боласи бўлиши керак**». Бехосдан ўлдириш Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَاً﴾

– „*Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин*“, [4:92]

деган оятида баён қилинган. Бехосдансимон ўлдириш бехосдан ўлдиришнинг бир қисми-ю, лекин у бехосданнинг таърифига тушмайди. Чунки унинг воқеси бехосданнинг воқеидан бошқача бўлади. Бехосдан ўлдиришда жиноятчи ўзи хоҳлаб, ўша ишни қилади, фақат уни йўналтиришда хатога йўл қўяди. Бехосдансимон ўлдиришда эса жиноятчининг хоҳиш-иродасига қарамасдан ўша иш содир бўлади. Шунга кўра, бу икки ишнинг воқелари бир-биридан фарқ қилади.

Қасддан қилинган қотиллик

Бир одам иккинчи бир одамни кўп ҳолларда ўлдириб қўядиган нарса билан уриши ёки бир одам иккинчи бир одамга нисбатан кўп ҳолларда ўлимга олиб борадиган ишни қилиши қасддан қилинган қотиллик дейилади.

У уч турли бўлади:

1. Қилич, пичоқ, тўппонча, граната каби ўлдирадиган нарса билан зарба бериш ёки темир, сандон, болға, катта тош, харсанг тош, йўғон хода каби кўпинча ўлдирадиган нарса билан уриш;

2. Кўпинча ўлдирмайдиган нарсага ўлдирадиган нарсани қўшиб уриш. Учига темир қадалган ёки мих қоқилган таёқча

билан, пичоқ каби ўткирланган тош билан уриш ёки ўладиган қилиб тинимсиз уравериш шу турдаги ўлдиришга киради. Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ يَهُودِيًّا رَضَّ رَأْسَ جَارِيَةٍ بَيْنَ حَجْرَيْنِ، قِيلَ مَنْ فَعَلَ هَذَا بِكَ أَفْلَانُ أَفْلَانُ حَتَّى سَمِيَ الْيَهُودِيُّ، فَأَوْمَاتَ بِرَأْسِهَا، فَجِئْتُ بِهِ فَأَعْتَرَفَ فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَضَّ رَأْسَهُ بَيْنَ حَجْرَيْنِ»

«Бир яҳудий бир жориянинг бошини икки тошнинг уртасига олиб урди. Ундан сени ким бундай қилди, фалончими, пистончими, деб бирма-бир номларни айтиб сўрашди. Ҳалиги яҳудийнинг номи айtilганда боши билан ишора қилди. У олиб келинди ва иқроп бўлди. Шунда Пайгамбар ﷺ унинг ҳам бошини икки тош орасига олиб уришни буюрдилар». Яъни ўлдиришни буюрдилар. Муслимнинг ривоятида келади:

«فَقَتَلَهَا بِحَجَرٍ، فَجِئَءَ بِهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبِهَا رَمَقٌ»

«Аёлни тош билан ўлдирди. Уни Пайгамбар ﷺнинг олдига олиб келишганда жони узилаётган пайти эди».

3. Кўпинча ўлимга олиб борадиган ишни қилиш. Масалан, бўйинни арқон билан бўғиш ёки тоғ чўққисиданми, баланд биноданми, поездданми, тез кетаётган машинаданми отиб юбориш, чўкадиган қилиб денгизга отиш, ўтга отиш, шер ёки йўлбарс билан бир қафасга қамаб қўйиш, бир жойга қамаб қўйиб, ўлгунича овқат бермаслик, заҳар ёки ўлдирадиган бошқа бир дорини бериш, бировнинг ўлимига сабабчи бўлиш, яъни бир одамни иккинчи бир одамни ўлдиришга мажбурлаш. Бундай пайтда у ҳам бевосита қотилдек қотил ҳисобланади. Абу Довуд ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺга заҳарланган қўйни олиб келган яҳудий аёл хусусида Абу Салама шундай деган:

«فَمَاتَ بَشْرُ ابْنِ الْبَرَاءِ فَأَمَرَ بِهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَتَلَتْ»

«Бишр ибн Барро ўлди. Шунда Пайгамбар ﷺ аёлни ўлимга буюрдилар».

Қасддан қилинган қотилликнинг жазоси

Қасддан қотиллик қилганнинг ҳукми ўликнинг эгалари кечиришмаса қасосдир, яъни уни ҳам ўлдиришдир. Кечиришса, ўликнинг аҳлига хун хақи тўланади. Воз кечиб юборишса, тўланмаслиги ҳам мумкин. Зеро, Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيهِ سُلْطَانًا فَلَا يَسْرِفُ فِي الْقَتْلِ﴾

– „Кимки мазлум бўлган ҳолида (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, биз унинг эгаси - вориси учун (қасос олишга) салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин (яъни, қотилнинг ўрнига бошқа бировни ўлдирмасин, ё бир кишининг муқобилига икки кишини ўлдирмасин, ёки қотилни ўлдиришда унинг қулоқ-бурнини кесмасин)!“ [17:33]

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ﴾

– „... ўлдирилган кишилар учун... қасос олиш фарз қилинди“.[2:178]

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор“ [2:179]

Қасос дегани бирхиллаштириш, яъни қотилни ҳам ўлдириш, деганидир. Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿وَمَنْ قُتِلَ لَهُ قَتِيلٌ فَهُوَ بِخَيْرِ النَّظَرَيْنِ، إِمَّا أَنْ يُفْدَى، وَإِمَّا أَنْ يُقْتَلَ﴾

«Ўлдирилганнинг эгаси икки қарашдан яхшироғини олишга ҳақли. Ёки хун ҳақи туланади, ёки қотилни ўлдирилади». Абу Довуд Абу Шурайх Ҳузоййдан ривоят қилишича Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿مَنْ أَصِيبَ بَدَمٍ أَوْ حَبْلٍ - الْخَبْلُ الْجَرَّاحُ - فَهُوَ بِالْخِيَارِ بَيْنَ إِحْدَى ثَلَاثٍ، إِمَّا أَنْ يَقْتَصَّ، أَوْ يَأْخُذَ الْعَقْلَ، أَوْ يَغْفُو، فَإِنْ أَرَادَ رَابِعَةً فَخُذُوا عَلَيَّ يَدِيَّهَ﴾

«Кимгаки ўлим ёки жароҳат мусибати етса, у уч ишдан бирини танлаши мумкин: қасос олиш, товон тулатиш ёки кечирिश. Агар у тўртинчисини хоҳласа, қўлидан ушланглар». Пайғамбар ﷺ яна шундай деганлар:

﴿الْعَمْدُ قَوْدٌ إِلَّا أَنْ يَغْفُوَ وَلِيَّ الْمَقْتُولِ﴾

«Қасддан қилинган қотиллик жазоси қасосдир. Фақат ўлдирилганнинг эгаси кечирса, қасос бўлмайди». Абу Довуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿مَنْ قَتَلَ عَامِدًا فَهُوَ قَوْدٌ﴾

«Қасддан қотиллик қилганнинг жазоси қасосдир», деганлар. Ибн Можа ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«وَمَنْ قَتَلَ عَامِدًا فَهُوَ قَوْدٌ, وَمَنْ حَالَ بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ
وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ, لَا يُقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ»

«Кимки қасддан қотиллик қилса, унинг жазоси қасосдир. Кимки ундан қасос олишдан тўсиб қолса Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлур. Унинг тавбаси ҳам, тулайдиган маблағи ҳам қабул қилинмайди». Термизий Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ قَتَلَ مُتَعَمِّدًا دَفَعَ إِلَىٰ أَوْلِيَاءِ الْمَقْتُولِ, فَإِنْ شَاءُوا قَتَلُوهُ, وَإِنْ شَاءُوا
أَخَذُوا الدِّيَةَ, وَهِيَ ثَلَاثُونَ حِقَّةً, وَثَلَاثُونَ جَدْعَةً, وَأَرْبَعُونَ خَلْفَةً, وَمَا
صَالِحُوا عَلَيْهِ فَهُوَ لَهُمْ»

«Қасддан қотиллик қилган кимса ўлдирилганнинг эгаларига топширилади. Хоҳласалар, уни ўлдирадилар, хоҳласалар, ҳақини оладилар. Хун ҳақи утғизта уч ёшли, утғизта беш ёшли ва қирқта бўғоз туядан иборатдир. Бошқа нарсага келишмоқчи бўлсалар, унга ҳам ҳақлари бор». Шу далиллардан кўриниб турибдики, қасддан қотиллик қилганнинг ҳукми қасос, яъни қотилнинг ўлдирилиши ё ўлик эгасининг хун ҳақи олиши ёки кечеришидир.

Қасос

Қасос қасддан қотиллик қилган одамнинг ўлдирилишидир. Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ قَتَلَ عَامِدًا فَهُوَ قَوْدٌ»

«Кимки қасддан қотиллик қилса, унинг жазоси қасосдир», деганлар. Демак кимки бир одамни қасддан ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади. Гарчи ўлдирилганнинг шарти кетиб, парти қолган, қотил эса соғлом ва кўркам бўлса ҳам, қотил мақтулнинг орқасидан юборилади. Шунингдек, илм ва шараф, бойлик ва камбағаллик, соғлик ва касаллик, бақувватлик ва нимжонлик, катталиқ ва кичиклик, мансабдорлик ва авомликлардан қатъий назар жонга жон берилади. Ҳур ёки қул, эркак ёки аёл, муслмон ёки кофир бўлишларининг фарқи йўқ. Чунки Пайғамбар ﷺ ибн Масъуднинг ҳадисиди:

«وَالنَّفْسُ بِالنَّفْسِ»

«**Жонга жон**», деганлар. Далил учун шунинг ўзи кифоядир.

«Жон» сўзи ҳамма жонни ўз ичига олади. Эркак эркак учун ҳам, аёл учун ҳам, хур хур учун ҳам, қул учун ҳам, мусулмон кофир учун ҳам, кофир мусулмон учун ҳам ўлдирилаверади. Жоннинг жондан фарқи бўлмайди. Эркакнинг аёл учун ўлдирилиши хусусида Молик Амр ибн Ҳазмдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ Яман аҳлига ёзган мактубларида:

«إِنَّ الذَّكَرَ يُقْتَلُ بِالْأُنْثَى»

«**Эркак аёл учун ҳам ўлдирилади**», деганлар. Бухорий Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади:

«أَنَّ يَهُودِيًّا رَضَّ رَأْسَ جَارِيَةٍ بَيْنَ حَجْرَيْنِ، قِيلَ مَنْ فَعَلَ هَذَا بِكَ أَفْلَانُ أَفْلَانُ حَتَّى سُمِّيَ الْيَهُودِيُّ، فَأَوْمَأَتْ بِرَأْسِهَا، فَجَبَّ بِهَ فَاَعْتَرَفَ فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَضَ رَأْسَهُ بَيْنَ حَجْرَيْنِ»

«Бир яҳудий бир жориянинг бошини икки тош орасига олиб урди. Унга, сени ким бундай қилди, фалончими, пистончими, деб бирма-бир номларни айтишди. Ҳалиги яҳудийнинг номи айтилганда боши билан ишора қилди. У олиб келинди, айбига иқроор бўлди. Шунда Пайғамбар ﷺ унинг ҳам бошини икки тош орасига олиб уришни буюрдилар». Бу икки ҳадис эркакнинг аёл учун ўлдирилишига далилдир. Пайғамбар ﷺнинг:

«إِنَّ الذَّكَرَ يُقْتَلُ بِالْأُنْثَى»

«**Эркак аёл учун ҳам ўлдирилади**», деганларининг ўзи кифоя. Ҳурнинг қул учун ўлдирилиши хусусида Муслим ва Бухорий Ҳасандан, у Сумрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلْنَاهُ، وَمَنْ جَدَعَ عَبْدَهُ جَدَعْنَاهُ»

«**Ким қулини ўлдирса, унинг ўзини ҳам ўлдираамиз, ким қулининг бирон аъзосини кесса, униқини ҳам кесамиз**», деганлар. Қул учун хўжайинининг ўзи ўлдирилиб турганда, бошқанинг ўлдирилиши ўз-ўзидан аён.

Кофир учун мусулмонни ўлдиришда давлати билан бирга умумий ва ўзи учун хусусий омонлик олмаган аҳли ҳарб кофир билан зиммий ва омонлик олган кофир фарқ қилади. Аҳли ҳарб кофир учун мусулмон ҳам, зиммий ҳам ўлдирилмайди. Хоҳ у Пайғамбар ﷺ билан Қурайш каби амалда аҳли ҳарб бўлсин, хоҳ

бошқа қабилалар каби аҳли ҳарб бўлмасин, фарқи йўқ. Чунки амалдаги аҳли ҳарбни мусулмон топган жойида ўлдиради, бунда ихтилоф йўқ, унинг қони ҳеч қандай қийматга эга эмас. Амалдаги аҳли ҳарбдан бошқаси эса у билан аҳдлашилмаган бўлса, унинг учун мусулмон ўлдирилмайди. Фақат мусулмонга тўланадиган хун ҳақининг ярми тўланади. Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«عَقْلُ الْكَافِرِ نَصْفُ عَقْلِ الْمُسْلِمِ»

«Кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярмидир», деганлар. Чунки биз ҳали унга уруш эълон қилганимиз йўқ. Амалдаги уруш ҳолати ҳали юзага келмади. Демак, мусулмон аҳдлашилмаган аҳли ҳарб кофир учун мутлақо ўлдирилмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ мусулмоннинг кофир учун ўлдирилмаслиги ва аҳли аҳд кофирнинг бошқа кофир учун ўлдирилмаслигини очиқ айтиб, Аҳмаднинг Алийдан қилган ривоятида шундай деганлар:

«أَلَا لَا يُقْتَلُ مُؤْمِنٌ بِكَافِرٍ وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Огоҳ бўлингларки, мўмин ҳам, аҳли аҳд ҳам ўз аҳдида (турган бўлса), кофир учун ўлдирилмайди». Яна бир саҳиҳ ҳадисда ул зот:

«لَا يُقْتَلُ مُسْلِمٌ بِكَافِرٍ وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Мусулмон ҳам, аҳли аҳд ҳам ўз аҳдида (турган бўлса), кофир учун ўлдирилмайди», деганлар. Ҳадиснинг маъноси мўмин ҳам, аҳли аҳд кофир ҳам аҳли ҳарб кофир учун ўлдирилмайди, деганидир. Чунки аҳли аҳд хоҳ омонлик олган бўлсин, хоҳ зиммий бўлсин кофирдир. Шу ҳадис мусулмон ва аҳли аҳднинг аҳли ҳарб кофир учун ўлдирилмаслигига далилдир.

Аҳли ҳарб бўлмаган кофир эса ё омонлик олган бўлади ё зиммий бўлади. Зиммий кофирга унинг қони, моли ва обрўсини сақлашда мусулмонга қандай муомала қилинса, ўшандай муомала қилинади. Унинг қони мусулмоннинг қонидек ҳаромдир. Бухорий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ قَتَلَ مُعَاهِدًا لَمْ يَرِحْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ رِيحَهَا تُوْجِدُ مِنْ مَسِيرَةِ أَرْبَعِينَ

عَامًا»

«Кимки аҳли аҳд (кофир)ни ўлдирса, жаннатнинг бўйини ҳидламайди. Ваҳоланки унинг бўйи қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради». Термизий ўзининг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَلَا مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهِدَةً لَهَا ذِمَّةَ اللَّهِ، وَ ذِمَّةَ رَسُولِهِ فَقَدْ أَخْفَرَ ذِمَّةَ اللَّهِ وَ لَا يَرِحُ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ رِيحَهَا لِيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ أَرْبَعِينَ خَرِيفًا»

«Огоҳ бўлингларки, кимки Оллоҳнинг аҳдини, Пайғамбарининг аҳдини олган жонни ўлдирса, Оллоҳнинг аҳдини бузган бўлади. Жаннатнинг бўйини ҳидламайди. Ваҳоланки унинг бўйи қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради». Бу икки ҳадис аҳли аҳдни ва зиммийни ўлдиришнинг ҳаромлигига далилдир. Уларда бу иш учун дўзахда абадий қолиш, жаннатдан маҳрумлик ваъди ҳам бор. Байҳақий Абдураҳмон Байламонийдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَتَلَ مُسْلِمًا بِمُعَاهِدٍ وَ قَالَ: أَنَا أَكْرَمُ مَنْ وَفَى بِذِمَّتِهِ»

«Пайғамбар ﷺ бир мусулмонни бир аҳли аҳд (кофир) учун ўлдириб: «Аҳдига вафо қилишга мен лойиқроқман», дедилар». Бу ҳадис аҳли аҳд (кофир)ни ўлдирган одамнинг ўзи ҳам ўлдирилишига, бир сўз билан айтганда, мусулмоннинг зиммий кофир учун ўлдирилишига далилдир. Табароний ривоят қилади:

«أَنَّ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أُتِيَ بِرَجُلٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ قَتَلَ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الذِّمَّةِ فَقَامَتْ عَلَيْهِ الْبَيْتَةُ: فَأَمَرَ بِقَتْلِهِ، فَجَاءَ أَخُوهُ فَقَالَ: إِنِّي قَدْ عَفَوْتُ، قَالَ: فَلَعَلَّهُمْ هَدَدُوكَ وَ فَرَّقُوكَ وَ قَرَعُوكَ؟ قَالَ: لَا، وَ لَكِنَّ قَتْلَهُ لَا يَرُدُّ عَلَيَّ أَحِي، وَ عَرَضُوا لِي وَ رَضِيتُ، قَالَ: أَنْتَ أَعْلَمُ، مَنْ كَانَ لَهُ ذِمَّتُنَا فَذِمَّتُهُ كَدِمْنَا، وَ دَيْتُهُ كَدَيْتُنَا»

«Алий ﷺнинг олдига бир зиммийни ўлдирган бир мусулмон олиб келинди. Жиноят исботлангач, уни ўлдиришга буюрди. Ўлдирилганнинг акаси келиб: «Кечирдим», деди. Алий ﷺ: «Эҳтимол, улар сени қўрқитишгандир, таҳдид

қилишгандир, таҳқирлашгандир?» деган эди, у: «Йўқ, бундай бўлмади, лекин унинг ўлими укамни менга қайтариб бермайди-ку, менга илтимос қилиб келишганди, рози бўлдим», деди. Шунда Алий: «Ўзинг биласан, биз кимга ваъда берган бўлсак, унинг қони бизнинг қонимиз кабидир, унинг товони бизнинг товонимиз кабидир», деди». Бу асар гарчи бир саҳобанинг иши бўлиб, далилликка ярамасада, Пайғамбар ﷺнинг аҳли аҳд учун муслмонни ўлдирганлари хусусидаги ҳадисни далил қилиш билан бирлаша олади. Термизий Абу Жуҳайфадан мана бундай ривоят ҳам қилган:

«قُلْتُ لَعَلِّي: هَلْ عِنْدَكُمْ شَيْءٌ مِنَ الْوَحْيِ مَا لَيْسَ فِي الْقُرْآنِ؟ فَقَالَ: لَا وَالَّذِي فَلَقَ الْحَبَّةَ وَبَرَأَ التَّسْمَةَ إِلَّا فَهُمَا يُعْطِيهِ اللَّهُ رَجُلًا فِي الْقُرْآنِ، وَمَا فِي هَذِهِ الصَّحِيفَةِ، قُلْتُ: وَمَا فِي هَذِهِ الصَّحِيفَةِ؟ قَالَ: الْعَقْلُ وَفِكَاكَ الْأَسِيرِ، وَأَنْ لَا يُقْتَلَ مُؤْمِنٌ بِكَافِرٍ، وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Мен Алийдан: «Сизларда Қуръонда бўлмаган бирон ваҳий борми?» - деб сўрадим. У: «Уруғни ёрган ва жонни яратган зотга қасамки, йўқ, фақат Қуръон ва мана бу саҳифа ҳақида одамга Оллоҳ берган бир тушуниш бор, холос», - деб жавоб берди. Мен: «Бу саҳифада нима бор?» - дедим. У: Хун ҳақи, асирларни қўйиб юбориш, мўминнинг ҳам, аҳли аҳднинг ҳам ўз аҳдида (турган бўлса), кофир учун ўлдирилмаслиги» - деди». Аҳмад ва Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا يُقْتَلَ مُسْلِمٌ بِكَافِرٍ، وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Мусулмон ҳам, аҳли аҳд ҳам ўз аҳдида (турган бўлса), кофир учун ўлдирилмайди», деганлар. Бу ҳадисда мутлақ муқойядга ҳамл қилинади. Ҳадиснинг биринчи қисми, яъни:

«لَا يُقْتَلَ مُسْلِمٌ بِكَافِرٍ»

«Мусулмон кофир учун ўлдирилмайди», дегани мутлақ келяпти, кейинги қисми эса, яъни:

«وَلَا ذُو عَهْدٍ فِي عَهْدِهِ»

«Аҳли аҳд ҳам уз аҳдида (турган бўлса)», дегани қайдланиб келяпти. Бунинг маъноси, аҳли аҳд кофир аҳли ҳарб кофир учун ўлдирилмайди, деганидир. «Кофир» сўзи биринчи қисмида келгани билан кифояланиб, иккинчи қисмида олиб ташланыпти. Кофир кофир учун ўлдирилмайди, дегани аҳли аҳд кофир аҳли ҳарб кофир учун ўлдирилмайди, деганидир. Биринчи кофирнинг аҳли аҳд, деб сифатланиши, иккинчи кофирнинг аҳли ҳарб бўлишини тақозо қилади. Шу тақозо билан иккинчи кофир аҳли ҳарбликка муқайяд бўлиб келади. Шунга кўра, биринчи қисмдаги мутлақ кофир иккинчи қисмдаги муқойяд кофирга ҳамл қилинади. Шу билан ҳадиснинг маъноси, мусулмон ҳам, аҳли аҳд ҳам аҳли ҳарб кофир учун ўлдирилмайди, дегани бўлади. Шунга биноан бу икки ҳадис мусулмоннинг зиммий учун ўлдирилмаслигига далил бўлолмайди. Омонлик олган кофирга ҳам зиммийга қилинган муомала қилинади. Унинг ҳам қони ҳаром. Мусулмон унинг учун ҳам ўлдирилади. Чунки Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадисиди ҳам, Байламонийнинг ҳадисиди ҳам аҳли аҳд хусусида гапирилган. Омонлик олган кофир ҳам аҳли аҳддир. «Аҳли аҳд» сўзи зиммийга қандай қўлланса, омонлик олганга ҳам шундай қўлланилади. Хоҳ унинг ўзи ёлғиз омонлик олган бўлсин, хоҳ давлати билан бирга умумий омонлик олган бўлсин, фарқ қилмайди. Модомики улар бизнинг диёримизда экан, уларга худди зиммийдек муомала қилинади. Чунки у омонлик олиши билан жонини ҳам, молини ҳам, обрўсини ҳам сақлаб қолган бўлади. Мусулмонларга уни ўлдириш беихтилоф ҳаромдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ﴾

– „*(Эй Муҳаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Оллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб*

қўйинг“.
[9:6]

Агар уни мусулмон ўлдирса, худди зиммийни ўлдирганидек, унинг ўзи ҳам ўлдирилади. Уни бехосдан ўлдириш ҳукми, мусулмонни бехосдан ўлдириш ҳукми, каби экани фикримизни янада қувватлайди. Чунки Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِمْ وَتَحْرِيرٌ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةً﴾

– „Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим“.
[4:92]

Бу оят уни қасддан ўлдириш мусулмонни қасддан ўлдириш каби эканлигига далолат қиляпти.

Энди:

﴿الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى﴾

– „... озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан...“
[2:178]

оятига келсак, унинг мантуқи ҳур ҳурни, қул қулни, аёл аёлни ўлдиргандагина ўлдирилади, деган маънодадир, бундан бошқа далолат йўқ. Мафҳуми мухолафасидан эса ҳур қулни ўлдириб қўйса, эркак аёлни ўлдириб қўйса, ўзлари ўлдирилмайди, деган маъно чиқиб қолади. Мафҳуми мухолафа лақаб (ном) мафҳуми эмас, сифат мафҳумидир. Уни бекор қиладиган бошқа бир ҳужжат ворид бўлмаса, унга амал қилинаверади, ворид бўлса, бекор қилинади. Уни бекор қилиб келган ҳужжат унинг насхи ҳисобланмайди. Чунки фақат мантуқ насх қилинади, мафҳум эса фақат бекор қилинади. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تُكْرَهُوا قِتْيَاتِكُمْ عَلَى الْبِغَاءِ إِنْ أَرَدْنَ تَحَصُّنًا﴾

– „Покликни истаган чўриларингизни... зинокорлик қилишга мажбурламанглар“,
[24:33]

деган оятининг мафҳуми мухолафасидан, агар улар сақланишни хоҳлашмаса, зинога мажбур қилиш мумкин, деган маъно чиқиб қолади. Лекин бу мафҳумни унинг зиддига далолат қилувчи бошқа бир ҳужжат, яъни Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَقْرَبُوا الزَّوْجِيَّ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا﴾

– „Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир“,
[17:32]

деган ҳамда:

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар.“
[24:2]

деган оятлари бекор қилади. Яна бир мисол, Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تُكْرَهُوا﴾

– „...мажбурламанглар“ [24:33]

﴿لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً﴾

– „... (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз!“ [3:130]

Бу оятнинг мафҳуми бир неча баробар кўп бўлмаса, рибони ейиш мумкин, деган маъно чиқиб қолади, лекин бу маънони унинг зиддига далолат қилувчи бошқа бир ҳужжат бекор қилади ва унга амал қилинмайди. У ҳужжат Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

– „Ҳолбуки, Оллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган“,

[2:275]

деган ҳамда:

﴿وَإِنْ تَبِئْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ﴾

– „Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга“, [2:279]
деган оятларидир,

﴿الْحُرُّ بِالْحُرِّ﴾

– „озод киши муқобилига озод кишидан“ [2:178]
ояти ҳам шу қабилдандир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى﴾

– „... сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди“ [2:178]

Бу оятнинг мафҳуми ҳур қул учун, эркак аёл учун ўлдирилмайди, деган маъно чиқади, бироқ бу мафҳум бекор қилинади, унга амал қилинмайди. Негаки унинг зиддига далолат қилувчи ҳужжат бор. У Пайғамбар ﷺнинг Сумранинг ҳадисиди:

﴿مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلَنَاهُ﴾

«Ким қулини ўлдирса, унинг ўзини ҳам ўлдираминиз», деган ҳамда Яман аҳлига ёзган мактубларида:

﴿إِنَّ الذَّكَرَ يُقْتَلُ بِالْأُنْثَى﴾

«**Эркак аёл учун ҳам ўлдирилади**», деган гапларидир. Оятнинг мантиқи қолаверади, эркакнинг аёл учун ҳам ўлдирилишига далолат қилувчи саҳиҳ ҳадислардан олинади.

Шунга кўра, ибн Масъуднинг ҳадисидоғи:

«وَالنَّفْسُ بِالنَّفْسِ»

«**Жонга жон**» дегани умумий маънода бўлиб, қайси бир жон ўлдирилса, унинг қотили ҳам ўлдирилади. Эркак ё аёл, ҳур ё қул, мусулмон ё кофир бўлишидан қатъий назар жонга жон, одамга одам берилади.

Жонга жон ўлдирилиши хусусидаги бу ҳужжатлар умумий маънода бўлиб, ҳамма жонга тўғри келаверади. Фақат ҳужжатда истисно қилинганларга тўғри келмайди. Фақат биргина ҳужжат қасдан қотиллик қилган ота-онанинг ўлдирилишини истисно қилган. Ота ёки она ўғли, ё қизи, ё набираларидан, хуллас, авлодидан бирини ўлдирса, ўзи ўлдирилмайди. Авлодлар ўғилнинг фарзандлари бўладими, қизнинг фарзандлари бўладими, фарқи йўқ. Бунга далил Умар ибн Хаттоб ва ибн Аббос ривоятидаги Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يُقْتَلُ وَالِدٌ بَوْلَدِهِ»

«**Ота боласи учун ўлдирилмайди**», деган ҳадисларидир. Бу ҳадис очиқ ҳужжатдир. Ўзи машҳур ҳадисдир. Отаси ва онаси учун болани ўлдиришни истисно қилиш хусусида ҳеч қандай ҳужжат ворид бўлмаган. Бола отасини, онасини ва умуман, аждодини ўлдирса, умумий ҳужжат асосида унинг ўзи ҳам ўлдирилади. Чунки Оллоҳ Таолонинг:

«كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ»

– „... сизларга ўлдирилган кишилар учун... қасос олиш фарз қилинди“, [2:178]

деган ояти умумийликни ифодалайди ҳамда отадан бошқани хослаб келганидек, ўғилдан бошқани хослаб келган ҳужжат йўқ. Сурақанинг ривоятидаги Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يُقَادُ الْأَبُ مِنْ ابْنِهِ، وَلَا الْإِبْنُ مِنْ أَبِيهِ»

«**Ота ўғли учун ҳам, ўғил отаси учун ҳам ўлдирилмайди**», деган ҳадислари эса машҳур ҳадис китобларида ворид бўлмаган. Ғуқаҳолар, унинг асли бўлмаса керак, дейдилар. Ҳадиснинг саҳиҳлиги исботланмаганидан кейин у далил қилинмайди.

Бунинг устига, айнан шу Суроқанинг ўзи мана бундай ривоят қилган:

«أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُقِيدُ مِنَ الْأَبِ لِإِبْنِهِ, وَلَا يُقِيدُ الْإِبْنَ لِأَبِيهِ»

«Пайгамбар ﷺ ўгли учун отани ўлдирардилар, отаси учун ўғилни ўлдирмасдилар». Буни Термизий ривоят қилган. У биринчи ҳадисга қарама-қарши бўлиб, иккаласининг ҳам тарихи маълум эмас. Шунга кўра, насх даъво қилинмайди. Уларни келтириб ҳам бўлмайди. Чунки улар бир-бирига батамом зид. Шунга асосан иккаласини ҳам тарк қилиб, юқоридаги очиқ-ойдин ҳужжатларга амал қилиш вожиб.

ЯРИМҚАСДАН ҚИЛИНГАН ҚОТИЛЛИК

Одатда, ўлдирмайдиган нарса билан ўлдириш яримқасддан қилинган қотиллик ҳисобланади. Бунда қамчи, таёқ, кичкина тош, мушт, қўл ёки бошқа, кўпинча ўлдирмайдиган нарса билан ёмон кўрганидан ёки одоб бериш учун урадио, бироқ ошириб юборади. Ураётган нарсасига, кўпинча ўлдирадиган нарсани қўшмаганлиги учун бу қотиллик яримқасддан қотилликка киради. Чунки у ўлдиришни бўлмаса ҳам уришни мақсад қилган. У бехосдан қасд қилиш ҳам дейилади. Чунки унда қасдданлик ҳам, бехосданлик ҳам бор. Абу Ҳурайра ривоят қилади:

«اقتلت امرأتان من هذيل، فرمت إحداهما الأخرى بحجر فقتلتها وما في بطنها، فقضى النبي صلى الله عليه وسلم أن دية جنيها عبداً أو وليدة، وقضى بدية المرأة على عاقتها»

«Ҳузайллик икки аёл жанжаллашиб қолишди. Бир иккинчисига тош отиб, унинг ўзини ҳам, қорнидаги боласини ҳам ўлдириб қўйди. Пайғамбар ﷺ ҳомиланинг хун ҳақини бир қул ёки бир чури, деб ҳукм қилдилар. Аёлнинг хун ҳақини эса қотиланинг ота томонидан қариндошларига юкладилар». Қасддан ўлдирилганда эса хун ҳақи ота томонидаги қариндошларга юкланмайди.

Яримқасддан қилинган қотилликнинг жазоси

Яримқасддан қилинган қотилликнинг ҳукми жуда катта миқдордаги хун ҳақи бўлади. У юзта туя бўлиб, қирқтасининг қорнида боласи бўлиши керак. Аҳмад ва Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«عقل شبه العمد مغلظ مثل عقل العمد، ولا يقتل صاحبه، وذلك أن ينزوَ الشيطان بين الناس، فتكون دماء في غير ضغينة، ولا حمل سلاح»

«Яримқасддан қилинган қотилликнинг хун ҳақи қасддан қилинган қотилликдагидек, жуда катта миқдорда бўлади, қотил эса ўлдирилмайди. Шайтон одамларнинг ўртасига тушиб, ҳеч бир адоват аралашмасдан, қурол кўтарилмасдан туриб, қон тўкилгани учун ҳам шундай бўлади». Бухорий

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَلَا إِنَّ قَتِيلَ الْخَطِّإِ شِبْهَ الْعَمْدِ قَتِيلَ السَّوْطِ وَالْعَصَا فِيهِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبِلِ مِنْهَا أَرْبَعُونَ فِي بُطُونِهَا أَوْلَادُهَا»

«Огоҳ бўлингларки, бехосдан, ярим қасддан қамчи ва таёқ билан ўлдирилганнинг хун ҳақи юзта туя бўлиб, улардан қирқтасининг қорнида боласи бўлиши керак».

БЕХОСДАН ҚИЛИНГАН ҚОТИЛЛИК

Бехосдан қилинган қотиллик икки хил бўлади: Биринчиси - бир нарсани отадию, бироқ унинг ўлдирилганга тегишини хоҳламайди. Масалан, овга ўқ отади, у эса инсонга тегиб, ўлдириб қўяди. Ёки ўйламаган ҳолатда бир ишни қилади-да, бу иш бир шахснинг ўлимига олиб боради. Бунда бехосдан қилиб қўйган ишининг қилиниши мумкин бўлган ишми, мумкин бўлмаган ишми, фарқи йўқ. Масалан, машинани орқа томонга ҳайдаб юбориб, кўринмай турган бир одамни ўлдириб қўяди. Ёки бир одамни ўлдирмоқчи бўладию, зарбаси бошқа одамга тегиб, уни ўлдириб қўяди. Бехосдан қилинган қотилликнинг биринчи тури мана шу. Иккинчи тури эса Европа ёки Америкага ўхшаш кофирлар диёрида бир одамни аҳли ҳарб кофир, деб ўйлаб ўлдириб қўяди, аслида эса у одам мусулмон бўлиб, Ислом диёрига етиб олгунга қадар мусулмонлигини яшираётган бўлади. Бу қотиллик бехосдан қилинган қотилликнинг иккинчи турига киради.

Шу икки турга кирувчи барча қотилликлар бехосдан қилинган қотиллик ҳисобланади. Энди уларнинг тафсилотига ўтамиз. Биринчи турдаги, яъни ўйламаган ҳолда бир ишни қилиб, бехосдан бировни ўлдириб қўйган кимса юзта туя хун ҳақи тўлайди ва каффорат учун бир қул озод қилади. Тополмаса, икки ой узлуксиз рўза тутади. Иккинчи турдаги, яъни душман диёрида кофир деб ўйлаб, мусулмонлигини яшириб юрган мўминни ўлдириб қўйган кимсага фақат каффорат вожиб бўлади. Хун ҳақи вожиб бўлмайди. Бунинг далили Оллоҳ Таолонинг мана бу оятидир:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقْتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَأً وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَأً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةً وَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ إِلَّا أَنْ يَصَدَّقُوا فَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ عَدُوٍّ لَكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ تَوْبَةً مِّنَ اللَّهِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

– „Мўмин мўминни фақат билмаган ҳолдагина ўлдириб қўйиши мумкин. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир

мўмин қулни озод қилиши ва марҳумнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаши вожибдир. Агар марҳум ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиши учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Оллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир“.

[4:92]

Бу оятдаги Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَاً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ إِلَّا أَنْ يَصَدَّقُوا﴾

– „Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва марҳумнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаши вожибдир“,

[4:92]

деган гапи бехосдан қилинган қотилликнинг жазоси хун ҳақи билан бирга каффорат эканига далолат қиляпти. Бу ишда ўлдирилган мусулмон бўладими, аҳли аҳд кофир бўладими, фарқи йўқ. Зеро, Оллоҳ Таоло шу оятнинг ўзида:

﴿وَإِنْ كَانَ مِنَ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ﴾

– „Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиши учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Оллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим“,

[4:92]

ҳамда:

﴿فَإِنْ كَانَ مِنَ قَوْمٍ عَدُوٍّ لَكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ﴾

– „Агар марҳум ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб“,

[4:92]

дейди. Мана бу ерда мусулмонларга душман бўлган қавмдан бўлишига қарамай ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қул озод қилинади, дейиляпти-да, бошқаси айтилмаяпти. Ундан олдинги оятда эса қул озод қилиш билан бирга хун ҳақи ҳам айтиляпти. Кейинги оят бу борадаги ҳукмнинг ҳар хиллигига далолат қилиб,

шу ҳолатдаги ҳукм фақат каффорат, яъни бир мўмин қул озод қилиш ёки узлуксиз икки ой рўза тутиш эканини англатади. Иккинчи ҳолатнинг далили мана шу. Бутун оят эса бехосдан қилинган қотилликнинг ҳар икки турига далилдир.

Бехосдансимон қилинган қотиллик

Бехосдансимон қотиллик одамдан ўз ихтиёрисиз содир бўлган қотилликдир. Масалан, ухлаётган одам ёнбошига ағдарилиб, бировни ўлдириб қўяди ёки тепадан тушиб кетиб, бировни ўлдириб қўяди, ё биров тойиб кетиб, бошқа бировнинг устига йиқилиб тушиб, уни ўлдириб қўяди, биров қурол ўйнаётган бўлади-да, у отилиб кетиб, бировни ўлдириб қўяди, машинанинг бирон қисми синиб кетиб, ҳайдовчи уни бошқаролмай қолади-да, кимнидир уриб юбориб, ўлдириб қўяди. Гарчи кишининг ихтиёрисиз содир бўлган бўлса-да, шу каби ишлар бехосдансимон қилинган қотилликлардир. Негаки бу ишлар бехосдан қилинган қотилликнинг биринчи турига ўхшаб кетади. Масалан, машинани орқага ҳайдаб, бехосдан қилинган қотилликка машинанинг бирон қисми синиб кетиб, ҳайдовчининг уни бошқаролмай қолиши оқибатида бехосдансимон қилинган қотиллик бир-бирига ўхшайди. Шунингдек, овга ўқ отиб, бехосдан қилинган қотиллик қурол ўйнаб бехосдансимон қилинган қотилликка ўхшайди. Фарқ шундаки, бехосдан қилинган қотиллик одамнинг ўз ихтиёри билан содир этилса, бехосдансимон қилинган қотиллик одамнинг ихтиёрисиз содир этилади. Шунга кўра, у бехосдан эмас, бехосдансимон қилинган қотиллик дейилади ва унинг ҳукми бехосдан қилинган қотилликнинг биринчи тури ҳукми каби бўлади, аниқроқ қилиб айтганда, юзта туядан иборат бўлган хун ҳақи, бир қул озод қилиш, тополмаса, икки ой рўза тутишдан иборат бўлган каффорат вожиб бўлади.

ҚОТИЛЛИКНИНГ ҲУЖЖАТИ

Қотиллик иқрор ва ҳужжат билан ўз исботини топади. Иқрор билан исботланишига Бухорийнинг Анас ибн Молик رضي الله عنهдан қилган мана бу ривояти далилдир:

«أَنَّ يَهُودِيًّا رَضَّ رَأْسَ جَارِيَةٍ بَيْنَ حَجْرَيْنِ، قِيلَ مَنْ فَعَلَ هَذَا بِكَ أَفْلَانٌ، أَفْلَانٌ؟ حَتَّى سُمِّيَ الْيَهُودِيُّ، فَأَوْمَاتُ بِرَأْسِهَا، فَجِئِيَ بِالْيَهُودِيِّ فَأَعْتَرَفَ فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَضَ رَأْسَهُ بَيْنَ حَجْرَيْنِ»

«Бир яҳудий бир жориянинг бошини икки тош орасига олиб урди. Унга, сени ким бундай қилди, фалончими, пистончими, деб, бирма-бир номлар айтилди. Ҳалиги яҳудийнинг номи айтилганда боши билан ишора қилди. Яҳудий олиб келинди. Айбига иқрор булди. Кейин Пайгамбар ﷺ унинг ҳам бошини тош билан уришга буюрдилар». Кўрсатма билан исботланишига далил Бухорийнинг Башир ибн Ясардан қилган мана бу ривоятидир:

«زَعَمَ أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ يُقَالُ لَهُ سَهْلٌ بْنُ أَبِي حَشْمَةَ أَخْبَرَهُ أَنَّ نَفَرًا مِنْ قَوْمِهِ انْطَلَقُوا إِلَى خَيْبَرَ فَتَفَرَّقُوا فِيهَا وَوَجَدُوا أَحَدَهُمْ قَتِيلًا، وَقَالُوا لِلَّذِي وَجَدَ فِيهِمْ: قَدْ قَتَلْتُمْ صَاحِبَنَا، قَالُوا: مَا قَتَلْنَا وَلَا عَلِمْنَا قَاتِلًا، فَاِنْطَلَقُوا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ انْطَلَقْنَا إِلَى خَيْبَرَ فَوَجَدْنَا أَحَدًا قَتِيلًا، فَقَالَ: الْكُبْرُ، الْكُبْرُ. فَقَالَ لَهُمْ: تَأْتُونَ بِالْبَيِّنَةِ عَلَيَّ مَنْ قَتَلَهُ؟ قَالُوا مَا لَنَا بَيِّنَةٌ قَالَ فَيَحْلِفُونَ، قَالُوا: لَا نَرْضَى بِأَيْمَانِ الْيَهُودِ، فَكَرِهَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُبْطَلَ دَمُهُ فَوَدَاهُ مِائَةٌ مِنْ إِبِلِ الصَّدَقَةِ»

«Ансорлардан Саҳл ибн Аби Хатма деган киши бўлса керак, менга айтишича, унинг қавмидан бир неча киши Хайбарга боришибди. Ҳаммалари ҳар ёққа кетишибди. Кейин қарашса, улардан биттаси ўлдирилган экан. Улик топилган жойдаги одамларга, сизлар дўстимизни ўлдирибсизлар, дейишибди. Улар эса, биз ўлдирмадик, ким ўлдирганини билмадик ҳам, дебдилар. Кейин улар Пайгамбар ﷺнинг олдиларига боришиб: «Эй Расулуллоҳ,

Хайбарга боргандик, биттамызни ўлдириб қўйишибди», дейишди. Пайгамбар ﷺ: «Энг асосийсини айтинглар, энг асосийсини, ким ўлдирганига ҳужжат келтира оласизларми?», дедилар. Улар: «Ҳужжатимиз йўқ», дейишди. «Бўлмаса, улар қасам ичишади», дедилар. «Яҳудийларнинг қасамларига рози бўлмаймиз», дейишди. Шунда Пайгамбар ﷺ унинг жони қасоссиз кетишини хоҳламай, закот туяларидан юзтасини бериб юбордилар». Рофиъ ибн Ҳудайждан ривоят қилинади:

«رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ مَقْتُولًا بِخَيْبَرَ، فَأَنْطَلَقَ أَوْلِيَاؤُهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرُوا ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: لَكُمْ شَاهِدَانِ يَشْهَدَانِ عَلَيَّ قَتْلِ صَاحِبِكُمْ؟ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَمْ يَكُنْ ثُمَّ أَحَدٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَإِنَّمَا هُمْ يَهُودٌ وَقَدْ يَجْتَرِئُونَ عَلَيَّ أَعْظَمَ مِنْ هَذَا، قَالَ: فَاخْتَارُوا مِنْهُمْ خَمْسِينَ فَاسْتَحْلَفُوهُمْ، فَأَبَوْا فَوَدَّاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ عِنْدِهِ»

«Ансорлардан бир кишини Хайбарда ўлдириб кетишибди. Унинг эгалари Расулуллоҳнинг олдиларига бориб, бу гапни айтишибди. Шунда Расулуллоҳ: «Дўстингларнинг ўлдирилганига иккита гувоҳинглар борми?» дебдилар. Улар: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, у ерда биронта ҳам мусулмон бўлмаган, улар яҳудийлар, бундан бадтарроғига ҳам журъат қилишади», дейишибди. Пайгамбар ﷺ: «Улардан эликтасини танлаб олиб, қасам ичтиртиринглар», дебдилар. (Улар рози бўлишмабди). Шунда Пайгамбар ﷺ унинг хун ҳақини ўзларининг ёнларидан тулабдилар». Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«أَنَّ ابْنَ مُحَيْصَةَ الْأَصْغَرَ أَصْبَحَ قَتِيلًا عَلَى أَبْوَابِ خَيْبَرَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَقِمْ شَاهِدَيْنِ عَلَيَّ مَنْ قَتَلَهُ أَدْفَعُهُ إِلَيْكُمْ بِرُمَّتِهِ، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمِنْ أَيْنَ أُصِيبُ شَاهِدَيْنِ؟ وَإِنَّمَا أَصْبَحَ قَتِيلًا عَلَى أَبْوَابِهِمْ، قَالَ: فَتَحْلِفُ خَمْسِينَ قَسَامَةً، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ أَحْلَفُ عَلَيَّ مَا لَا أَعْلَمُ؟

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: فَتَسْتَحْلِفُ مِنْهُمْ خَمْسِينَ قَسَامَةً،
فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ نَسْتَحْلِفُهُمْ وَهُمْ الْيَهُودُ؟ فَقَسَمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِينَهُ عَلَيْهِمْ وَأَعَانَهُمْ بِنَصْفِهَا»

«Мухаййсанинг кичик ўглини Хайбар эшиклари ёнида ўлдириб кетишибди. Пайгамбар ﷺ: «Ким ўлдирганига иккита гувоҳ топсанг, уни бутунича сенга бераман», дедилар. У: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, иккита гувоҳни қаердан топаман. Ахир у ўшаларнинг эшиклари ёнида ўлдирилган-ку», деди. «Бўлмаса, элликта қасам ичасан», дедилар. У: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, билмаган нарсамга қандай қилиб қасам ичай?» деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Бўлмаса, уларга элликта қасам ичтир», дедилар. У: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, қандай қилиб уларга қасам ичтирасиз, ахир, улар яҳудийлар-ку?» деди. Шундан кейин Пайгамбар ﷺ унинг хун ҳақини яҳудийларнинг зиммаларига бўлиб бериб, ярмига ўзлари ёрдамлашдилар». Бу уч ҳадисда Пайгамбар ﷺ ўлдирди, деган даъвога ҳужжат - иккита гувоҳни талаб қилдилар. Биринчи ҳадисда:

«تَأْتُونَ بِالْبَيِّنَةِ عَلَى مَنْ قَتَلَهُ»

«Ким ўлдирганига ҳужжат келтирасизларми?» - деган бўлсалар, иккинчи ҳадисда:

«لَكُمْ شَاهِدَانِ يَشْهَدَانِ عَلَى مَنْ قَتَلَ صَاحِبَكُمْ»

«Дустингларни ким ўлдирганига иккита гувоҳинглар борми?» - дедилар. Учинчи ҳадисда эса:

«أَقِمَّ شَاهِدَيْنِ عَلَى مَنْ قَتَلَهُ»

«Уни ким ўлдирганига иккита гувоҳ келтир», дедилар. Шулардан қотилликни исботлаш учун ҳужжат бўлиши ва бу ҳужжатнинг иккита гувоҳ экани кўриниб турибди. Демак, қотиллик иккита гувоҳ билангина ўз исботини топади. Икки гувоҳ бўлмаса, исботланмайди. Бунда ихтилоф йўқ. Фақат гувоҳларнинг иккаласи ҳам эркак бўлиши керакми, бу ҳам ҳадлар ва жазоларга хос гувоҳликми ёки бошқа гувоҳликлар каби бир эркак ва икки аёл бўлса ҳам бўлаверадими, каби

масалада ихтилоф бор. Авзойи, қасос ҳам моллар кабидир, унга ҳам икки эркакнинг ёки бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги кифоя қилади, деган. Бунга Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ﴾

– „Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни... гувоҳ қилинглар“, [2:282]

деган оятини далил қилишган. Яъни бу оят умумий маънода бўлиб, ундан истисно қилиш учун далил керак. Хословчи ҳужжат эса йўқ. Шунга кўра, бу ҳужжат ҳамма масалаларга тўғри келаверади. Шофеъий мазҳабида ароқ ичиш, қароқчилик, қасос ҳадлари каби Оллоҳ Таолонинг жазоси борасида икки эркак гувоҳ бўлади. Бунга Моликнинг Зухрийдан қилган мана бу ривоятини далил қиладилар:

﴿مَصَّتِ السُّنَّةُ أَنَّهُ لَا يَجُوزُ شَهَادَةُ النِّسَاءِ فِي الْحُدُودِ، وَلَا فِي التَّكَاحِ وَ

الطَّلَاقِ﴾

«Суннат шуки, ҳадларда, никоҳда ва талоқда аёлларнинг гувоҳлиги жоиз эмас». Шу уч ишга ўхшаганлар ҳам уларга қиёсланган.

Ҳақиқат шуки, қотилликнинг гувоҳлари хусусида ҳужжатларда «**иккита гувоҳинглар борми?**», «**иккита гувоҳ келтир**» каби гувоҳнинг иккита бўлиши гапирилган. Бу гувоҳларнинг фақат эркаклар бўлиши кераклигига ҳеч қандай далил йўқ. Чунки ҳадисларда ворид бўлган гувоҳ сўзи эркакка ҳам, аёлга ҳам қўлланаверади. Ҳадлар ва қасос ҳақида ҳам умумий маънода келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لَوْلَا جَاءُوا عَلَيْهِ بِأَرْبَعَةٍ شَهْدَاءٍ﴾

– „Улар (яъни Оишани бадном қилмоқчи бўлганлар ўз даъволарига) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?!“. [24:13]

Бу оятдаги гувоҳлар сўзи эркакка ҳам, аёлга ҳам тааллуқли. Пайгамбар ﷺ:

﴿أَرْبَعَةٌ وَإِلَّا حُدِّ فِي ظَهْرِكَ﴾

«Тўрт гувоҳ бўлмаса, орқанга ҳад урилади», деганларида эркак гувоҳни ҳам, аёл гувоҳни ҳам назарда тутганлар. Ҳадлар ва жиноятларда аёлларнинг ҳам гувоҳлиги ўтишига далил оят бор. Оллоҳ Таоло:

﴿وَاسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ﴾

– „икки эркак кишини... гувоҳ қилинглар“, [2:282]
деб туриб, орқасидан:

﴿فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ﴾

– „...агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни...“, [2:282]

деган. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ гувоҳлик ҳақидаги ҳадисда:

﴿فَشَهَادَةُ امْرَأَتَيْنِ تَعْدِلُ شَهَادَةَ رَجُلٍ﴾

«Икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг келади», деганлар. Абу Саъид Худрийдан ривоят қилинишича, гувоҳлик ҳадисидан шундай келади:

﴿أَلَيْسَ شَهَادَةُ الْمَرْأَةِ نِصْفَ شَهَادَةِ الرَّجُلِ، قُلْنَا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ﴾

«Пайғамбар ﷺ: «Аёлнинг гувоҳлиги эркак гувоҳлигининг ярми эмасми?» деган эдилар, биз: «Ҳа шундай, эй Расулуллоҳ», дедик». Бу далиллар ҳамма даъвога умумийдир. Уларни ҳадлар ва жиноятлардан бошқаси билан хословчи ҳужжат йўқ. Шундай бўлгач, улар умумийлигича қолади. Пайғамбар ﷺнинг «иккита гувоҳ», «иккита гувоҳ келтир» каби гаплари Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَاسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ﴾

– „икки эркак кишини... гувоҳ қилинглар“, [2:282]
ҳамда:

﴿فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ﴾

– „...агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни...“, [2:282]

деган гапи кабидир. Ҳадисда очиқ айтилмаган бўлса ҳам, оятдан шундай тушунилади. Шунга кўра, гувоҳликнинг далиллари ҳадлар ва жиноятларга ҳам тааллуқлидир. Шунга биноан, қотилликнинг ҳужжати иккита эркак гувоҳ ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳдир. Пайғамбар ﷺнинг иккита гувоҳ талаб қилишларидан гувоҳлик тўла бўлмаса, қабул қилинмаслиги тушунилади. Тўла гувоҳлик икки эркак билан ё бир эркак ва икки аёл билан ёки тўрт аёл билан бўлади. Гувоҳлик тўла бўлмаса, шубҳа туғилади. Пайғамбар ﷺ:

«اذرءوا الحُدُودَ بالشُّبُهَاتِ»

«Шубҳа туғилса, ҳадларни бекор қилинглар», деганлар. Демак, ҳамма жиноятларда бўлганидек, қотилликда ҳам гувоҳлик тўла бўлиши лозим.

Энди Моликнинг Зухрийдан ривоят қилиб, қотилликнинг гувоҳлари иккита эркак бўлишига далил қилган:

«مَضَتِ السُّنَّةُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْخَلِيفَتَيْنِ بَعْدَهُ أَنَّهُ لَا يَجُوزُ شَهَادَةُ النِّسَاءِ فِي الْحُدُودِ، وَلَا فِي النِّكَاحِ وَالطَّلَاقِ»

«Пайгамбар ﷺ ва у кишидан кейинги икки халифанинг суннати шуки, ҳадларда, никоҳда ва талоқда аёлларнинг гувоҳлиги ўтмайди», деган гапига келсак, бу ҳадис агар саҳиҳ бўлганида, умумий далилларни хослаб, Шофеъийнинг мазҳаби тўғри бўларди. Бироқ, бу ҳадис Исмоил ибн Аббос (бу одам заиф, у ҳужжат қилинмайди) жиҳатидан мунқатеъдир. Шавкониё «Найлул-автор»да шундай дейди: «Зухрийнинг мазкур гапини ибн Абу Шайба Ҳажжож ибн Артаа ҳам аралашган иснод билан чиқарган. Бу одам заифдир. Шу билан бирга ҳадиснинг ўзи мурсалдир. У ҳужжат бўлмайди. У бевосита ҳужжат остига кирмай, қиёс йўли билан унга қўшиб юборилганини қўйиб турайлик, ҳатто бевосита ҳужжат остига кирган тақдирда ҳам Қуръоннинг умумий маъносини хослашга ярамайди». Бу гап ҳам иккинчи жиҳатдан ҳадиснинг заифлигини кўрсатяпти. Модомики бу ҳадис заиф экан, далил бўлишга ярамайди. Шунга кўра, уни далил қилиш бекор қилиниб, далиллар умумийлигича қолади, яъни қотилликда аёлларнинг гувоҳлиги ҳам қабул қилинади.

ҚОТИЛНИНГ ШЕРИГИ ВА ЁРДАМЧИСИ

Бир одам учун жамоа ўлдирилишида шубҳа йўқ. Қотилни жазолаш хусусидаги ҳадислар бир одамга ҳам, жамоага ҳам тааллуқлидир. Масалан, Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ قَتَلَ لَهُ قَتِيلًا فَهُوَ بِخَيْرِ النَّظَرَيْنِ، وَإِمَا أَنْ يُفَدَى، وَإِمَا أَنْ يُقْتَلَ»

«Ўлдирилгanning эгаси икки ишнинг яхшироғини танлаши мумкин, яъни хун ҳақи олишга ҳам, қотилни ўлдиришга ҳам ҳақлидир», деган гаплари битта одамни ҳам, жамоани ҳам ўз ичига олади.

«وَقَدْ سَأَلَ عُمَرُ عَلِيًّا عَنْ قَتْلِ الْجَمَاعَةِ بِالْوَاحِدِ، فَقَالَ لَهُ أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ جَمَاعَةً سَرَقَتْ مَتَاعًا أَكُنْتَ قَاطِعَهُمْ جَمِيعًا؟ قَالَ: بَلَى، قَالَ: فَكَذَلِكَ الْقَتْلُ»

Умар ﷺ Алий ﷺ дан бир одам учун жамоа ўлдирилиши хусусида сўраганида, у: «Агар бир нарсани жамоа ўғирласа, ҳаммасининг қўлини кесармидинг?» деб сўради. Умар: «Ҳа, шундай қилардим», деб жавоб берди. Алий ﷺ: «Қотиллик ҳам шунақа бўлади», деди. Икки ёки ундан кўп одамлар бир кишини ўлдиришса, ҳаммалари тенг жазоланадилар. Яъни ўлдирилган бир киши бўлган тақдирда ҳам ҳаммалари ўлдириладилар.

Қотилликка шериклик, дегани шу ишга қатнашиш, дегани. Масалан, ўлдирилганни уришда қатнашган бўлса, аниқ шериклик қилган бўлади. Лекин уришда қатнашмай, қотилликка қулайлик яратиб берган бўлса, дейлик, ўлдирилганни ушлаб берса ёки ушлаб турса, шерик ҳисобланмайди, ёрдамчи деб эътибор қилинади. У ўлдирилмайди, ҳибсга олинади. Доруқутний ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا أَمْسَكَ الرَّجُلُ الرَّجُلَ، وَقَتَلَهُ الْآخَرَ يُقْتَلُ الَّذِي قَتَلَ، وَ يُحْبَسُ الَّذِي
أَمْسَكَ»

«Бир киши бир кишини ушлаб турса, иккинчиси уни ўлдирса, ўлдирган ўлдирилади, ушлаб турган ҳибсга олинади». Бу ҳадисдан ёрдамчининг ўлдирилмасдан ҳибсга олиниши очиқ кўриниб турибди. Аммо унинг ҳибсдаги муддати узоқ - ўттиз йилгача бўлади. Алий ибн Абу Толиб, ўлгунича

қамоқда бўлади, деган. Шофеъий Алий رضي الله عنهнинг бир киши бир кишини қасдан ўлдириб, иккинчиси ушлаб турганига шундай ҳукм чиқарганини ривоят қилади:

«يُقْتَلُ الْقَاتِلُ, وَ يُحْبَسُ الْآخَرُ فِي السِّجْنِ حَتَّى يَمُوتَ»

«Қотил ўлдирилади, иккинчиси ўлгунича қамоқда ушланади». Демак, шерик ўлдирилади, ёрдамчи ҳибсга олинади. Бевосита шерик бўладими, қизиқтирувчи шерик бўладими, режасини тузувчи шерик бўладими, тил бириктирувчи шерик бўладими, фарқи йўқ. Хуллас, қотилликка шериклик қилган одам қотил каби ўлдирилади. Ёрдам берган эса бевосита ёрдам берадими, билвоситами, шерик ҳисобланмайди. Мазкур ҳадис шунга далилдир.

ҚОТИЛНИ ЎЛДИРИШ ТАРЗИ

Қотилни қайси нарса ўлдиришга қулай бўлса, ўша нарса билан ўлдириш мумкин. Қилич билан ўлдириш шарт эмас. Чопиб ҳам, осиб ҳам, отиб ҳам, бошқа йўл билан ҳам ўлдириш мумкин. Фақат бир шарт бор. У ҳам бўлса қулай ўлдириш, яъни ўлимни осон қилиб берадиган энг яхши қуролни танлаш. Муслим Шаддод ибн Анасдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«إِذَا قَتَلْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْقِتْلَةَ، وَإِذَا ذَبَحْتُمْ فَأَحْسِنُوا الذَّبْحَةَ»

«Ўлдирадиган бўлсанглар, қулай қилиб ўлдиришлар, сўядиган бўлсанглар, қулай қилиб сўйинглар», деганлар. Демак, буйруқ қулай ўлдиришга қаратиляпти. Муайян қуролни белгиловчи ҳужжат ворид бўлмаган.

«لَا قَوْلَ إِلَّا بِالسَّيْفِ»

«Фақат қилич билан қасос олинади», деган ҳадиснинг ҳамма ривоят қилувчи йўллари заиф. Ҳатто у мункар ҳадис ҳам дейилган. Шунинг учун у далил бўлишга ярамайди.

Қатлни қачон ижро этиш масаласида шошилмаган маъқул. Ўлик эгаларининг кечиришидан умид қолмагунига қадар муддатни чўзган яхшироқ. Айниқса, Қонун Чиқарувчи кечиришга ундаган. Оллоҳ Таоло айтади:

«فَمَنْ عَفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ»

– „Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса)“, [2:178]

яъни, ўлик эгаси бўлган диндош биродари қасос олиш ҳақидан воз кечса. Улардан биттаси кечирса кифоя қилади ва қасос бекор қилинади. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ قُتِلَ لَهُ فِتِيلٌ فَهُوَ بِخَيْرِ النَّظَرَيْنِ إِمَّا أَنْ يَغْفُوَ وَإِمَّا أَنْ يَقْتَلَ»

«Ўлдирилганнинг эгаси икки ишнинг яхшироғини танлаш ҳуқуқига эга. Хоҳласа кечиради, хоҳласа қатл қилади». Анас ﷺ ривоят қилади:

«مَا رُفِعَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمْرٌ فِيهِ الْقِصَاصُ إِلَّا أَمَرَ فِيهِ بِالْعَفْوِ»

«Пайгамбар ﷺ га қачон қасосга алоқадор иш олиб чиқилса, ҳар доим кечиришга буюрардилар». Ўлик эгаларининг кечиришлари ёки хун ҳақи олишларига имкон қолдириш учун қатлнинг муддатини чўзган мақсадга мувофиқдир.

Ўлдириш, хун ҳақи олиш ва кечиришлардан бирини танлаш ҳуқуқига ўлдирилганнинг меросхўрлари эгадирлар. Эркак бўладими, аёлми, сабаб жиҳатидан меросхўр бўладими, насаб жиҳатиданми, фарқи йўқ. Бу ҳуқуқ қотилнинг ота томондаги қариндошлариники эмас. Чунки қасдан қилинган қотилликда хун ҳақи қотилнинг молидан олинади, унинг ота томонидан қариндошларига юклатилмайди. Ўлдирилганнинг хун ҳақи ҳам унинг ота томонидан қариндошлариники эмас, меросхўрлариникидир. Шунга биноан, кечириш меросхўрларнинг ҳуқуқидир. Улардан қайси бири кечирса ҳам қасос бекор қилинади.

ХУН ҲАҚИ

Хун ҳақи икки хил бўлади: Биринчиси - жуда катта миқдордаги хун ҳақи. У юзта туя бўлиб, улардан қирқтасининг қорнида боласи бўлиши керак. Қасддан қилинган қотилликда ўлик эгаси хун ҳақини танлаганда тўланади. Қасдга ўхшаш қотилликнинг жазоси ҳам - мана шу.

Иккинчиси - унча катта бўлмаган хун ҳақи. У юзта туянинг ўзидир. Бехосдан қилинган қотиллик ва бехосдансимон қилинган қотилликда тўланади. Бунга далил шуки, Нисойй ривоят қилишича, Амр ибн Ҳазм ўзининг китобида Пайғамбар ﷺнинг Яман аҳлига:

«وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الْمُؤْمِنَةِ مَاءً مِنَ الْإِبِلِ»

«Мўмин жон учун юзта туя (тўланади)», деб ёзганларини ривоят қилади. Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Яман аҳлига мактуб ёзиб, унда жумладан шундай деганлар:

«أَنَّ مَنْ اعْتَبَطَ مُؤْمِنًا قَتَلًا عَنْ بَيْتِهِ فَإِنَّهُ قَوْدٌ، إِلَّا أَنْ يَرْضَى أَوْلِيَاءُ الْمَقْتُولِ،

وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَّةَ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ»

«Қимнинг бир мўминни ўлдиргани аниқланса, қасос вожиб бўлади. Фақат ўлдирилгanning эгалари рози бўлсагина бундай бўлмайди. Жоннинг хун ҳақи юзта туядир». Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَلَا إِنَّ قَتِيلَ الْخَطَا شَبِهَ الْعَمْدِ قَتِيلَ السَّوْطِ وَالْعَصَا فِيهِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبِلِ، مِنْهَا

أَرْبَعُونَ فِي بَطْنِهَا أَوْلَادُهَا»

«Бехосдан, ярим қасддан қамчи ёки таёқ билан қилинган қотилликнинг (хун ҳақи) юзта туя бўлиб, улардан қирқтасининг қорнида боласи бўлиши керак». Ҳайвонга алоқадор хун ҳақи - мана шу. Туядан бошқаси ўтмайди. Сигир, қўй ва бошқа ҳайвонлар олинмайди. Чунки Пайғамбар ﷺдан бунга далил ворид бўлмаган. Аммо Аъто Жобирдан ривоят қилинган ушбу:

«فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى أَهْلِ الْإِبِلِ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ، وَعَلَى أَهْلِ الْبَقَرِ مِائَتِي بَقْرَةٍ، وَعَلَى أَهْلِ الشَّاءِ أَلْفِي شَاةٍ، وَعَلَى أَهْلِ الْحُلَلِ مِائَتِي حُلَّةٍ»

«Пайгамбар ﷺ туяси борларга юзта туя, сигири борларга икки юзта сигир, қўйи борларга икки мингта қўй, кийими борларга икки юзта кийимни фарз қилдилар», деган ҳадисга келсак, бу ҳадис заифдир. Чунки у Муҳаммад ибн Исҳоқнинг ривоятдандир. Бу одам заифдир, ёлгончилиги билан машҳур бўлган. Унда, Аъто Жобир ибн Абдуллоҳдан, дейиляпти, лекин Аътодан ҳадис айтганнинг номи айтилмаяпти. Демак, у номаълум шахсдан ривоят қилиняпти. Шунинг учун у рад қилинади. Далил бўлишга ярамайди. Энди Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилган ушбу:

«وَقَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ مَنْ كَانَ عَقْلُهُ فِي الْبَقَرِ عَلَى أَهْلِ الْبَقَرِ مِائَتِي بَقْرَةٍ، وَمَنْ كَانَ عَقْلُهُ فِي الشَّاءِ أَلْفِي شَاةٍ»

«Пайгамбар ﷺ хун ҳақини сигири борларга икки юзта сигир, қўйи борларга икки мингта қўй, деб ҳукм қилдилар», деган ҳадисга келсак, бу ҳадис ҳам заифдир. Чунки унинг санадида Муҳаммад ибн Рашид Дамашқий Макхулий бор. У хусусда бир неча одам салбий гапирган. Шунинг учун унинг ривояти қабул қилинмайди, рад этилади, далил ҳам қилиб олинмайди. Шунга асосан, демак саҳиҳ ҳужжатлар фақат туя хусусида ворид бўлган. Ундан бошқаси айтилмаган. Заиф ҳадисларда ворид бўлганлари эса ҳеч қандай қийматга эга эмас. Улар ҳужжат ҳам, далил ҳам бўлолмайди. Шунга кўра, ҳайвонлардан иборат бўлган хун ҳақи фақат туя бўлади. Аммо Умар رضي الله عنهнинг:

«فَرَضَ الدِّيَةَ عَلَى أَهْلِ الْبَقَرِ مِائَتِي بَقْرَةٍ»

«Сигири борларга икки юзта сигирни хун ҳақи қилиб белгилаган» лиги тўғрисидаги ривоят ҳам далил-ҳужжат бўлмайди. Бундан ташқари, Умардан ривоят қилинган бу ҳадис ибн Лаҳийъа йўлидан келяпти. Шунга кўра, унинг санади заиф, эътибори йўқ бўлиб, рад этилади. Аммо Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Умар رضي الله عنه хутба ўқиб туриб, шундай деган:

«أَلَا إِنَّ الْإِبِلَ قَدْ غَلَّتْ فِقُومَ عَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفَ دِينَارٍ، وَعَلَى أَهْلِ الْوَرِقِ اثْنَيْ عَشَرَ أَلْفًا، وَعَلَى أَهْلِ الْبَقْرِ مَائَتِي بَقْرَةٍ، وَعَلَى أَهْلِ الشَّاءِ أَلْفِي شَاةٍ، وَعَلَى أَهْلِ الْحَلَلِ مَائَتِي حُلَّةٍ»

«Огоҳ бўлингларки, туяларнинг нархи кўтарилиб кетди. Шунга биноан олтини борларга минг динор, кумуши борларга ўн икки минг дирҳам, сигири борларга икки юзта сигир, қўйи борларга икки мингта қўй, кийими борларга икки юзта кийим (хун ҳақи қилиб) белгиланди», деган ривоятга келсак, бу гап ҳам далил бўлмайди. Чунки у Умарнинг гапидир. Саҳобанинг гапи эса шаръий далил эмас. Қолаверса, бу иш Умарнинг хун ҳақи асосларини қайта ҳисоблаш эмас, балки туянинг нархини белгилашдаги ижтиҳодидир. Шунинг учун ҳам бу ривоятда:

«أَلَا إِنَّ الْإِبِلَ قَدْ غَلَّتْ فِقُومَ عَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ...»

«Туяларнинг нархи кўтарилиб кетди. Шунга кўра, олтини борларга... нарх белгиланди», дейилапти. Демак, бу иш туяга нарх белгилашдир, яъни шу хусусдаги Умар رضي الله عنهнинг ижтиҳодидир. Саҳобанинг ижтиҳодлари эса шаръий далил ҳисобланмайди.

Хун ҳақининг асоси туядир. Унинг ўрнига бошқа нарса олинмайди. Унга нарх ҳам белгиланмайди. Сигир, қўй, кийим ва бошқа нарсалар унинг ўрнига ўтмайди. Фақат туя олинади. Унинг нархи пул билан белгиланмайди. Чунки унинг нархини пул билан белгилашга ҳужжат ворид бўлмаган. Қолаверса, у эваз эмас, асл хун ҳақидир.

Ҳайвондан иборат бўлган хун ҳақи - мана шу. У фақат туядир. Туялик хун ҳақининг миқдори эса олтинда минг динор, кумушда ўн икки минг дирҳам. Бунга далил шуки, Нисоий Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазмдан у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилган ҳадисда:

«وَعَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفَ دِينَارٍ»

«Олтини борларга минг динордир», дейилган. Икристима ибн Аббосдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا قَتَلَ فَجَعَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَيْتَهُ اثْنَيْ عَشَرَ أَلْفًا»

«Бир киши қотиллик қилди. Пайгамбар ﷺ хун ҳақини ўн икки минг белгиладилар», яъни ўн икки минг дирҳам

белгиладилар. Демак, хун ҳақи ё минг дино́р, ё ўн икки минг ди́рҳам тўланади. Бундан бошқасига ҳужжат келмаган.

Шаръий дино́р 4,25 грамм олтинга тенг, шаръий мисқолнинг вази - мана шу, шаръий ди́рҳам эса 2,975 грамм кумушга тенг.

Шунга кўра, ўлдирилганнинг хуни 4250 грамм олтинга ёки 35700 грамм кумушга тенг.

4250 грамм олтинга, 35700 грамм кумушга тўғри келадиган қоғоз пул билан тўласа ҳам бўлади.

Хур, қул, эркак, аёл, мусулмон ва зиммийнинг хун ҳақлари баробарлигига далил, Пайғамбар ﷺнинг:

«الْمُسْلِمُونَ تَتَكَفَأُ دِمَاؤُهُمْ»

«Мусулмонларнинг қонлари баробардир»,

«فِي النَّفْسِ الْمُؤْمِنَةِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبْلِ»

«Мўмин жон учун юзта туядир»,

«عَقْلُ شِبْهِ الْعَمْدِ مُغَلَّظَةٌ»

«Яримқасддан қилинган қотилликнинг хун ҳақи жуда катта миқдордадир»,

«أَلَا إِنَّ قَتِيلَ الْخَطَا شِبْهُ الْعَمْدِ قَتِيلَ السَّوْطِ أَوْ الْعَصَا فِيهِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبْلِ»

«Бехосдан, яримқасддан қамчи ёки таёқ билан қилинган қотилликнинг (хун ҳақи) юзта туядир», ҳамда Яман аҳлига ёзган мактубларида:

«وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَّةِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبْلِ»

«Жон учун юзта туя хун ҳақидир», деганларидир. Бу далиллар умумий маънода бўлиб, эркак ва аёлга ҳам, хур ва қулга ҳам тааллуқлидир. «Мусулмонларнинг қонлари баробардир», деганлари уларнинг хунлари баробарлигига далолат қилади. Шунга кўра, ҳурнинг хун ҳақи қулнинг хун ҳақидан, эркакнинг хун ҳақи аёлнинг хун ҳақидан фарқ қилмайди. У кишининг «яримқасддан», «бехосдан», деган сўзлари ҳам умумий маънода бўлиб, эркагу аёлга ҳам, ҳуру қулга ҳам тааллуқлидир. «Мўмин жон учун», «жон учун», деган сўзлари ҳам умумий маънода бўлиб, эркагу аёлни ҳам, ҳуру қулни ҳам ўз ичига олади. Мана шулар эркак ва аёлнинг, ҳур ва қулнинг хун ҳақи борасида бир хилликларини кўрсатувчи очиқ далиллардир. Аммо Муоз ибн Жабал ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«دِيَةُ الْمَرْأَةِ نَصْفُ دِيَةِ الرَّجُلِ»

«**Аёлнинг хун ҳақи эркак хун ҳақининг ярмидир**», дедилар, деган ҳадисга келсак, бу ҳадис заифдир. Ҳужжат бўлолмади. Байҳақий у ҳақда, бундай санадли ҳадислар ўз исботини топмаган, деган. Энди Байҳақий ривоят қилишича, Алий رضي الله عنه: «**Аёлнинг хун ҳақи эркак хун ҳақининг ярмидир**», деган сўзга келсак, бу саҳобанинг гапи бўлиб, шаръий далил, деб эътибор қилинмайди. Бунинг устига у Иброҳим Нахайининг ривоятидир. Унда узилиш бор. Шунинг учун рад қилинади. Шунга асосан, аёлнинг хун ҳақи эркак хун ҳақининг ярмидир, дегувчиларнинг саҳиҳ далиллари йўқ. Шундай бўлгач, умумийликка далолат қилувчи далиллар қолади, холос. Пайғамбар صلوات الله عليهнинг:

«وَإِنَّ فِي النَّفْسِ الْمُؤْمِنَةِ»

«**Мўмин жон учун**»,

«وَإِنَّ فِي النَّفْسِ»

«**Жон учун**»,

деган гапларининг ўзи эркак билан аёлнинг хун ҳақи бир хиллигига етарли далилдир. Аммо «қул ва чўрининг хун ҳақининг қиймати ҳар қанча юқори бўлмасин, ҳурнинг хун ҳақи баҳосига етолмаслигига ижмоъ қилинган» дегувчиларга келсак, уларнинг мутлақо далиллари йўқ. Бу хусусда саҳиҳ ҳадис ҳам, заиф ҳадис ҳам, саҳиҳ ривоят ҳам, носаҳиҳ ривоят ҳам мавжуд эмас. Уларнинг бор суянган нарсалари аҳли илмнинг ижмоъси бўлиб, «**Аҳли илм шунга ижмоъ қилган**» дейишади. Маълумки, аҳли илм ижмоъсининг ҳеч қандай қиймати йўқ бўлиб, шаръий далил ҳисобланмайди. Шундай экан қандай қилиб, аҳли илмнинг ижмоъси умумий маънодаги ҳужжатларга, айниқса, Пайғамбар صلوات الله عليهнинг

«فِي النَّفْسِ الْمُؤْمِنَةِ مِائَةٌ مِنَ الْإِبْلِ»

«**Мўмин жон учун юзта туядир**» ҳамда:

«وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَةَ مِائَةٌ مِنَ الْإِبْلِ»

«**Жон учун юзта туя хун ҳақидир**», деган гапларига қарши чиқа олади?! Қул ҳам, чўри ҳам жон эканини ким инкор қила олади? Шунга кўра, аҳли илмнинг ижмоъсини ҳужжат

қилганларнинг сўзлари рад этилиб, қул ва чўрининг хун ҳақи ҳур эркак ва ҳур аёлнинг хун ҳақи билан баб-баробар бўлади.

Зиммийнинг хун ҳақи мусулмоннинг хун ҳақи каби эканига далил ҳам ўша ҳадисларнинг, айниқса:

«وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَّةَ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ»

«**Жон учун юзта туя хун ҳақидир**», деган ҳадиснинг умумий маънодалигидир. «Жон» сўзи кофирни ҳам, мусулмонни ҳам ўз ичига олади. Бироқ, аҳли ҳарб кофирнинг (яъни мусулмонлар билан уруш ҳолатидаги кофирнинг) қони ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги, унга хун ҳақи тўланмаслиги ҳақида ҳужжатлар ворид бўлиб, у мазкур умумий маънодан чиқариб юборилади. Зиммий эса ўша маънонинг ичида қолади. Бундан ташқари, зиммийнинг хун ҳақи ҳам мусулмоннинг хун ҳақи каби эканлигига далолат қилувчи аниқ ҳужжатлар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам бор. Оллоҳ Таоло айтади:

«وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدِيَةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ»

– „Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш... лозим“ [4:92]

Бу оятда «хун ҳақи» сўзи қайдланмасдан, мутлақ келтириляпти: Бу эса унинг одатдаги хун ҳақи, яъни мусулмоннинг хун ҳақи эканини ифодалайди. Термизий ибн Аббосдан ривоят қилади:

«النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَذِي الْعَامِرِيِّنَ الَّذِينَ قَتَلَهُمَا عَمْرُو بْنُ أُمِيَّةَ الضَّمَامِيُّ، وَكَانَ لَهُمَا عَهْدٌ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَشْعُرْ بِهِ عَمْرُو، بِدِيَةِ الْمُسْلِمِينَ»

«Пайгамбар ﷺ икки омирийга аҳд берган бўладилар. Бундан беҳабар бўлган Амр ибн Умайя Замирий уларни ўлдириб қўяди. Шунда Пайгамбар ﷺ уларга мусулмонларнинг хун ҳақичалик хун ҳақи тўлайдилар». Байҳақий Зухрийдан ривоят қилади:

«أَنَّهُ كَانَتْ دِيَّةُ الْيَهُودِيِّ وَالنَّصْرَانِيِّ فِي زَمَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِثْلَ دِيَّةِ الْمُسْلِمِ، وَفِي زَمَنِ أَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُثْمَانَ، فَلَمَّا كَانَ مُعَاوِيَةَ أُعْطِيَ

أَهْلَ الْمُقْتُولِ النَّصْفَ، وَأَلْقَى النَّصْفَ فِي بَيْتِ الْمَالِ. قَالَ: ثُمَّ قَضَى عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ بِالنَّصْفِ، وَأَلْقَى مَا كَانَ جَعَلَ مُعَاوِيَةَ»

«Яҳудий ва насронийнинг хун ҳақи Пайғамбар ﷺнинг замонларида ҳам, Абу Бакр, Умар, Усмонларнинг замонларида ҳам мусулмоннинг хун ҳақи каби бўлган. Муовия замони келгач, ўлдирилганнинг аҳлига ярмини бериб, ярмини байтул молга қолдирган. Кейин Умар ибн Абдул-Азиз ҳам ярмига ҳукм қилиб, Муовия қилган ҳукми бекор қилди. Икрима ибн Аббосдан ривоят қилади:

«جَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِيَةَ الْعَامِرِيِّنَ دِيَةَ الْحُرِّ الْمُسْلِمِ وَكَانَ لَهُمَا عَهْدٌ»

«Пайғамбар ﷺ икки омирийнинг хун ҳақини ҳур мусулмоннинг хун ҳақи каби белгилаганлар. Уларга аҳд берилган эди». Байҳақий ривоят қилади:

«أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَعَلَ دِيَةَ الْمُعَاهِدِينَ دِيَةَ الْمُسْلِمِ»

«Пайғамбар ﷺ аҳли аҳдларнинг хун ҳақини мусулмоннинг хун ҳақи каби белгилаганлар». Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«دِيَةُ الْيَهُودِيِّ وَالنَّصْرَانِيِّ مِثْلُ دِيَةِ الْمُسْلِمِ»

«Яҳудий ва насронийнинг хун ҳақи мусулмоннинг хун ҳақи каbidир», деганлар. Ибн Умар ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَدَى ذَمِيًّا دِيَةَ مُسْلِمٍ»

«Пайғамбар ﷺ зиммийга мусулмоннинг хун ҳақи каби хун ҳақи тўлаганлар». Бу ҳадислар зиммий ва аҳли аҳднинг хун ҳақи мусулмоннинг хун ҳақи каби эканлигини очиқ кўрсатиб турибди, далилларнинг умумий маънода эканини ҳам қувватляпти. Шунга кўра, зиммий ва аҳли аҳднинг хун ҳақи мусулмоннинг хун ҳақи билан баб-баробардир. Кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярмидир, деган маънода ворид бўлган далиллар билан бу ҳадислар ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки улар кофир ҳақида айтилган бўлса, бу далиллар аҳли аҳд ва зиммийлар ҳақида айтилган. Уларга бир эътибор берайлик. Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«عَقْلُ الْكَافِرِ نِصْفُ دِيَةِ الْمُسْلِمِ»

«**Кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярмидир**», деганлар. Аҳмад ривоят қилади, Пайғамбар ﷺ:

«قَضَى أَنْ عَقْلَ أَهْلِ الْكِتَابَيْنِ نِصْفُ عَقْلِ الْمُسْلِمِينَ وَهُمْ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى»

«**Икки аҳли китобнинг, яъни яҳудий ва насронийнинг хун ҳақини мусулмон хун ҳақининг ярми**», деб ҳукм қилганлар. Убода ибн Сомит ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«دِيَةُ الْيَهُودِيِّ وَالنَّصْرَانِيِّ أَرْبَعَةُ آلَافٍ أَرْبَعَةَ آلَافٍ»

«**Яҳудий ва насронийнинг хун ҳақи тўрт минг, тўрт минг**», деганлар. Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан Пайғамбар ﷺнинг:

«قَضَى أَنْ عَقْلَ الْكِتَابِيِّ نِصْفُ عَقْلِ الْمُسْلِمِ»

«**Аҳли китобнинг хун ҳақини мусулмон хун ҳақининг ярми, деб ҳукм қилганларини**» ривоят қилади. Бу ҳадислар кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярми эканига далолат қилади, лекин улар билан юқоридаги зиммий ва аҳли аҳднинг хун ҳақини мусулмон хун ҳақи каби эканини ифодаловчи ҳадислар ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки улардаги «**кофирнинг хун ҳақи**», «**икки аҳли китобнинг хун ҳақи**», «**яҳудий ва насронийнинг хун ҳақи**», «**аҳли китобнинг хун ҳақи**» каби иборалар умумий маънода бўлиб, аҳли ҳарбни ҳам, аҳли аҳдни ҳам, зиммийни ҳам ўз ичига олади. Бошқа ҳадислар аҳли аҳд билан зиммийнинг хун ҳақи мусулмоннинг хун ҳақи каби эканига далолат қилиб, уларни хослайди. Шунга кўра кофир, икки аҳли китоб, яҳудий ва насронийлардан мурод аҳли ҳарб (уруш ҳолатидаги кофирлар) экани маълум бўлади. Бунга далил бошқа ҳадисларнинг аҳли аҳд ва зиммийларни улардан истисно қилиб келганидир. Қисқа қилиб айтганда аҳли аҳд ва зиммийнинг хун ҳақини мусулмоннинг хун ҳақи каби белгилайдиган ҳадислар нариги умумий маънодаги ҳадисларни хослаб келяпти. Шунга асосан, умумий маънодаги бу ҳадислар аҳли аҳд ва зиммийнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярми эканига далил бўлмайди. Улар фақат аҳли ҳарбгагина далил бўлади.

Шу ерда: Аҳли ҳарб кофирни учратган жойимизда ўлдиришга буюрилганмиз-ку, унинг қони ҳалол-ку? Шундай экан, қандай қилиб унга мусулмоннинг ярим хун ҳақи белгилансин? - деган

савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, учратган жойимизда ўлдиришимиз керак бўлган аҳли ҳарб кофир биз унга уруш эълон қилиб, ўртаимизда - Қурайш билан Пайғамбар ﷺ ўрталарида бўлганидек - амалда уруш кетаётган кофирдир. Агар биз билан унинг ўртасида амалда уруш кетмаётган бўлса, уни учратган жойимизда ўлдиришга буюрилган эмасмиз. Балки давлат ёки жамоа сифатида аввал Исломга даъват этиб, кейин жизя талаб қилиб, ундан ҳам бош тортишса, шундагина улар билан жанг қилишга буюрилганмиз. Қурайшдан бошқа қабилалар билан Пайғамбар ﷺ ўрталаридаги ҳолат мана шундай бўлган. Чунки улар билан амалда уруш кетмаётган бўлса ҳам, улар аҳли ҳарб кофирлар ҳисобланишган. Мусулмонлар Қурайш билан уруш кетаётган чоғда ва «Тавба» сураси нозил бўлишидан олдин бу қабилаларни учратган жойларида ўлдирмаганлар, балки улар билан аралашиб юрганлар. Демак, ҳадислардаги мусулмоннинг ярим хун ҳақи белгиланган кофирлар мана шулардир. Масалан, биз билан инглизлар ўртасида амалда уруш кетаётган бўлса, уларни учратган жойимизда ўлдиришга буюрилган бўламиз. Уларнинг қонлари ҳалол бўлади. Энди биз билан Германия ўртасида амалда уруш кетмаётган бўлса, ўртаимизда ҳеч қандай аҳд ҳам бўлмаса, немисларни учратган жойимизда ўлдиравермаймиз. Бу пайтда уларнинг қони ҳалол бўлмайди. Шунинг учун бирор мусулмон ўшалардан бир кофирни ўлдириб қўйса, унинг учун ўлдирилмайдию, лекин мусулмоннинг ярим хун ҳақини тўлайди. Шунга кўра, кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярмидир, деган ҳадислар биз билан амалда уруш ҳолатида бўлмаган кофир ҳақида ворид бўлган. Демак, ўртаимизда амалда уруш кетмаётган кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақининг ярмидир. Аҳли аҳднинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақи билан баробар, деган ҳадислар ҳукми эса фақат зиммий ва омонлик олган кофирнинг ўзигагина хос (тегишли)дир. Бу билан эса аҳли аҳд, зиммий ва омонлик олган кофирнинг хун ҳақи мусулмон хун ҳақи билан баб-баробар эканлиги маълум бўлади.

Хун ҳақини тўлаш кимларга вожиб

Хун ҳақини кимлар тўлашлигининг тафсилоти қуйидагича: Қасддан қилинган қотилликнинг хун ҳақини қотилнинг ота томондан қариндошлари эмас, унинг ўзи тўлайди. Амр ибн Ахвас видолашув ҳажида Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يَجْنِي جَانٍ إِلَّا عَلَى نَفْسِهِ لَا يَجْنِي وَالِدٌ عَلَى وَلَدِهِ وَلَا مَوْلُودٌ عَلَى وَالِدِهِ»

«Жиноятчининг жинояти ўзининг зарарига бўлади. Отанинг жинояти боланинг зарарига, боланинг жинояти отанинг зарарига бўлмайди», деганларининг шоҳиди бўлганини ривоят қилади. Хошхош Анбарий ривоят қилади:

«أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعِيَ ابْنٌ لِي، فَقَالَ: ابْنُكَ هَذَا؟ فَقُلْتُ نَعَمْ، فَقَالَ: لَا يَجْنِي عَلَيْكَ، وَلَا تَجْنِي عَلَيْهِ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бир ўғлим билан келдим. У киши: «Бу ўғлингми?» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Шунда у зот: «Унинг жинояти сенинг зарарингга, сенинг жиноятинг унинг зарарига бўлмайди», дедилар». Ибн Масъуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا يُؤْخَذُ الرَّجُلُ بِجَرِيرَةِ أَبِيهِ وَلَا بِجَرِيرَةِ أَخِيهِ»

«Киши отасининг ва ака-укасининг жинояти учун жавоб бермайди», деганлар. Бу ҳадислар қасддан қилинган қотиллик учун хун ҳақи тўлаш қотилнинг ота томондан қариндошлари зиммасига тушмаслигига далилдир. Қотиллигига иқрор бўлган одамнинг ҳам ота томондан қариндошлари хун ҳақини кўтармайди. Убода ибн Сомит ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا تَجْعَلُوا عَلَى الْعَاقِلَةِ مِنْ دِيَةِ الْمُعْتَرِفِ شَيْئًا»

«Ўзи иқрор бўлган қотилнинг хун ҳақини тўлашида ота томондан қариндошларнинг зиммасига ҳеч нарсани юкламанглар», деганлар. Умар ﷺ:

«الْعَمْدُ وَالْعَبْدُ وَالصُّلْحُ وَالْإِعْتِرَافُ لَا تَعْقِلُهُ الْعَاقِلَةُ»

«Қасддан қилинганлик, қул, сулҳ ва эътироф учун ота томондан қариндошлар товон тўламайдилар», деган. Ибн Аббос ﷺ:

«لَا تُحْمَلُ الْعَاقِلَةُ عَمْدًا وَلَا صُلْحًا وَلَا اعْتِرَافًا وَلَا مَا جَنَى الْمَمْلُوكُ»

«Қасддан қилинганлик учун ҳам, сулҳ учун ҳам, эътироф учун ҳам, қулнинг жинояти учун ҳам ота томондан қариндошлар товонини кўтармайдилар», деган. Бундан

бошқа қотилликлар, яъни яримқасддан, бехосдан ва бехосдансимон қилинган қотилликлар учун хун ҳақи ота томондан қариндошларга юклатилади. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَقْتَلْتُ امْرَأَتَانِ مِنْ هُدَيْلٍ، فَرَمْتُ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى بِحَجَرٍ فَفَتَلْتَهَا وَمَا فِي بَطْنِهَا، فَقَضَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ دِيَةَ جَنِينِهَا عَبْدٌ أَوْ وَلِيدَةٌ، وَقَضَى بِدِيَةِ الْمَرْأَةِ عَلَى عَاقِلَتِهَا»

«Ҳузайллик икки аёл уришиб қолишди. Бири иккинчисига тош отиб, унинг ўзини ҳам, қорнидаги боласини ҳам ўлдириб қўйди. Пайғамбар ﷺ ҳомиланинг хун ҳақини бир қул ёки чўри, деб ҳукм қилдилар. Аёлнинг хун ҳақини эса қотиланинг ота томондан қариндошларига юкладилар». Маълумки, тош билан ўлдириш яримқасддан қилинган қотилликка киради. Чунки тош кўпинча ўлдирмайдиган нарсалардан ҳисобланади.

Жобир رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ امْرَأَتَيْنِ مِنْ هُدَيْلٍ قَتَلَتْ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى، وَلِكُلِّ وَاحِدَةٍ مِنْهُمَا زَوْجٌ وَوَلَدٌ، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِيَةَ الْمَقْتُولَةِ عَلَى عَاقِلَةِ الْقَاتِلَةِ، وَبِرًّا زَوْجِهَا وَوَلَدِهَا، قَالَ: فَقَالَ عَاقِلَةُ الْمَقْتُولَةِ: مِيرَاثُهَا لَنَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا، مِيرَاثُهَا لِرِزْوَجِهَا وَوَلَدِهَا»

«Ҳузайллик икки аёл уришиб қолиб, бири иккинчисини ўлдириб қўйди. Ҳар иккисининг ҳам эри ва боласи бор эди. Пайғамбар ﷺ ўлдирилганнинг хун ҳақини қотиланинг ота томондан қариндошларига юкладилар. Эри ва болаларини эса бу ишдан озод қилдилар. Шунда ўлдирилганнинг ота томондан қариндошлари: «Унинг мероси бизга бўладими?» дейишган эди, Пайғамбар ﷺ: «Йўқ, унинг мероси эри билан боласига бўлади», дедилар». «Пайғамбар ﷺ бехосдан қилинган қотилликнинг хун ҳақини ота томондан қариндошлар зиммасига ҳукм қилдилар», деган саҳиҳ ҳадис ҳам бор. Бу ҳужжатлар бехосдан қилинган қотилликнинг хун ҳақини тўлаш ота томондан қариндошлар зиммасига юклатилишига далилдир. Бехосдансимон қилинган қотилликда

ҳам шундай бўлади. Чунки у бехосдан қилинган қотилликнинг бир туридир.

Ота томондан қариндошларга фақат асабалар киради. Она бир ака-укалар, бошқа қариндошлар ва эр уларга кирмайди. Эркакнинг асабалари ҳам, яъни ака-укалари, амакилари ва уларнинг фарзандлари, набиралари, хуллас, авлодлари ҳам ота томондан қариндошларидир. Отаси ва болалари эса ота томондан қариндошга кирмайди. Чунки ота томондан қариндошлар мероснинг улуш эгаларидан қолганинигина оладиган асабалардир. Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«أَنَّ عَقْلَ الْمَرْأَةِ بَيْنَ عَصَبَتِهَا مَنْ كَانُوا لَا يَرِثُونَ مِنْهَا شَيْئًا إِلَّا مَا فَضَلَ عَنْ وَرَثَتِهَا، وَإِنْ قَتَلَتْ فَعَقَلَهَا بَيْنَ وَرَثَتِهَا»

«Пайгамбар ﷺ аёл тулаши керак бўлган хун ҳақини улуш эгаларидан ортиб қолганини мерос қилиб оладиган асабаларга тақсимлашга, у аёлнинг ўзи ўлдирилса, унинг учун олинадиган хун ҳақини меросхўрларига тақсимлаб беришга ҳукм қилдилар». Ота ва фарзандлар асаба эмас, улуш эгаси бўлган аслий меросхўрлардир. Яна Пайгамбар ﷺ хун ҳақини ота томондан қариндошларга юклаб, фарзандга эса ундан ҳеч нарсани юкламаганлар. Жобир رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ امْرَأَتَيْنِ مِنْ هَذَيْلٍ قَتَلَتْ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى، وَلِكُلِّ وَاحِدَةٍ مِنْهُمَا زَوْجٌ وَوَلَدٌ، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِيَةَ الْمَقْتُولَةِ عَلَى عَاقِلَةِ الْقَاتِلَةِ، وَبَرًّا زَوْجَهَا وَوَلَدَهَا، قَالَ: فَقَالَ عَاقِلَةُ الْمَقْتُولَةِ: مِيرَاثُهَا لَنَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا، مِيرَاثُهَا لِزَوْجِهَا وَوَلَدِهَا»

«Ҳузайллик икки аёл уришиб қолиб, бири иккинчисини ўлдириб қўйди. Ҳар иккисининг ҳам эри ва боласи бор эди. Пайгамбар ﷺ ўлдирилганнинг хун ҳақини қотиланинг ота томондан қариндошларига юкладилар. Эри ва болаларини эса бу ишдан озод қилдилар. Шунда ўлдирилганнинг ота томондан қариндошлари: «Унинг мероси бизга бўладими?» дейишган эди, Пайгамбар ﷺ: «Йўқ, унинг мероси эри ва боласига бўлади», дедилар». Бу ҳадисда Пайгамбар ﷺ фарзандни ота томондан қариндошларга қўшмаяптилар. Ота ҳам

Ўғил кабидир. Чунки ўғлининг моли унинг молидир. Пайғамбар ﷺ:

«أَنْتَ وَمَالُكَ لِأَيِّكَ»

«**Сен ҳам, молинг ҳам отангникидир**», деганлар. Шунга кўра, хун ҳақи борасида ота билан ўғил ота томондан қариндошларга кирмайди. Ота томондан қариндошлар ўғил ва отадан бошқа асабалардир. Кимнинг ота томондан қариндошлари бўлмаса, байтул молдан олинади. Саҳл ибн Абу Ҳашманинг ҳадисида хайбарлик ўлдирилган одам учун:

«فَعَقَلَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ عِنْدِهِ»

«**Унинг хун ҳақини Пайғамбар ﷺ ўзларининг ёнларидан тўладилар**», дейилган. Амр ибн Шуайбнинг ҳадисида эса:

«فَوَدَاهُ بِمِائَةِ مِنْ إِبِلِ الصَّدَقَةِ»

«**Унинг хун ҳақига закот туяларидан юзтасини тўладилар**», дейилган. Ота томондан қариндошларнинг хун ҳақини тўлашлари Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَى﴾

– „Ҳар бир кўтаргувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юқини (яъни гуноҳини) кўтармас“, [17:15]

деган оятига қарама-қаршидир. Лекин бу оят умумий маънода бўлиб, хун ҳақини ота томондан қариндошлар тўлаши хусусидаги ҳадислар уни хослаб келиб, бу иш оятнинг умумийлигидан истисно қилиб олинапти. Қуръонни суннат билан хослаш эса шубҳасиз, жоиздир ва бўлаётган ишдир.

Алалхусус, яримқасддан, бехосдан ва бехосдансимон қилинган қотилликнинг хун ҳақини тўлаш фақат ота томондан қариндошларгагина вожиб бўлади. Меросхўрлар ҳеч нарса қўшишлари шарт эмас. Демак, ота томондан қариндошларнинг ёлғиз ўзларигина тўлайдилар. Эркакнинг ота томондан қариндошлари ака-укалари ҳамда учинчи бобосигача бўлган амакилари ва уларнинг фарзандларидир. Энг яқинидан бошланади, улар ожизлик қилсалар, уларга яқинроғи қўшилади. Шундай қилиб борилаверади. Аввал насаб асабаларидан, кейин сабаб асабаларидан ҳур, мукаллаф эркаклар олинади. Ана ўшалар хун ҳақини тўлайдилар. Улар ожизлик қилсалар ёки уларда тўлайдиган маблағ бўлмаса, хун ҳақини тўлаш байтулмолнинг зиммасига тушади. Ота томондан

қариндошларнинг ҳаммасидан баб-баробар олинади. Лекин қодирдан олинади, ожиздан олинмайди. Хун ҳақи ўлдирилганнинг меросхўрларига берилади. Ота томондан қариндошларига ундан ҳеч нарса тегмайди. Жобирнинг юқорида зикр қилинган ҳадисиди шундай дейилган:

«فَقَالَ عَاقِلَةُ الْمَقْتُولَةِ: مِيرَاثُهَا لَنَا، فَقَالَ: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا، مِيرَاثُهَا لِرِوَجِهَا وَوَلَدِهَا»

«Шунда ўлдирилганнинг ота томондан қариндошлари: «Унинг мероси бизга бўладими?» деб сурашган эди, Пайгамбар ﷺ: «Йуқ, унинг мероси эри билан боласига тегади», деб жавоб бердилар».

Ҳомиланинг хун ҳақи

Ҳомиладор аёл урилса ва натижада ҳомиласи тушиб кетса, ўлган, ўлмаганидан қатъий назар урган одам хун ҳақи тўлайди. У бир қул ёки бир чўридан иборат бўлади. Тополмаса, ўнта туя беради. Муғийра ривоят қилади:

«أَنَّ امْرَأَةً ضَرَبَتْ ضَرْبَتَهَا بِفُسْطَاطٍ فَقَتَلَتْهَا وَهِيَ حُبْلَى، فَأَتَى بِهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى عَصَبَةِ الْقَاتِلَةِ بِالِدِّيَّةِ وَفِي الْجَيْنِ غُرَّةً، فَقَالَ عَصَبَتُهَا: أَتَدِي مَنْ لَا طَعْمَ وَلَا شَرِبَ وَلَا صَاحَ وَلَا اسْتَهَلَ، فَمِثْلُ ذَلِكَ يُطَلُّ، فَقَالَ: سَجْعٌ مِثْلَ سَجْعِ الْأَعْرَابِ»

«Бир аёл кундошини чодирда уриб, ўлдириб қўйди. Ўлган ҳомиладор эди. Пайгамбар ﷺнинг олдиларига уни олиб келишганида, қотиланинг асаба (қариндош)ларига ҳомила учун бир қул ёки чўридан иборат бўлган хун ҳақини ҳукм қилдилар. Шунда улар: «Емаган, ичмаган, йиғламаган, қичқирмаган нарсага хун ҳақи оласизми? Бундайларга ҳеч нарса берилмайди», дейишди. Бунга жавобан Пайгамбар ﷺ: «аъробийларнинг сажига ўхшаган саж бўлдику», деб қўйдилар». Ибн Аббос Ҳамал ибн Моликнинг қиссаси хусусида шундай ривоят қилади:

«فَأَسْقَطَتْ غُلَامًا قَدْ نَبَتَ شَعْرُهُ مَيْتًا، وَمَاتَتِ الْمَرْأَةُ، فَقَضَى عَلَى الْعَاقِلَةِ الدِّيَّةَ، فَقَالَ عَمَّهَا: إِنَّهَا قَدْ أَسْقَطَتْ يَا نَبِيَّ اللَّهِ غُلَامًا قَدْ نَبَتَ شَعْرُهُ، فَقَالَ أَبُو الْقَاتِلَةِ:

إِنَّهُ كَاذِبٌ، إِنَّهُ وَاللَّهِ مَا اسْتَهَلَ وَلَا شَرِبَ فَمِثْلُهُ يُطَلُّ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَسْجَعُ الْجَاهِلِيَّةِ وَكَهَانَتِهَا؟ أَدَّ فِي الصَّبِيِّ غُرَّةً»

«Сочи ўсиб қолган ўғил бола ҳомиласи ўлик тушди. Аёлнинг ўзи ҳам ўлди. Шунда (Пайгамбар ﷺ) ота томондан қариндошларга хун ҳақи тўлашни ҳукм қилдилар. Аёлнинг амакиси: «Эй Расулуллоҳ, сочи ўсиб қолган бола тушди», деди. Қотиланинг отаси эса: «У ёлгон гапиряпти, Оллоҳга қасамки, у йиғлагани ҳам, эмгани ҳам йўқ, унга ўхшаганларга ҳеч нарса берилмайди», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Жоҳилият ва унинг қоҳинларига ўхшаб саж билан гаширар экансанми, бола учун бир қул ёки чўрини тўлаб қўй», дедилар». Бу ҳадис ҳомила учун ҳам хун ҳақи тўланишига далилдир. Абу Ҳурайра ривоят қилади:

«قَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جَنِينِ امْرَأَةٍ مِنْ بَنِي لَحْيَانَ سَقَطَ مَيِّتًا بَغْرَةَ عَبْدٍ أَوْ أَمَةٍ»

«Пайгамбар ﷺ Бану лиҳёнлик аёлнинг ўлик тушган ҳомиласи учун бир қул ёки чўри тўлашга ҳукм қилдилар». Яна бир ривоятда келади:

«فَاخْتَصَمُوا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَضَى أَنْ دِيَةَ جَنِينِهَا غُرَّةٌ: عَبْدٌ أَوْ وَلِيدَةٌ»

«Пайгамбар ﷺнинг олдиларига даъволашиб боришган эди, у киши ҳомила учун бир қул ёки чўри хун ҳақи тўлашга ҳукм қилдилар». Қул ёки чўри бўлмаса, ўнта туя берилишига далил ибн Абу Осимнинг мана бу ривоятидир:

«مَا لَهُ عَبْدٌ أَوْ أَمَةٌ، قَالَ: عَشْرٌ مِنَ الْإِبِلِ، قَالُوا: مَا لَهُ شَيْءٌ إِلَّا أَنْ نَعِينَهُ مِنْ صَدَقَةِ بَنِي لَحْيَانَ فَأَعَانَهُ بِهَا»

«Унинг қули ҳам, чўриси ҳам йўқ, дейишди. (Бўлмаса), ўнта туя, дедилар. Унинг Бану Лиҳён закотларидан биз ёрдам сифатида берганларимиздан бошқа нарсаси йўқ, дейишди. Кейин ўшани ёрдам сифатида бердилар».

ЖОНДАН БОШҚА ЖОЙГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИ

Жондан бошқа жойга шикаст етказиш жинояти бошни ёриш, суюкни синдириш каби инсон жисмининг бирор аъзосига жароҳат етказишдир. Бу ишда эркак ё аёл, ҳур ё қул, мусулмон ё зиммий ёки омонлик олган кофир орасида фарқ йўқ. Айрим фақиҳлар жондан бошқа аъзога шикаст етказиш қасоси:

﴿وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصًا﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва (яна бошқа барча) жароҳатларга қасос олинади, деб ёзиб қўйдик“, [5:45]

оятда ворид бўлган дейишади. «**Тишга тиш**» қоидасини қўллаб, кўзини ўйиб олганнинг кўзи ўйиб олинади ва ҳоказо дейишади. Ҳолбуки, бу оят Бану Исроил ҳақида бўлиб, уларни ҳикоя қилиб нозил бўлган. Ундаги хитоб бизга қаратилаётгани йўқ. Биздан аввалгиларнинг шариати эса биз учун шариат эмас. Шунга кўра, уни далил қилиб олганлар адашадилар. Чунки бу оятдаги хитоб бизга қаратилмади.

Ҳақиқат шуки, жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятига бу оят далил қилинмайди. Балки унга шу хусусда ворид бўлган ҳадислар далил қилинади. Чунки бу оят Бану Исроилнинг ҳикоясидир. У яҳудийларнинг шариатидир. У бизга қаратилаётгани йўқ. Шунга кўра, у бизга далил бўлолмайди. Бунинг устига Қуръонда жондан бошқа жойга шикаст етказиш жинояти хусусида далил ворид бўлмаган. Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَمَنْ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ﴾

– „Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг“, [2:194]

деган ояти эса жазо чоралари хусусида эмас, мусулмонларнинг кофирлар билан муомаласи тўғрисида нозил бўлган. Оят ўзи мана бундай:

﴿الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَاتُ قِصَاصٌ فَمَنْ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ﴾

– „Уруш ҳаром қилинган ой уруш ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади. Ҳурматлар (бузилса, риюя қилинмаса) қасос (олинади). Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг. Ва Оллоҳдан қўрқингиз! Билинглари, Оллоҳ ўзидан қўрқувчилар билан биргадир“.

[2:194]

Ўша пайтларда шаҳри ҳаромда уруш қилиш мумкин бўлмаган. Оллоҳ Таоло бу оятда, мушриклар сизларга шаҳри ҳаромда уруш қиладиган бўлса, сизлар ҳам урушавиринглари, сизларга қандай тажовуз қилишса, сизлар ҳам уларга ўшандай тажовуз қилинглари, деб баён қилади. Бундан мақсад кофирлардан нима иш содир бўлса, унинг муқобилига ўшандай ишни қилишдир. Оллоҳ Таоло мушриклар билан бўладиган муомаладаги қоида шаҳри ҳаромга шаҳри ҳаром деб, орқасидан, тақиқланган ишларда қасосдир, дейди. Яъни тақиқланган ишлар борасида душман нима иш қилса, ўша иш қилинади. Кейин бу қондани қисмларга ажратиб, сизларга қандай тажовуз қилишса, унинг муқобилига сизлар ҳам ўшандай тажовуз қилинглари, дейди. Демак, бу ердаги мавзу жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятининг жазоси мавзуси эмас, балки мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги уруш мавзусидир. Бунга далил шу оятдан аввалги унга алоқадор бўлган оятлардир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿١﴾

﴿وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُمْ مِنْ حَيْثُ أَخْرَجُوكُمْ وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا تُقَاتِلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّى يُقَاتِلُوكُمْ فِيهِ فَإِنْ قَاتَلُوكُمْ فَاقْتُلُوهُمْ كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكَافِرِينَ ﴿٢﴾ فَإِنْ انْتَهَوْا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣﴾

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ فَإِنْ انْتَهَوْا فَلَا عُدْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿٤﴾ الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَاتُ قِصَاصٌ فَمَنْ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ﴾

– „Сизларга қарши урушувчилар билан Оллоҳ йўлида жанг қилинган. Ва тажовузкор бўлмагангиз! Шубҳасиз Оллоҳ тажовузкорларни севмайди. Уларни (сизлар билан уруш олиб бораётганларни) топган жойингизда ўлдириш ва сизларни (қувиб) чиқарган жой (яъни Макка)дан уларни ҳам қувиб

чиқарингиз! (Одамларни) алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир. Ўзлари уруш бошлагунча улар билан Масжид-ал-Ҳаром олдида урушмангиз! Бас, агар ўзлари уруш бошласалар, у ҳолда уларни ўлдиришлар! Кофирларни жазоси шундай бўлади. Энди агар тўхтасалар (куфрдан кечиб Исломга кирсалар), бас, албатта Оллоҳ кечиргувчи раҳимлидир. То фитна тугаб, бутун дин Оллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз! Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сизлар ҳам тўхтатгиз! Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиш мумкин. Уруш ҳаром қилинган ой уруш ҳаром қилинган ой муқобилида бўлади. Ҳурматлар (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади). Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг“.

[2:190-194]

Шундан очиқ кўриниб турибдики, бу ердаги мавзу мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги уруш мавзусидир. Демак, оят шу мавзугагина хос бўлиб, жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятининг жазосига далил бўла олмайди. Аммо Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِنْ عَاقَبْتُمْ فَعَاقِبُوا بِمِثْلِ مَا عُوقِبْتُمْ بِهِ﴾

– „(Эй мўминлар), агар сизлар (ўзингизга етган бирон зиён-заҳмат учун) интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз“, [16:126] деган гапига келсак, бу оят У зотнинг:

﴿وَجَزَاءُ سَيِّئَةٍ سَيِّئَةٌ مِّثْلُهَا﴾

– „(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир, (яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир)“, [42:40]

деган гапи кабидир. Ундан мақсад жондан озорни даф қилиш, душманнинг тажовузига яраша жавоб беришдир. У жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятининг жазосини баён қилмаяпти. У фақат озорни даф қилишгагина алоқадордир, яъни қанчалик озор олган бўлса, ўшанчалик озор етказиш мумкинлигини, ундан ошириб юбориш дурустмаслигини баён қиляпти, холос. Бунга далил Оллоҳ Таолонинг шундан кейин:

﴿وَلَنْ صَبْرَكُمْ لَهُوَ خَيْرٌ لِلصَّابِرِينَ﴾

– „(Аммо) агар (интиқом олмай) сабр-тоқат қилсангизлар, албатта сабр қилгувчи кишилар учун (бу интиқом олмоқдан) яхшироқдир“, [16:126]

деган гапидир. Шунга кўра, бу оят жондан бошқа жойга шикаст етказиш жинояти учун давлат тарафидан жазо тайинлашга далил бўлмайди. Шулардан кўриниб турибдики, Қуръонда бу жазога далолат қилувчи ҳужжат йўқ. Шунинг учун далил фақат суннат бўлади, холос.

Суннатда жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятининг жазолари хусусида ворид бўлган ҳужжатларни синчиклаб текширган одам жисмдаги бирон аъзога ҳам, тишдан бошқа биронта суякка ҳам қасос йўқлигини кўради. Аммо Ҳасан Сумрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلْنَاهُ، وَمَنْ جَدَعَ عَبْدَهُ جَدَعْنَاهُ»

«Ким қулини ўлдирса, унинг ўзини ҳам ўлдирамиз, ким қулининг бирон аъзосини кесса, ўзининг ҳам ўша аъзосини кесамиз», деган ҳадисларига келсак ва Абу Довуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ خَصَى عَبْدَهُ خَصَيْنَاهُ»

«Ким қулини бичса, унинг ўзини ҳам бичамиз», деган ҳадисларига келсак, бу ҳадислар умумий маънода эмас, балки хожанинг ўз қулини жазолашига хосдир. Мавзу ҳам жазо чораларини баён қилиш мавзуси эмас, балки хожанинг ўз қули билан муомаласи мавзусидир. Шунга кўра, бу ҳадислар хожа билан қул ўртасидаги муомалагагина алоқадор бўлиб, ҳамма одамларни жазолашга далил бўлмайди. Ҳатто ўзининг қулидан бошқа бир қулнинг бурнини кесса, бунинг учун ўзининг бурни кесилмайди. Ўзининг қулидан бошқа бир қулни бичса, бунинг учун ўзи бичилмайди. Чунки ҳадис бунга далолат қилмайди. Унда **«ўзининг қулини ўлдирса», «ўз қулининг бурнини кесса», «ўзининг қулини бичса»** дейиляпти, бировни ёки бир қулни, дейиляётгани йўқ. Қул сўзига эгалик қўшимчасининг қўшилаётгани ундан бошқасига ҳеч бир жиҳатдан алоқадормаслигини кўрсатади. Шунга кўра, бу ҳадис инсон аъзолари учун қасос олинишига мутлақо далолат қилмайди.

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلْنَاهُ»

«Қулини ўлдирган одамнинг ўзини ҳам ўлдирамиз», деган ҳадиснинг хожа билан қули ўртасидаги муомала мавзусига

хос бўлишига қарамасдан, нега қул учун ҳур ўлдирилишига далил қилинди, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, бу ҳадис қул учун ҳур ўлдирилишига мантуқ эътибори билан эмас, мафҳум эътибори билан далил бўлади. Чунки Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ»

«**Ким қулини ўлдирса**» деган гаплари мантуқи эътибори билан қулини ўлдирган хожанинг ўзи ҳам ўлдирилишидан бошқасига далолат қилмайди. Яъни ундан қул учун хожа эмас, қули учун хожаси ўлдирилади, деган маъно чиқади. Лекин гапнинг мазмуни (оҳанги) қули учун ўз хожаси ўлдирилгандан кейин хожадан бошқанинг ўлдирилиши янада аёнроқлигини англатяпти. Бунга у мантуқ эътибори билан эмас, мафҳум эътибори билан далолат қиляпти. Мана шундай далолат қилиш:

«مَنْ جَدَعَ عَبْدَهُ جَدَعَنَاهُ»

«**Ким қулининг бурнини кесса, унинг бурнини ҳам кесамиз**» деган ҳадисда ҳам:

«مَنْ خَصَى عَبْدَهُ خَصَيْنَاهُ»

«**Ким қулини бичса, унинг узини ҳам бичамиз**» деган ҳадисда ҳам мавжуд эмас. Чунки бу ҳадислар мазмуни ўзининг қулидан бошқа қулнинг бурнини кесса, ўзининг бурни ҳам кесилишига, ўзининг қулидан бошқа бир қулни бичса, ўзининг ҳам бичилишига далолат қилмайди. Чунки хожанинг ўз қулига одоб беришга ҳаққи бор. Фақат одоб беришда бирон аъзони кесиш даражасига боришдан қайтариляпти. Бурнини кесиш ёки бичишдан қайтариш дегани, кимки шу ишни ўзининг қулидан бошқа бир қулга қилса, ўзи ҳам шундай қилинишга янада лойиқроқдир, дегани эмас. Негаки мафҳуми мувофақа гоҳида қўйидан юқорига танбеҳ бериш қабилида, гоҳида юқоридан қўйига танбеҳ бериш қабилида, гоҳида эса баробар туриб танбеҳ бериш қабилида бўлади. «**Ким қулининг бурнини кесса...**», «**Ким қулини бичса...**» ҳадисларида эса бир нарсадан иккинчи нарсага ҳеч қандай огоҳлантириш йўқ. «**Ким қулини ўлдирса...**» ҳадисиде эса юқоридан қўйига огоҳлантириш бор. Ўз қули учун хожаси ўлдирилиб турганда бошқа бир қул учун ўлдирилиши янада аниқроқдир. Шунга кўра:

«مَنْ قَتَلَ عَبْدَهُ قَتَلَنَاهُ»

«**Ким қулини ўлдирса, унинг ўзини ҳам ўлдирамиз**» ҳадиси гапнинг мазмуни эътибори билан қул учун хур ўлдирилишига далил бўла олади. «**Ким қулининг бурнини кесса...**», «**Ким қулини бичса...**» ҳадислари эса ўз қулидан бошқа бир қулнинг бурнини кесган одамнинг бурни кесилишига, бошқа бир қулни бичган одамнинг ўзи ҳам бичилишига далил бўлолмайди. Ўзи айтаётган бурун кесиш ва бичиш борасида қасосга далил бўла олмаганидан кейин, бошқа аъзолар борасида қасосга далил бўлолмаслиги ўз-ўзидан аён. Шунга биноан, бу икки ҳадис аъзолар борасида қасосга далил бўла олмайди. Бундан ташқари, ҳадисларни синчиклаб кузатиб борган одам биронта аъзо хусусида, қасос олинади, деган биронта саҳиҳ ҳадисни учратмайди. Шунга биноан, аъзолар учун мутлақо қасос олинмайди. Кўзни ўйиб олганнинг кўзи ўйилмайди, қулоқни кесганнинг қулоғи кесилмайди, лабни кесганнинг лаби кесилмайди. Чунки:

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга... деб ёзиб қўйдик“,
[5:45]

оятти биз ҳақимизда эмас, яҳудийлар ҳақидадир, у бизга қаратилмаяпти. Биздан аввалгиларнинг шариати биз учун шариат эмас. Негаки бу хусусда Оллоҳнинг Китобида ҳам, Пайғамбарининг суннатида ҳам ҳужжат ворид бўлмаган. Ҳар бир аъзонинг хун ҳақи тўғрисида саҳиҳ ҳадислар ворид бўлгани учун ҳар бир аъзонинг жазоси ўша ҳадисларда шу аъзо хусусида келган хун ҳақи бўлади.

Жисмдаги аъзоларга нисбатан бўладиган ишлар мана шулардан иборат. Энди суякларга нисбатан бўладиган ишларга келсак, тиш суяги учун қасос олинади. Бухорий Анасдан ривоят қилади:

﴿أَنَّ الرُّبَيْعَ عَمَّتَهُ كَسَرَتْ ثَنِيَّةَ جَارِيَةٍ فَطَلَبُوا إِلَيْهَا الْعَفْوَ فَأَبَوْا، فَعَرَضُوا الْأَرَشَ فَأَبَوْا، فَأَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبَوْا إِلَّا الْقِصَاصَ، فَأَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْقِصَاصِ، فَقَالَ أَنَسُ بْنُ النَّضْرِ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْكَسِرُ ثَنِيَّةَ الرُّبَيْعِ لَا وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لَا تُكْسِرُ ثَنِيَّتَهَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا أَنَسُ كِتَابُ اللَّهِ الْقِصَاصُ، فَرَضِيَ الْقَوْمُ فَعَفَوْا،

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ مَنْ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى
اللَّهِ لَأَبْرَهُ»

«Аммаси Рубайя бир жориянинг тишини синдириб қўйди. Кечирим сўрашган эди, кечиришмади. Товон тулашни таклиф қилишган эди, унга ҳам рози бўлишмади. Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишганида ҳам қасосдан бошқасига рози бўлмай туриб олишди. Пайғамбар ﷺ қасосга буюрдилар. Шунда Анас ибн Назр: «Эй Расулуллоҳ, Рубайянинг тишини синдирасизми? Йўқ, сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, унинг тишини синдирмайсиз», деди. Пайғамбар ﷺ: «Оллоҳнинг Китоби(да) қасос (дейилган)», дедилар. Кейинроқ қавм рози бўлиб, кечиришди. Ҳанда Пайғамбар ﷺ: «Оллоҳнинг шундай бандалари борки, Оллоҳнинг номига қасам ичса, албатта қасамининг устидан чиқади», дегандилар». Бу ҳадис тиш синдирилса қасос олинишига далолат қилади. Яъни тиш синдирган одамнинг ҳам тиши синдирилади. Лекин бу ҳадисни далил қилишда бир неча ишларни мулоҳаза қилиш лозим. Масалан, Пайғамбар ﷺнинг:

«كِتَابُ اللَّهِ الْقِصَاصُ»

«Оллоҳнинг Китоби(да) қасос (дейилган)», деган гаплари:

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга жонга-жон... деб ёзиб қўйдик“, [5:45]

деган оятга эмас, балки:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ﴾

– „...сизларга ... қасос олиш фарз қилинди“, [2:178]

деган оятга ишорадир. Чунки:

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга... деб ёзиб қўйдик“, [5:45]

оятга «**ТИШГА ТИШ**» қоидаси билан ишора бўлади. Негаки бу оят шу қоида билан машҳурдир. Шунинг учун, агар бу оятга ишора бўлганида эди, пайғамбаримиз албатта: «Оллоҳнинг Китоби(да) «**ТИШГА ТИШ**» дейилган», деган бўлар эдилар.

Айниқса юз берган ўша ҳодиса тишга оид экан, албатта шундай деган бўлар эдилар. Демак, у кишининг:

﴿كُتِبَ اللَّهُ الْقِصَاصُ﴾

«Оллоҳнинг Китоби(да) қасос (дейилган)», дейишлари

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга... деб ёзиб қўйдиқ“, [5:45]

оятига эмас, балки:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ﴾

– „... сизларга... қасос олиш фарз қилинди“, [5:45]
оятига ишора қилаётганларини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари:

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ﴾

– „Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга... деб ёзиб қўйдиқ“, [5:45]

ояти аъзоларнинг жазоси қасослигини эмас, балки тишга тиш қоидаси қайси аъзоларга тўғри келишини баён қилган. Бу аъзоларни санаб ўтганидан кейин жароҳатлар хусусида тўхталиб:

﴿وَالْجُرُوحِ قِصَاصٌ﴾

– „... ва (яна бошқа барча) жароҳатларга қасос олинади...“, [5:45]

дейди. Бу ердаги ҳодиса эса жароҳатлар ҳодисаси эмас, суяклар ҳодисасидир. Шунга кўра, у «**тишга тиш**» қоидасига эмас, балки:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ﴾

– „... сизларга... қасос олиш фарз қилинди“, [5:45]
деган қасос оятига ишорадир. Шунинг ҳам мулоҳаза қилиш лозимки, ҳадис тишнинг ўзигагина ҳужжат бўляпти. У тишдан бошқасида қасос олинишига ҳужжат бўлмайди. Чунки фақат тишгагина хосдир. Қиёс ҳам, қиёс учун шубҳа ҳам йўқ. Шунга кўра, бу ҳадис бирор аъзо учун бўлиши у ёқда турсин, бирор суяк учун қасос олинишига ҳам далил бўлмайди. Зеро, у суяк ҳақидаги, хусусан, тиш суяги ҳақидаги ҳадисдир.

Бу ҳадис далил қилинаётганда шу ишлар мулоҳаза қилинса, унинг тиш синдирилгандагина қасос олишга далил бўлиб, бошқа

суяклар учун қасос олиншига мутлақо далил бўлмаслиги аён бўлади. Чунки у фақат тиш синдирилишигагина далолат қияпти. Шулардан кўриниб турибдики, бирон аъзо учун ҳам, тишдан бошқа бирон суяк учун ҳам қасос олинмайди. Ҳар бир аъзонинг жазоси у хусусда ҳадисда белгиланган товондир.

Пайғамбар ﷺ «тишга тиш» эмас, «қасос», дедилар. Бунинг маъноси тишни синдирган бўлса, унинг ҳам тиши синдирилиши, суғуриб олган бўлса, унинг ҳам тиши суғуриб олинши, қимирлатиб қўйган бўлса, унинг ҳам тишини қимирлатиб қўйиш, деганидир. Қасос дегани мана шу.

Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тиш хусусида қасос ворид бўлганидек, товон ҳам ворид бўлган. Пайғамбар ﷺнинг Яманга юборилган Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي السِّنِّ خَمْسٌ مِنَ الْإِبِلِ»

«**Тиш учун бешта туя**», дейилган. Хўш, қачон қасос, қачон товон вожиб бўлади? Айрим фақиҳлар, қасддан қилинган жиноятда - Анас ривоят қилган ҳадисга кўра - тиш учун қасос олинади, қасддан қилинмаса, товон тўланади, дейишган. Масалан, кимки кўпинча тишни синдирадиган нарса билан урса ёки кўпинча тишнинг синишига олиб борадиган ишни қилса ёки тишни синдирмайдиган нарсага кўпинча тишни синдирадиган нарсани қадаб туриб урса, у қасддан синдирган ҳисобланади ва ундан қасос олинади. Агар синдирмоқчи бўлмасдан ёки тишни синдирмайдиган нарса билан урса-ю, лекин тиш синиб кетса, бешта туя товон тўлайди.

Инсон аъзолари ва суяклари хусусидаги қасос ҳукми мана шу. Биронта ҳам аъзо учун, тишдан бошқа биронта ҳам суяк учун қасос олинмайди. Фақат тишгагина қасос олинади. Аммо баданга етказилган жароҳатлар учун қасос олиншига келсак, у суннат билан ўз исботини топган. Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Анасдан ривоят қилинади:

«أَنَّ أُخْتَ الرَّبِيعِ - أُمَّ حَارِثَةَ - جَرَحَتْ إِنْسَانًا فَأَخْتَصَمُوا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْقِصَاصَ الْقِصَاصَ فَقَالَتْ أُمُّ الرَّبِيعِ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَقْتَصُّ مِنْ فُلَانَةٍ؟ وَاللَّهِ لَا يُقْتَصُّ مِنْهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سُبْحَانَ اللَّهِ يَا أُمَّ الرَّبِيعِ»

الْقِصَاصُ كِتَابُ اللَّهِ قَالَتْ: لَا، وَاللَّهِ لَا يُفْتَنُ مِنْهَا أَبَدًا، فَمَا زَالَتْ حَتَّى قَبِلُوا الدِّيَةَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ لَوَ أَوْسَمَ عَلَى اللَّهِ لَأَبْرَهُ»

«Рубайянинг синглиси Умму Ҳориса бир одамни жароҳатлади. Даъволашиб, Пайгамбар ﷺнинг олдиларига боришди. Пайгамбар ﷺ: «Қасос-қасос», дедилар. Рубайянинг онаси: «Эй Расулulloҳ, фалончидан қасос олинарканми?! Оллоҳга қасамки, ундан қасос олинмайди», деди. Пайгамбар ﷺ: «Субҳоналлоҳ, эй Умму Рубайя, қасос Оллоҳнинг Китоби(да ёзилган)», дедилар. У яна: «Йўқ, Оллоҳга қасамки, ҳеч қачон ундан қасос олинмайди, деди. Шундай туравергач, охири улар товон олишга рози бўлишди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Оллоҳнинг шундай бандалари борки, Оллоҳнинг номига қасам ичишса, албатта қасамларининг устидан чиқишади», дедилар». Бу ҳадис жароҳатлар учун қасос олинишига далилдр. Унда Пайгамбар ﷺ:

«الْقِصَاصُ كِتَابُ اللَّهِ»

«Қасос Оллоҳнинг Китоби(да ёзилган)», дейишлари билан Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا﴾

– „ Унда (яъни Тавротда) яҳудийларга... деб ёзиб қўйдик“, [5:45]

оятига эмас, балки:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ﴾

– „... сизларга... қасос олиш фарз қилинди“, [5:45] деган оятига ишора қиляптилар. Жобир ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا جُرِحَ فَأَرَادَ أَنْ يَسْتَقِيدَ، فَنَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُسْتَقَادَ مِنَ الْجَارِحِ حَتَّى يَبْرَأَ الْمَجْرُوحُ»

«Бир киши жароҳатланиб, қасос олмоқчи бўлди. Пайгамбар ﷺ жароҳат тuzалгунига қадар қасос олишдан қайтардилар». Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا طَعَنَ رَجُلًا بِقَرْنٍ فِي رُكْبَتِهِ فَجَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَقْدَنِي, فَقَالَ: حَتَّى تَبْرَأَ, ثُمَّ جَاءَ إِلَيْهِ فَقَالَ: أَقْدَنِي إِلَيْهِ, فَأَقَادَهُ, ثُمَّ جَاءَ إِلَيْهِ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَرَجْتُ, فَقَالَ: قَدْ نَهَيْتَكَ فَعَصَيْتَنِي فَأَبْعَدَكَ اللَّهُ, وَيَطْلُ عَرَجُكَ, ثُمَّ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُقْتَصَّ مِنْ جُرْحٍ حَتَّى يَبْرَأَ صَاحِبُهُ»

«Бир киши бошқа бир кишининг тиззасига шох санчиб қўйди. У Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Ўчимни олиб беринг», деди. Пайгамбар ﷺ: «Аввал тузалгин», дедилар. У яна келиб: «Ундан ўчимни олиб беринг», деган эди, Пайгамбар ﷺ учини олиб бердилар. Кейинроқ у келиб: «Эй Расулulloҳ, чўлоқ бўлиб қолдим», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: Қайтарсам унамадинг, Худо сенга кўрсатибди, энди текинга чўлоқ бўласан», дедилар. Шундан кейин Пайгамбар ﷺ жароҳат тузалмай туриб қасос олишдан қайтарганлар». Бу икки ҳадис гарчи жароҳат тузалмай туриб, қасос олинмаслигига далолат қилиб келган бўлса-да, лекин ишора эътибори билан жароҳатлар учун қасос олинишига ҳам далолат қилади. Шунга кўра, улар жароҳат учун қасос олинишига далил бўла олади. Демак, баданга етказилган жароҳат учун қасос олинади.

Лекин жароҳат учун қасос олишнинг шартлари бўлиб, улар тўла топилгандагина қасос олинади. Бир шarti жиноят қасддан содир этилиши керак. Агар қасддан эмас, бехосдан содир этилса, қасос олинмайди. Қорнини тешган ёки вояга етмаган қизнинг қизлигини олмаган бўлса, суд қилинади. Агар шундай қилган бўлса, товон тўлайди. Яна бир шarti - жиноятчининг қасос туфайли ўлиб қолиши хавфи бўлмаслиги керак. Шундай хавф бўлганда қасос олинмайди, иши судда кўрилади, агар қорнини тешиб ёки вояга етмаган қизнинг қизлигини олмаган бўлса, иши судда кўрилади. Яна бир шarti - қасос учун ураётган одам ошириб ёки камайтириб, хато қилиб қўймайдиган бўлиши керак. Шундай бўлиб қолса, қасос олинмайди. Қорнини тешиб ёки вояга етмаган қизнинг қўшилиб қизлигини олмаган бўлса, суд қилинади. Шунингдек, ҳақдор кечириб юборганида ёки товон олганида ё қасос олишдан воз кечиб, суд қилинишига рози бўлганида ҳам қасос олинмайди. Жабрланувчи даъво қилсагина

қасос олинади. Даъво қилмаса олинмайди. Чунки бу иш банданинг ҳақидир. Шу шартлар тўла топилса, қасос олинади. Биттаси топилмай қолса ҳам олинмайди, жазоси шариатда белгиланган миқдордаги товон бўлади. Юқоридаги Жобирнинг ҳадисига кўра, жароҳат тузалганидан кейингина қасос олинади. Амр ибн Шуайбнинг ҳадисидан келган Пайғамбар ﷺнинг олдинига рухсат бериб, кейин рухсат бермай қўйишлари:

«ثُمَّ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ»

«Шундан сунг Пайғамбар ﷺ жароҳат тузалмай туриб, қасос олишдан қайтардилар», деган гап яра битмай туриб қасос олиш ҳаромлигига далилдир. Чунки «шундан кейин», деган сўз тартибни тақозо қилиб, ундан кейинги тақиқ аввалги рухсатни насх (бекор) қилади. Демак, жароҳат тузалганидан кейингина қасос олинади.

Юқорида айтилган гаплар баданга етказилган жароҳатлар хусусидадир. Бош ёриш эса унга кирмайди. Унинг учун қасос олинмайди. Олимлар бош ёрилишига алоҳида, баданга жароҳат етказишга алоҳида таъриф беришган. Шунга кўра, жароҳат хусусидаги ҳадислар унга далил бўлмайди. Чунки улар луғавий жиҳатдан ҳам, шаръий жиҳатдан ҳам бош ёрилишига далолат қилмайди. Бош ёрилганига қасос олинади, деган ҳужжат эса Қуръонда ҳам, суннатда ҳам ворид бўлмаган. Шунинг учун бош ёришнинг жазоси суннатда ворид бўлган товондир.

Мана шулардан кўришиб турибдики, жондан бошқа жойга шикаст етказиш жиноятининг жазоси тафсилоти қўйидагичадир: Инсон жисмининг ҳамма аъзоси ва тишдан бошқа барча суяклари ҳамда бошининг ёрилиши жазоси соф молиявийдир, яъни суннатда ворид бўлган товондир. Уларда баданга оид жазо, яъни қасос йўқ. Тиш ва баданга етказилган жароҳатлар учун эса баданга оид жазо ҳам, молиявий жазо ҳам бор. Тишларга тажовуз қасддан бўлса, унинг жазоси қасосдир. Бехосдан бўлса ёки жабрланувчи қасосни даъво қилмасдан товон сўраса, унинг жазоси товон, яъни молиявий жазо бўлади. Жароҳатларда эса агар ҳамма шартлар тўла топилса ва жабрланувчи қасос сўраб қилган даъвосидан кечмаса, унинг жазоси баданга оид жазо, яъни қасос бўлади. Агар бирон шарти топилмай қолса ёки жабрланувчи қасос олишдан воз кечса, унинг жазоси молиявий жазо бўлади. Бу жазонинг миқдори кўриб чиқилади. Агар товоннинг миқдорини баён қилиб бирон насс (ҳужжат) келган бўлса, жазо ўша миқдорда бўлади. Бу иш икки жароҳатгагина

алоқадордир. Биринчиси - қориннинг тешилиши, иккинчиси - вояга етмаган қизнинг қўшилиш билан қизлигини олиш. Биринчиси хусусида ҳадис ворид бўлган, иккинчисининг далили сукутий ижмоъдир. Бу иккисидан бошқа жароҳатларнинг товони хусусида бирон насс (ҳужжат) келмаган. Шунга кўра, уларнинг жазоси одил судда кўриб чиқилади.

ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА СУЯКЛАРИНИНГ ТОВОНИ

Инсон жисмидаги ҳар бир аъзонинг ва ҳар бир суюкнинг товони суннатда ворид бўлган ҳужжатга қараб бўлади. Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Яман аҳлига бир мактуб ёзиб, унда жумладан шундай деганлар:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَتَبَ إِلَى أَهْلِ الْيَمَنِ وَكَانَ فِي كِتَابِهِ أَنْ مَنْ اعْتَبَطَ مُؤْمِنًا قَتْلًا عَنْ بَيْنَةٍ فَإِنَّهُ قَوْدٌ، إِلَّا أَنْ يَرْضَى أَوْلِيَاءُ الْمَقْتُولِ، وَأَنَّ فِي النَّفْسِ الدِّيَّةَ مِائَةً مِنَ الْإِبِلِ، وَفِي الْأَنْفِ إِذَا أُوعِبَ جَدْعُهُ الدِّيَّةُ، وَفِي اللِّسَانِ الدِّيَّةُ، وَفِي الشَّفَتَيْنِ الدِّيَّةُ، وَفِي الْبَيْضَتَيْنِ الدِّيَّةُ، وَفِي الذِّكْرِ الدِّيَّةُ، وَفِي الصُّلْبِ الدِّيَّةُ، وَفِي الْعَيْنَيْنِ الدِّيَّةُ، وَفِي الرَّجْلِ الْوَاحِدَةِ نِصْفُ الدِّيَّةِ، وَفِي الْمَأْمُومَةِ ثُلُثُ الدِّيَّةِ، وَفِي الْجَائِفَةِ ثُلُثُ الدِّيَّةِ، وَفِي الْمُنْقَلَةِ خَمْسُ عَشْرَةَ مِنَ الْإِبِلِ، وَفِي كُلِّ أُصْبَعٍ مِنْ أَصَابِعِ الْيَدِ وَالرَّجْلِ عَشْرٌ مِنَ الْإِبِلِ، وَفِي السِّنِّ خَمْسٌ مِنَ الْإِبِلِ، وَفِي الْمَوْضِحَةِ خَمْسٌ مِنَ الْإِبِلِ، وَأَنَّ الرَّجُلَ يُقْتَلُ بِالْمَرْأَةِ وَعَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفُ دِينَارٍ»

«Кимнинг бир мўминни ноҳақ ўлдиргани исботланса, ундан қасос олинади. Ўлдирилгanning эгалари рози қилинса, қасос олинмайди. Жоннинг хун ҳақи юзта туядир. Буруннинг ҳаммаси кесиб олинса, бир товон тўланади. Тил учун ҳам бир товон, икки лаб учун ҳам бир товон, икки моёк учун ҳам бир товон, закар учун ҳам бир товон, умуртқа учун ҳам бир товон, икки кўз учун ҳам бир товон, бир оёқ учун ярим товон, бошнинг ёрилиши учун учдан бир товон, қориннинг тешилиши учун учдан бир товон, оёқ ости учун ўн бешта туя, қўл ва оёқнинг ҳар бир бармоғи учун ўнта туя, тиш учун бешта туя, олд тиш учун бешта туя тўланади. Эркак аёл учун ҳам ўлдирилади. Тилласи борларга (товон) минг динордир». Бу ҳадисни Нисоий ривоят қилган. Шунга асосан аъзоларнинг жазоси фақат товон бўлади.

Бу жазоларнинг тафсилоти қуйидагича: Инсондаги битталиқ аъзони ишдан чиқарган одам бир товон тўлайди, иккиталиқ

аъзонинг бирини ишдан чиқарган одам ярим товон тўлайди. Чунки ҳадисда **«Агар бурун тўла кесилса, бир товон...», «Тил учун бир товон...», «Закар учун бир товон...», «Умуртқа учун бир товон...»** дейилапти. Инсондаги бу аъзолар битталиқ аъзолардир. Яна Пайғамбар ﷺ ўша мактубларида: **«Икки лаб учун ҳам, икки мойк учун ҳам, икки кўз учун ҳам бир товон»** деб туриб, орқасидан: **«Бир оёқ учун ярим товон»**, деяптилар. Инсондаги бу аъзолар иккиталиқ аъзолар бўлиб, улардан ҳар бири учун ярим товон белгиланяпти. Қомусда сулб, деб, елкадан думғазагача бўлган суюкка айтилган. Ундан бел тушунилади. Яна бир қавлда сулбдан мақсад, намликни аъзоларга тарқатиб бериш учун миядан оқиб тушадиган ариқчадаги суюқликдир, белнинг ўзи эмас, дейилган. Бунга ибн Муъиз ривоятидаги Алийнинг: **«Агар жимоъдан тўсиб қуйган бўлса, сулб учун ҳам бир товондир»**, деган гаплари далил қилинган. Лекин шариат ҳужжатлари, агар Қуръон ва суннатда уларнинг шаръий маъноси ворид бўлмаса, саҳобаларнинг гапларига қараб эмас, луғавий маъносига қараб тафсир қилинади. «Сулб» сўзининг ҳам шаръий маъноси ворид бўлмагани учун унинг луғавий маъноси олинади. Инсонда тўрт аъзо борки, улардан ҳар бирига чорак товон тўланади. Улар икки кўзнинг қовоқлари ва киприклари дир. Унда ўнта аъзо борки, улардан ҳар бирига ўндан бир товон тўланади. Улар икки қўлнинг ва икки оёқнинг бармоқлари дир. Унда уч аъзо борки, улардан ҳар бирига учдан бир товон тўланади. Улар буруннинг икки коваги ва улар ўртасидаги тўсиқ. Бошқа аъзолар ҳам шу каби дир. Чунки ҳадислар мана шунга далолат қилади. Аъзолар товони борасида келган ҳужжатларни синчиклаб кузатган одам буни англайди. Уларнинг тафсилоти қуйидагича:

Бошдаги аъзолар

Икки кўз: Ҳар икки кўзга шикаст етказилса, бир товон тўланади. Бир кўз учун ярим товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْعَيْنَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки кўз учун бир товон», деганлар. Пайғамбар ﷺнинг:

«وَفِي الْعَيْنِ الْوَاحِدَةِ خَمْسُونَ مِنَ الْإِبِلِ»

«Битта кўз учун элликта туя», деганлари ҳам ривоят қилинган. Кўзнинг кичик ё катта, хунук ё чиройли, касал ё соғлом бўлишининг аҳамияти йўқ. Унга оқ тушган бўлса,

кўзнинг нуқсони ҳисобланмайди. Шунга кўра, товон ҳам камайтирилмайди. Кўз қанчалик нуқсонли бўлса, товон ўшанчалик камайтиради. Кўзнинг нуқсонлигидан мақсад унинг 6/6 ёки 9/6 каби тўлалигидан камайиши эмас, балки шикаст етказилганидан аввалги нуқсонидир. Кўз ишдан чиқса, бир товон тўланади. Чунки иккиталик аъзолардан фойдаланиш йўқолгани учун бир товон тўланади. Бошга берилган зарба туфайли кўз кўр бўлиб қолса, унга ҳам кўзнинг товони тўланади. Чунки шу жиноят туфайли кўз ишдан чиқди. У туфайли ишдан чиқмасдан, даволаниш жараёнида ишдан чиқса ҳам барибир товон тўланади. Негаки кўз ўша иш сабабли майиб бўлди. Кўзнинг кўр бўлган ё бўлмагани хусусида тортишиб қолинса, икки ёки ундан ортиқ мутахассисга мурожаат қилинади, бу ишни аниқлашда уларнинг ўз йўллари бор. Кўзнинг ишдан чиққани аниқланиб, мутахассислар унинг қайтишига умид йўқ, дейишса, товон тўлаш вожиб бўлади. Агар улар умид бор, фалон муддатгача кутиб туриш керак, дейишса, ўшангача кутиб турилади. Муддат тугагунига қадар товон тўланмайди. Қайтадан кўра бошласа, жиноятчидан товон тўлаш олиб ташланади. Жабрланувчи тузалмаса ёки тузалмай туриб ўлиб қолса, товон тўланади. Муддатнинг ичида ўладими, кейин ўладими, фарқи йўқ. Муддат ичида бошқа бир одам келиб, кўзни ўйиб олса, товонни биринчи жиноятчи тўлайди, чунки кўр қилган - ўша, иккинчи жиноятчининг иши одил судда кўрилади, негаки у кўрмайдиган ва қайта кўришидан умид қилинмайдиган кўзни ишдан чиқарди.

Бир одамга нисбатан жиноят содир этилиб, унинг кўриш қобилияти заифлашиб қолса, жиноятчининг иши одил судда кўриб чиқилади. Бир кўзли одам учун ярим товон тўланади. Зеро, Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْعَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки кўз учун бир товон», деганлар. Умар, Усмон ва Алий ﷺ бир кўзли одам учун ҳам бир товон белгилашган, саҳобалар эса бунга сукут қилишган, шунга кўра бу иш ижмоъдир, деб бўлмайди. Чунки бир кўзли одам учун ярим товон тўланиши суннат билан исботланган. Нариги ишни саҳобаларнинг ижмоъси, деб фараз қилган тақдиримизда ҳам ижмоъ суннатни насх (бекор) қилолмайди. Шунинг учун унга амал қилинмайди ва суннатнинг ўзи далил бўлиб қолаверади.

Икки қулоқ: Икки қулоқ учун бир товон тўланади. Бир қулоқ учун эса ярим товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْأُذُنَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки қулоқ учун бир товон», деганлар. Бунинг маъноси, битта қулоқ учун яримта товон, деганидир. Бундан эса қулоқдан қанча кесилса, ўшанча товон тўлаш тушунилади: Ярми кесилса, ярим товон, чораги кесилса, чорак товон. Қулоқнинг тепа қисмидан кесиладими, паст қисмидан кесиладими, ҳусини бузадими, бузмайдими, фарқи йўқ. Бир қулоққа нисбатан жиноят содир этилиб, уни фалаж қилса, ярим товон тўланади. Агар иккала қулоқни ҳам фалаж қилса, бир товон тўланади. Чунки фалаж қилиш кесиш кабидир. Кесилганлиги учун товон тўлаш қанчалик вожиб бўлса, фалаж қилганлиги учун ҳам шунчалик вожибдир. Фалаж бўлиб ҳам эшитиш қобилияти сақланиб қолаверади-ку, деб бўлмайди, чунки кесилиб ҳам эшитиш қобилияти сақланиб қолаверади. Кесмасдан ҳам эшитиш қобилияти йўқ қилинса, барибир товон тўланади. Негаки, бир аъзонинг фаолиятини ишдан чиқариш унинг ўзини йўқ қилиш билан баробардир. Муоздан қилинган ривоятда:

«وَفِي السَّمْعِ الدِّيَّةُ»

«Эшитиш учун бир товон», дейилган. Агар бир қулоқдан эшитиш қобилияти кетказилса, ярим товон тўлаш вожиб бўлади. Агар бир қулоқ ҳам кесилиб, ҳам унинг эшитиш қобилияти йўқ қилинса, икки товон тўлаш вожиб бўлади. Чунки Пайғамбар ﷺ ҳам:

«وَفِي الْأُذُنَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки қулоқ учун бир товон», ҳамда:

«وَفِي السَّمْعِ الدِّيَّةُ»

«Эшитиш учун бир товон», деганлар. Бунинг маъноси, аъзо учун бир товон, унинг фаолияти учун яна бир товон деганидир. У очиқ-ойдин қилиб айтиляпти.

Бурун: Бурунда Зта аъзо бор. Иккита бурун коваги ва улар орасидаги бир тўсиқ. Агар буруннинг юмшоқ жойи ҳам қўшиб кесиб юборилса, бир товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْأَنْفِ إِذَا أُوعِبَ جَدْعُهُ الدِّيَّةُ»

«Агар бурун таги билан кесиб юборилса, бир товон тўланади», яна бир ривоятда эса:

«فِي الْأَنْفِ إِذَا أَوْعَبَ مَارْنُهُ جَدَعًا الدِّيَّةُ»

«Агар буруннинг юмшоқ жойи ҳам кесилса, бир товон тўланади», деганлар. Агар буруннинг учигина кесилса, ярим товон тўланади. Негаки Пайғамбар ﷺ:

«وَإِذَا جُدِعَتْ أَرْبَتُهُ فَنَصْفُ الْعَقْلِ»

«Агар буруннинг учи кесилса, ярим товон тўланади», деганлар. Агар бурун ковакларидан бири кесилса, учдан бир товон тўланади. Ўртадаги тўсиқ кесилса ҳам учдан бир товон тўланади. Уриб, ҳаммасини фалаж қилиб қўйса, бир товон, чунки фалаж бўлиш ҳам кесилиш каби ҳаётдан ажралишдир. Буруннинг бир ковагини фалаж қилса, учдан бир товон, ўртадаги тўсиқни фалаж қилса ҳам учдан бир товон, ҳид билиш сезгисини ишдан чиқарса, бир товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْمَشَامِ الدِّيَّةُ»

«Ҳид билиш сезгиси учун бир товон», деганлар. Ҳам бурунни кесиб, ҳам ҳид билиш сезгисини ишдан чиқарса, икки товон тўланади. Чунки ҳид билиш билан бурун бошқа-бошқа нарсалардир. Худди эшитиш билан қулоқ каби улардан бирининг товони иккинчисининг ичига кириб кетмайди.

Икки лаб: Агар икки лаб кесиб ташланса ё фалаж қилинса, бир товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الشَّقَتَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки лаб учун бир товон», деганлар. Агар бу иш булардан биттасига нисбатан қилинса, ярим товон тўланади. Пуфлаш, ҳарфларни ўз махражидан чиқариш, тупукни қайтариш, тишларни ёпиш, оғизни озорли нарсалардан сақлаш каби фаолияти йўқ қилинса, бир товон тўланади. Агар мазкур фаолиятлардан бирортаси йўқ қилинса, товон ҳақининг миқдори унинг ҳажмига қараб бўлади. Пуфлаш фаолияти учун бешдан бир товон, оғизни сақлаш фаолияти учун бешдан бир товон ва ҳоказо.

Тил: Гапирадиган тил ишдан чиқарилса, бир товон тўланади. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي اللِّسَانِ الدِّيَّةُ»

«Тил учун бир товон», деганлар. У катта бўладими, шу вақтгача гапирмаган даражада кичик бўладими, фарқи йўқ. Тилга

нисбатан жиноят содир этилиб, унинг фаолияти ишдан чиқарилса ҳам бир товон тўланади. Тилнинг фаолияти гапириш ва таъм билишдир. Гапириш фаолиятининг ўзи йўқ қилинса ҳам бир товон тўланади, таъм билиш фаолиятининг ўзигина йўқ қилинса ҳам бир товон тўланади. Чунки таъм билиш ҳид билиш каби бир сезгидир. Ҳар икки фаолият бирданига йўқ қилинса ҳам бир товон тўланади. Чунки умуман тил фаолияти учун бир товон белгиланган. Тилнинг бир фаолияти гапириш бўлгани учун унга бир товон, яна бир фаолияти бўлмиш таъм билиш ҳид билиш каби бир сезги бўлгани учун унга ҳам бир товон белгиланган. Тилнинг маълум қисми кесиб ташланса, худди қулоқда бўлганидек, ўша кесилган қисмга тўғри келадиган миқдорда товон тўланади. Шунингдек, фаолиятининг маълум бир қисми ишдан чиқарилса, мутахассисларнинг хулосасига қараб, ўшанга тўғри келадиган миқдорда товон тўланади.

Гапирадиган тил борасида шундай қилинади. Соқов тил учун эса тўла товон тўлаш вожиб эмас. Чунки у бурун ва қулоққа ўхшамайди. Унинг йўқ қилиниши фаолиятига таъсир кўрсатмайди. Балки у қўл ва оёқ каби фалаж қилинсагина фаолиятига таъсир қилади. Шунингдек, соқов тил ҳам фалаж тил, деб эътибор қилинади ва бу нарса унинг фаолиятига (демакки, унинг фойдасига) таъсир қилади. Шунга кўра, соқов тил гапирувчи тилга нисбатан қанчалик кам фойда келтирса, унинг товон ҳақи ҳам шунчалик кам бўлади.

Қовоқлар: Инсондаги қовоқлар тўрттадир. Ҳар бир кўзнинг иккита қовоғи бор. Тўрттала қовоқ учун бир товон тўланади. Пайғамбар ﷺнинг бадандаги аъзолар хусусидаги ҳадислари мажмуидан чиқариб олинган қоидага биноан шундай қилинади. Уларда битталиқ аъзолар учун бир товон, иккиталиқ аъзоларнинг ҳар бири учун ярим товон, ундан кўп қисмлиқ аъзолар учун эса қисмларига қараб товон белгиланган эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, қовоқлар учун бир товон, ҳар бир қовоқ учун эса чорак товон белгиланади. Қовоқ атрофидаги туклар қовоқларга кирмайди, балки улар алоҳида - киприқлар, дейилади. Улар ҳам тўрт қисм бўлиб, ҳаммаси учун бир товон, ҳар бири учун эса чорак товон тўланади.

Икки қош: Икки қош икки кўз каби битта аъзо ҳисобланади. Ҳар иккиси учун бир товон, ҳар биттаси учун ярим товон тўланади. Қошларнинг фаолияти ўзларидан келиб чиқмайди. Улар қулоқ каби аъзолардир. Шунга кўра, ишдан чиқиш фаолияти йўқолса, бир товон тўланади. Қош ишдан чиқмаган

ҳолатда фаолияти йўқолса ҳам бир товон тўланади. Фаолиятлари сақланиб қолган ҳолда ўзлари ишдан чиқса ҳам бир товон тўланади. Хуллас, улар қулоқлар билан баб-баробар аъзолардир.

Тишлар: Тишларнинг ҳаммаси битта аъзодир. Ҳар бир тиш шу аъзонинг бир қисми ҳисобланади. Лекин тишлар учун товон одамда уларнинг нечталигига қараб белгиланмайди. Чунки насс (ҳужжат)нинг ўзи ҳар бир тиш учун олинадиган товонни белгилаб берган. Шунинг учун бу борада насс (ҳужжат)га эргашилади, холос. Ҳар бир тишнинг товони бешта туядир. Негаки, Пайғамбар ﷺ:

«فِي السِّنِّ خَمْسٌ مِنَ الْإِبِلِ»

«**Тиш учун бешта туядир**», деганлар. Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«فِي الْأَسْتَانِ خَمْسٌ خَمْسٌ»

«**Тишлар учун бешта-бештадан**», деганлар. Бунда озиқ тиш бўладими, олдинги тиш бўладими, фарқи йўқ. Ибн Аббос ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«الْأَصَابِعُ سَوَاءٌ، وَالْأَسْتَانُ سَوَاءٌ الثَّانِيَةُ وَالضَّرْسُ سَوَاءٌ هَذِهِ وَهَذِهِ سَوَاءٌ»

«**Бармоқлар ҳаммаси тенгдир. Тишлар ҳам олд тиш бўладими, озиқ тиш бўладими, униси ҳам, буниси ҳам баробардир**», деганлар. Лекин қайта ўсиш-ўсмаслигида фарқ қилади. Бир тиш тушиб, қайта ўсмаса, унинг товони бешта туя, ўрнига бошқаси ўсиб чиқса, товон тўлаш вожиб бўлмайди. Қайта ўсганда калта ёки нуқсонли бўлиб қолса, унинг иши судда кўрилади. Чунки жиноятнинг бунга сабаб бўлганлиги шундоқ кўриниб турибди. Унинг одатдаги тишдан камчилик миқдорини ўлчаш мумкин бўлса, товон миқдори ҳам ўшанча бўлади. Шунингдек, унда ўлчаш мумкин бўлган ёриқ пайдо бўлса ҳам, ўшанчалик товон тўланади.

Туклар: Соч, соқол, мўйлов, қош туклари - буларнинг ҳар бири учун бир товон тўланади. Жиноят туфайли бош кал бўлиб қолса ва қайта соч ўсиб чиқмаса, бир товон тўланади. Шунингдек, соқол, мўйлов, қошларнинг туклари ҳам қайта ўсмайдиган қилинса, бир товон тўланади. Битта қошнинг туклари учун ярим товон тўланади. Бир қисми кетиб, бир қисми қолса ёки бир қисми кал бўлиб, бир қисмидан соч ўсиб чиқса, қулоқлар ва буруннинг юмшоғи масаласи каби қанчалик камайса, ўшанчалик товон тўланади. Бу ишда туклар қалин ё сийрак

бўладими, хунук ё чиройли бўладими, узун ё қисқа бўладими, фарқи йўқ. Чунки бошқа аъзолар учун товон тўлашда ҳам бундай ҳолатлар эътиборга олинмайди. Соқолнинг эгаси соқолини олган ёки олмаган бўлишининг ҳам аҳамияти йўқ. Модомики, тук ўсиб турган ва жиноят туфайли ўсмайдиган бўлиб қолган экан, товон тўланади.

Икки жағ: Икки жағ учун бир товон тўланади. Улардан ҳар бири учун ярим товон. Чунки у инсоннинг иккиталик аъзоси ҳисобланади. Улардан ҳар бири учун ярим товон тўланади. Шунинг учун улардан бирининг бир қисми ишдан чиқса, жағ бутунлай ишдан чиқмайдику, балки синдирилса ишдан чиқади дейиш нотўғридир. Уларга етказилган жароҳатга келсак, унинг баёни жароҳатлар бўлимида келади. Аъзони ишдан чиқариш борасида эса юз бераётган иш синдириш бўляпти. Шунга кўра, агар ҳар икки жағ синдирилса, бир товон тўланади, улардан бири синдирилса, ярим товон тўланади.

Ақл: Ақлнинг кетиши учун ҳам бир товон тўланади. Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الْعَقْلِ الدِّيَّةُ»

«**Ақл учун ҳам бир товон**», деганлар. Ақл гарчи миянинг ўзидагина гавдаланиб қолмай ҳис қилиш, мия ва собиқ маълумотлар йиғиндиси бўлса ҳам, барибир мия билан чекланади. Чунки мия ҳис қилиш марказидир. Ақлнинг ҳар қандай ишдан чиқиши миянинг ишдан чиқишидир. Шунинг учун ҳам ақл миянинг фаолияти ҳисобланади. Мия ишдан чиқиб, ақл кетса, бир товон вожиб бўлади. Мия ўз ўрнида қолиб, ақл кетса ҳам бир товон вожиб бўлаверади. Гарчи унинг аъзоси ҳис қилиш ва собиқ маълумотларни эслаш ва бу икки ишни бир-бирига боғлаш маркази, деган эътибор билан мия бўлса ҳам барибир, диққат марказида мия эмас, ақл туради. Агар ақлнинг бир қисми кетса, масалан, гоҳ-гоҳида жинни бўлиб қоладиган ҳолатга тушса, ақл қанча кетган бўлса, ўшанчалик товон тўланади. Агар у хотирасини йўқотса, нарсалар устидан ҳукм чиқаролмай қолади. Нрсалар устидан ҳукм чиқариши заифлашса, масалан, калтафаҳм бўлиб қолса, ақл қанча озайган бўлса, ўшанчалик товон тўлаш вожиб бўлади. Чунки бутун нарса учун бир бутун товон тўлангач, унинг бир қисми учун бир бўлак товон тўланади.

Юзнинг буриштирилиши: Юз буриштириш юзни бир томонга қийшайтириб юборишдир. Бу сўз арабчада «саър» дейилиб, аслида бир касаллик маъносидадир. Туянинг елкаси шу

касалга чалинса, эгилиб, бужмайиб қолади. Одамга қилинган бир жиноят туфайли бўйни қийшайиб, юзи бир тарафга бурилиб қолса, бир товон тўланади. Зеро, юз агарчи муайян бир аъзо ҳисобланмаса-да, лекин Зайд ибн Собит:

﴿وَفِي الصَّغْرِ الدِّيَةِ﴾

«Юз қийшайтирилгани учун ҳам бир товон тўланади», деган. Саҳобалардан ҳеч ким унга қарши чиқмаган. Шунга кўра, у ижмоъдир. Чунки у мункар ишлардандир. Гарчи бу ҳукм, ҳужжат келмаган бир аъзо учун товон тўлаш тўғрисидаги ҳукм бўлса ҳам, лекин саҳобаларнинг жим туришлари унинг сукутий ижмоълигини кўрсатади. Юзнинг ярмини фалаж қилиб қўйиш ҳам шунга ўхшайди. Агар уриб фалаж қилиб қўса, бир товон тўлайди. Аммо зарба туфайли юз ҳаракатдан тўхтаб қолса, бу иш одил судда кўрилади. Чунки у юз қийшайишига ўхшамайди ва унга кирмайди, қолаверса, бу хусусда ҳужжат ҳам ворид бўлмаган.

Бошдан бошқа аъзолар

Икки қўл: Товон тўланиши керак бўлган қўлдан мурод ўғирлик қилинганда кесиладиган билаккача бўлган қўлдир. Чунки «қўл» сўзининг луғавий маъноси мана шудир. Бу сўздан бошқа маъно ирода қилинадиган бўлса, бир қарина ёки тавсиф керак бўлади. Шунинг учун Оллоҳ Таоло таҳорат хусусида:

﴿وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ﴾

– „... қўлларингизни чиганоқларигача...“, [5:6]
деган. Шу маънонинг ўзинигина ирода қилган пайтда эса:

﴿فَاقْطِعُوا أَيْدِيَهُمَا﴾

– „... қўлларини кесинглар!“, [5:38]
деган. Демак, товон тўланиши керак бўлган икки қўл билаккача бўлган икки қўлдир. Агар билакдан юқорироқ қисмига шикаст етказилса ё синдирилса, бу иш одил судда кўрилади. Яъни қўлнинг соғлом пайтдаги қиймати билан синдирилган ёки шикаст етказилгандан кейинги қиймати ўлчаниб, ўртадаги фарқ тўланади. Агар икки қўл кесилса, фалаж қилинса ёки ишдан чиқарилса, бир товон тўлаш вожиб бўлади.

Икки оёқ: Икки оёқ учун бир товон тўлаш вожиб. Чунки улар инсоннинг иккиталик аъзоларидан бири ҳисобланади. Муоз ибн Жабалнинг ҳадисида:

«فِي الرَّجْلَيْنِ الدِّيَّةُ»

«Икки оёқ учун бир товон тўланади», дейилган. Битта оёқ учун ярим товон тўланади. Оёқлардан мурод тўпиққача бўлган оёқлардир. Чунки бу сўзнинг луғавий маъноси шудир. Иккала оёқ ишдан чиқарилса - бир товон, битта оёқ ишдан чиқарилса - ярим товон тўланади. Оқсоқ оёқ учун ҳам қинғир қўл учун бўлганидек, бир товон тўланади. Чунки оқсоқлик тўпиқдан пастига алоқадор эмас. Қўлдаги қинғирлик ҳам қўл сўзининг маъносига алоқадор эмас. Хуллас, оқсоқлик оёқ учун, қинғирлик қўл учун айб саналмайди. Сон, болдир ёки тизза синдирилса, бу иш одил судда кўрилади. Фақат луғавий маънодаги, яъни тўпиққача бўлган оёқ учунгина товон тўлаш вожиб бўлади.

Бармоқлар: Қўл ва оёқларнинг ҳар бир бармоғи учун ўнта туя товон тўланади. Ибн Аббос ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«دِيَّةُ الْأَصَابِعِ الْيَدَيْنِ وَالرَّجْلَيْنِ عَشْرٌ مِنَ الْإِبِلِ لِكُلِّ أَصْبَعٍ»

«Қўл ва оёқларнинг ҳар бир бармоғи учун ўнта туя товон тўланади», деганлар. Яна ибн Аббос ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ бош бармоқлари билан жимжилоқларини кўрсатиб:

«هَذِهِ وَهَذِهِ سَوَاءٌ»

«Буниси ҳам, буниси ҳам баб-баробар», деганлар. Яна Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي كُلِّ إِصْبَعٍ مِنَ أَصَابِعِ الْيَدَيْنِ وَالرَّجْلَيْنِ عَشْرٌ مِنَ الْإِبِلِ»

«Қўл ва оёқларнинг ҳар бир бармоғи учун ўнта туя товон тўланади», деганлар. Бу ҳадислар ҳар бир бармоқ учун ўнта туя товон тўланишига очиқ далилдир. Қўл ёки оёқда бештадан ортиқча бир бармоқ бўлиб, ўшанга шикаст етказилса, бу иш одил судда кўрилади. Чунки у ҳадиснинг мантуқиғига кирмайди. Агар бармоқ учларига шикаст етказилса, бош бармоқдан бошқасида ҳар бир бармоқ учи учун бармоқ товонининг учдан бири тўланади. Чунки бир бармоқда учта бармоқ учи (бўғини) бор. Бош бармоқ учига шикаст етказилганда бармоқнинг ярим товони тўланади. Чунки унда иккита бармоқ учи (бўғини) бор. Ҳужжатда ҳар бир бармоқ учун ўнта туя белгиланган. Шунга кўра, бармоқнинг маълум бир қисми учун ўзига яраша товон тўланади.

Икки кўкрак: Икки кўкрак учун бир товон тўланади. Чунки улар инсоннинг иккиталик аъзоларидан биридир. Улардан

биттаси учун ярим товон тўланади. Ҳадис ҳужжатлари ва улардан чиқариб олинган маънолар шунга далолат қилади. Бу ишда эркак ёки аёлнинг фарқи йўқ. Чунки кўкраклар аёллар учун қандай аъзо ҳисобланса, эркаклар учун ҳам шундай аъзо ҳисобланади. Лекин аёл кўкрагининг фаолияти сут беришдир. Агар жиноят туфайли кўкрак ўз фаолиятини йўқотиб, сут бермай қўйса, бир товон тўланади. Ўз фаолиятини йўқотгани билан кўкракнинг ўзи сақланиб қолган бўлса-да, фаолият йўқолгани учун бир товон тўланади. Кўкракларни кесиш билан уларни фалаж қилиш баб-баробардир. Чунки кўкракларни фалаж қилишнинг маъноси уларни ўлдириш, деганидир. Диркиллаган кўкракларга шикаст етказилса, одил судда кўриб чиқилади, чунки бунда фаолиятни ишдан чиқариш йўқ. Энди агар кўкракнинг учига шикаст етказилса ва натижада сут қочса, бир товон тўланади. Сут қочмаса, унинг миқдори кўкракка қараб ва товоннинг саккиздан бири билан белгиланади.

Умуртқа: Умуртқа елқадан думғазагача бўлган суякдир. У миядан думғазагача бўлган ариқча ҳам дейилади. У бир неча бўлакчалардан таркиб топади. Фаолияти аъзоларга намликни тарқатиб беришдир. У ишдан чиқса, одам жимоъ қилолмай қолади, қаддини ҳам кўтара олмайди. Унинг фаолиятини йўқ қилиш учун ҳамма бўлакчаларини ишдан чиқариш шарт эмас. Биттасига шикаст етказилса, фаолият йўқ бўлади. Бу ишда эркак ҳам, аёл ҳам баробар. Умуртқа инсоннинг битталиқ аъзоларидан бири ҳисобланади. Бўлакчалари эса аъзолар эмас, унинг қисмларидир. Умуртқага шикаст етса, бир товон тўланади, фаолияти йўқ қилинса ҳам бир товон тўланади. Унинг бир ёки бир неча бўлакчаларига шикаст етказилиши натижасида фаолияти ишдан чиқса, бир товон тўланади. Фаолиятининг маълум бир қисмини ишдан чиқарса, ўшанга яраша товон тўланади. Бўлакчалардан бирига шикаст етказилса-ю, лекин фаолият ишдан чиқмаса, ўша бўлакчага яраша товон тўланади. Жимоъ қилолмай қолиш каби айрим фаолиятлари ишдан чиқиб, айримлари сақланиб қолса, ишдан чиққанлари миқдорича товон тўланади. Хуллас, умуртқанинг ҳукми инсондаги битталиқ аъзонинг ҳукми каbidир. Ҳадисда шунга ҳужжат келган. Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الصُّلْبِ الدِّيَّةُ»

«Умуртқа учун бир товон», деганлар.

Қовурғалар: Кишидаги қовурғалар йиғиндиси битта аъзо ҳисобланади. У олд томондир, умуртқа эса орқа томондир. У инсоннинг битталиқ аъзоларидан биридир. У ҳам бўлакчалардан иборат. Ҳар бир бўлакча алоҳида аъзо эмас, балки ҳаммаси бир бўлиб бир аъзо ҳисобланади. Шунга кўра, ҳаммаси учун бир товон тўланади. Ҳадис шунга далолат қилади. Қовурғалардан ҳар бири учун эса ҳаммасига нисбатан қанча қисми ташкил қилса, ўшанча миқдорда товон тўланади. Агар бир қовурға синдирилиб, кейин тузалиб кетса, бу иш одил судда кўрилади. Синиш натижасида ишдан чиқса, ўзига яраша товон тўланади.

Икки думба: Икки думба учун бир товон тўланади. Чунки улар инсондаги иккиталиқ аъзоларнинг биридир. Ҳар бири учун ярим товон тўланади. Остиларидаги суякларигача олингандагина бир товон тўланади. Аммо маълум бир қисмигина олинса, ўшанга яраша товон тўланади. Чунки қайси бир нарса учун бир товон тўлаш вожиб бўлса, унинг маълум бир қисми учун ўшанга яраша товон тўлаш вожиб бўлади. Агар миқдор билинмаса, ишни одил судда кўриш лозим. Чунки у миқдори аниқланмаган жиноятдир.

Қорин: Қоринга зарба берилиши натижасида ахлатни тутолмайдиган бўлиб қолса, унга бир товон тўланади. Негаки у ҳам бир аъзодир. Қоринни фаолиятдан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Кесилганидан кейин ахлатни тутолмайдиган бўлиб қолади. Модомики, у ҳам инсондаги битталиқ аъзолардан бири экан, у хусусда фикр билдириш ёки ҳукм қилишда асосий эътибор унинг фаолиятига қаратилади.

Қовуқ: Қовуқ ҳам сийдик ушламайдиган бўлиб қолса, унга ҳам бир товон тўланади. Чунки у ҳам инсоннинг битталиқ аъзоларидан биридир. Уни ҳам қорин каби фаолиятдан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Ахлат ҳам, сийдик ҳам бир хил чиқинди-ку, деб бўлмайди. Улар бир хил чиқинди бўлгани билан, аъзо - иккита. Қовуқ ва қорин бир-биридан алоҳида икки аъзодир. Шунинг учун қовуқнинг ўзига бир товон ва қориннинг ўзига бир товон тўланади.

Закар: Закар учун бир товон тўланади. Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الذَّكْرِ الدِّيَّةُ»

«**Закар учун бир товон**», деганлар. Чунки у ҳам инсоннинг битталиқ аъзоларидан биридир. Агар кесилса ё фалаж қилинса ёки жимоъга ярамайдиган бўлиб қолса, бир товон тўланади. Кичик ё катта, чолники ё йигитники, бичилган ё бичилмаган,

заиф (импотент) ё соғлом, жимоъга ярайдиган ё ярамайдиган бўлишининг фарқи йўқ. Унинг фаолияти ҳам ўзида мужассамдир. Ўзига шикаст етказилса, фаолияти ҳам ишдан чиқади. Гоҳида ўзи сақланиб қолгани ҳолда фаолияти ишдан чиқиши ҳам мумкин. Кимки унинг ўзини ҳам, фаолиятини ҳам ишдан чиқарса, бир товон тўлайди. Ўзи сақланиб қолгани ҳолда фаолияти ишдан чиқса, ўша фаолият учун товон тўлаш вожиб бўлади. Зарбадан аввал фаолиятли бўлса, шундай қилинади. Кучдан кетган чол каби зарбадан илгарийёқ фаолиятдан қолган бўлса, яъни жимоъга ва маний туширишга ярамаса, унга товон тўланмайди. Агар жимоъга яраса-ю, маний туширишга ярамаса ёки аксинча, маний туширишга яраса-ю, жимоъга ярамаса, фаолиятнинг қанчаси ишдан чиққан бўлса, ўшанча товон тўланади. Чунки закарнинг фаолияти жимоъ ва маний туширишдир. Унинг қайси бири ишдан чиқса, ўшанисига товон тўланади. Мижози заиф эса соғлом кабидир. Чунки у жувон билан қўшила олади. Бичилган эса маний туширишга ҳам, жимоъга ҳам қодир эмас. Шунинг учун унга зарба берилганда кесилмаса ёки синмасаю, қандайдир зиён етса, иши судда кўрилади, товон тўланмайди. Чунки аъзо ишдан чиққани йўқ. Унда ишдан чиқадиган фаолиятнинг ўзи йўқ.

Икки мояк: Икки мояк учун бир товон тўланади. Пайғамбар ﷺнинг ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الْبَيْضَيْنِ الدِّيَّةُ»

«**Икки мояк учун бир товон**», дейилган. Чунки у инсоннинг иккиталик аъзоларидан биридир. Биттаси учун ярим товон тўланади. Улар кесилиб, фаолияти ишдан чиқса ҳам, ўзлари сақланиб қолгани ҳолда фаолияти ишдан чиқса ҳам бошқа фаолиятли аъзолар каби товон тўланади.

Фаржнинг икки лаби: Улар оғизни лаблар ўраб турганидек, фаржнинг атрофини ўраб тургувчидир. Луғатшунослар бу лабларнинг четларини, қовоқнинг ички четлари каби лаб четлари, дейишади. Луғатшунослар фаржни ўраб турган гўштга лаб, унинг атрофидаги қисмга эса лаб чети, деб сўз белгилаганларига қарамасдан, улар кўз четлари каби белгиланмайдилар. Кўзнинг четлари қовоқлар ва киприклар бўлиб, қовоқлар учун алоҳида, киприклар учун алоҳида товон тўланади. Чунки улар бир-биридан алоҳида икки аъзолардир. Лаб четлари эса алоҳида аъзо эмас, фаржни ўраб турган лабларнинг бир қисми ҳисобланади. Шунга кўра, икки лаб ва икки лаб чети

биргаликда битта аъзо ҳисобланади. Улар учун бир товон тўланади. Чунки улар инсоннинг иккиталик аъзоларидан биридир. Биттаси учун ярим товон тўланади. Жиноят туфайли, масалан, кесилиб ишдан чиқса, товон тўлаш вожиб бўлади. Қалин ё юпқа, узун ё қисқа, қизники ё жувонники, кичик ё катта, хатна қилинган ё қилинмаган, тикилган, боғланган, соғлом бўлиш-бўлмаслигининг фарқи йўқ. Чунки тикилиш ва боғланиш қулоқ каби бошқа аъзолар учун айбдир.

Орқа махраж: Орқа махраж учун бир товон тўланади. Зарба туфайли ишдан чиқса, товон тўлаш вожиб. Чунки ўзи ишдан чиқиши билан фаолияти ҳам ишдан чиқади. Лекин зарбадан кейин ўзи қандай бўлса ўшандай сақланиб қолгани ҳолда тўсилиб қолиш ёки ёрилиб кетиш каби фаолияти ишдан чиқса ҳам, барибир товон тўланади. Негаки у инсоннинг битталики аъзоларидан биридир. Шунга кўра, бошқа аъзолар каби унга ҳам товон тўланади.

Суяклар: Суяклар жисмнинг аъзолари ҳисобланмайди. Мазкур ҳадислар уларга тўғри келмайди. Шунга биноан тирсак суяги бўладими, томоқ билан елка оралиғидаги суяк бўладими, унинг иши одил судда кўрилади. Сон суяги, болдир суяги, юқори билак суяги, қуйи билак суяги, бел суяги ва бошқалар учун товон тўланмайди. Уларнинг иши одил судда кўрилади.

Бош ёриш жазоси

Олимлар бошга нисбатан ёриш сўзини, баданга нисбатан жароҳатлаш сўзини ишлатадилар. Ёришнинг ҳукми жароҳатлашнинг ҳукмидан бошқача бўлади. Ёриш юзда ва бошда юз беради. У бир неча хилдир: **Суяк очилиб қолган жароҳат.** Бунда жароҳат туфайли суяк кўриниб қолади. **Суяк мажақланган жароҳат.** Бунда суяк кўринибгина қолмасдан синдирилади ҳам. **Суяк жилиб кетган жароҳат.** Бунда суяк синдирилибгина қолмасдан, ўрnidан жилдириб ҳам юборилади. Тузатиш учун ўрнига қайтариш керак бўлади. **Мия қобиги шикастланган жароҳат.** Бунда жароҳат мия қобигигача етиб бориб уни жароҳатлайди. Бу ёрилишларнинг товони миқдори ҳужжатларда баён қилинган. Суяк очилиб қолган жароҳат учун бешта туя тўланади. Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الْمَوْضِحَةِ خَمْسٌ مِنَ الْإِبِلِ»

«Суяк очилиб қолган жароҳат учун бешта туя», деганлар. Суяк мажақланган жароҳат учун бешта туя ва одил суд. Чунки

бу ишда суяк очилиб қолган жароҳат ҳам, ундан ортиқроғи ҳам бор. Суяк мажақланган жароҳат учун алоҳида ҳужжат ворид бўлмагани боис суяк очилиб қолган қисми учун товон олинади, ортиқчасига суд қилинади. Суяк жилиб кетган жароҳат учун ўн бешта туя тўланади. Абу Бакр ибн Амр ибн Ҳазм отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«وَفِي الْمُنْقَلَةِ خَمْسَ عَشْرَةَ مِنَ الْإِبِلِ»

«**Суякни) жилдириб юборган жароҳат учун ўн бешта туя**», деганлар. Бош мия қобиғи (пардаси)гача ёргани учун учдан бир товон тўлайди. Пайғамбар ﷺ Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида:

«وَفِي الْمَأْمُومَةِ ثَلَاثُ الدِّيَةِ»

«**Бош мия пардасигача ёрилгани учун учдан бир товон**», деганлар. Бош ва юзнинг ёрилиши хусусидаги ҳужжатлар - мана шулар. Улардан бошқа аъзоларга жароҳат етказиш борасида ҳужжат ворид бўлмагани туфайли уларнинг иши одил судда кўрилади.


Жароҳат жазоси

Баданга етказилган шикаст жароҳат дейилади. Унинг жазоси - қасддан қилинса - қасос, беҳосдан қилинса - товондир. Товоннинг миқдори ҳужжат келган бўлса - ўшанга қараб, келмаган бўлса - одил суд томонидан белгиланади. Фақат қориннинг тешилиши хусусидагина ҳужжат ворид бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Яман аҳлига ёзган мактубларида жумладан:

«وَفِي الْجَائِفَةِ ثَلَاثُ الدِّيَةِ»

«**Қориннинг тешилиши учун учдан бир товон**», деганлар. «Жоифа» сўзи қориннинг ичигача етган жароҳатдир. Луғатда қориннинг ичигача етказиб ёки уни тешиб санчиш жоифа дейилади. Шаръий нусусларни тафсир қилишда (тушунишда) Китоб ва суннатда шаръий маъно келмаган бўлса, луғавий маъногагина мурожаат қилинади. Жоифа сўзининг ҳам шаръий маъноси ворид бўлмаган. Шунга кўра, у луғавий маънодагина қўлланади. Демак, «жоифа» луғат бўйича қориннинг ичидир. Бир игна санчиш билан бўлса ҳам қориннинг ичигача киритилган жароҳат жоифа бўлади. Орқага, кўксига, томоқ тешигига, сонга санчиш билан етказилган жароҳатлар жоифа ҳисобланмайди. Жоифанинг ҳукми уларга татбиқ этилмайди. Чунки жоифа

қориннинг ичига етказилган жароҳатдан бошқа нарса эмас. Қориннинг ичига икки жароҳат етказилса, учдан икки товон тўланади.

Қўшилиш билан вояга етмаган қизнинг қизлигини олиш ҳам жоифа кабидир. Кимки вояга етмаган хотини билан қўшилиб, унинг қизлигини олса, учдан бир товон тўлаши вожиб бўлади. Умар ибн Хаттоб нинг шу иш учун учдан бир товон тўлашга ҳукм қилганлари ривоят қилинган. Саҳобалардан ҳеч ким унга қарши чиқмаган. Шунга кўра, у ижмоъдир. Агар вояга етмаган қиз билан зино қилиб, унинг қизлигини олса, учдан бир товон ва ўшанча маҳр тўлаш вожиб бўлади. Чунки у мумкин бўлмаган, рухсат этилмаган қўшилишни содир этди. Шундай бўлгач, бошқа жиноятлар каби талафот етказгани учун уни тўлаб бериши вожиб бўлади.

Жондан бошқа аъзоларнинг шариат ҳужжатларида миқдори ворид бўлган товонлари мана шулардир. Бу миқдорлар аъзолар, бош ёриш ва айрим жароҳатлар учун белгиланган. Айрим аъзоларга товон белгилангани ҳужжатларда ворид бўлган бўлса, айримларига ворид бўлмаган. Ҳужжатлар аъзолар хусусида эканлигидан келиб чиқиб, уларни чуқур ўрганган одам инсондаги тил каби битталиқ аъзо учун бир товон, икки қўл каби иккиталиқ аъзолардан бири учун ярим товон, қўл ва оёқларнинг ҳар бир бармоғи учун ўндан бир товон тўлаш лозимлигини билиб олади. Миқдорини белгилловчи ҳужжат ворид бўлмаган аъзоларнинг товонини шундан чиқариб олади. Шунга кўра, ҳамма аъзоларнинг товони хусусида далил ворид бўлган, дейишимиз мумкин.

Бош ёрилишининг айрим қисмлари борасида товон миқдорини белгилловчи ҳужжатлар ворид бўлган бўлса, айримлари борасида ворид бўлмаган. Шариат ҳамма бош ёришларни бир хил кўрмаган. Уларни турларга ажратиб, ҳар бир турга ном берган ёки уни баён қилган. Шунга биноан бу ҳужжатлар ҳар бир жароҳат етказишга тўғри келавермайди. Ҳужжатда баён қилинган товонлар бош миянинг пардасигача ёриш, қоринни тешиш каби ишларгагина хосдир. Ҳужжатда айтилмаган иш ҳужжатда айтилган ишлар қаторига кирмайди. Чунки ҳужжатда айтилганлари айтилмаганларга алоқадор эмас. Ҳужжатда айтилмаганлари айтилганларига қиёс ҳам қилинмайди. Негаки қиёс қилиш важи ҳам йўқ. Шунга кўра, уларнинг иши фақат одил судда кўрилади, холос. Ҳужжатда айтилганлардан бошқа - бош ёришлар қоринни тешиш ва қўшилиш орқали вояга етмаган

қизнинг қизлигини олиш (буларнинг ҳар бири учун учдан бир товон тўланади)дан бошқа жароҳатлар хусусида одил суд ҳукм қилади.

Судда жабрланувчи гўё бир қул, деб фараз қилинади-да, унинг жабрланмаган ҳолатидаги нархи билан жабрланиб тузалгандан кейинги нархи таққосланади. Жиноятдан қанча асар қолган бўлса, ўшанча товон тўланади. Ибн Мунзир айтади: «Аҳли илмлардан ўрганганимизга қараганда, уларнинг суд деган гаплари қуйидагича маънодадир: Инсонга муайян товон белгиланмаган жароҳат етказилса, бу одам агар қул бўлганда унинг жароҳат олмасидан олдинги нархи қанча бўлади, дейилади. Юз динор бўлади, деб жавоб берилса, жароҳат олиб тузалганидан кейинги нархи қанча бўлади, дейилади. Тўқсон беш динор дейилса, жиноятчи йигирмадан бир товон тўлайди. Агар тўқсон динор, дейилса, ўндан бир товон тўлайди. Бундан кўп ё оз бўлиши ҳам шунга қараб ўлчанади. Бундай қилинишига сабаб бир бутун қул бир товонга тенглаштириляпти. Унинг қисмларига шунга қараб миқдор белгиланяпти». Жароҳат тузалганидан кейингина нарх белгиланади. Чунки тузалмай туриб, ўртадаги тафовутни билиб бўлмайди. Тузалганидан кейин жиноят туфайли унинг нархи ўзгармаган бўлса, жиноятчи ҳеч нарса тўламайди. Чунки суд жиноят келтирган зараргагина нарх белгилайди.

УЧИНЧИ БОБ

ТАЪЗИР

Таъзир сўзининг луғавий маъноси «қайтариш»дир. Истилоҳий маъноси «одоб бериш» ва «ибрат учун жазолаш»дир. Шаръий таърифи эса ҳад ҳам, каффорат ҳам белгиланмаган жиноятнинг қонуний жазосидир. Уни белгилаш шариат ҳужжатларидан чиқариб олинади. Пайғамбар ﷺ таъзир берганлар ва шу ишга буюрганлар. Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَبَسَ فِي تَهْمَةٍ»

«Пайғамбар ﷺ айбланувчини ҳибсга олганлар». Ҳасан رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ قَوْمًا افْتَتَلُوا فُقُتِلَ بَيْنَهُمْ قَتِيلٌ، فَبَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَحَبَسَهُمْ»

«Бир қавм урушиб кетди. Уларнинг орасида бир киши ўлдирилди. Шунда Пайғамбар ﷺ одам юбориб, уларни ҳибсга олдилар». Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ عَنِ الثَّمْرِ الْمُعْلَقِ؟ فَقَالَ: مَنْ أَصَابَ بَفِيهِ مِنْ ذِي حَاجَةٍ غَيْرَ مُتَّخِذِ حُبْنَةٍ فَلَا شَيْءَ عَلَيْهِ، وَمَنْ حَرَجَ بِشَيْءٍ مِنْهُ فَعَلَيْهِ غَرَامَةٌ مِثْلِيهِ وَالْعُقُوبَةُ، وَمَنْ سَرَقَ مِنْهُ شَيْئًا بَعْدَ أَنْ يُؤْوِيَهُ الْجَرِينُ فَبَلِغَ ثَمَنَ الْمَجَنِّ فَعَلَيْهِ الْقَطْعُ، وَمَنْ سَرَقَ دُونَ ذَلِكَ فَعَلَيْهِ غَرَامَةٌ مِثْلِيهِ وَالْعُقُوبَةُ»

«Пайғамбар ﷺдан (дарахтда) осилиб турган мевалар хусусида сўралганида: «Ким муҳтож бўлиб оғзи билан эса, қўйнига солиб олмаса, ҳечқиси йўқ. Ким нимадир олиб чиқса, ўшанчалик товон тўлайди ва жазоланади. Хирмонга тўпланганидан кейин ўғирлик қилса, ўғирлаганининг баҳоси қалқон баҳосига етса, қўли кесилади. Хирмонга келтирилмай туриб ўғирлик қилган эса ўғирлаганичалик товон тўлайди ва жазоланади», дедилар». Ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺнинг:

«حَبَسَ رَجُلًا فِي تَهْمَةٍ سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ، ثُمَّ خَلَّى سَبِيلَهُ، وَأَنَّهُ حَكَمَ بِالضَّرْبِ
وَبِالسَّجْنِ»

«Айбланувчини кундузи бир соат ҳибсга олиб, кейин қўйиб юборганлар. Ваҳоланки Пайгамбаримизнинг уришга ва қамашга ҳукм қилганлар»и ҳам ривоят қилинган. Ривоят қилинишича, Умар رضي الله عنه байтул мол ҳужжатларини сохталаштириб, байтулмолнинг муҳрига ўхшаган муҳр ясаб босган одамни дарра уришга ҳукм қилган. Уни байтулмолнинг аминига топшириб, ундан мол ҳам ундирган. Шунга биноан, таъзир суннат билан собитдир. Саҳобалар ҳам шу йўлдан борганлар.

Таъзир Шорёъ (Қонун Чиқарувчи) тарафидан миқдори белгиланмаган шаръий жазодир. Қайси жиноятга Шорёъ бир жазо тайинлаб қўйган бўлса, ўшанга амал қилинади. Қайси бир жиноятга жазо тайинлашни ҳокимнинг ихтиёрига ташлаб қўйган бўлса, унга ҳоким жазо тайинлайди. Шу тайинланган жазо таъзир дейилади.

Жиноятларни, яъни шариат хунук санаган ишлар-гуноҳларни ва Шорёъ томонидан белгиланган жазоларни чуқур ўрганган одам англайдик, қасддан қилинган қотилликдан бошқа баданга қилинган тажовузлар учун Шорёъ молиявий жазолар тайинлаган. Қасддан қилинган қотилликда эса ўлдирилганнинг эгаси кечирмаса, қотилнинг жазоси ўлимдир. Бошқа жиноятлар учун эса молиявий жазо белгиланган. Тиш ва жароҳатлар бундан мустасно. Демак, қотилликнинг бошқа турлари: аъзоларга шикаст етказиш, бош ёриш ва тишдан бошқа суякларга талафот етказишнинг жазоси молиявий жазодир. Жароҳатларда баданий жазолар ҳам, молиявий жазолар ҳам бор. Шариат молиявий жазоларга муайян миқдор белгилаб қўйган. Қайсинисига муайян миқдор белгиланмаган бўлса, унинг иши судда кўрилади. Шунга кўра, таъзир баданга тажовуз қилишга кирмайди. Баданга кесиб ташлаш, синдириш, ярадор қилиш, талафот етказиш, тирнашлардан бошқа тажовуз қилинса, таъзир жазоси қўлланади, деб ҳам бўлмайди. Чунки баданга тажовуз қилишнинг ҳукмларини шариат баён қилган. Бу нарсаларнинг ҳукмларини эса баён этмади. Демак, уларга таъзир жазоси қўлланмайди. Фақат агар баданни ишдан чиқарсагина ёки унга хорлик етказсагина таъзир жазоси қўлланади.

Гуноҳлар, яъни фарзни қилмаслик, ҳаромни қилишга эса Шорёъ тарафидан муайян жазолар белгиланган. Ўғирлик,

қароқчилик, муртадликларнинг жазолари шулар жумласидандир. Булар ҳадлар дейилади. Ҳадлар фақат олти иш учунгина белгиланган. Қолган жиноятлар учун эса муайян жазолар белгиланмаган. Мана шу жазоси белгиланмаган жиноятларнинг жазоси таъзирдир. Демак, таъзир ҳадлар тоифасидан бўлиб, уларнинг муайян жазоси белгиланмаган қисмига алоқадордир. Шунинг учун таъзир баданга тажовуз қилишга нисбатан қўлланмайди.

Таъзир жазосини белгилаш жиноятнинг миқдорига қараб бўлади. Жиноят катта бўлса, жазо ҳам катта бўлади. Чунки жазолашдан мақсад жиноятдан тийишдир. Кичик жиноят учун кичик жазо белгиланади. Токи гуноҳқорга нисбатан зулм бўлиб қолмасин. Энди бир савол туғилади: Таъзир жазосини хоҳлаганича белгилаш ваколат эгасига, яъни халифа ёки қозига қўйиб бериладими ёки унинг ўтиб бўлмайдиган муайян чегараси борми? Айрим фақиҳлар таъзир жазоси ҳад жазосидан ошиб кетмаслиги керак, дейишади. Бунга Абу Бурдадан ривоят қилинган Пайғамбар ﷺнинг:

«وَمَنْ بَلَغَ حَدًّا فِي غَيْرِ حَدٍّ فَهُوَ مِنَ الْمُعْتَدِينَ»

«Кимки ҳад (жазо) белгиланмаган жиноят учун ҳад белгилаш даражасига етса, у ҳаддан ошувчилардандир», деган сўзларини далил қилиб келтиришади. Яна айримлар жазо гуноҳ ва жиноят миқдорига қараб бўлади, шариатда ҳадлари белгиланиб келган гуноҳлар энг катта гуноҳлардир, шунга кўра, кичик гуноҳ учун катта жазо тайинлашгача бориш жоиз эмас, дейишади. Молик: «Агар имом (халифа) лозим топса, таъзир жазоси ҳад жазосидан ортиқроқ бўлиши ҳам мумкин», дейди. Ривоятга кўра, Муан ибн Зоид байтулмол узугининг нақшига ўхшатиб узук ясаб, байтулмол мудирининг олдига келиб, ундан мол олибди. Бу хабарни эшитган Умар ﷺ уни юз дарра урибди ва қамабди. Гап-сўз қилган экан, яна юз дарра урибди. Шундан кейин яна гап-сўз қилган экан, яна юз дарра уриб, сургун қилиб юборибди. Аҳмад ривоят қилишича, Алий ﷺнинг олдига рамазонда ароқ ичган нажошийни олиб келишганида, ароқ ичгани учун саксон дарра, рўза тутмагани учун йигирма қамчи урибди. Аксар фақиҳлар таъзир жазосининг ҳад жазосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас, дейишади.

Лекин чуқур назар ташланадиган бўлса, шариатнинг таъзир жазосини белгилашни халифа, амир ёки қозига батамом қўйиб бергани аён бўлади. Улар шахснинг ҳолати, жиноятнинг воқеи ва

диёрдаги вазияти тақозосига қараб иш кўрадилар. Демак, бу иш уларнинг ижтиҳодига қўйиб берилгандир. Ижтиҳодни юқори ёки қуйи чегара билан чеклаш эса таъзирга ҳам, уларнинг ижтиҳодига қўйиб бериш, деган гапга ҳам қарама-қаршидир. Бундан ташқари, ҳад белгиланмаган айрим жиноятлар ҳад белгиланган жиноятлардан ҳам мудҳишроқ бўлади. Масалан, наша ва қора дорига муккасидан кетиш ароқ ичишдан ҳам бадтарроқдир. Байтулмолдан катта миқдордаги маблағларни ўғирлаш оддий одамдан чорак динорли нарсани ўғирлашдан кўра қабиҳроқдир. Қолаверса, шундай жиноятлар борки, улар уммат бирлигининг парчаланишига олиб келади. Миллатчилик ёки маҳаллийчиликка даъват этиш шулар жумласидандир. Шунга биноан ҳақ гап шуки, таъзир жазоси юқори ёки қуйи чегара билан чегараланмайди. У халифанинг, амирнинг ёки қозининг ижтиҳодига қараб белгиланади.

«وَمَنْ بَلَغَ حَدًّا فِي غَيْرِ حَدِّ فَهُوَ مِنَ الْمُعْتَدِينَ»

«Кимки ҳад белгиланмаган жиноят учун ҳад белгилаш даражасига етса, ҳаддан ошувчилардандир», ҳадиси эса шариат белгилаган миқдордан ортиши мумкин бўлмаган жазо тури хусусидадир. Бошқа турдаги жазонинг ортиб кетишидан бу ҳадис қайтармайди. Масалан, кимки ўпгани учун жазо тайинлашда зино ҳадигача етиб борса, яъни юз дарра урса, у ҳаддан ошувчилардандир. Лекин тўқсон дарра уриб, уч йил қамаб, бир йилга сургун қилса, бу ортиқчалик ҳад ҳисобланмагани учун мазкур ҳадис ундан қайтармайди. Масалан, бир киши онасими, қизими, сингисими ёки бирон бир маҳрамига нисбатан хотини билан қиладиган ўпиш, ўйнашиш, сонини сонига тегизиш каби ишларни қилсаю, фақатгина жимоъ қилмаса, шундай кишига жазо белгилашда қози зино ҳади даражасигача етиб бормайдими?! Ёки зино ҳадидан кўра озроқ дарра урса ҳам қамаш, сургун қилиш, жарима солиш каби бошқа жазоларни ҳам қўлламайдими?! Бир одам қора дорига муккасидан кетса, бир неча марта жазоланиб ҳам тийилмаса, шундай одамга жазо белгилашда қози ароқхўрнинг ҳадигача етиб бормайдими?! Ёки ароқхўрнинг ҳадидан озроқ дарра урса ҳам унга нисбатан ўтда кўйдириш, қамаш ва сургун қилиш каби бошқа жазоларни ҳам қўлламайдими?!

Мазкур ҳадис ҳад белгиланмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳадгача етиб боришдан қайтаради. Ҳаднинг ўзи эса муайян жиноятнинг муайян жазосидир. Мана шу муайян

жазодан ўтиб кетмаслик керак. Бошқа жазони қўллашдан эса ҳадис қайтараётгани йўқ. Шунга кўра, бу иш қозининг ижтиҳодига ҳавола қилинади.

Шундай қилиб, бу ҳадисдан шу нарса тушуниладики, у тайин қилинган жазодан ортиб кетишдан қайтаради ва унинг бу қайтариши бошқа жазоларни қўлламасликни ўз ичига олмайди. Шавкониё айтиди: «Кейинги олимлардан бири бу ҳадисни, волийлардан бошқалар тарафидан содир бўлган одоб бериш маъносида, дейди. Масалан, хожанинг ўз қулини, эрнинг ўз хотинини, отанинг ўз боласини уришлари каби». Лекин ҳадисдаги **«кимки»** сўзи умумий маънода бўлиб, уни волийдан бошқасига хослайдиган ҳужжат ворид бўлмаган. Ҳадиснинг шарҳи шуки, кимки ҳад белгиланмаган жиноят учун жазо белгилашда ҳад жазосигача етиб борса, у ҳаддан ошувчидир. Аммо бир неча жазоларни қўлласа-ю, ҳад жазосигача етиб бормаса, у ҳаддан ошувчилардан бўлмайди.

Таъзир жазосини белгилаш аслида халифанинг ҳуқуқидир. Бу ишни қозининг ижтиҳодига ҳавола қилишга ҳам, қозини ундан қайтариб, унинг учун ўзи белгилаб беришга ҳам халифанинг ҳаққи бор. Чунки қози халифанинг ноибидир. Қозилик замон, макон ва ҳодисага хос бўлган ишдир. Шунга кўра, халифа қозини айрим масалаларгагина хослаб, таъзир жазосини белгилашдан бутунлай ман этиши ҳам, баъзи масалаларда рухсат бериб, баъзи масалаларда изн бермаслиги ҳам мумкин. Қандай бўлмасин, таъзир жазоси белгиланаётганда шаръий ҳукмлардан нарига ўтолмайди. Негаки ҳар қандай иш фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром ёки макруҳлардан бири бўлмай иложи йўқ. Мубоҳда мукаллаф қилиш-қилмасликда ихтиёрлидир. Шунга биноан, уни қилган одам Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларига итоат қилмаган бўлмайди. Аксинча, шариат танлаш ҳуқуқини берган ишлардан бирини танлашда Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларига итоат этган ҳисобланаверади. Макруҳ ва мандуб учун, яъни макруҳни қилган ва мандубни қилмаган одам учун Оллоҳ Таоло жазо тайинламаган. Шундай бўлгач, давлатнинг ҳам уларга жазо тайинлаши дуруст эмас. Чунки жазо тайинлаш мандубни қилишга, макруҳдан эса тийилишга мажбурлашдир. Бунинг маъноси мандубни фарзга, макруҳни ҳаромга айлантириш демакдир. Бундай қилишга давлатнинг ҳаққи йўқ. Шунга кўра, у мандубнинг қилинмагани, макруҳнинг эса қилингани учун таъзир жазосини белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Демак, мубоҳ, мандуб ва макруҳлар учун жазо тайинланмайди.

Жазо фарзнинг қилинмагани ва ҳаромнинг қилингани учунгина тайинланади. Чунки Оллоҳ Таоло бу икки иш учун жазо тайинлаган. Масалан, намоз ўқимаслик, рўза тутмаслик, закот бермаслик, одамлар ҳаққини адо қилмаслик каби ишлар фарзни тарк этишдир. Бу ишлар учун Оллоҳ Таоло азобдан огоҳлантиради. Бировга туҳмат қилиш, бойликни хазина қилиб олиш, бировникини ўзлаштириш, жосуслик каби ишлар ҳаромга қўл уришдир. Уларни қилган одамни Оллоҳ Таоло азобдан огоҳлантиради. Шундай бўлгач, ҳоким улар учун таъзир жазоси белгиласа, ҳеч гап йўқ. Чунки фарзни тарк этиш ҳам, ҳаромни қилиш ҳам гуноҳ ҳисобланиб, унинг жазосини бериш вожибдир. Мана шулардан кўриниб турибдики, халифа маълум бир таъзир жазосини белгилаётганида Оллоҳ белгиланган жазо билангина чекланиши лозим. Ундан нарига ўтиши дуруст эмас. Демак, фақат фарзни тарк этиш ва ҳаромни қилишгагина таъзир жазоси белгиланади. Бу доирадан ўтиб кетиш мутлақо жоиз бўлмайди. Аммо саҳобаларнинг айрим мандубларнинг қилинмагани ва айрим макруҳларнинг қилингани учун жазолаганларига келсак, бу нарса далил бўлолмайди. ижмоъ бўлганида далил бўларди, лекин бу хусусда ижмоъ ривоят қилинмаган.

Макруҳнинг қилингани ва мандуб ё мубоҳнинг тарк этилгани учун таъзир жазосини белгилаш мумкин бўлмаганидек, ишларни бошқарув ёки манфаат деган ҳужжат билан ҳам жазо белгилаш мумкин эмас. Зеро, бошқарув шаҳарларни режа асосида қуриш, бюджетни тартибга солиш каби имом (халифа)нинг тадбири ва ижтиҳодига ҳавола қилинган ишлардир. Бундан бошқа ишларга унинг ҳаққи йўқ. Манфаат эса шаръий далил эмас. Шундай экан, унга асосланиб жазо белгиланмайди.

ТАЪЗИРГА ОИД ЖАЗО ТУРЛАРИ

Таъзир жазосини белгилаш ҳокимнинг ҳуқуқидир. Лекин бу у хоҳлаганича жазолайверади, дегани эмас. Шариатда қўллаш мумкин бўлмаган жазо турлари ҳам бор. Бундан ташқари, Қуръон ва Суннат муайян жазо турларини баён қилиб, уларни қўллашга буюрган. Ҳоким таъзир учун бир жазо танлашда ўша жазо турларидан ўтиб кетмаслиги керак. Чунки Шорейнинг муайян жазо турларини белгилаши таъзир учун жазо танлашда ўшалардан бирини олиш лозимлигини кўрсатади.

Шариат аниқ қайтарган жазо тури **ўтда ёқишдир**. Уни қўллаш мумкин эмас. Бухорий Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда:

«وَأِنَّ النَّارَ لَا يُعَذَّبُ بِهَا إِلَّا اللَّهُ»

«**Ўт билан фақат Оллоҳгина азоблайди**», дейилган. Икрима ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا تُعَذَّبُوا بِعَذَابِ اللَّهِ»

«**Оллоҳнинг азоби билан азобламанглар**», деганлар, яъни ўтда ёқманглар, деганлар. Ибн Масъуд ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«وَأَنَّهُ لَا يَبْغَى أَنْ يُعَذَّبَ بِالنَّارِ إِلَّا رَبُّ النَّارِ»

«**Ўт билан фақат шу ўтнинг Парвардигоригина азоблашга лойиқдир**», деганлар. Ўтда ёқиб жазолашнинг ҳаромлигига мана шулар очиқ далилдир. Ўтга ўхшаб куйдириш хусусиятига эга бўлган электрошок каби ишлар ҳам шулар жумласидандир. Лекин урайналиклар ҳақидаги ҳадисда:

«فَأَمَرَ بِمَسَامِيرَ فَأُحْمِيَتْ فَكَحَلَهُمْ»

«**Пайғамбар ﷺ михларни қиздириб, уларнинг кўзига босишни буюрганлар**», деган ривоятга келсак, бунинг маъноси ўт билан тамға қўйиш бўлиб, бундан қайтарувчи ҳужжат ворид бўлмаган. Пайғамбар ﷺнинг шу жазони қўллашлари унинг жоизлигига далилдир. Қайтарилган иш эса ўтда ёқиш, холос. Шорей белгилаб берган жазо турлари қуйидагилардир:

1. Ўлим жазоси. Халифа таъзир борасида ўлим жазосигача бўлган жазони қўллаши мумкин. Аслида ўлим никоҳда бўлган зинокорнинг ва баччавознинг ҳадидир. Ҳадис эса ҳад белгиланмаган жиноят учун жазо белгилашда ҳад жазосигача

боришдан қайтарган. Бироқ ўлим дарралаш каби камайиши мумкин бўлган ҳад эмас. Шунинг учун:

«وَمَنْ بَلَغَ حَدًّا فِي غَيْرِ حَدٍّ»

«Кимки ҳад белгиланмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳад жазосигача борса...» ҳадиси бунга тушмайди. Бу ҳадисдан мақсад дарралаш ҳадидир. Чунки фақат ундагина ҳадга етиб бориш ва етиб бормасликни тасаввур қилиб бўлади. Ўлимда, шунингдек, қўл ва оёқларни кесишда эса уни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, таъзир жазоси ўта қаттиқ, ҳатто ўлимга олиб борувчи жазо бўлиши мумкин. Бунинг далили урайналиклар ҳақидаги ҳадисдир. Бу ҳадис - гарчи қароқчилар ҳади хусусидаги далил сифатида келтирилган бўлса-да, аслида унинг воқеи қароқчиликкина эмас, балки хиёнат, қотиллик ва муртадлиқ ҳамдир. Қатода Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади:

«أَنَّ نَاسًا مِنْ عُكْلٍ وَ غُرَيْبَةَ قَدِمُوا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَ تَكَلَّمُوا بِالْإِسْلَامِ فَاسْتَوْحَمُوا الْمَدِينَةَ فَأَمَرَ لَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذُودٍ وَرَاعٍ وَأَمَرَهُمْ أَنْ يَخْرُجُوا فَلْيَشْرَبُوا مِنْ آبِهَا وَ أَلْبَانِهَا، فَانْطَلَقُوا حَتَّى إِذَا كَانُوا بِنَاحِيَةِ الْحَرَّةِ كَفَرُوا بَعْدَ إِسْلَامِهِمْ، وَتَلَّوْا رَاعِي النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاسْتَأْفَوْا الذُّودَ، فَبَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَبَعَثَ الطَّلَبَ فِي أَثَرِهِمْ، فَأَمَرَ بِمَسَامِيرَ فَأَحْمَيْتَ فَكَحَلَهُمْ، وَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَارْجُلَهُمْ ثُمَّ أُلْقُوا فِي الْحَرَّةِ، يَسْتَسْقُونَ وَ مَا سُقُوا حَتَّى مَاتُوا»

«Укл ва урайналик бир неча кишилар Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, мусулмон бўлганларини айтишди. Мадинани соғлиқларига зиён келтирувчи, деб топганлари учун Пайғамбар ﷺ уларга бир туя подаси ва подачини бериб, шаҳардан ташқарига чиқиб, уларнинг сийдиклари ва сутларидан ичишга бужордилар. Улар кетишди. Ҳарра ноҳиясига етишгач, мусулмонликдан тониб, Пайғамбар ﷺнинг подачиларини ўлдириб, подани ҳайдаб кетишди. Бу хабарни эшитган Пайғамбар ﷺ изларидан одам юбориб (тутдириб келдилар). Кейин уларнинг кўзларига мих қиздириб босилди, қўл-оёқларини кесишни бужордилар. Кейин улар жазирама иссиққа ташлаб қўйилди, улар сув

сўрашар эди, лекин уларга ҳатто ўлгунларигача ҳам сув берилмади». Урайналиклар ҳодисасининг воқеи - мана шу. У гарчи хиёнат, қотиллик ва муртадлик бўлиб кўринса-да, аслида бу уч қабихлик бирлашиб, тинчликка рахна солиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар ﷺ уларни хиёнат, қотиллик, муртадлик жазолари билан эмас, ҳаммага ибрат бўладиган бир жазо билан жазоладилар. Чунки уларни ўлдирмадилар, балки то ўлгунларича Ҳаррада ташлаб қўйдилар. Ташлаб қўйишдан аввал эса кўзларига тамға босдилар, қўлларини кесдилар. Бу нарса тинчликка рахна солишнинг нақадар қабихлигини кўрсатади. Имомнинг таъзир жазосини белгилашда ўлим жазосигача бориши мумкинлиги мана шундан чиқариб олинади.

Жазодан мақсад жиноятдан қайтаришдир. Оллоҳ Таоло:

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор,...“;

[2:179]

дейди. Демак, қасос олишдан мақсад ҳаётдир. Мусулмон нусус-ҳужжатларда белгиланган жазоларни ошириб юбормаслиги керак. Чунки Оллоҳ Таоло шу жазолар жиноятдан қайтара олишини яхши билади. Белганлиги учун шу жазоларга буюрган. Шорей жазосини белгиламаган, уни белгилашни имомнинг ҳукмига ҳавола қилган жиноятлар учун эса жазони имом тайинлайди. Тайинлаган жазоси жиноятдан қайтаришга кифоя қилмаса, ундан кўра қаттиқроқ жазо тайинлайди. Шорей тарафидан жазоси белгиланмаган шундай жиноятлар борки, улардан қайтариш учун фақат ўлим жазоси тайинлаш лозим бўлади. Шундай пайтда имомнинг ўлим жазоси тайинлашга ҳаққи бўлади. Масалан, шариатда икки халифага байъат берилса, кейингисини ўлдиришлар, деган ҳужжат бор. Лекин халифага байъат берилгандан кейин одамларни йиғиб, уларни иккинчи халифага байъат беришга ундаган одам учун ҳеч қандай жазо белгиланмаган. Унга халифа сифатида ҳеч ким байъат бергани йўқ, шунга кўра ҳадисга тушмайди. Лекин унинг жинояти байъат берилган одамниқидан ҳам қабихроқ бўлиши мумкин. Шунга биноан, халифа уни ўлим жазосига ҳукм қилиши дуруст. Яна бир мисол: Кимдир арабми, туркми, форсми, барбарми, ишқилиб миллатчиликка чақириб, атрофига одам тўплади. Бу иш учун ҳам Шорей тарафидан муайян жазо белгиланмаган. Миллатчиликка чақирининг эса Ислом давлатининг парчаланиши ва мусулмонларнинг бўлиниб кетишига олиб бориши маълумдир. Шунга кўра, халифа бундай

жиноятни содир этган одамни ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин. Шунингдек, бирон иқлимни Ислом давлатидан ажратиб олишга даъват қилган кимса, гарчи Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ أَتَاكُمْ وَأَمْرُكُمْ جَمِيعٌ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ يُرِيدُ أَنْ يَشُقَّ عَصَاكُمْ، أَوْ يُفَرِّقَ جَمَاعَتَكُمْ فَأَقْتُلُوهُ»

«Бирлашиб турган пайтингизда биров келиб, сизларни уруштирмоқчи ёки жамоатингизни тарқатиб юбормоқчи бўлса, уни улдириглар» деган ҳадисига тўғри келса-да, бу ҳадис ҳадга оид эмасдир. У таъзир бобидандир. Унга ўлим ёки бошқа жазони бериш халифага ҳавола қилинган. Бу нарса ҳам халифанинг ўлим жазосини тайинлашга ҳаққи борлигини кўрсатади. Шунга биноан демак, халифа таъзир бериш борасида ўлимга ҳукм қилишгача бориши мумкин.

2. Дарралаш: Дарралаш хипчин (хивич) ва унга ўхшаш нарсалар билан уришдир. Оллоҳ Таоло уриш билан жазолаш хусусида:

﴿وَاللَّاتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَاهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَاصْرَبُوهُنَّ﴾

– „Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарқ қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар“, [4:34]

дейди, дарралаш билан жазолаш хусусида эса:

﴿الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар“, [24:2]

дейди. Хипчин ва бошқа нарсалар билан дарралаш хусусида ҳадислар бор. Зайд ибн Аслам ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا اعْتَرَفَ عَلَى نَفْسِهِ بِالزَّانَا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاتِي بِسَوْطِ مَكْسُورٍ، فَقَالَ:

فَوْقَ هَذَا، فَاتِي بِسَوْطٍ جَدِيدٍ لَمْ تُقَطَّعْ ثَمَرَتُهُ فَقَالَ: بَيْنَ هَذَيْنِ فَاتِي بِسَوْطٍ قَدْ

لَانَ وَرُكِبَ بِهِ فَأَمَرَ بِهِ فَجُلِدَ»

«Пайгамбар ﷺнинг замонларида бир киши ўзининг зино қилганлигига иқрор бўлди. Пайгамбар ﷺ (хипчин олиб келишга) буюрдилар. (Новдалари) синган хипчин олиб келишган эди, бундан каттароғи бўлсин, дедилар. Мевалари, (яъни новдалари) кесилмаган янги хипчин олиб келишган эди, шу иккисига нисбатан уртачаси бўлсин, дедилар. Шунда ишлатилиб, яъни уришиб мулойимлашиб қолган хипчин олиб келишди. Уша билан уришга буюрдилар». Бу ҳадис хипчин билан жазолашга далилдир. Аҳмад Абу Умома ибн Саҳлдан, у эса Саид ибн Саъд ибн Убодадан ривоят қилади:

«كَانَ بَيْنَ آيَاتِنَا رُوَيْجُلٌ ضَعِيفٌ مُخَدَّجٌ فَلَمْ يَرِعِ الْحَيُّ إِلَّا وَهُوَ عَلَى أَمَةٍ مِنْ إِمَائِهِمْ يَخْبُثُ بِهَا، فَذَكَرَ ذَلِكَ سَعْدُ ابْنِ عَبَادَةَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ ذَلِكَ الرَّجُلُ مُسْلِمًا، فَقَالَ: اضْرِبُوهُ حَدَّهُ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ أَوْعَفُ مِمَّا تَحْسَبُ، لَوْ ضَرَبْنَاهُ مِائَةَ قَتَلْنَاهُ، فَقَالَ: خُذُوا لَهُ عِشْكَالًا فِيهِ مِائَةُ شِمْرَاحٍ، ثُمَّ اضْرِبُوهُ بِهِ ضَرْبَةً وَاحِدَةً، قَالَ: فَفَعَلُوا»

«Маҳалламизда бир заифгина, ногирон киши бўларди. Эътибор бермай қолибмиз, у бир чури билан уйнашиб қўйибди. Бу хабарни Саъд ибн Убода Пайгамбар ﷺга етказди. Ҳалиги одам мусулмон эди. Пайгамбар ﷺ: «Унга ҳад уринглар», дедилар. «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, у сиз уйлагандан кўра анча заиф. Юз дарра урадиган бўлсак, ўлдириб қўямиз», дейишди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Юзта новдали бир хурмо шохини олинглар-да, бир марта уринглар», дедилар. Шундай қилишди». Бу ҳадис хипчиндан бошқа нарса билан ҳам жазолаш мумкинлигига далилдир. Хипчин билан ҳам, бошқа нарсалар билан ҳам дарралаш шаръий жазолардан ҳисобланганидан кейин халифа новда ва таёқ билан уриб ҳам, хипчин билан дарралаб ҳам жазолаши мумкин.

Лекин уриш ва дарралаш билан таъзир бериб жазолашда ўнтадан ошириш мумкин эмас. Бу хусусда ҳадис ворид бўлган. Бухорий Абдурраҳмон ибн Жобирдан, у яна бировдан ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ:

«لَا عُقُوبَةَ فَوْقَ عَشْرِ ضَرْبَاتٍ إِلَّا فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг ҳадларидан бошқа жойда жазо учун ўнтадан ортиқ урилмайди», деганлар. Яна Бухорий Абу Бурда رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«لَا يُجْلَدُ فَوْقَ عَشْرِ جَلَدَاتٍ إِلَّا فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг ҳадларидан бошқасида ўн даррадан ортиқ урилмайди», деганлар. Бухорийнинг яна бир ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«لَا تَجْلِدُوا فَوْقَ عَشْرَةِ أَسْوَاطٍ إِلَّا فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг ҳадларидан бошқасида ўн қамчидан ортиқ урманглар», деганлар. Аҳмад Абу Бурда ибн Наййордан ривоят қилишича, у Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يُجْلَدُ فَوْقَ عَشْرِ جَلَدَاتٍ إِلَّا فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ»

«Оллоҳнинг ҳадларидан бошқасида ўнтадан ортиқ қамчи урилмайди», деганларини эшитган экан. Бу ҳадислар ўнтадан ортиқ қамчи ҳам, зарба ҳам уриб бўлмаслигига далолат қилади. Халифа ёки қози бу борада ўз билганларича иш тутмайдилар, балки ҳадисда ворид бўлган ҳужжатга амал қиладилар. Буни Шоланжий ривоят қилган ҳадисдаги, Пайғамбар ﷺнинг:

«وَمَنْ بَلَغَ حَدًّا فِي غَيْرِ حَدٍّ فَهُوَ مِنَ الْمُعْتَدِينَ»

«Ҳад белгиланмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳад жазосигача борган кимса ҳаддан ошувчилардандир», деган сўзлари ҳам қувватлайди. У ҳадларнинг бир турига, яъни дарралашга тааллуқли деб билинади. Чунки фақат дарралашдагина оз ёки кўп миқдорни тасаввур қилиш мумкин. Ўлдиришда ҳам, кесишда ҳам бунни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, бу ҳадис ўн қамчи хусусидаги ҳадисни қувватлаб келаётган бўлади. Негаки Пайғамбар ﷺ таъзир беришда жазолашнинг ҳад миқдоригача боришдан қайтарганлар. Бу ишни эса фақат дарралашдагина тасаввур қилиш мумкин. Бироқ, бу ҳадисда муайян сон билан белгиланилмаган. «Ўнта қамчидан ортиқ» деган сўзлари билан унга аниқлик киритяптилар. Демак, «Кимки... ҳад жазосигача борса» ҳадиси ҳамма сонга тушаверадиган мутлақ бўлиб келяпти. «Ўн қамчидан ортиқ» ҳадиси эса махсус сон билан муқайяд бўлиб (чекланиб) келяпти. Мутлақ муқайядга мансуб бўлиб қолади. Бу ҳадис «Кимки ... ҳад жазосигача борса» ҳадисини дарралаш ҳадидагина

хослайди. Чунки фақат шу ҳаддагина ҳадиснинг маъносини тасаввур қилиш мумкин. Демак, халифа таъзирдаги жазолашда ўнта қамчидан ёки зарбадан ошириб юбормаслиги керак.

3. Ҳибсга олиш: Шаръий ҳибс кишини эркин иш юритишдан тўсишдир. У шаҳарда, уйда, масжидда ё жазо учун тайёрланган махсус қамоқхонада бўлишининг фарқи йўқ. Ҳибснинг шаръий жазо эканига далолат қилувчи ҳадислар ворид бўлган. Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَبَسَ رَجُلًا فِي تَهْمَةٍ ثُمَّ خَلَّى عَنْهُ»

«Пайгамбар ﷺ айбланаётган бир кишини ҳибсга олиб, кейин қўйиб юборганлар». Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَبَسَ فِي تَهْمَةٍ يَوْمًا وَلَيْلَةً»

«Пайгамбар ﷺ айбланувчини бир кеча-кундуз ҳибсга олганлар». Ҳибс Пайгамбар ﷺнинг замонларида уй ёки масжидда бўлган. Абу Бакр ﷺнинг замонида ҳам ҳолат шундай эди. Душманлар учун тайёрланган алоҳида ҳибсхона бўлмаган. Умар ﷺ ўз замонида Сафвон ибн Умайянинг бир ҳовлисини тўрт минг дирҳамга сотиб олиб, ҳибсхона қилган. У Ҳатиани бировни таҳқирлагани учун, Собигни эса «Зориёт», «Мурсалот», «Нозиот» суралари ҳақида ноўрин савол бергани учун ҳибсга олган. Ривоят қилинишича, Усмон ибн Афвон ﷺ Бану Тамимнинг ўғрилари ва қотилларидан бири бўлган Зобеъ ибн Ҳорисни қамаган ва у қамоқда ўлган. Яна бир ривоятда Алий ибн Абу Толиб ﷺ қамишдан қамоқхона қуриб, уни фойдали жой, деб атаган. Ўғрилар ундан тешик очишган. Кейин тупроқдан яна бир қамоқхона қуриб, уни ёввойилар уяси, деб номлаган.

Қамаш - кесиш ва дарралаш каби жазо туридир. Қамалган одам ундан аламланиши, озор чекиши керак. Токи у жиноятдан қайтара олсин. Шунинг учун қамоқхонани тарбия мактаблари қилишимиз керак, деган гап хато. Чунки мактаб қамоқхона эмас. Мактаб таълим-тарбия маскани бўлса, қамоқхона жиноятчини жазолаш масканидир. Унинг жиноятдан қайтара оладиган жой бўлиши учун биноси, хоналари, даҳлизлари мактаблар, уйлар ва меҳмонхоналарникидан фарқ қилиши лозим. Одамни қайғуга соладиган, қоронғу, кечаю кундуз чироқ ёқиладиган, уй анжомларисиз, пўстлоқдан ясалган дағал ётиш жойлари, каноп матодан тикилган эски-туски кийимлар ва ҳоказолардан иборат бўлиши даркор. Бериладиган овқат ҳам бемаза, оз, лекин жисмининг озуқаланишига етарли бўлиши керак. Бу

ердагиларнинг олдига қариндошлари ва қўшниларигина киришлари, шунда ҳам узоқ қолмасликлари лозим. Қамоқхона мудирининг маҳбуснинг ҳолатидан келиб чиқиб, лозим топсагина унинг хотинига ётиб қолишга рухсат беради. Бу ишда маҳбуснинг ахлоқи ва ўзини тутишига ҳам қаралади. Қамоқхона мудирининг тайинлаган иш учунгина у ердан чиқарилиши мумкин. Қозининг қарори бўлмаса, урилмайди, кишанланмайди, боғланмайди, хорланмайди. Қамоқхонада мажбурлашнинг энг кўзга кўринган усули тор хонага ёлғиз ўзини қамаб, эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни қолдириб, устидан эшикни қулфлаб қўйишдир. Сув ва овқат эшикнинг тешикчасидан берилади. Бироқ, маҳбусни бу хонага қамаш қамоқхона мудирининг фикрига қараб эмас, қозининг қарорига асосан бўлади. Чунки бу иш чиқарилган ҳукмдаги жазога қўшимча жазодир. Шунинг учун ҳам қозининг қарори керак бўлади. Назоратчи ҳибсни кучайтириш ёки енгиллатишга эҳтиёж сезса, қозига арз қилади. Қози ўз фикри билан қарор чиқаради. Жиноятчи фақат ўз шаҳрида қамалади. Чунки уни бошқа шаҳарда қамаш сургун ҳисобланиб, бунинг учун ҳам қозининг қамаш қароридан бошқа бир қарори керак бўлади. Чунки бу иш иккинчи жазодир.

Қамоқхоналар содир этилган жиноятларга қараб ҳар хил бўлади. Жиноятчининг улардан қайси бирига қамалишини қозининг қарори ҳал қилади. Жиноятлар сиёсий ва ғайрисиёсийга бўлинмайди. Журналист бўладими, оқловчи бўладими, бошқа бўладими, фарқи йўқ. Ҳар бир қабиҳ иш жиноят ҳисобланади. Унинг катта-кичиклигини халифа белгилаб беради. Ким бировни ноҳақ айбласа, журналист бўладими, бошқа бўладими, жазосини олади. Ҳокимиятни ноҳақ айблаган одам ҳам - сиёсий ёки ғайрисиёсий шахс бўлишидан қатъий назар, жазоланади. Қайси турдаги жазони белгилаш қозига ҳавола қилиниб, у бир шахсни ортиқроқ, бошқасини эса камроқ муддатга ҳукм қилиши ҳам мумкин. Маслан, у бир шахсни бир жиноят туфайли бир йилга қамаса, яна бир шахсни худди шу жиноят учун бир ҳафтага қамаши мумкин. Бир шахсни бир жинояти учун оғир тартибли қамоқхонага жўнатса, яна бир шахсни худди шу жиноят туфайли енгил тартибли қамоқхонага жўнатиши мумкин. Бу ишда у қўлига етиб келган жиноятчилар ҳақидаги маълумотларга таянади. Кимдир жиноятчилиги билан машҳур бўлса, кимдир тақводорлиги билан машҳур бўлиб, шайтон васвасаси туфайли бир тойилиб кетган бўлиши мумкин.

Қамалган одам ё маҳкум бўлади ёки гумондор бўлади. Маҳкум хусусида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Гумондор бўлса, енгил тартибли қамоқхонага қўйилиши керак. Чунки у жиноятчи эмас, айбланувчи сифатида қамалган. Шунинг учун унинг гумондорлик муддатини мумкин қадар озайтириш керак. Муддатни янгилаш лозим бўлиб қолса, қозининг қарори керак бўлади. Бунинг учун қозини қаноатлантирадиган сабаб бўлиши шарт. Бундай қарор бўлмаса, гумондорлик муддати тугаши билан ҳеч қандай буйруқсиз қўйиб юборилади. Агар қози бошқа ишга ўтиб кетса ёки ишдан бўшатилиб, ўрнига бошқаси тайинланса, янги қози ишни гумондорлардан бошлаши керак бўлади. Кимнинг айби ўз исботини топса, унинг устидан ҳукм чиқариши, ким айбсиз бўлса, уни дарҳол қўйиб юбориши лозим. Қозининг қарорисиз ҳеч бир одам ҳибсга ҳам олинмайди, гумондор сифатида ушлаб ҳам турилмайди.

Қамоқ жазоси борасида дарралашда бўлганидек, шарият белгилаб берган муайян ҳад бўлиб, ундан ўтиб кетмаслик керак, деган гап йўқ. Чунки шариятда муайян ҳадга ҳам, маълум муддатга ҳам ҳеч қандай ҳужжат ворид бўлмаган. Демак, уни белгилаш халифага ҳавола этилган. Бироқ, модомики жазолар жиноятдан қайтарувчи омиллар экан, халифа жиноят учун қамоқ муддатини белгилашда эътиборини шу тарафга қаратиши керак бўлади. Токи жазо гуноҳкорни ҳам, бошқани ҳам жиноятдан қайтарадиган бўлсин. Кимга таъзир жазосини бериш керак бўлса, бу жазо унга жиноятдан қайтарадиган миқдорда берилади. Қамоқнинг энг юқори муддати, деган гап мутлақо йўқ. Чунки Пайғамбар ﷺнинг қамоққа ҳукм қилганлари ривоят қилинган, аммо муайян муддатни белгилаганлари ривоят қилинмаган. Шундай бўлгач, қамоқ борасидаги ҳукм мутлақлигича қолади. Чунки у мутлақ тарзда ворид бўлган. Айрим фақиҳларнинг сургунга қиёслаб, қамоқнинг энг юқори муддати бир йил, ундан ошмаслиги шарт, деган гаплари хатодир. Чунки ҳибсни сургунга қиёслаб бўлмайди. Уларнинг воқелари бир-бирига тўғри келмайди. Қиёсга ярайдиган бирлаштирувчи сабаб ҳам йўқ. Ҳибснинг таърифи сургунга тўғри келади, чунки ҳибс шахсни эркин иш тутишдан тўсишдир, сургун ҳам айнан шунинг ўзи, шундай бўлгач, ҳибс сургуннинг бир тури бўлиб қолаверади, деган гап ҳам хато. Негаки сургун шахсни эркин иш тутишдан бутунлай эмас, балки муайян макондан бошқа жойда тўсишдир. Сургун қилинган одам муайян маконга эмас, муайян шаҳар ё вилоятга тўпланади. Шу жиҳатдан у қамоқдан бошқа нарсадир.

Яна бир жиҳатдан у қамоқдан ҳам бадтардир. Чунки у одамни ўз ватанидан бадарға қилишдир. Хуллас, сургун қилиш билан ҳибсга олиш бир-бирига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳибснинг муддати бир йил, деб белгиланмайди. Халифа жиноятчи ва бошқаларни жиноятдан қайтариш учун қанча қамоқ муддатини лозим топса, ўшанча муддатни тайинлаши мумкин. Айни пайтда қози ҳам халифа белгилаб берган муддатлардан қайси бирини жиноятдан қайтаришга етарли, деб топса, ўшанисига ҳукм қилиши жоиз.

Озгина пул учун айбланаётган бой қарздор ярим ой ҳибсда ушланади. Кўп пул учун эса икки ой ёки тўрт ой, деган гап узил-кесил белгилаш эмас. Чунки у муайян шароитларда, муайян шахсларга нисбатан қўлланган. Шунинг учун уни қоида қилиб олиб, бошқа воқеаларга ҳам татбиқ қилиш дуруст эмас. Шунга кўра, қамоққа ҳукм қилишнинг энг юқори муддатини белгилаш мутлақлигича қолади. Халифа муайян бир жиноят учун энг кўп ва энг оз муддатни ҳам, фақатгина энг кўп муддатнинг ўзини ҳам белгилаб қўйиши мумкин. Муайян миқдорни белгилаб қўймаган бўлса, иш қозига ҳавола қилиниб, у ҳукм ўқиётган пайтда муддатни тайин қолади.

Ҳар бир жиноят учун қамоқ муддатини тайинлаш халифага вожиб эмас. Чунки бу иш табанний қабилидандир. Табанний эса халифага вожиб эмас, жоиздир. Бироқ, қози муайян шахсни қамоққа ҳукм қилаётганда аниқ муддатни белгилаши шарт. Унда ҳеч қандай ноаниқлик, иккиланиш бўлмаслиги керак. Фалон йил, фалон ой, фалон вақтгача, масалан, рўза ҳайитигача каби аниқ муддатни белгилаши лозим. Кейин гуноҳкорни худди шу муддатга қамаш вожиб. Токи қози тайинлаган жазода ноаниқлик бўлмасин, аниқ бўлсин. Негаки шариятда лозим битимларда ҳам, лозим амалларда ҳам ишнинг аниқ бўлиши шарт қилинган. Масалан, савдо-сотиқ ва ижарада ҳам, намоз ва назрда ҳам иш аниқ бўлиши шарт. Савдо-сотиқ билан ижара лозим битим бўлса, намоз билан назр лозим амалдир. Қозининг жазо тайинлаши ҳам бир амалдир. У ҳам аниқ бўлиши шарт. Қамоқ жазоси қозининг ҳукми билан бўлади. Бу ҳукм аниқ бўлиши шарт. Унинг аниқ бўлиши учун қози аниқ муддатни белгилаши керак. Шунга кўра, жиноятчини бўладими, айбланувчини бўладими, ҳукм қилинаётганда аниқ муддат белгиланиши шарт.

Шунга асосан, айбланувчини ҳужжат топа олиш муддатигача ҳибсда ушлаш мумкин. Чунки бу номаълум ишдир. Ҳужжатларни тўплаш учун ҳам муайян муддат белгиланиши

лозим. Хужжат тўплаш муддатини белгилашда эҳтимолли, мавҳум омилларга эмас, кўриниб турган, аниқ омилларга таянилади. Агар фалон шаҳардан ё фалон жойдан гувоҳларимни келтиргунимга қадар, деса, ўшанчалик муддат белгиланади. Фақат унинг хужжати давлат ҳокимиятидан ташқарида бўлмаслиги керак. Ташқарида бўлса, олиб келиши қатъий бўлмай қолади. Бу ҳолда иш қозига ҳавола қилинади. Олиб келиш имконияти бор, деб билса, ўшанга яраша муддат белгилайди, бу ишга шубҳа билан қараса, одатда хужжат олиб келиш мумкин бўлган энг оз муддатни белгилайди.

Шунингдек, ҳеч кимни тавба қилгунича ё ўлгунича қамоққа ҳукм қилиш жоиз эмас. Чунки бу иш ноаниқ ҳукмдир. Ноаниқ жазога ҳукм қилишдир. Унинг қачон тавба қилишини, қачон ўлишини билиб бўлмайди. Ўлим билан белгилаш ноаниқ эмас, аниқ ишдир, чунки у бўлиши муқаррар иш, деб бўлмайди. Негаки гуноҳкорга ўзи ҳукм қилинаётган муддат ноаниқ. Бу ерда ўлимга эмас, ўлим билан якунланадиган муддатга ҳукм қилинапти. Муддат ноаниқ бўлганидан кейин ҳукм ҳам ўз-ўзидан ноаниқ бўлади. Оллоҳ Таоло:

﴿فَأَمْسُكُوهُمْ فِي الْبُيُوتِ حَتَّىٰ يَتَوَفَّاهُنَّ الْمَوْتُ﴾

– „... то бу аёлларга ўлим келгунча... уларни уйларида сақлангиз“, [4:15]

деган оятида ҳибсни ўлим билан чегаралаяпти, деб ҳам бўлмайди. Чунки бу оят «Нур» сурасининг:

﴿الرَّانِيَةُ وَالرَّانِي فَاجْلِدُوا﴾

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак... уринглар“, [24:2] ояти билан мансухдир. Шунинг учун у далил бўлишга ярамайди. Қолаверса, эрнинг хотинини уйдан чиқишдан ман қилиши шаръий ҳибс ҳисобланмайди. Негаки у хоҳлаган пайтида бу ишни қилиши мумкин. Уни ҳибс, деб бўлмайди. Агар у ҳибс ҳисобланадиган бўлса, унинг учун эр жазоланиши керак бўлиб қолади. Чунки одамларга жазо тайинлаш ҳокимга хос ишдир. Ундан бошқасининг жазолашга ҳаққи йўқ. Бундан ташқари, Оллоҳ Таоло эрга хотинига одоб бериш ҳуқуқини берган пайтда одоб бериш турларини ҳам белгилаб берган. Улар: насиҳат қилиш, жойни бошқа қилиш ва оғритмасдан уришдир.

﴿فَعِظُوهُمْ وَاهْجُرُوهُمْ فِي الْمَصَاجِعِ وَاصْبِرُوا لَهُمْ﴾

– „... аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгга (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар “ . [4:34]

Қамаш эса улар жумласига кирмайди. Демак, эрнинг хотинини қамашга ҳаққи йўқ. Шунга кўра, бу оят ўлгунча қамаш жоизлигига далолат қилмайди. Аммо Пайғамбар ﷺнинг:

«أُقْتُلُوا الْقَاتِلَ وَاصْبِرُوا الصَّابِرَ»

«Қотилни ўлдиришлар, сабр қилганга сабр қилинглар», деган ҳадисларига келсак, унинг маъноси шуки, ким ўлдирса, ўзи ҳам ўлдирилади, ким бировни ўлгунча қамаса, яъни қамаб ўлдирса, ўзи ҳам шу тарзда ўлдирилади. У ўлгунчалик муддатга қамалади эмас, қамаш йўли билан ўлдирилади. Бу иш қотилни ўлдиришнинг бир тури бўлиб, таъзир бобига эмас, жиноят бобига тааллуқлидир. Демак, бу ҳадис ҳам ўлгунча қамашнинг жоизлигига далил бўлолмайди. Шунга биноан, абадий қамоқ жазосига ҳукм қилиш шаръан жоиз эмас, балки муайян шахсни қамоқ жазосига ҳукм қилаётганда аниқ муддатни белгилаш шарт.

Ҳибс ишлатиш эмас, қамашдир. Ишлатиш - қамашдан бошқа нарса. Шунга кўра, қамоққа ҳукм қилинган шахсни ишлатиш мумкин эмас. Чунки «қамаш» сўзи «ишлатиш» маъносини ўз ичига олмайди. Энди бир савол туғилади: Ҳам қамаш ва ҳам ишлатишга ҳукм қилиш жоизми? Ёки қамашнинг ўзигагина ҳукм қилиш мумкинми? Жавоб шуки, хоҳ оғир бўлсин, хоҳ оғир бўлмасин, ишлатиш жазосини қўллашга шаръий ҳужжат ворид бўлмаган. Бироқ, айрим фақиҳлар бой қарздор қамоққа ҳукм қилинса, қарзини тўлаш учун маошли ишларда ишлайди, дейдилар. Бу гап шаръий эмас, ақлий ҳукм бўлгани учун унинг эътибори йўқ. Қози бирон бир жазо турига ҳукм қилишда шариатда ворид бўлган ҳужжатга бўйсунуши шарт. Оғир ишларни қилдириш жазоси хусусида эса ҳужжат ворид бўлмаган. Шунинг учун бундай жазо берилмайди. Фақат қамашнинг ўзи билангина чекланилади.

4. Сургун: У жиноятчини ўз ватанидан чиқариб юборишдир. Сургун жазоси Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ﴾

– „... Ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишидир“. [5:33]

Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَضَى فِيمَنْ يَزِنِي وَلَمْ يُحْصِنْ بِنَفِي عَامٍ
وَأَقَامَةَ الْحَدِّ عَلَيْهِ»

«Пайгамбар р уйланмаган зинокорни бир йил сургун ва ҳад уришга ҳукм қилганлар». Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилади:

«لَعَنَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُحْشَيْنَ مِنَ الرِّجَالِ وَالْمُتَرَجَّلَاتِ مِنَ
النِّسَاءِ وَقَالَ أَخْرَجُوهُمْ وَأَخْرَجَ فَلَانًا وَأَخْرَجَ عُمَرَ فَلَانًا»

«Пайгамбар ﷺ ўзини аёллардек тутадиган эркакларни ҳам, ўзини эркаклардек тутадиган аёлларни ҳам лаънатлаб, уларни сургун қилинглари, деганлар ва ўзлари фалончини сургун қилганлар. Умар ҳам бировни сургун қилган». Бу далиллар сургуннинг шаръий жазо турларидан бири эканини исботлайди. Айни пайтда улар таъзирда шундай жазо қўлланганини ҳам кўрсатади. Саҳобалар шу йўлдан борганлар. Масалан, Умар ﷺ Собигни дарралаганидан кейин Басрага сургун қилган. Наср ибн Ҳажжожни эса ундан хотинлар фитналанишидан эҳтиётланиб, сургун қилган. Усмон Абу Зарр Ғифорийни сургун қилган. Сургун, дегани ватан қилиб бериш эмас, мусофирлаштиришдир. Шунга кўра, узоқ муддатга сургун қилиш дуруст эмас. Сургун жазосининг энг узоқ муддатини белгиловчи ҳужжат ворид бўлмаган. Лекин шариатда турмуш қурмаган зинокор бир йилга сургун қилинади. Бу қилиниши шарт бўлган иш бўлмаса-да, халифанинг дарралашга сургунни ҳам қўшиб қўйишга ҳаққи бор. Шариатда сургуннинг бир йилдан ортиқ муддати йўқ. Бу нарса сургуннинг энг узоқ муддатини белгиламаса-да, ундан кўпроқ бўлишига монез мавжуд бўлмаса-да, ҳар қалай бир йил бўлгани мақсадга мувофиқроқдир. Нима бўлганда ҳам ватанга айлантириб олиш даражасидаги муддат бўлмаслиги керак. Токи сургуннинг мусофирлаштириш маъноси ўз қийматини йўқотиб қўймасин.

Сургун Ислом давлатининг ҳудудидан ташқарига чиқмаслиги керак. Чунки бу иш Ислом диёридан куфр диёрига чиқариб юбориш бўлиб қолади. Давлат сургун қилиш учун муайян

жойларни танлаб олса янада яхши. Абу Занотнинг айтишича, одамлар Ҳабашистон ерининг Бозеъ деган жойига сургун қилинар экан. Бу жой Яман Туҳомасининг энг чеккасида жойлашган. Зеро, сургун жазодир. Унинг жиноятдан қайтарадиган даражада оғриқли бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳасан ва Зухрийнинг қароқчиларни сургун қилиш хусусида, уларни шаҳарлардан ҳайдаш керак, токи бирон шаҳардан бошпана топмасинлар, яъни у ерда ўрнашиб қолмасинлар, шаҳарма-шаҳар кўчиб юрсинлар, деганлари ривоят қилинган. Лекин бу фикр уларни мусофирга айлантириб қўяди. Сургун эса жазодир. Сургун қилинадиган жойлар оғриқли, ваҳшатли бўлиши лозим. Токи у жиноятдан қайтарадиган жазо бўлсин.

5. Яккалаш: Бунда ҳоким одамларни жиноятчи билан муайян муддат гаплашмасликка буюради. Бунинг далили - урушга чиқмаган уч киши воқеасидир. Пайғамбар ﷺ мусулмонларни улар билан гаплашишдан қайтарганлар. Шу иш уларнинг жазоси бўлган. Умар رضي الله عنه ҳам шундай қилган. У Собигга дарралаш ва сургун жазосини бериш билан бирга одамларни у билан гаплашмасликка ҳам буюрган. Бу жазо жиноятдан қайтарадиган бўлсагина қўлланилади. Яъни одамларнинг гаплашмай қўйишлари маъносини англайдиган, ҳис қила оладиган одамгагина ишлатилади. Ҳис қилишни билмайдиган, бу жазодан аламланмайдиган кишиларга нисбатан эса қўлланилмайди.

6. Осиш: Бу жазо фақат бир ҳолатдагина, яъни жиноятчи ўлимга ҳукм қилинганидагина унга қўшимча равишда осигга ҳам ҳукм қилиниши мумкин. Чунки Оллоҳ Таоло:

﴿أَنْ يُقْتَلُوا أَوْ يَصَلَّبُوا﴾

– „... ўлдирилиш ё дорга осилиш...“, [5:33]

дейди. Бу ердаги «ёки» сўзи «ва» маъносидадир. Яъни ҳам ўлдирилиб, ҳам осиладилар ёки осилишсиз, фақат ўлдириладилар, деган маънодадир. Ёлғиз осигнинг ўзини жазо сифатида қўллаш мумкин эмас. Чунки бу иш азоблашдир. Пайғамбар ﷺ жониворни азоблашдан қайтарганлар. Жониворники азоблашдан қайтарган эканлар, инсонни азоблашдан қайтаришлари ўз-ўзидан аён. «Пайғамбар ﷺ таъзир учун тирик одамни ҳам осганлар», деган гапларининг эса санадини келтирмаганлар. Юқоридаги оят осигни ўлимдан кейинга қўйяпти. Шаръий ҳукм осигни қатл билан бирга қилиш ёки усиз қатлнинг ўзини қилишдир. Қароқчиларнинг жазоси

ёлғиз осишнинг ўзи, деб ҳеч ким айтмаган. Шунга кўра, тирик одамни осиш жазо турига кирмайди. Ўлим ва осишга ҳукм қилинган одам аввал ўлдирилиб, кейин осилади ва бу иш осиш жазоси дейилади.

7. Товон тўлаш: Товон тўлаш - жиноятчидан жазо сифатида мол ундиришдир. Бу иш суннатда ўз исботини топган. Нисойий Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у эса бобосидан қилган ривоятда жумладан шундай дейилади:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ فَالْثَّمَارُ وَمَا أَخَذَ مِنْهَا فِي أَكْمَامِهَا, قَالَ: مَنْ أَخَذَ بِفَمِهِ وَلَمْ يَتَّخِذْ حُبْنَةً فَلَيْسَ عَلَيْهِ شَيْءٌ, وَمَنْ احْتَمَلَ فَعَلَيْهِ ثَمْنُهُ مَرَّتَيْنِ, وَضَرْبًا وَتَكَالًا»

«Эй Расулуллоҳ, меваларни пишиб турган жойидан олиш қандай бўлади?» - дейишганида, у киши: «Оғзига олиб, қўйнига солмаса, ҳечқиси йўқ. Ким кўтариб кетса, олганига икки баробар товон тўлайди ва ибрат учун дарраланади», дедилар». Нисойидан ривоят қилинган яна бир ҳадисда:

«وَمَا لَمْ يَبْلُغْ ثَمْنَ الْمَجْنُونِ فِيهِ غَرَامَةٌ مِثْلِيهِ وَجَلَدَاتُ نَكَالٍ»

«Пайғамбар ﷺ: қалқон баҳосига етмаган бўлса, икки баробар қилиб тўлаш ва ибрат учун дарраланишдир», деганлар. Пайғамбар ﷺнинг:

«وَكَاتِمُ الضَّالَّةِ عَلَيْهِ غَرَامَتُهَا وَمِثْلُهَا مَعَهَا»

«Йўқолган нарсани яширган киши уни икки баробар қилиб тўлайди», деганлари ҳам ривоят қилинган. Закот беришдан бош тортган одамга ҳам таъзир жазоси унинг молидан бир қисмини олиб қўйиш билан бўлади. Шулардан кўриниб турибдики, Пайғамбар ﷺ таъзирда товон тўлаш жазосига ҳам буюрганлар. Унинг муайян миқдори хусусида ҳужжат ворид бўлмаса, уни белгилаш халифанинг ихтиёрига берилади. Халифа ҳам муайян миқдорни табанний қилмаса, қозининг ҳукмига ҳавола қилинади. Шу ерда бир савол туғилади: Агар жиноятчи товонни тўлай олмаса, ўшанинг миқдорича қамаладимиз ёки кечириладими? Жавоб шуки, у муайян бир жазога ҳукм қилингандан кейин уни бошқача тарзда жазолаш мумкин эмас. Чунки қозининг ҳукми қандай бўлса, ўшандай ижро этилиши керак. Шунинг учун товон тўлолмаслик эвазига қамалмайди, айти пайтда кечирилмайди ҳам. Негаки кечириш қозининг ҳукмини бекор қилишдир. Қози бир нарсага ҳукм қилганидан кейин уни бекор қилиш мумкин

эмас. Яхсиси, бундай ҳолатда моли бўлса, ўша молдан олинади, бўлмаса, бўлгунича кутиб турилади. Кейин давлат тарафидан ундириб берилади.

8. Молини ишдан чиқариш: Бу иш молни фойдаланиб бўлмайдиган даражада бутунлай ҳалокатга учратишдир. Пайғамбар ﷺ Каъбага осилган санамларни синдириб, парчалашга буюрганларидан кейин уларни парчалаб ташлашган. Ароқнинг ҳаром бўлгани хусусида оят нозил бўлганида, мусулмонлар ўз олдидаридаги ароқларни тўкиб юбориб, идишларини синдирганлар. Бир ривоятда Пайғамбар ﷺ ароқни тўкиб юбориб, хумини синдиришга буюрганлар. Саҳобалар ҳам шундай қилишган. Умар رضي الله عنهнинг сув қўшилган сутни ҳам тўктириб юборгани ривоят қилинган.

9. Молни ўзгартириш: Бу молнинг шакли ёки сифатини ўзгартириш билан бўлади. Ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ:

«أَنَّهُ نَهَى عَنْ كَسْرِ الْعَمَلَةِ الْجَائِزَةِ بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ كَالدَّرَاهِمِ وَالذَّنَانِيرِ إِلَّا إِذَا كَانَ بِهَا بَأْسٌ، فَإِذَا كَانَتْ كَذَلِكَ كُسِرَتْ»

«Мусулмонлар ўртасида рухсат этилган дирҳам ва динор каби пулларни агар уларда камчилик бўлмаса, синдиришдан қайтарганлар. Агар камчилиги бўлса, синдирилган». Яъни Пайғамбар ﷺ қалбаки бўлмаган кумуш ёки олтин пулларни синдиришдан қайтарганлар. Агар қалбаки бўлса, жазо сифатида уларни синдиришга ҳукм қилганлар. Қалбаки пул ясовчининг ўзини жазолаганлар. Пайғамбар ﷺ ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганларида дарахтга ўхшаб қолган. Шу каби мол ҳаром шаклда бўлса, у ҳаромлигини кетказадиган шаклга ўзгартирилади. Бундан ташқари, уни ясаган одам ҳоким лозим топган тарзда жазоланади.

10. Чинакам қўрқитиш: Бу иш жинойятчини, фалон ишни қилсанг жазоланасан, деб қўрқитиш билан бўлади. Бунга далил Пайғамбар رضي الله عنهнинг:

«رَحِمَ اللَّهُ امْرَأً عَلِقَ سَوْطَهُ بِحَيْثُ يَرَاهُ أَهْلُهُ»

«Қамчисини оиласи кўриб турадиган тарзда осиб қўйган одамни Оллоҳ раҳмат қилсин», деган гапларидир.

11. Насиҳат: Бунда қози жинойятчига Оллоҳнинг азобидан қўрқитиб насиҳат қилади. Бунга далил Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَاللَّاتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ﴾

– „Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар“, [4:34] деган оятидир.

12. Маҳрум қилиш: Бу иш жиноятчини айрим молиявий ҳуқуқлардан маҳрум қилишга ҳукм қилиш билан бўлади. Масалан, итоатсиз ходим нафақадан, қотил ўлдирилган кишидан тортиб олган молидан маҳрум қилинади. Жиноятчини умумий мулкчилик молларидаги ҳиссасидан маҳрум қилиш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир.

13. Койиш: У жиноятчига қўпол гапиришдир. Койиш суннат билан ўз исботини топган. Ривоятга кўра, Абу Зарр бир киши билан сўкишиб қолиб, уни онасидан келиб сўккан. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«يَا أَبَا ذَرٍّ أَعَيَّرْتَهُ بِأَمِّهِ؟ إِنَّكَ أَمْرٌ فِيكَ جَاهِلِيَّةٌ»

«Эй Абу Зарр, онасидан келиб сўкасанми, сен (ҳали ҳам) жоҳилияти бор одам экансан», дедилар. Абдурраҳмон ибн Авфнинг қули Пайғамбар ﷺнинг олдиларига даъво қилиб келди. Бундан газабланган Абдурраҳмон қулини: «Эй қора хотиннинг боласи», деб ҳақорат қилди. Пайғамбар ﷺ бундан қаттиқ газабланиб, қўлларини ҳавода силкитиб:

«لَيْسَ لَابْنِ بَيْضَاءَ عَلَى ابْنِ سَوْدَاءَ سُلْطَانٌ إِلَّا بِالْحَقِّ»

«Оқнинг боласи қоранинг боласидан бекордан бекорга устун бўлавермайди», дедилар. Абдурраҳмон ибн Авф уялиб, ўзини паст олиб, ёноғини тупроққа қўйиб, ҳалиги қулга: «Оёғинг билан юзимни бос ёки рози бўл», деди. Ривоятга кўра, Пайғамбар ﷺ икки кишини бир қудуққа боришларидан олдин ундан ичишдан қайтардилар. Ҳалигилар қулоқ солишмаган эди, уларни сўкдилар. Мана шулардан кўриниб турибдики, койиш ва сўкиш таъзирдаги бир жазо туридир. Саҳобалар ҳам шу йўлдан борганлар. Ривоятга кўра, Умар رضي الله عنه Убода ибн Сомитни **«Эй ахмоқ»,** деб сўккан. Шунга биноан жиноятчини койишга қозининг ҳаққи бор. Бу иш қозининг ҳақорати эмас, жиноятчига бераётган жазоси ҳисобланади. Койиш жазосининг аниқ ифодаси йўқ. Койиш қабилига кирадиган ҳар бир ифодани қози ёки ҳоким қўллаши мумкин. Фақат тўхмат қабилидаги гапларни ишлатмаслик керак. Чунки ундан қайтарувчи ҳужжат ворид бўлган. Бу ҳужжат ҳокимни ҳам, бошқасини ҳам ўз ичига олади.

14. Сазойи қилиш: Сазойи қилишдан мақсад одамларнинг жиноятчига бўлган ишончини сўндиришдир. У жиноятчининг жиноятини одамларга билдириш, ҳамманинг кўз олдида уни шарманда қилиш, уларни жиноятдан огоҳлантириш билан бўлади. Сазойи қилиш жазоси Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَلْيَشْهَدْ عَذَابُهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

– „Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!“; [24:2]

деган оятига асосан қўлланади. Чунки оятдан мақсад ҳам уларни сазойи қилишдир. Дарра жазоси берилаётганда томошабинларнинг бўлиши таҳқирланиш, ҳақоратланиш ва шармандалиқдир. Сазойи қилиш жазосига далолат қилувчи ҳужжат суннатда ҳам ворид бўлган. Бухорий Абу Ҳамид Соидийдан ривоят қилади:

«استعمل النبي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مِّنْ بَنِي أَسَدٍ يُقَالُ لَهُ ابْنُ الْأَثِيَّةِ عَلَى صَدَقَةٍ، فَلَمَّا قَدِمَ قَالَ: هَذَا لَكُمْ وَهَذَا أَهْدِي لِي، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمَنْبَرِ، قَالَ سُفْيَانُ أَيْضًا: فَصَعِدَ الْمَنْبَرِ فَحَمَدَ اللَّهُ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ: مَا بَالُ الْعَامِلِ تَبِعْتُهُ فَيَأْتِي يَقُولُ: هَذَا لَكَ وَهَذَا لِي، فَهَلَّا جَلَسَ فِي بَيْتِ أَبِيهِ وَأُمِّهِ فَيَنْظُرُ أَيَّهَدَى لَهُ أَمْ لَا، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يَأْتِي بِشَيْءٍ إِلَّا جَاءَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَحْمِلُهُ عَلَى رَقَبَتِهِ إِنْ كَانَ بَعِيرًا لَهُ رُغَاءٌ، أَوْ بَقْرَةً لَهَا خُوَارٌ، أَوْ شَاةً تَيْعَرُ، ثُمَّ رَفَعَ يَدَيْهِ حَتَّى رَأَيْنَا عُفْرَتِي إِبْطِيهِ أَلَا هَلْ بَلَغَتْ ثَلَاثًا»

«Пайгамбар ﷺ Бану асадлик ибн Утбийя деган кишини закотларга бошлиқ қилиб тайинладилар. У келиб, буниси сизларга, бунисини эса менга ҳадя қилишди, деди. Пайгамбар ﷺ минбарга чиқиш учун ўрниларидан турдилар. Суфённинг айтишича, минбарга чиқиб, Оллоҳга ҳамду санолар айтганларидан кейин: «Бу амалдорга нима бўлди, уни биз иш билан юборсак, келиб, буниси сизларга, буниси эса менга, дейди. Ота-онасининг уйида ўтирганида биров унга ҳадя қилган-қилмаганини кўрарди. Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, ниманики олиб келган бўлса, уни қиёматга ҳам олиб бориб, бўйнига ортиб олади. Ўкирадиган туя бўладими, муърайдиган мол

буладими, қирқ совлиқнинг бир қўчқори буладими (фарқи йўқ)». Кейин қўлларини баланд кўтариб, (ҳатто қўлтиқлари остидаги тукларини ҳам кўрдик) уч бора: «Етказдимми?!» - дедилар». Бу ҳадиснинг далолати қуйидагичадир: Кимки ҳоким ёки бирор амалдор бўлиб, ҳада олса, умумий моллардан олса, қиёмат куни Оллоҳ уни шармисор қилиб жазолайди. Олган моллари унинг устига юклатилиб қўйилади. Ўкирадиган туя бўладими, мўърайдиган сигир бўладими, қирқ совлиқнинг бир қўчқори бўладими, фарқи йўқ. Бир сўз билан айтганда, амалдорлар ўша даҳшатли кунда ҳамманинг кўз олдида шарманда қилинадилар. Демак, сазойи қилиш Оллоҳнинг азобларидан биридир. Унинг ўт билан азоблаш каби фақат Оллоҳгагина хослиги хусусида ҳужжат ворид бўлмаган. Шундан ҳокимнинг ҳам жиноятчини сазойи қилиб жазолашга ҳаққи борлиги келиб чиқади. Чунки ҳадис таъзирда сазойи қилишнинг жоизлигига далилдир. Саҳобалар ҳам шу йўлдан борганлар. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг ёлғон гувоҳлик берган одамни сазойи қилганлиги нақл қилинган. Машҳур қозиларнинг ҳам сазойи қилишга ҳукм қилганлари айтилган. Масалан, қози Шурайҳ сазойи қилишга ҳукм қилар эди. Бу одам Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг замонида ҳам, Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنهнинг замонида ҳам қозилик қилган машҳур қозилардандир.

Таъзирнинг ҳокимнинг жазолашига рухсат берувчи шаръий далил ворид бўлган жазо турлари - мана шулар. Ҳоким булардан бошқа жазо турларини қўлламаслиги лозим. Шореъ тарафидан булардан қайтарувчи ҳужжат ворид бўлмаган. Негаки жазо мумкинлигига далил керак бўладиган ишдир. Муайян жазолар билан жазоламасликка ҳам далил керак бўлади, деб бўлмайди. Чунки асл моҳият жазоламасликдир. Шунга кўра, муайян жазо билан жазолаш учунгина далил керак бўлади. **Асл моҳият жазоламаслик эканининг пойдевори шуки, умумий далил инсоннинг улуглигига ва унга озор бермасликка барпо бўлгандир.** Шундай бўлгач, унга муайян жазони бериш учун далил керак бўлади. Далил бўлмаса, жазолаш мумкин эмас.

Таъзир жазосини тайинлаш ҳуқуқи халифанинг ўзигагина қўйиб берилган, у ўзи билганича жазо қўллавереди, деб ҳам бўлмайди. Чунки халифа бор-йўғи жазонинг миқдорини белгилаб беради, холос. Бундан бошқа ишга унинг ҳаққи йўқ. Жазо турларини Шореънинг ўзи белгилаб берган. Қози мана шуларга бўйсунди. Булардан бошқаси билан жазолаши мумкин эмас. Шулардан қайси бири жиноятдан қайтаради, деб билса,

ўшанисини тайинлайди. Шунга кўра, халифа таъзир учун жазо белгилаётганда шаръий ҳукмларга бўйсуниси вожиб. У Шорё белгилаб берган жазоларнигина қўллайди. Шунга биноан, халифа мусодара жазосини қўллаши жоиз эмас. Чунки унинг жоизлигига шаръий ҳужжат ворид бўлмаган. Мусодара товон тўлашга ўхшайди, чунки у ҳам молиявий жазо бўлиб, товон тўлашнинг бир туридир, деб бўлмайди. Негаки мусодара товон тўлашдан бошқа нарсадир. Товон тўлаш жиноят учун мол тўлаш бўлса, мусодара жиноятга сабабчи бўлаётган молнинг ўзини олиб қўйишдир. Улар бир-биридан фарқ қиладилар. Қолаверса, шаръий ҳужжат молиявий жазоларга эмас, товон тўлашга, молни ўзгартиришга ва молни ишдан чиқаришга далолат қилади. Шунга кўра, мусодаранинг молиявий жазолигини рўкач қилиб бўлмайди. Хуллас, мусодарага ҳужжат ворид бўлмаган. Уни наригиларга қиёслаб ҳам бўлмайди. Чунки қиёсга ярайдиган иллатнинг ўзи йўқ. Зеро, мусодара молни эгасидан мажбурлаб тортиб олиб, шаръий эгалик сабабларидан бирортаси ҳам бўлмагани ҳолда унга давлатнинг эгалик қилишидир. Бундай қилиш жоиз эмас.

ТАЪЗИР ВОҚЕАЛАРИ ВА У УЧУН ТАБАННИЙ ҚИЛИНГАН ЖАЗОЛАР

Ҳад ҳам, каффорат ҳам белгиланмаган жиноятни жазолаш таъзирдир. Яъни у Шореъ жазоларини тайинламаган жиноятларнинг жазоларидир. Шореъ бу жиноятларнинг жазосини қозига ҳавола қилган. У халифадан ноиб сифатида жиноят ишини кўриб чиқади. Демак, бу иш аввало халифага, қолаверса қозига қўйиб берилгандир. Шунга кўра, фақиҳлар жазо ҳукмлари борасида батафсил сўз юритганлар, бу борада ижтиҳодлар қилиб, турлича фикрларини ёзиб қолдирганлар. Лекин улар таъзир бобида умумий мавзулар билан чекланиб, тафсилотларга киришмаганлар. Чунки тафсилотлар қозининг ҳукмига ҳавола этилган ишлар бўлиб, даъво қилинаётган ҳодисаларга қараб жазо белгилайди. Бу ҳодисалар доим ўзгариб, янгилашиб туради. Кўпинча бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уларга қоида белгилаш кенг қамровли бўлмайди.

Воқе шуни кўрсатадики, ҳодисалар учун таъзир жазоси беришни қозининг ҳукмига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқроқдир. Чунки ҳодисалар шароитларга қараб ўзгариб туради ва қозини жазо борасида ижтиҳод қилишга, воқеаларни тушуниш соҳасида маҳорат касб этишга етаклайди. Шунинг учун ҳам бу ишни қозига топшириш энг тўғри иш ва айни ҳикматдир. Лекин бунинг учун қозилар шариат билан ҳукм юритишлари шарт. Ўтмишда узоқ вақт шу йўлдан бориб, қозиликка оид ёки энг камида фиқҳга оид анчагина малака ҳосил қилгандилар. Бугунги, яъни ҳижрий XIV асрнинг охирлари, милодий XX аср иккинчи ярмининг бошларидаги қозилар эса ярим асрдан кўпроқ Фарбнинг фиқҳ ҳукмларини татбиқ қиладиган бўлиб қолдилар. Бу нарса уларни шариат ҳукмларидан узоқлаштириб юборди ва шариат аҳкомларини тасаввур қилишлари заифлашди. Айниқса қозилик курсиларига маҳкам ўрнашиб олган қозилар орасида жазо чораларига оид шариат аҳкомларини татбиқ қилиш билан шуғулланган бирон киши топилмайди. Бугина эмас, балки уларнинг орасида бу аҳкомларни ўрганиб чиққан кишиларнинг ўзи йўқ. Бўлса ҳам улар жуда озчиликни ташкил қилади. Бу озчилик ҳам шариат аҳкомларини қонунлар ва ҳукмлар сифатида амалий ўрганмасдан, фақат шунчаки маълумотлар сифатида назарий ўрганганлар, холос. Шунинг учун ҳам таъзир учун жазо белгилашни ана шу қозиларга қўйиб бериш номаъқулдир. Чунки

улар шариатдан беҳабардирлар. Бу ҳам етмагандай, куфр қонунларининг билимдонидирлар. Бунинг устига мусулмонларнинг, айниқса талабаларнинг, жумладан қозиларнинг ишларни яхши-ёмонга ажратишдаги исломий дидлари ўтмаслашиб, дунёвийлашиб кетган. Шаръий дидни отиб юбориш улар учун ҳеч иш бўлмайд қолган. Қарабсизки, осий жазосини ваҳшийлик деб, қўл кесишни ғайринсоний жазо деб, миҳни кўйдириб кўзга босишни ёввойилик, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар. Демак, бундай дид эгаларига жазо белгилашни топшириш хатодир. Қолаверса, шундай қабиҳ жиноятлар борки, улардан қайтариш учун қақшатқич жазо қўлламасликнинг иложи йўқлигини воқенинг ўзи кўрсатиб турибди. Бундай жиноятларга жазо белгилаш ҳокимларни муҳосаба қилиш каби назарий жиҳатдан ҳам, ҳокимиятни эгаллаш сингари амалий жиҳатдан ҳам сиёсат билан шуғулланмаган, қозилиги саҳна кўринишидан бошқа нарса бўлмаган анави қозиларга қўйиб берилса, қиёматни кутаверинг. Улар ҳеч иложи бўлмайд қолганда қўлланиладиган оғир жазоларни тўғри келган жойда қўллайверадилар. Масалан, миллатчиликка даъват қилган одамни дарралаш ва ўн йил қамоққа ҳукм қиладилар. Миллатчилик асосида сиёсий партия тузган одамни ўлимга ҳукм қилишни кўпайтириб юборадилар. Натижада чиқарган ҳукмлари бу ўта хатарли, қабиҳ жиноятларнинг бадтар авж олишига олиб боради. Шунга кўра, уммат вужудини сақлаб қолиш жазолар белгилашни анавиларга ўхшаган қозиларга қўйиб бермасликни тақозо қилади. Шунга асосан халифа маълум муддат - мусулмонлардаги тушунча ва дидлар ўнгангунига қадар - таъзир бобида муайян воқеалар учун муайян жазоларни табанний қилмоғи лозим.

Бироқ, таъзирда муайян воқеалар учун муайян жазоларни табанний қилишда шуни билиш лозимки, таъзир ҳадлар ва қасос каби одамларга қараб ўзгармайдиган жазо тури эмас. Одамларга қараб ўзгариш унинг табиатида бор. Бунга шариатда ҳужжат келган. Ойша رضي الله عنها ривоят қилишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«أَقْبِلُوا ذَوِي الْهَيْئَاتِ إِلَّا الْحُدُودَ»

«Ўзини яхши тутувчиларга ҳадлардан бошқа жазоларда ён беринглар», деганлар. Ансорийлар хусусида эса Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«فَأَقْبِلُوا مِنْ مُحْسِنِهِمْ وَتَجَاوَزُوا عَنْ مُسِيئِهِمْ»

«Яхшиларини қабул қилиб, ёмонларини ўтказиб юбораверинглар», деганлар. Бунинг маъноси, гуноҳ қилганлари маълум бўлмаган, итоаткорлик ва тақводорлик билан машҳур бўлган кишиларга нисбатан энгил жазо қўлланади, деганидир. Зухрий Қабиса ибн Зуайбдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ شَرِبَ الْخَمْرَ فَاجْلِدُوهُ، فَإِنْ عَادَ فَاجْلِدُوهُ، فَإِنْ عَادَ فِي الثَّلَاثَةِ أَوْ الرَّابِعَةِ فَاقْتُلُوهُ»

«Ким ароқ ичса, уни дарраланглар. Яна ичса, яна дарраланглар. Учинчи ё тўртинчи марта яна шу ишни қилса, уни ўлдириглар». Абу Ҳурайра ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«إِذَا سَرَقَ فَاقْطَعُوا يَدَهُ ثُمَّ إِنْ سَرَقَ فَاقْطَعُوا رِجْلَهُ»

«Ўғирлик қилса, қўлини кесинглар, кейин яна ўғирлик қилса, оёғини кесинглар», деганлар. Унинг маъноси шуки, кимки қайта-қайта гуноҳ қилса, унинг жазоси қаттиқ бўлади. Бундайлар «асҳобус савобиқ» (муқаддам судланганлар) яъни аввалда ҳам шундай жиноят қилганлар дейилади. Шулардан кўриниб турибдики, таъзир жазоси камаймайдиган ва кўпаймайдиган жазо эмас, балки энг юқори даражаси белгилаб берилиб, қолгани қозининг ҳукмига ҳавола қилинадиган жазо туридир. У одамлар ва жиноятларга қараб жазо белгилайди. Қайта-қайта жиноят қилувчиларга ёки оғир жиноят учун оғир жазо белгиласа, адашиб жиноят содир этган, аслида тақводор бўлган кишиларга нисбатан энгилроқ жазо белгилайди. Шунга кўра, қозига кенг имконият берилиши керак. Фақат энг юқори жазогина белгилаб берилади. Шу ерда «энг қўйи жазочи?», деган савол туғилади. Жавоб шуки, умуман олганда, бу ишнинг маъноси йўқдек туюлади. Чунки қози уч йил қамоқ жазоси белгиланиши керак бўлган бир жиноят билан тақводор, яхши одам айбланаётган бўлса, дейлик, унинг жинояти отининг тойилиши бўлса, уни койиб қўйиш билан кифояланади. Шунга қараганда, энг қўйи жазони белгиламаган маъқулдек кўринади. Лекин баъзи жиноятлар борки, уларда шафқат қилиб бўлмайди. Оллоҳ Таоло зино жазоси хусусида:

﴿وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ﴾

– „... Оллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!“, [24:2]

дейди. Ўғирлик жазоси хусусида бундай демаган. Демак, айрим жиноятларда шафқат қилиб бўлмайди. Қози бундан беҳабар қолиб, хусусан тақводор, яхши одамларга белгилаётганда шундай жиноятлар борасида ҳам шафқат қилиб қўймаслиги учун уларнинг энг қўйи жазосини ҳам белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқроқдир. Токи жазо жиноятчини ҳам, бошқаларни ҳам жиноятдан қайтарадиган бўлсин.

Гарчи таъзирда муайян воқеалар учун муайян жазоларни табанний қилиш маъқул иш бўлса-да, табанний тафсилотлари билан қилинмайди. Яъни майда масалаларга, бўлимларга ўтилмасдан, умумий тарзда табанний қилинади. Чунки воқеалар хилма-хил тарзда янгиланиб туради. Табанний қилиш умумий бўлмаса, янги-янги, турли хил воқеаларни ўз ичига ололмайди. Натижада қозининг ўзи жазо ўйлаб топишга мажбур бўлади. Жазонинг жиноятдан қайтариш мақсади амалга ошмай қолиши эҳтимоли ҳам бор. Бундан ташқари, табанний қилинган воқеалар умумий бўлмаса, қозини ижтиҳод қилишдан узоқлаштириб юборади. Чунки ижтиҳод ҳужжатни тушуниш учун ҳаракат қилишдир. Умумий бўлмаган (конкрет) ҳужжатни тушуниш ва воқеаларга татбиқ қилиш учун эса ҳаракат қилиш шарт бўлмайди. Шунинг учун табанний қилинган жазолар майда масалаларга ва бўлимларга ўтмайдиган умумий бўлиши лозим.

ТАЪЗИР ВОҶЕАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Таъзир воқеаларини муайян турлар билан белгилаш оғир. Чунки гуноҳлар кўп ва хилма-хилдир. Қолаверса, ҳаёт воқеаларининг янгилиниб бориши янги-янги, аввалда маълум бўлмаган жиноятларни юзага келтиради. Шунга кўра, уларни маълум турлар билан чеклаш қийин. Модомики таъзир ҳадларнинг муқобили экан, кўпинча жазоси аниқланмаган жиноят учун қўлланар экан, демак, ҳадларга жинсдош турларнинг воқеаларига жазо қўллашга суяниш афзалдир. Кейин эса, имкони бўлса - ўшалар жумласига киритиш, имкони бўлмаса - қозиларнинг ҳукмига ҳавола қилинмоғи маъқулроқдир. Шунга асосан, таъзирга оид табанний қилинган, ўзининг муайян жазоларига эга бўлган воқеаларни шартли тарзда етти турга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1. Шаънга тажовуз қилиш;
2. Қадр-қимматга тажовуз қилиш;
3. Ақлга озор берадиган ишни қилиш;
4. Молга тажовуз қилиш;
5. Тинчликка рахна солиш;
6. Давлат хавфсизлигига тажовуз қилиш;
7. Динни таҳқирлайдиган ишни қилиш.

ШАЪНГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ

Шаънга тажовуз қилиш борасида умумий тарзда қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ҳаёга зид бўлган ишлар

1. Кимки бир аёл билан зино ёки бир эркак билан баччавозлик қилишга уринса-ю, қандайдир кучли тўсқинликка учрасаки, у бўлмаганида жиноятни содир этиши тайин бўлса, унга уч йилгача қамоқ, дарра ва сургун жазоси берилади. Агар жабрланувчи ўзининг қўл остидаги ходимаси, ишчиси каби одами бўлса, жазонинг энг юқорисини олади. Агар нариги томон ҳам (яъни жабрланувчи) ҳеч қандай қаршиликсиз бу ишни қабул қилса, у ҳам шу жазони олади.

2. Кимки бир аёлга пул ёки уйланишни ваъда қилиб, у билан жимоъ қилмасдан эр-хотиндек яшаса, тўрт йилгача қамоқ жазосини олади. Шу ишни ҳеч қандай фириб ишлатмасдан ҳам ўз маҳрамига нисбатан қилган киши ўн йилгача қамоқ, дарра ва сургун жазоларини олади. Агар аёл қаршилик билдирмасдан бу ишга рози бўлса, у ҳам шу жазони олади.

Кимки эркак ёки аёлдан одобга зид ишни талаб қилса ёки ҳаёга тўғри келмайдиган ишга таклиф қилса ё беҳаё сўзларни айтса, олти ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади. Нариги тараф рози бўлиб шу ишни қилса, у ҳам шу жазони олади.

3. Кимки фирибгарлик, зўравонлик билан, пул ишлатиб ёки таҳдид қилиб бир эркак ёки аёлни йўлдан уришга уринса, уч йилгача қамоқ ва дарра жазосини олади. Қаршилик қилмай йўлдан озиб кетаверган эркак ёки аёл ҳам шу жазони олади.

4. Кимки бир ё бир неча аёл ёки эркакларни фисқу фужур қилишга ёхуд шу иш учун шароит яратиб беришга ундаса, икки йилгача қамоқ жазосини олади. Нариги тараф рози бўлиб шу ишни қилса, у ҳам шу жазони олади.

5. Кимки зино ёки баччавозлик учун бирор восита ёки услуб билан қулайлик яратиб берса, беш йилгача қамоқ ва дарра жазосини олади. Агар у эр ёки маҳрам бўлса, жазоси икки баробар - ўн йилгача бўлади.

6. Эркак киши бегона аёлга уйдан жой берса ёки аёл киши бегона эркакка уйдан жой берса, у дарҳол ҳайдаб юборилади, ўзи эса олти ойдан бир йилгача қамалади.

7. Икки одамни ҳаёга тўғри келмайдиган ҳолатда кўриб қолишса, аммо қўшилишгани исботланмаса, тўрт йилгача қамоқ жазосини оладилар.

8. Кимки бир эркак ёки аёлни ухлатиб ёки маст қилиб бузуқчилик қилса-ю, жимоъ қилмаса, тўрт йилгача қамоқ жазосини олади. Кимки шу ишни ўз маҳрамига нисбатан қилса, ўн йилгача қамоқ, дарра ва сургун жазосини олади. Ухлатмасдан, маст қилмасдан шу ишни қилган киши икки йилгача қамоқ жазосини олади. Нариги тараф қаршиликсиз рози бўлса, у ҳам шу жазони олади.

9. Агар бир аёл бузуқлик мақсадида ҳамма кўра оладиган очиқ ёки ярим-очиқ жойда рақсга тушса, уни шу ишга ундаган ҳам, агар ўз ихтиёри билан қилган бўлса - унинг ўзи ҳам уч йилгача қамоқ жазосини олади.

10. Кимки йўл, дўкон, қаҳвахона каби жамоат жойларида шаҳватни қўзғайдиган қилиқларни қилса, олти ойгача қамалади. Бу ишни такроран содир этса, икки йилгача қамоқ ва дарра жазосини олади.

11. Кимки ҳайвон билан жимоъ қилса, беш йилгача қамоқ, дарра ва сургун жазосини олади.

Олиб қочиш

1. Кимки ҳийла ёки мажбурлаш орқали эркак ёки аёлни олиб қочса ва уч кунгача қайтармаса, ўғирланмиш эрли аёл ёки норасида эркак бўлса, беш йилгача қамоқ жазосини олади. Бунда уларни ўз розиликлари билан олиб қочадими, мажбурлабми, фарқи йўқ. Агар ўғирланмиш болиғ эркак ёки эрсиз аёл бўлса, уч йилгача қамоқ жазосини олади. Бу - номусига тегилмаган пайтдаги ҳукм. Агар номусига тегилиб, у иш шаръий ҳужжат ёки иқрор билан эмас, табиб ёки доянинг гувоҳлиги билан исботланса, ўн беш йилгача қамоқ, дарра ва сургун жазосини олади. Агар ўғирланмиш уч кун ичида қайтарилса ва унга ҳеч қандай зиён-захмат етказилмаса, бир йилгача қамоқ жазосини олади.

2. Кимки уйланиш мақсадида мажбурлаб бир аёлни олиб қочса, беш йилгача қамоқ жазосини олади. Аёлнинг ихтиёри билан олиб қочса, кейин шаръий никоҳ билан унга уйланса, олиб қочгани учун олти ойгача қамоқ жазосини олади. Уйланмаса - бир йилгача қамалади. Бу - жимоъ қилмаган пайтдаги ҳукм. Агар жимоъ қилса ва бу иш иқрор ёки шаръий ҳужжат билан эмас, табиб ёки доянинг гувоҳлиги билан исботланса, ўн беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Одобга хилоф ишлар

1. Кимки аёл кишига тегажоғлик қилиб гап отса, бир ойга қамалади. Аёл ҳам эркак билан шу ишни қилса, худди шу жазони олади ва ўн дарра урилади.

2. Кимки аёлларнинг кийимини кийиб, аёллардан бошқаси кириши мумкин бўлмаган хос жойга кирса, олти ойгача қамалади.

3. Кимки ахлоқнинг бузилишига олиб борадиган чоп этилган ёки чизилган безакни ёхуд расм ё суратни чоп қилса, сотса, сотиш ё тарқатиш мақсадида тўплаб қўйса ёки намоёйиш қилса, олти ойгача қамоқ жазосини олади.

4. Кимки ўткинчиларнинг кўз ўнгида ҳаёга хилоф тарзда чўмилса ёки жамоат жойида яланғочланса, олти ойгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Эркаклар кўриши қулай бўлган жойда чўмилган аёл ҳам худди шу жазони олади.

5. Кимки жамоат жойларида ёки жамоат жойларидаги одамлар кўришлари мумкин бўлган тарзда ҳаёга зид ишни қилса, олти ойгача қамалади.

6. Қайси бир аёл юзи ва қўлидан бошқа авратини очса, унга дарра урилади. Шунда ҳам ўзини ўнгламаса, олти ойгача қамалади.

7. Қайси бир эркак одобга хилоф, ғайритабиий, хотинча кийинса ёки шу тахлит ўзига зеб берса ё шу тахлит ҳаракатлар қилса, унга дарра урилади. Шунда ҳам тийилмаса, бир йилгача қамалади.

8. Кимки бировнинг уйига тешиқдан ёки эшик ёриғидан қараса, олти ойгача қамоқ ва дарра жазосини олади. Агар уйнинг усти ёки остидан қараса, дарра жазосини олади.

Уйланишга алоқадор ишлар

1. Кимки билиб туриб шариатга хилоф тарзда турмуш қурса, ўн йилгача қамоқ жазосини олади. Мажусийга уйланиш, муслмон аёлни кофирга узатиш, бешинчи хотинга уйланиш, ўзининг боин талоқ тушган хотинига уйланиш ношаръий никоҳ жумласидандир. Шу ишга билиб туриб гувоҳ бўлган кимсалар ҳам шу жазони оладилар.

2. Кимки ёлғон никоҳ битимини тузса, масалан, фирибгарлик билан бировга ўзининг қизини узатса, беш йилгача қамалади.

3. Кимки хотинини боин талоқ қилиб, яна у билан эр-хотиндек яшаса, беш йилгача қамоқ жазосини олади.

4. Кимки хотинининг синглиси, аммаси, холаси каби вақтинчалик маҳрамига билиб туриб уйланса, дарра ва уч йилгача қамоққа ҳукм қилинади.

ҚАДР-ҚИММАТГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ: ҚОРАЛАМОҚ, ОБРЎСИНИ ТЎКМОҚ, ҲАҚОРАТ ҚИЛМОҚ

Қоралаш кишини маълум гуноҳ билан айблашдир, гарчи у шубҳа ва сўроқ маъносида келса ҳам. У одамнинг иззат-ҳурматини ерга уради ёки бошқаларнинг нафратига сабаб бўлади. Масалан, сен каззобсан, қаллобсан, дейди. Обрўсини тўкиш маълум гуноҳ билан айбланмаса ҳам шахснинг ҳурмат-этиборини пастлатишдир. Масалан, эй пасткаш, эй разил каби гапларни айтиш. Ҳақорат қилиш эса таҳқирлашга оид сўз, ишора, ҳаракат ва ҳоказолардир. У сўкиш ёки устидан кулишдир. Бу уч ишнинг белгилари, умуман, қуйидагиларда кўринади:

I. Кимки бировни муайян гуноҳ билан айбласа, дарра ва бир ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади. Лекин жавобгар даъвогарда ҳақиқатан ҳам шу айб борлигини шаръий ҳужжат билан исботлаб берса, туҳмат ишига қиёсан жазоланмайди.

II. Кимки бировнинг обрўсини тўкса, дарра ва бир ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади. Бунда жавобгарга даъвогарда айтган айбининг борлигини исботлаш орқали ўзини оқлашга рухсат берилмайди.

III. Кимки бировни қайси восита билан бўлишидан қатъий назар ҳақорат қилса, дарра ва олти ойгача қамоқ жазосини олади.

IV. Қоралаш ва обрўни тўкиш учун қуйидаги ҳолатлардагина жазо тайинланади:

а) Қоралаш ва обрўни тўкиш юзма-юз бўлганда, қуйидаги ҳолатлардан бири бўлиши шарт:

1. Мажлисида даъвогар билан юзма-юз бўлиш;

2. Оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар бошқа одамлар ҳам эшитишлари мумкин бўлган жойда содир этилиши.

б) Қоралаш ва обрўни тўкиш орқаваротдан бўлганда жабрланувчи йўқ бўлса ҳам тўпланган ёки якка-якка ҳолдаги бошқа одамлар бўлиши шарт;

в) Қоралаш ёки обрўни тўкиш ёзма тарзда бўлганида қуйидагилардан бири бўлиши шарт:

1. Одамларнинг орасида ёки бир гуруҳнинг ўртасида тарқатиладиган китоб, расм, карикатура ёки қоралама расм кабилар бўлиши;

2. Жабрланувчига очиқ хат ёки почта откриткасини юбориш.

г) Матбуот орқали қоралаш ва обрўни тўкишда қўйидаги ҳолатлардан бири бўлиши шарт:

1. Кундалик ёки вақти белгиланган газета-журналлар орқали;

2. Китоб, varaқа каби матбуотнинг бирон тури орқали.

V. Ҳақорат қилиш қўйидаги ҳолатлардан бирида содир бўлгандагина унга жазо тайинланади:

а) Жамоат жойларида, ҳамманинг кўз ўнгида, ҳамма кириши мумкин бўлган жойда ёки жиноятчининг хатоси туфайли унга дахли йўқ одам ҳам ундан огоҳ бўлиб қолса;

б) Дахли бўлмаган одамлар ҳам эшитадиган қилиб бақириб ёки микрофон билан айтиш;

в) Ёзув, расм, сурат, фотосурат, филм, тамға каби нарсалардан бирортасини жамоат жойларида, ҳамма кириши мумкин бўлган ерда ёки ҳамманинг кўз ўнгида намойиш қилиш, сотиш, сотмоқчи бўлиб кўрсатиш ёки бир ё бир неча одамларга тарқатиш;

г) Телеграф ё телефонда, шунингдек, очиқ хат ёки почта откриткасида бўлиши.

VI. Кимки шахслар ё жамоалар ёки ширкатларга зарар қиладиган, уларни қоралаш ёки обрўсини тўкиш ҳисобланадиган ёлғон миш-мишларни тарқатса ёки шу ишга ҳисса қўшса, бир ҳафтадан икки йилгача қамалади.

VII. Бировнинг айтмаган гапини айтди дейиш ёки қилмаган ишини қилди дейиш ҳам жиноят ҳисобланиб, унга койиш, дарра ва икки йилгача қамоқ жазоси тайинланади.

АҚЛГА ОЗОР БЕРАДИГАН ИШНИ ҚИЛИШ

Бу ишларни умумий тарзда қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Кимки наша ва қорадори каби наркотик моддаларни истеъмол қилса, у жиноятчи ҳисобланаб, дарра, жарима ва ўн беш йилгача қамоқ жазосига тортилади. Жазони белгилаш қозининг ҳукмига ҳавола этилади.

2. Кимки ароқ сотса, сотиб олса, ишлаб чиқарса, ташиса, тўпласа, дарра ва беш йилгача қамоқ жазосини олади. Дини томонидан ароқ ичишга рухсат берилганлар бундан мустасно.

3. Кимки наркотик модда сотса, сотиб олса, ишлаб чиқарса, ташиса ёки тўпласа, дарра, икки баробар жарима ва ўн беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

4. Кимки ароқ тайёрладиган узум ёки бошқа нарсани олувчининг ундан ароқ тайёрлашини билиб туриб сотса, бевосита ёки билвосита сотишидан қатъий назар, дарра ва олти ойдан уч йилгача қамоқ жазосини олади. Дини томонидан ароқ ичишга рухсат берилганлар бундан мустасно.

5. Кимки ошкора ёки махфий ҳолда наркотик моддалар истеъмол қилинадиган жойларни очса, дарра ва ўн беш йилгача қамоқ жазосини олади.

6. Кимки ошкора ёки яширин тарзда спиртли ичимликлар ичиш жойларини очса, дарра ва беш йилгача қамоқ жазосини олади.

7. Ароқни дориликка сотдим, деган даъво дори тайёрлаш жойларида тайёрланиб, дорихоналарда сотилгандагина инобатга олинади.

МОЛ-МУЛКЛАРГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ. КЎЧМА МОЛЛАР

1. Кимки қўлни кесиш шартларига тўғри келмайдиган ўғирликни содир этса, масалан, хирмондан бошқа жойдан олса ёки байтулмолдан олса, дарра ва бир ойдан беш йилгача қамоқ жазосини олади.

2. Кимки ўғирлик мақсадида уйга кирса, ўғирлик қилган-қилмаганидан, кечаси ё кундузи кирганидан, синдириб бузган ё бузмаганидан қатъий назар, уч ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади.

3. Босқинчилик, талон-торож ёки ўзлаштириш жиноятларини содир этганлар олти ойдан беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар. Зўравонлик ишлатилса, жазо янада оғирлашади.

4. Кимки билиб туриб ўғирланган, босиб, тортиб, ўзлаштириб олинган молни сотиб олса, уч ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади, мол эгасига қайтарилади, бузган бўлса тўлайди, ишлатиладиган мол бўлса, унда қанча турган бўлса, ўшанчалик хизмат ҳақини беради. Ўғрига, босқинчига, ўзлаштирувчига билиб туриб бошпана берган одам ҳам шу жазони олади.

5. Кимки билиб туриб шеригига сақлаб бериш ёки яшириш каби мақсадларда ўғирланган, тортиб, босиб, ўзлаштириб олинган молни яширишга берса, олти ойдан беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

6. Кимки бировнинг молини қасддан бузса ёки қасддан зарар етказса, дарра ва уч йилгача қамоқ жазосини олади.

7. Кимки бировнинг нарсасини олиб қўйса, икки йилгача қамоқ жазосини олади. Зўравонлик қилса ёки қўрқитса, жазоси янада оғирлашади.

8. Кимки бировнинг нарсасини ноҳақ, унга зарар қиладиган тарзда ишлатса, мақсади уни ўзлаштириб олиш бўлмаса, олти ойгача қамалади ва қози белгилаган миқдорда тоvon тўлайди.

9. Кимки бир молни озиқ-овқат ёки бошқа нарса бўлишидан қатъий назар монополия қилиб олса, дарра ва уч йилгача бўлган қамоқ жазосини олади. Молни сотувга чиқаришга мажбур қилинади.

10. Кимки билиб туриб ноҳақ битим орқали бир молга эга бўлиб олса, дарра ва уч ойгача қамоқ жазосини олади, битим эса бекор қилинади.

11. Гаров, савдо, ижара ва ширкатдаги ҳар бир ношаръий битим учун олти ойгача қамоқ жазосини олади.

12. Кимки судхўрлик қилса, шу ишнинг бир томонида турса, гувоҳ ёки котиб бўлса, дарра ва икки йилгача қамоқ жазосини олади.

Қаллоблик ва товламачилик

1. Кимки бировни кўчма ёки кўчмас мулкни ё васийлик тилхатини ёхуд қарздан воз кечиш ҳужжатини топширишга ундаб, қаллоблик билан унга эга бўлиб олса, дарра, беш йилгача қамоқ ва қози белгилаган товонни тўлаш жазосини олади.

2. Кимки вояга етмаган, ақлдан озган, ақли паст, савдойи одамнинг эҳтиёжини суиистеъмол қилиб, унга зарар етказадиган тарзда ундан қарз, ижара олгани, тижорий ва бошқа ҳужжатлардан воз кечгани хусусидаги тилхатни ёки бирор шартномани ёки қарздан кечиш ҳужжатини олса, олти ойдан уч йилгача қамалади.

3. Кимки ёмон ниятда ҳеч нарсага арзимайдиган чекни берса ёки банкдаги пули чекдан оз бўлса ёхуд чекни бериб қўйиб, банкдаги пулнинг ҳаммасини ёки қолгани чекдаги ҳисобга тўғри келмайдиган миқдордаги маблағни олса, дарра, икки йилгача қамоқ ва қози белгилаган товонни тўлаш жазосини олади.

4. Кимки молиявий ҳужжатларга сохта имзо чекиш ёки вексел, чек каби молиявий ҳужжатларни сохталаштириш каби ишларни қилса, дарра ва икки йилгача қамоқ жазосини олади.

5. Кимки давлат ёки чет эл валютасини сохталаштирса ёхуд билиб туриб уни муомалага қўйса, йигирма беш йилгача қамоқ ҳамда қози белгилаган товонни тўлаш жазосини олади.

6. Кимки бировни нарсасини пулини бермаслик ниятида танлаш ҳуқуқи билан ёки маълум муддатга топширишига ундаса, бир йилгача қамалади.

7. Кимки қарз берувчиларни алдаш мақсадида молини бериб, тўкиб, гаровга қўйиб юборса ёки муайян маблағни тўлаши хусусида қозининг ҳукми чиққанидан кейин молининг бир қисмини сотиб ёки кўчириб юборса, олти ойдан икки йилгача қамоқ жазосини олади.

8. Кимки харидордан ёки гаровга қўйилган нарсани олувчидан сотиладиган ёки гаровга қўйилган нарсанинг мулкчилигига ёхуд гаров ҳуқуқи ёки шунга алоқадор бошқа бир гаровга тааллуқли бўлган асосий ҳужжатни яширса ё мулкчилик унга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлиши эҳтимоли бўлган шаҳодатномани сохталаштирса, бир йилгача қамоқ жазосига тортилади.

Омонат молга хиёнат қилиш

1. Кимга моллар омонат тарзида топширилса ва у бу омонатни суиистеъмом қилса, дарра ва беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

2. Етимнинг васийси, вақфнинг мутаваллиси, вакили, ижарачи каби кишилардан бири қўл остидаги молга хиёнат қилса, дарра ва беш йилгача қамоқ жазосини олади.

3. Кимки васийлик тилхати, қарздан воз кечиш сингари бирон-бир молиявий ҳужжатни қасддан яшириш, ўзлаштириш, йўқ қилиш, яроқсиз ҳолга келтириш, йиртиб ташлаш каби ишларни қилса, икки йилгача қамоқ жазосини олади.

Муомалалардаги товламачилик

1. Кимки давлат тарафидан белгиланмаган ёки одатда бўлмаган тарози ва ўлчов асбоби (яъни, килограмм, қадоқ, литр) ёки ўлчагичларни ишлатса ёхуд алдаб тортса ё ўлчаса, олти ойгача қамалади.

2. Кимки топширилаётган нарсанинг сони ёки сифатида алдаса, бир йилгача қамоқ ва қози белгилаган товонни тўлаш жазосини олади.

3. Кимки битим тузувчини товарнинг табиати ё асосий белгилари, ё таркиби, ё керакли элементларининг миқдори борасида билиб туриб алдаса, бир ойдан икки йилгача қамалади.

4. Кимки савдо-сотиққа, кўчмас ёки кўчма мулкни ижарага беришга, нарсанинг савдоси, импорт қилиниши ё истеъмоли шартномасига тааллуқли бўлган қўшимча ҳужжатни бекор қилса, олти ойгача қамалади.

5. Кимки товламачилик йўли билан товарларнинг нархини кўтариш ёки туширишга эришса, бир ойдан икки йилгача қамалади.

Банкротлик (синиш, хонавайронлик)

1. Атайин банкрот бўлганлар беш йилгача қамаладилар.

2. Атайин эмас, ҳақиқатда банкрот бўлганликда айбланаётганлар, унинг сабаби камчиликка йўл қўйганлари ёки молни ҳаромга ишлатганларидан эканлиги исботланса, икки йилгача қамаладилар.

3. Агар қарздор қарз берувчиларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиш мақсадида сохта тилхатларга қўл қўйиш ёки айрим молларини яшириш ё контрабанда йўли билан олиб кириш каби ишларни қилса, дарра ва икки йилгача қамоқ жазосини олади.

Босқинчилик

1. Кимки кўчма мол-мулкни тортиб олса, ишлатган-ишлатмаганлигидан қатъий назар, олти ойгача қамоқ жазосини олади. Агар уни бузиб қўйса, пулини тўлайди, жазоси икки баробар бўлади. Агар шаклини ўзгартирса ва натижада унинг баҳоси пасайса, бир йилга қамалади, баҳоси пасаймаса, қамоқ жазоси боягидек - олти ойгача бўлиб қолади.

2. Кимки ер, иморат, боғ каби кўчмас мулкни тортиб олса, қайтариб беришга мажбур қилинади ва олти ойгача қамалади. Мулк ёки унинг эгасига зарар етказса, жазоси янада ортади.

3. Кимки умумий мулклардан фақат ўзи учун йиғиб олса, босқинчи ҳисобланиб, олти ойгача қамоқ жазосига тортилади.

Молга тажовуз қилишнинг бошқа турлари

1. Кимки молни қўлга киритиш учун бировга таҳдид қилса, беш йилгача қамоқ жазосини олади.

2. Кимки билиб туриб душман билан бевосита ёки билвосита савдо қилса, ўн йилгача қамоқ жазосини олади.

3. Кимки жонли нарсаларнинг ҳайкалини яшаш ёки жонли нарсаларнинг расмини чизиш каби ҳаром саноат билан шуғулланса, олти ойгача қамоқ жазосига тортилади.

4. Кимки ёлғон молиявий баёнот берса ёки баёнот берилиши керак бўлган молни яширса, банк, ширкат ёки савдогар бўлишидан қатъий назар, ўн беш йилгача қамоқ жазосига тортилади ҳамда ёлғончилик натижасида ўзлаштирган ва яширган нарсасининг икки баробар миқдорида жарима тўлайди.

ТИНЧЛИККА РАХНА СОЛИШ ЗЎРАВОНЛИКЛАР

1. Кимки давлатнинг бир ҳокимияти ёки идорасини босиб олса ёхуд ишдан бўшатиш ҳокимияти ёки идорани асраб олса, икки йилдан ўн йилгача қамоқ жазосини олади.

2. Фуқаролар урушини чиқариш ёки одамлар ўртасида фитна қўзғаш мақсадида қилинган ҳар бир тажовуз учун дарра ва уч йилдан йигирма йилгача қамоқ жазоси берилади. Жазо ўлдириш ва осигача бориши мумкин.

3. Кимки қўпоровчилик ишларини қилса ва натижада тинчлик бузилса ёки одамларда беқарорлик юзага келса ёки одамларни ишдан қолдирса, олти ойдан беш йилгача қамоқ жазосига тортилади.

Давлат хавфсизлигига ёзма ва оғзаки халақит қилиш

1. Шаръий ҳукмлар ёки Исломи низомининг салоҳияти хусусида шубҳа туғдирувчи ҳар бир ёзма ёки оғзаки иш учун икки йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазоси берилади. Жазо ўлдиришгача бориши ҳам мумкин.

2. Миллатчилик, маҳаллачилик, ватанпарастликларни қўзғовчи ҳар бир ёзма ёки оғзаки иш учун беш йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазоси берилади. Ўлим жазоси ҳам қўлланиши мумкин.

3. Мусулмонларнинг исломий давлатга, уммат бирлигига бўлган ишончларига путур етказиш учун ёки мусулмонларни ғайримусулмонларга ва аксинча, ғайримусулмонларни мусулмонларга қарши қайраш мақсадида қилинган ёзма ёки оғзаки иш учун беш йилдан ўн беш йилгача қамалади.

4. Кимки солиқ тўлашни белгиланган муддатдан шаръий узрсиз бир ойга кечиктирса, икки баробар жарима тўлайди ва солиқ ундан дарҳол ундириб олинади. Уни беришдан бош тортган одам мажбур қилинади ҳамда дарра ва ўн беш йилгача қамоқ жазосига тортилади.

Уюшмалар

1. Динни давлатдан ажратиш ёки материализм каби Иломдан бошқа асосларда уюшма тузиш ёки унга аъзо бўлиш учун ўлим ва осиг жазоси белгиланади.

2. Миллатчилик ёки маҳаллачилик асосига қурилган ҳар бир уюшма учун, гарчи у Иломни низом сифатида қабул қилган бўлса-да, ўн беш йилгача қамоқ жазоси белгиланади. Жазо ўлдириш ва осигача бориши мумкин.

3. Ҳокимларни ёки ҳокимият низомини куч билан ўзгартириш мақсадида тузилган ҳар бир уюшма учун ўн беш йилгача қамоқ жазоси белгиланади. Жазо ўлимгача бориши мумкин.

4. Асоси ҳам, ғояси ҳам юқоридагилар бўлмаган ҳар бир махфий уюшма учун - яширин бўлгани сабабли - икки йилгача қамоқ жазоси белгиланади.

5. Ажнабий давлат билан алоқаси бўлган ҳар бир уюшма учун - у қандай давлат бўлишидан қатъий назар, икки йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Жосуслик

1. Мамлакатдаги чет эл жосуси ўлим жазосига ҳукм қилинади.

2. Ажнабий давлат фойдасига жосуслик қилган зиммий беш йилдан йигирма беш йилгача қамоқ жазосини олади. Ўлим жазоси берилиши ҳам мумкин.

3. Ажнабий давлат фойдасига жосуслик қилган мусулмон беш йилдан йигирма беш йилгача қамоқ жазосини олади.

Агентлар

1. Кимки бир ёки бир неча ажнабий давлатлар фойдасига сиёсий фаолият олиб борса, беш йилдан йигирма беш йилгача қамоқ жазосини олади.

2. Ажнабий давлат ҳокимлари, сиёсатчилари ёки ҳарбийларидан бирортаси билан шахсий дўстлик алоқалари ўрнатган сиёсий шахс ўн йилгача қамоқ жазосини олади.

3. Ажнабий давлат фойдасига ташвиқот юргизган ёки ундан ёрдам сўраган кимса беш йилгача қамоқ жазосига тортилади.

Фитна уюштириш

1. Кимки ажнабий давлатда туриб, Ислом давлатининг қувватини заифлаштириш, обрўсини тўкиш мақсадида унга ва унинг ҳокимларига қарши ўша ажнабий давлатни гиж-гижласа, ўн беш йилгача қамалади. Ўлим жазоси қўлланиши ҳам мумкин.

2. Кимки бир ёки бир неча ажнабий давлатларни Ислом давлатига қарши қайрайдиган гапларни айтса ёки ишларни қилса, беш йилгача қамоқ жазосига тортилади.

3. Кимки давлатнинг бирор сирини фош қилиб, унга зиён етказса, бу ишни ёзма ёки оғзаки қилишдан қатъий назар, ўн беш йилгача қамоқ жазосини олади.

ДИННИ ТАҲҚИРЛАЙДИГАН ИШНИ ҚИЛИШ

1. Кимки куфр мафкурасини ёки куфрона фикрларни тарғиб қилса, агар у мусулмон бўлмаса, ўн йилгача қамалади. Мусулмон бўлса, унга муртадлик ҳукми татбиқ қилиниб, ўлдирилади. Мусулмонлар орасида куфр динини тарғиб қилган киши ҳам шу жазони олади.

2. Мусулмонларнинг бирон эътиқодини айбловчи ёзма ёки оғзаки ишни қилган одам, агар мусулмон бўлмаса ёки айблов кофир қиладиган даражада бўлмаса, беш йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазосига тортилади. Агар мусулмон бўлса ёки айблов кофир қиладиган даражада бўлса, унга муртадлик жазоси берилади.

3. Олимлардан бошқаларга куфр фикрларини тарғиб қилганлиги ҳамда китоблар, газеталар, муайян фикрлар орқали куфр фикрларини ташвиқот қилганлиги учун беш йилгача қамоқ жазоси берилади.

4. Занний ақидаларга ёки мусулмонларнинг нафратини қўзғатадиган фикрларга даъват қилувчи кимса дарра ва беш йилгача қамоқ жазосини олади.

5. Намозни тарк қилган одам беш йилгача қамоқ жазосини олади. Баъзида ўқиб, баъзида ўқимаган одам икки йилгача қамалади.

6. Рамазонда шаръий узрсиз рўза тутмаган одам ҳар бир тутмаган куни учун икки ойга қамалади. Рамазоннинг шаънини ерга уриб, ошкора рўза тутмаган одам тутмаганлик жазосидан ташқари яна олти ойгача қамалади.

7. Кимки имкони бўла туриб ўз вақтида закотини бермаса, ундан закот икки баробар қилиб мажбуран ундириб олинади, ўзи олти ойгача қамоқ жазосига тортилади. Агар закот беришдан бош тортса, ўн беш йилгача қамоқ жазосини олади ва ундан закот икки баробар қилиб мажбуран ундирилади.

ТАЪЗИРНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

Жонни сақлаш, мункар ишдан қайтариш мақсадида ҳам бир неча таъзирга оид жазо турлари белгиланган. Уларнинг мисоли қуйидагилардир:

1. Бир одам сувда сузаётиб чўкиб кетяптими, табибга муҳтож бўлган касалми, саҳро ёки сувсиз жойда ташнами, ўт кетаётган ёки бузилаётган жойда қолиб кетганми, ишқилиб бир сабаб билан ўлим ёқасига бориб қолган бўлса ва бу ҳолатни кимдир кўриб турса ёки ундан қутқаришини сўраётган бўлсалар, у эса ўзи ёки бошқани хатарга қўймаган ҳолда шу ишни қилишга қодир бўла туриб қилмаса, натижада ҳалиги одам ўлса, дарра ва уч ойдан етти йилгача қамоқ жазосини олади. Натижа ҳалиги одамнинг ўлмаслиги билан якунланса, лоқайдлик қилган кимсага дарра ва қози белгилаган жаримани тўлаш жазоси берилади.

2. Кимки ўзини ёки бошқани хатарга қўймаган ҳолда қотилликни тўхтатиб қолишга қодир бўла туриб тўхтатиб қолмаса, дарра ва уч йилгача қамоқ жазосини олади.

3. Кимки бировнинг жамоат жойида ошкора мункар ишни қилаётганини кўриб, ўзи ёки бошқани хатарга қўймаган ҳолда уни мункардан қайтаришга қодир бўла туриб етарли даражада қайтармаса, дарра ва олти ойгача қамоқ жазосини олади.

Таъзирнинг қолган турлари


Юқорида таъзирнинг айрим турларидаги айрим воқелари хусусида айтиб ўтдик. Унинг қолган воқелари ва бошқа турлари қозининг ҳукмига ҳаволга қилинади. Масалан, лотореями ёки бошқами, ишқилиб қимор энг қабиҳ жиноятлардандир. Қози унинг жазосини белгилашда унчалик янглишмайди. Пора эса давлат жиҳози ва унга бўлган ишончга салбий таъсир қиладиган жиноятлардандир. Мусулмон қози бундай жиноят учун жазо белгилашда меҳр-шафқат кўрсатиши эҳтимолдан узоқ. Ҳурни қул қилиш, одамлар эркини бўғиш каби уларни содир этган жиноятчига нисбатан одамларнинг нафратини кўзгайдиган разил ишлар учун жазо белгилашда қозига қаттиққўл бўлишни ўргатишнинг ҳожати йўқ. Шундай қилиб, таъзирнинг қолган воқелари ва бошқа турлари қозининг ихтиёрига топширилади. Негаки ҳаёт ва муносабатларнинг табиати, хилма-хиллиги, тинимсиз янгилиниб туриши, уларнинг ҳаммасини қамраб олиш мумкин эмаслиги шуни тақозо қилади. Демак, таъзирда ишни қозига ҳавола қилишдан бошқа илож йўқ. Шунга кўра, юқорида айтиб ўтилган ҳадларга муқобил воқелар ва турлар билан кифояланиб, қолганлари қозига қўйиб берилади. У ўз фикри билан жазо белгилайди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР

Давлат чиқарган буйруқ ва тақиқларга бўйсунмаслик қонунбузарликдир. Маълумки, халифа ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қилолмайди, мандуб ё мубоҳни вожибга, макруҳни ҳаромга айлантиролмайди. Ҳаромга рухсат беролмайди, вожиб, мубоҳ ё мандубни тақиқлаб ҳам қўёлмайди. У бор-йўғи уммат ишларини бошқариш, одамлар манфаатларини тартибга солиш вазифасини бажаради, холос. Бу ишни ҳам шариат ҳукмларига мувофиқ тарзда қилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, Шорей унга кўпгина ишларни ўз фикри ва ижтиҳоди билан бошқариш ҳуқуқини берган. Байтулмолни бошқариш, қўшин тайёрлаш, волийларни тайинлаш, одамлар манфаатларидан кўз-қулоқ бўлиб туриш, шаҳарларни ободонлаштириш, йўллар очиш, одамларни бир-бири билан даф қилиб туриш, умумий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш каби ишлар шулар жумласидандир. Улар халифанинг ихтиёрига топширилган бўлиб, у булар хусусида қонунлар, буйруқлар чиқариши мумкин. Уларга бўйсунмиш мусулмонларга фарз, бўйсунмаслик эса гуноҳ, яъни қонунбузарликдир. Уларга жазо белгиланади.

Шорей халифага одамларга буюриш ва тақиқлаш ҳуқуқини бергани каби, қонунбузарларни жазолаш, жазо турини тайинлаш ҳуқуқини ҳам берган. Қонунбузарлик - шариатда аниқ жазоси тайинлангани, халифага ҳамда халифанинг ноиби сифатида қозига ҳавола қилингани жиҳатидан таъзирга ўхшайди. Лекин у халифанинг буйруғи ва тақиқига бўйсунмаслик жазоси ҳисобланса, таъзир Оллоҳнинг буйруғи ва тақиқига бўйсунмаслик жазоси ҳисобланади.

Қонунбузарлик жазоси учун даъвогарнинг мавжуд бўлиши шарт эмас. Қози қаерда бўлмасин, ундан хабардор бўлгани заҳоти қозилик йиғилишисиз ҳам ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Умар ибн Хаттоб  қонунбузарлик учун жазолар эди. Масалан, йўл ўртасида туриб олиб, йўловчиларни ўтказмаётган одамни урган (дарралаган). Буйруқларига бўйсунмаган одамни жазолар эди.

Қонунбузарлик турлари

Қонунбузарликнинг аниқ, муайян турлари йўқ. Ҳар бир давлат қонунларига бўйсунмаслик қонунбузарлик ҳисобланади. Уларга жазо турини халифа белгилайди. Масалан, шаҳар майдонлари ва умумий йўлларга муайян масофа ва чегара белгилаб, одамларга

ундан фалон метргача бўлган масофага уй қуриш ёки экин экишни тақиқлайди. Кимки бунга бўйсунмаса, уни жарима солиш, дарралаш ёки қамаш билан жазолайди. Савдо-сотиқ ишларини бошқариш учун махсус ўлчов асбоби (яъни, килограмм, қадоқ, литр) тарози ва ўлчагичларни тайинлаб бериш ҳам халифанинг ҳаққидир. Уларга бўйсунмаган одам ҳам жазоланади. Қаҳвахоналар, меҳмонхоналар, ўйингоҳлар каби оммавий жойлар учун махсус тартиблар жорий қилиш ҳам халифанинг ишидир. Бу тартибларга риоя қилмаган одам ҳам жазоланади.

Худди таъзирдаги каби умумий тарзда муайян воқелар учун муайян жазолар белгилаш ҳам мумкин. Лекин бугун бўлиб турган воқеларнинг бошқа воқеларга айланиб қолиши, тубдан ўзгариб кетиши ҳоллари ҳам учраб туради. Шунинг учун бўлиб турган воқеларга муайян жазо тайинлаш кўзда тутилган мақсадни етарли даражада рўёбга чиқара олмайди, айрим ҳолларда акс натижа беради. Шунга кўра, бўлиб турган воқеларга муайян жазолар тайинланган бўлса, ўша ҳолича туради, янги қонунлар, яъни - янги буйруқ ва тақиқлар чиқадиغان бўлса, уларга қараб янги жазолар тайинланиши керак бўлади.

Кечириш

Жинойят содир этилиб, қозига арз қилинган, у ҳали ҳукм чиқармаган бўлса, иш кўриб чиқилади. Жиноятчи жазоланадими, йўқми? Жазо олиб ташланадими, йўқми? Уни кечиришга ҳаққи борми, йўқми? Бунинг тафсилоти қуйидагича:

Аввало, жиноятчини жазолаш хусусида. Давлат қўли остидаги ер, ҳаво, денгиз, анҳор каби нарсаларга нисбатан жиноят ёки жиноятнинг бир элементини содир этган кимса - қилган айби ҳад, жиноят ёки қонунбузарликка оид бўлишидан қатъий назар, ўзи эса халифа, ҳоким, уммат мажлиси аъзоси бўлишидан қатъий назар, модомики давлатнинг ҳимоясидаги, исломий фуқароликни қабул қилган шахс экан, жазосини олади. Фуқароликни қабул қилган бирор одам мамлакат ичида бўладими, ташқарисида бўладими, жазодан қочиб қутулолмайди. Давлат салтанатидан ташқарида жиноят содир этган ажнабий жазога тортилмайди. Исломий фуқароликни қабул қилган шахс эса жиноятни давлатнинг ичида қиладими, ташқарисида қиладими, жазосини олади. Аҳли аҳд ва омонлик олганлар эса давлат салтанатининг ҳудудида жиноят содир этсалар,

жазоланадилар. Элчи, консул каби дипломатик вакиллар бундан мустаснодир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, шаръан мукаллаф одамгина, яъни балоғатга етган, ақли расо, ўз ихтиёри билан иш қилган одамгина жазога тортилади. Гўдак ё жинни жазоланмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثٍ: عَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ, وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ, وَعَنِ الْمَجْنُونِ حَتَّى يَفِيْقَ»

«Қалам уч тоифадан кўтарилгандир: Уйқудаги одамдан уйғонгунига қадар; гўдакдан вояга етгунига қадар; жиннидан ақлини топгунига қадар», деганлар. Бу ҳадис гўдак ва жиннининг жазоланмаслигига очиқ ҳужжатдир. Вояга етмаган болаларни ёшларни ўнглаш номи билан ўзларига хос қамоқхоналарга қамаш мумкин эмас. Чунки бунга далил йўқ. Зиддига эса мазкур ҳадис далилдир. Ҳадисдаги **«қалам кўтарилди»**, дегани жазоланмайди, деганидир. Норасида бола жиноят содир этса, жавобгарлик валийсининг гарданига тушади. Жиноятнинг содир этилиши валийсининг масъулиятсизлигидан келиб чиққан бўлса, унинг ўзи жазоланади. Бундай бўлмаса, жазоланмайди. Боланинг ўзи ҳеч қанақасига жазоланмайди. Жинни ҳам жазоланмайди. Ҳадис ҳар иккисига бир хил далолат қилади. Ўз хоҳишисиз маст қилинган одам ҳам жазоланмайди. Унинг ҳукми жиннининг ҳукми кабидир.

Мажбур қилинганнинг иши кўриб чиқилади. Агар қаттиқ мажбур қилинган бўлса, ноилож қолса, яъни аниқ ўлим билан қўрқитилса, у ҳам жазоланмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ:

«رُفِعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنَّسْيَانُ وَمَا اسْتُكْرِهُوا عَلَيْهِ»

«Умматимдан хато, унутиш жавобгарлиги ва қилишга мажбур этилган иш(нинг жавобгарлиги) кўтарилгандир», деганлар. Аммо ишдан ҳайдаш, қамаш каби қўрқитишлар жазони бекор қилувчи мажбурлаш ҳисобланмайди. Ноилож қолдирадиган мажбурлашгина инобатга олинади.

Энди жазони бекор қилиш хусусида. Кимки жонини, молини, шаънини ҳимоя қиламан, деб жиноят содир этса, жазо бекор қилинади. Зеро, мудофаа жиноят содир этишнинг шаръий оқловчисидир. У ҳатто қотиллик жиноятини ҳам оқлайди. Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ قُتِلَ دُونَ دِينِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ وَمَنْ قُتِلَ دُونَ دَمِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ وَمَنْ قُتِلَ دُونَ مَالِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ وَمَنْ قُتِلَ دُونَ أَهْلِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ»

«Кимки дини учун ўлдирилса, шаҳиддир. Кимки жони учун ўлдирилса, шаҳиддир, Кимки моли учун ўлдирилса, шаҳиддир. Кимки аҳли аёлини ҳимоя қилиб ўлдирилса, шаҳиддир». Бу ҳадис динини, жонини, молини ёки шаънини мудофаа қилиш учун курашган одамнинг жазоланмаслигига далил бўлади. Мудофаада ўлдирилса - шаҳид бўлади, ўлдирса - унга қарши ҳеч нарса қилинмайди. Зеро, Пайғамбар ﷺ яна бир ҳадисларида:

«فَإِنْ قُتِلَتْ فِي الْجَنَّةِ وَإِنْ قُتِلَتْ فِي النَّارِ»

«Ўлдирилсанг, жаннати бўласан, ўлдирсанг, дўзахи бўласан», деганлар. Яна бир ривоятда келади:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ جَاءَ رَجُلٌ يُرِيدُ أَخْذَ مَالِي؟ قَالَ: فَلَا تُعْطِهِ مَالَكَ، قَالَ: أَرَأَيْتَ إِنْ قَاتَلَنِي قَالَ: قَاتَلْتَهُ»

«Бир одам: «Эй Расулуллоҳ, бир киши молимни (тортиб олишни) хоҳлаб келса, нима қиламан?» деди. «Молингни берма», дедилар. «Агар мен билан уришса-чи?», деб сўраган эди: «Сен ҳам уриш», деб жавоб бердилар». Бу ҳадисда молининг мудофааси учун уришишга буюриляпти. Шунга кўра, мудофаа жиноят содир этилишининг оқловчиси бўлади. Кимнинг жинояти дини, жони, моли ёки шаънини мудофаа этиш учун қилингани исботланса, у жазодан озод этилади.

Энди кечириш хусусида. Кечириш ишларга қараб ҳар хил бўлади. Агар жиноятнинг жазоси ҳад бўлса, кечириш ҳеч қанақасига мумкин эмас. Бу хусусда кўп ҳадислар ворид бўлган. Ибн Можа Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«حَدَّثَ يُعْمَلُ بِهِ فِي الْأَرْضِ خَيْرٌ لِّأَهْلِ الْأَرْضِ مِنْ أَنْ يُمَطَّرُوا أَرْبَعِينَ صَبَاحًا»

«Ер юзида биттагина ҳадга амал қилиш қирқ кун тонгда ёмғир ёғишидан ҳам яхшироқдир», деганлар. Абу Довуд ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ حَالَتْ شَفَاعَتُهُ دُونَ حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ فَهُوَ مُضَادُّ اللَّهِ فِي أَمْرِهِ»

«Кимки Оллоҳнинг ҳадларидан бири учун ўртага тушиб, тўхтатиб қўйса, Оллоҳнинг ишига қарши чиқибди», деганлар. Муслим Сафвон ибн Умайядан ривоят қилади:

«كُنْتُ نَائِمًا فِي الْمَسْجِدِ عَلَى خَمِيصَةٍ لِي فَسُرِقَتْ، فَأَخَذْنَا السَّارِقَ فَرَفَعْنَاهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَ بِقَطْعِهِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفِي خَمِيصَةٍ ثَمَنُ ثَلَاثِينَ دِرْهَمًا، أَنَا أَهْبَهَا لَهُ أَوْ أُبَيْعَهَا لَهُ، قَالَ: فَهَلَّا كَانَ قَبْلَ أَنْ تَأْتِيَنِي بِهِ»

«Масжидда кийимимни ёпиниб ухлаётган эдим, ўғирлаб кетишди. Ўғрини ушлаб, Пайгамбар ﷺнинг олдиларига олиб борган эдик, қўлини кесишга буюрдилар. Мен: «Эй Оллоҳнинг Пайгамбари, ўттиз дирҳамлик кийим учун-а, (яхшиси) мен уни унга ҳадя қилиб юбораман», дедим. У киши: «Шу иш менинг олдимга олиб келмасингдан олдин бўлмабди-да», дедилар». Аҳмад ва Нисойининг ривоятида:

«فَقَطَعَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ»

«Кейин Пайгамбар ﷺ унинг қўлини кесдилар», дейилган. Молик «Муваттоъ»да Робиа ибн Абу Абдуррахмондан ривоят қилади:

«أَنَّ الزُّبَيْرَ بْنَ الْعَوَّامِ لَقِيَ رَجُلًا قَدْ أَخَذَ سَارِقًا، وَهُوَ يُرِيدُ أَنْ يَذْهَبَ بِهِ إِلَى السُّلْطَانِ، فَشَفَعَ لَهُ الزُّبَيْرُ لِيُرْسَلَهُ، فَقَالَ: لَا، حَتَّى أَبْلُغَ بِهِ السُّلْطَانَ، فَقَالَ الزُّبَيْرُ: إِذَا بَلَغْتَ بِهِ السُّلْطَانَ فَلَعَنَ اللَّهُ الشَّافِعَ وَالْمُشَفِّعَ»

«Зубайр ибн Аввоб бир ўғрини ушлаб олиб, султоннинг олдига олиб бормоқчи бўлиб турган кишини учратиб қолиб, қўйиб юборишини сўраб, ўртага тушди. У: «Йўқ, султонга олиб бораман», деб туриб олди. Шунда Зубайр: «Агар султонга олиб борсанг, ўртага тушувчини ҳам, тушилувчини ҳам Оллоҳ лаънатлайди», деди». Бу ҳадислар иш ҳокимга етиб борганидан кейин ҳадлар борасида халифанинг ҳам, ҳақдорнинг ҳам мутлақо кечиришга ҳаққи йўқлигини очиқ кўрсатиб турибди.

Жиноятларда эса қозига арз қилинганидан аввал ҳам, кейин ҳам кишининг кечиришга ҳаққи бўлади. Аҳмад Абу Шурайх Ҳузойидан ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أُصِيبَ بِدَمٍ أَوْ خَيْلٍ وَالْخَيْلُ الْجَرْحُ فَهُوَ بِالْخِيَارِ بَيْنَ إِحْدَى ثَلَاثٍ: إِمَّا أَنْ يَقْتَصَّ وَإِمَّا أَنْ يَأْخُذَ الْعَقْلَ وَإِمَّا أَنْ يَغْفُو»

«Кимгаки жон ёки жароҳат мусибати етса, уч ишдан бирини танлаши мумкин: ё қасос олсин, ё товон тўлатгирсин ёки кечирсин». Бу ҳадис одамнинг ўз ҳаққидан воз кечиши мумкинлигини очиқ кўрсатапти. Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَا عَفَا رَجُلٌ عَنْ مَظْلَمَةٍ إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ بِهِ عِزًّا»

«Қайси бир киши бир зулмни кечирса, шу иши туфайли Оллоҳ унинг азизлигини зиёда қилиши муқаррар», деганлар. Термизий Абу Дардодан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«مَا مِنْ رَجُلٍ يُصَابُ بِشَيْءٍ فِي جَسَدِهِ فَيَتَصَدَّقُ بِهِ إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ بِهِ دَرَجَةً، وَحَطَّ عَنْهُ بِهِ خَطِيئَةً»

«Қайси бир киши жисмига бирон мусибат етса-ю, уни садақа қилиб юборса (яъни кечирса), шу иши туфайли Оллоҳ уни бир даража кўтариши ва бир гуноҳини учирини аниқ», деганлар. Жиноятларни кечириш Қуръонда ҳам келган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَاتَّبِعْ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءٌ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَخْفِيفٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ﴾

– „Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз авф қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйсунини ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир. Бу (ҳукм) Парвардигорингиз томонидан енгиллик ва раҳм-шафқатдир“.

[2:178]

Яна Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَجَزَاءٌ سَيِّئَةً سَيِّئَةً مِّثْلَهَا فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ﴾

– „(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни ҳар бир ёмонликдан кейин ўзига яраша жазоси бордир). Энди ким (интиқом олишга қодир бўлган ҳолда) афв қилиб, (ўртани) тuzатса, бас, унинг ажри Оллоҳнинг зиммасидадир“.

[42:40]

Бу оятлар одам боласининг ҳам жинойтлар борасида ўз ҳаққидан воз кечиши мумкинлигини кўрсатиб турибди, бироқ бу иш фақат жинойтларгагина хосдир. Чунки оятларда гап жинойт ҳақида боряпти. Демак, жинойтларда ҳақдор кечириши мумкин.

Давлат эса жинойтларда ҳақдор кечирганидан кейин жазони бекор қилади. Чунки унинг жазолашига ҳожат қолмайди. Бу билан давлат кечирган бўлиб қолмайди. Кечирган ҳақдорнинг ўзидир. Ҳақдор кечирмаса, давлатнинг ҳам, қозининг ҳам, халифанинг ҳам кечиришга ҳаққи йўқ. Зеро, Оллоҳ Таоло:

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор,...“

[2:179]

дейди. Яъни қасоснинг бўлиши ҳаётни муҳофаза қилади, бўлмаслиги эса унинг сўнишига олиб боради. Бу ерда қасос жазодир. Унинг сабаби эса ҳаётдир. Оқибат эса бор ёки йўқ бўлиш. Модомики, давлатнинг ҳаётни муҳофаза қилиши фарз экан, кечириш тарки фарзга олиб бориб қўйгани туфайли ножоиз ишдир. Бундан ташқари, ҳадлар борасида Оллоҳ ҳокимга кечиришни аниқ ҳаром қилган. Чунки улар Оллоҳнинг ҳаққидир. Шунингдек, жинойтларда ҳам Оллоҳнинг ҳаққини давлат бекор қилолмайди ҳам, кечиролмайди ҳам. Ҳокимнинг ҳам уни кечиришга ҳаққи йўқ. Оллоҳнинг ҳаққи учун белгиланган жазони тайинлаши вожиб.

Таъзирнинг жазосини белгилаш Халифа ва унинг ноиби сифатида қозига ҳавола қилинади. Халифанинг жазо тайинлаши шарт эмас, кечириши ҳам мумкин. Бунга далил Аҳмаднинг Муоз ибн Жабал رضي الله عنهдан қилган мана бу ривоятидир:

﴿أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا تَقُولُ فِي رَجُلٍ لَقِيَ امْرَأَةً يَعْرِفُهَا، فَلَيْسَ يَأْتِي الرَّجُلُ مِنْ امْرَأَتِهِ شَيْئًا إِلَّا قَدْ أَتَاهُ﴾

مِنْهَا، غَيْرَ أَنَّهُ لَمْ يُجَامِعْهَا فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ هَذِهِ آيَةَ (أَقِمِ الصَّلَاةَ طَرَفِي النَّهَارِ وَزُلْفًا مِنَ اللَّيْلِ) فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأْ ثُمَّ صَلِّ»

«Бир одам Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Оллоҳнинг Пайғамбари, таниш хотин билан учрашиб қолиб, эркак киши ўз хотини билан нима иш қилса, ўша ишни қилган, фақат жимоъ қилмаган киши ҳақида нима дейсиз?», деди. Шу пайт Оллоҳ Таоло:

﴿وَأَقِمِ الصَّلَاةَ طَرَفِي النَّهَارِ وَزُلْفًا مِنَ اللَّيْلِ﴾

– „Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагидан намозни тўқис адо қилинг!“; [11:114]

деган оятини нозил қилди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Таҳорат қилиб, намоз ўқи», дедилар». Бу ерда бир киши ҳаром ишни қилди. Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, иқрор ҳам бўлди. Шунга қарамай, Пайғамбар ﷺ уни жазоламадилар, кечирдилар. Бир ривоятда:

﴿تَوَضَّأْتُ ثُمَّ صَلَّ﴾

«Таҳорат қилиб, намоз ўқи» дейиш билан кифояланган бўлсалар, яна бир ривоятда:

﴿أَصَلَّيْتُ مَعَنَا﴾

«Биз билан намоз ўқидингми?», деб сўрадилар. У: «Ҳа», деб жавоб бергач:

﴿إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ السَّيِّئَاتِ﴾

– „Албатта яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур“, [11:114]

деган оятни тиловат қилдилар. Бундан ташқари, Пайғамбар ﷺ: «Бу Оллоҳнинг розилиги учун қилинган тақсимлаш бўлмади», деган одамни ҳам жазоламаганлар. Шунингдек, Зубайрнинг фойдасига бир ҳукм чиқарганларида: «Аммаваччангиз бўлгани учун (шундай қилдингиз)» деган одамни ҳам - ғазабланган бўлсалар-да, жазоламаганлар. Шулардан кўриниб турибдики, таъзир бобига оид бир иш ҳокимга кўтариб чиқилса, унинг кечиришга ҳаққи бор.

Шунингдек, жазони енгиллатишга ҳам, энг енгил ҳадни белгилашга ҳам унинг ҳаққи бор. Оиша ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

«أَقْبِلُوا ذَوِي الْهَيْئَاتِ عَشْرَاتِهِمْ إِلَّا الْحُدُودَ»

«**Ўрнак бўладиган кишиларнинг ҳадлардан бошқа хатоларини кечиришлар**», деганлар. Хатосини кечириш, тойилишидан кейин қайта туриб олишига ёрдам бериш афв этиш ёки жазосини енгиллатиш билан бўлади. Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ:

«الْأَنْصَارُ كَرِشِي وَعَيْبَتِي وَالنَّاسُ سَيِّكْثُرُونَ وَيَقْلُونَ فَأَقْبِلُوا مِنْ مُحْسِنِهِمْ

وَتَجَاوَزُوا عَنْ مُسِيئِهِمْ»

«**Ансорлар менинг гуруҳим ва ишончли кишиларимдир. Одамлар эса кўпайтириб ҳам, камайтириб ҳам турадилар. Шунинг учун уларнинг яхшиларини қабул қилиб, ёмонларини ўтказиб юбораверинлар**», деганлар. Ёмонларини ўтказиб юборавериш уларни кечиришдир. Чунки ўтказиб юбориш кечириш деганидир. Шунга кўра, таъзирда кечириш ҳам, жазони енгиллатиш ҳам мумкин. Фақат бу ишга ёлғиз халифанинггина ҳаққи бор. Агар халифа бирор жазонинг энг енгил миқдорини белгилаб қўйган бўлса, қозининг кечиришга ҳаққи бўлмайди. Чунки халифа белгилаб қўйган жазони тайинлашдан бошқа иложи қолмайди. Агар халифа жазонинг енгил миқдорини белгилаб қўймаган бўлса, қозининг ҳам кечиришга ва жазони енгиллатишга ҳаққи бўлади. Кечириш борасида қонунбузарлик ҳам таъзир кабидир. Бу борада таъзирда қандай иш тугилса, қонунбузарликда ҳам шундай иш тугилади.

Юқоридагилар иш қозига кўтарилиб, ҳали ҳукм қилмаган бўлса, қилиниши мумкин бўлган ишлардир. Ҳукм қилганидан кейин эса ҳақдор кечирган жиноят бобига алоқадор ишларда афв этиши жоиз эмас. Ҳадлар бобига алоқадор ишларда ҳукмдан олдин ҳам, кейин ҳам кечиришга ҳаққи йўқ. Жиноят бобига алоқадор ишлар ҳам ҳақдор кечирмаса, ҳад бобига ўхшаб, Оллоҳнинг ҳаққи бўлиб қолади. Шундай бўлгач, ҳукмдан олдин ҳам, кейин ҳам афв этиши мумкин бўлмайди. Таъзир ва қонунбузарликларда эса қози бир ҳукмни айтгач, уни бажариш ҳамма мусулмонларга лозим бўлади. Шунинг учун уни, модомики шариат чегарасидан чиқиб кетмаган экан, бекор қилиш, йўқ қилиш, ўзгартириш, енгиллатиш, умуман ҳеч нарса қилиш мумкин бўлмайди. Чунки қози ҳукмни айтганидан кейин уни бекор қилиш мумкин эмас. Афв этиш эса уни бекор қилишдир. Шунинг учун ҳам у жоиз эмас. Ҳақдор кечирган жиноят бобига

алоқадор ишларни бундан истисно қилинишига далил шуки, Оллоҳ Таолонинг:

﴿فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ﴾

– „Энди ким (интиқом олишга қодир бўлган ҳолда) авф қилиб, ўртани тузатса...“; [42:40]

деган сўзи ҳам, Пайғамбар ﷺнинг:

﴿مَا عَفَا رَجُلٌ عَنْ مَظْلَمَةٍ﴾

«Қайси бир киши бир зулмни кечирса», деган гаплари ҳам умумийликни ифодалаб, ҳукмдан олдинги ҳолатга ҳам, кейинги ҳолатга ҳам тааллуқлидир. Шу очиқ ҳужжат билан бу иш мустасно қилинган. Ундан бошқаларида ҳукмдан кейин ҳеч қанақасига кечириш мумкин эмас.

